


САИДМУРОД ДАВЛАТОВ



БОЙЛИКНИНГ
ШАРҚОНА
ФАЛСАФАСИ

7 ТА БЕСТСЕЛЛЕР
КИТОБЛАР
МУАЛЛИФИДАН
ЯНГИЛИК



МЕНИНГ КУЧЛИ ТОМОНИМ



ХАЁТДА ЎЗ
ЎРНИНГИЗНИ
ТОПИШДА
ЁРДАМ БЕРУВЧИ
39 ТА ОМИЛ

Сайдмурод ДАВЛАТОВ

МЕНИНГ КУЧЛИ ТМОНИМ



MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDA
TOSHKENT AXBOROT
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

413222

AXBOROT RESURS MARKAZI

«MATRIX»
Тошкент – 2022

УЎК 159.9 005.511

88.3

Д 14

Давлатов, Сайдмурод

Менинг кучли томоним / С. Давлатов. - Тошкент:
«MATRIX» нашриёти, 2022. - 280 б.

КБК 88.3

Агар киши ўзининг ҳақиқий мақомига сазовор бўла олса, албатта, муваффақиятга эришади. Шон-шуҳрат, бойлик, муваффақият икки қўйини қовушириб, кутуб ўтирган инсонга келмайди. Ўз мақсадларингизга эришии учун ҳаракат қилишингиз керак, қийинчиликларни енгизингиз ва биринчи навбатда, ўз-ўзинингизни ривожлантириши билан шугулланишингиз зарур. Бизнес-мурабабий ва молиявий фикрлаш бўйича бестселлерлар муаллифи Сайдмурод Давлатов ўзликни англаш ва қобилияtlардан максимал дараражада фойдалана олишини яхши билади. Мазкур китобда у ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун керак бўладиган барча зарурий тамоийиллар ҳақида баён қиласди.

ISBN 978-9943-8089-3-5

© С.Давлатов, 2022

© «MATRIX», 2022

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
Хаётингиздаги учта муаммо	7
Характер қандай шаклланади?	12
Машғулотлар характерни шакллантиради.....	19
Ақл ютуқларидан завқланиш	29
Учта асосий хусусият	35
Истеъдод ва тақлид	39
Профессионаллик	47
Сезги.....	58
Фикрлаш ва атроф-муҳит	68
Интеллектуал онг	73
Ҳиссий онг.....	77
Рухий интеллект.....	79
Ресурслар	90
Тўсиқларни енгигб ўтиш	99
Сукунат қонуни	109
Шахсият ва қобилияtlарга таяниш	112
Буюклик кўрсаткичлари	119
Қадриятларни шакллантириш.....	124
Қадриятларни аниқлаш ва ифодалаш.....	127

Менинг ҳаётий қадриятларим.....	134
Сизнинг салоҳиятингиз	141
Ҳаёт стратегияси	147
Онг сири.....	151
Ҳаёт қобиги	160
Тайм-менежмент воситалари.....	163
Учта асосий нотўғри тушунча	167
Вақт нархи	169
Юмушлар ва ҳиссиётлар тоифалари	175
Режалаштириш	178
Сизнинг интеллектингиз таҳлили	185
Халал берувчи омиллар	194
Тугалланмаган ишлар рўйхати	200
Ўз-ўзини таҳлили қилиш усуллари ёки фаолиятни танлаш.....	203
Яна бир муҳим омил	215
Мен шуғулланишим мумкин бўлган ўнта йўналиш....	220
Фокус. Фикрларни жамлаш.....	226
Қандай фикрлаш керак?	231
Муваффақиятли шахс тафаккурини шакллантириш.....	238
Атрофингиздаги бойлик	243
Қийматни яратинг	252
Муваффақиятни ҳамма жойда кўришга ўрганинг	260
Ижодий фикрлашни ривожлантириш технологияси ёки қандай қилиб ақлли бўлиш мумкин?	262
Хулоса	278

КИРИШ

*Инсон ўз қобилиятларини ҳаётда қўллаб
кўриши орқали аниқлай олади.*

Луций Анней Сенеса

Инсон шароит маҳсули эмас, аксинча, шароитни у шакллантиради. Буни тушуниш учун ҳақиқий доно инсон бўлиш керак. Аксарият одамлар ўз тақдирларига таъсир кўрсата олмасликларига ишонишади. Улар шароит уларнинг ҳаёт сифатини белгилайди ва ҳаёт сифати инсоннинг ким бўлишини белгилаб беради, деб хисоблашади.

Шунинг учун одамлар ҳеч нарсани ўзгартиришга ҳаракат қилишмайди ва ўз олдиларига буюк мақсадларни қўйишмайди, ўз қобилиятларини ривожлантиришга уриниб кўришмайди.

Аслида эса агарда инсон ўзининг кучли томонларини топа олса ва юксак марраларга эришишда улардан фойдаланса, муваффақиятта эриша олади, унинг орзулари амалга ошади.

Ўз афзалликларини аниқлашга муваффақ бўлган, ривожлантира олган ва мақсадларига эришиш учун улардан фойдалана олганлар ўз номини тарихда қолдиради-

лар. Бундай одамлар нафақат ўзлари китоб ўқийдилар, балки кейинги авлод ўкиши учун асарлар ҳам яратадилар. Қобилиятларни юзага чиқариш ва улардан фойдаланиш учун унга бутун ҳаётингизни бағишлиашингиз керак. Эйнштейн, Менделеев, Мұхаммад Али, Мандела, Маҳатма Ганди, Тереза она, Ленин, Маркс, Ибн Сино, Ал-Беруний, Брюс Ли, Эдисон ва бошқа таниқли шахслар шундай қилишган.

Ўзингизнинг кучли томонларингизни аниклаб, сиз ҳаётингизни Ердаги вазифаларингизни бажаришга сарфлайсиз, Худо имкон берган ишларни бажарасиз. Сизнинг мақсадингиз Худонинг мақсадига айланади, Яратган бу дунёни сизнинг қўлларингиз билан яхшилади. Агар ўз қобилиятингизни аниклаб, ушбу инъомни жамият фойдаси учун ишлатсангиз, мақсадингиз эзгу бўлса, сиз кудратли инсонга айланасиз, чунки Яратганинг ўзи сизни қўллади. Бунга ишонишингиз ҳам, ишонмаслигингиз ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз ҳақсиз. Чунки бу сизнинг танловингиздир. Бунга ишонгандарнинг асосий вазифаси эса – ўзининг кучли томонларини топиш ва ҳаётда қўллашдир. Келинг, буни қандай амалга ошириш ҳақида гаплашамиз.

ҲАЁТИНГИЗДАГИ УЧТА МУАММО

*Ҳар бир инсоннинг ўз мақоми бор.
Иқтидор – уни билишиликдир.*

Ральф Эмерсон

Инсонга ҳаётни самарали бошқариш имконини берадиган ягона тизим мавжуд. Гап нима ҳақдалигини тушуниш учун ҳаёtingизда мавжуд бўлган учта ҳақиқий муаммони қофозга ёзишингиз зурур.

Бу саволлар қайси соҳага тегишли эканлиги мухим эмас (иш, оила, соғлиқ), сизни шахсан нима ташвишга солаётганини кўрсатиш мухимдир.

Биласизки, эртами-кечми бу муаммолар ҳал қилинishi керак: ёпилмаган кредит, қарзлар, касаллик, паст иш ҳақи ва ҳоказо. Булар сизнинг таъсир доирангиздаги муаммолардир. Улар ҳақида ёзинг.

Ўзингиз ҳал қила олмайдиган муаммолар ҳақида ёзманг, масалан, доллар курсининг кўтарилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, ноқулай бизнес муҳити, мамлакатдаги ёки бутун дунёдаги сиёсий бекарорлик. Бундай ҳолларда сиз ожизсиз ва ҳеч нарсани ўзгартира олмайсиз.

1. _____
2. _____
3. _____

Учта муаммони ёзганингиздан сўнг шу саволга жавоб беринг: улар қанча вақтдан бери мавжуд (*бир йил, икки, уч ёки эҳтимол беш йилдир*) ва нима учун бу муаммолар билан яшаяпсиз? Ахир сиз доим ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда улар ҳақида ўйлайсиз.

Мазкур китобнинг мақсади бу каби муаммоларни ҳал қилиш механизмларини топиш. Ишончим комилки, сиз мутолаа давомида ўзингизга керакли жавобларни топасиз. Онгингиз ушбу муаммолар ечимини излаши ва топиши керак бўлган ягона воситадир. Негаки улар онгингиз маҳсули ва хатти-ҳаракатларингизнинг натижаси. (*Демак, сизнинг фикрларингиз ва ўйлаб қилган хатти-ҳаракатларингиз бу муаммоли вазиятни келтириб чиқарган*).

**Ўз-ўзини таҳлил қилиш биз учун муҳим,
шу сабабли биз кўп ўйлашимиз, мулоҳаза
юритишимиз, ўзимиз ва онгимизни
ўрганишимиз, ҳаракатлар, ҳодисаларда сабаб ва
оқибат муносабатларини излашимиз керак.**

Мисол тариқасида ҳаётимда содир бўлган бир воқеани айтиб бераман. Рафиқамнинг таваллуд куни эди, мен уни туғилган куни билан ноодатий тарзда табриклишга қарор қилдим. Бунинг учун ўзим ўйлаб топган одамлар-

нинг хатти-ҳаракатларининг стереотипларини кўрсатувчи механизмдан фойдаландим.

Турли жойларга ўнта совғани яшириб қўйдим ва рафикамга уларни ўзи топиши кераклигини айтдим. У биттасини қидириб топди, кейин тасодифан иккинчисини топиб олди ва жуда мамнун бўлди.

Мен турмуш ўртоғимга ҳеч нарса демадим, у излашда давом этадими-йўқми буни кузатишга қарор қилдим. Ўша куни кун бўйи бошқа совғаларни топишга ҳаракат қилмади. Эртаси куни унга ҳали ҳамма совғаларни топиб бўлмаганини айтишга тўғри келди. У яна қидиришга киришди ва бирданига учта совғани топди. Шунда барча совғаларни топиб бўлганига амин эди. Лекин қидирувни давом эттириши кераклигини эшлишиб, жуда ҳайратда қолди. Эртаси куни хотиним бутун кунини қидирувга бағишилаб ишга ҳам бормади.

Аммо у яширилган совғалар сони топилганларидан кўп эканлигини айтганимдан кейингина уларни қидира бошлади.

Кейин мен бир нарсани ўйлаб қолдим:

**Биз ҳаёт бизга тайёрлаб қўйган совғаларни
ҳатто қидирмаймиз ҳам.**

Биз ўзимизга мосроқ ишни топиб олсак, унга ўзимизни олтин кишанлар билан боғлаб, бутун умримизни бағишилаймиз. Балки истеъдодимиз бутунлай бошқа соҳада намоён бўлиши мумкинлиги ва шунда биз ҳақиқий муваффакиятга эриша олишимизни ўйлаб кўрмаймиз. Бу ҳаётнинг ўша сиз қидирмаган совғаси бўлиши мумкин. Лекин одамлар кўп нарса даъво қилмасдан, оз нарсага қаноат қилишади ва ҳаётнинг бошидаёқ из-

лашдан воз кечишади. Улар ўзлари учун тайёрлаб кўйилган совғаларни сезмай, уларнинг ёнидан бефарқлик билан ўтиб кетадилар. Шунинг учун ҳеч қачон ўзингизни, ўзингизнинг кучли томонларингизни, ўз мақомингизни, истеъдодингизни излашдан тўхтаманг. Фақат шу йўл муваффакиятингизни кафолатлаши мумкин.

ТАНИКЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Михайло Ломоносов

Михайло Ломоносов бадавлат дехқон оиласида туғилган. У бақувват йигит бўлиб улфайди ва тез орада уй хўжалик ишлари бўйича биринчи ёрдамчига айланди: мол боқар, экинзордаги ўтларни ўрап, ҳосилни ийғишириб оларди.

Ўн ёшида унга балиқчилик билан шуғуллашибни ўргатиши. Михайлнинг қизиқувчанигини пайқаган маҳаллий роҳиб эса унга ўқиш ва ёзишни ўргата бошлади. Ўсмир йигит ўқишини ўргангач, бўш вақтини китоб мутолааси билан ўтказадиган бўлди.

Шароитлар ёш Ломоносов учун ҳаёт йўлини аниқ белгилаб қўйганди – у отасининг уйида қолиб, у каби бой дехқон бўлиши мумкин эди. Аммо билимга бўлган иштиёқ унга тинчлик бермади ва ўқиш учун имкониятларни излашга мажбур қилди. 19 ёшида Ломоносов нарсаларини ийғишириди (*иккита кўйлак, нимча ва бир нечта китоблар*) ва тунда отаси билан ҳам хайрлашмасдан, яширинча Москвага қочиб кетди.

Пиёда йўлга чиққан саёҳатининг учинчи кунида у пойтахтга йўл олган балиқчилар карвонини қувиб етди, улар билан бирга боришга рухсат сўради. Уч ҳафтадан кейин Москвага етиб олди. Бўлажак олим ўз орзуси учун босиб ўтган масофа тахминан 1160 км. эди.

Москвада унга яна бир тўсиқ топилди – таълим муассасаларида дехқон болаларини қабул қилишмасди. Бу тақиқ Михайлони тўхтатиб қололмади: у ўзини холмогорлик зодагонининг ўғли сифатида таништириб, славян-юнон-лотин академиясига ўқишига киришга эришди.

У энг тиришқоқ талабалар қаторида бўлиб бир йилда иккита курсни ўзлаштирди. Кела-жакда эса буюк қомусий олим бўлиб етишди.

Мен камида бир неча ўнлаб инсонларни биламан, улар шароит билан курашмаганида ва тўсиқларни енгигиб ўтмаганида ҳеч нарсага эришмаган бўлар эди. Бу Майк Тайсон, Брюс Ли, Ал-Беруний, Камол Хўжандий, Абулқосим Фирдавсий, Арнольд Шварценеггер, Жек Ма, Алишер Усмонов, Чингизхон, Амир Темур, Жеки Чан ва бошқалар. Улар ўз тарихини ўzlари яратдилар.

ХАРАКТЕР ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

*Характер хоҳ катта, хоҳ кичик изчилликда
бўлсин, қўлингдан келадиган, ўзинг қодир
бўлган ишни амалга оширишдан иборат.*

Иоганн Гёте

Бу жуда муҳим мавзу. Агар биз характерни шакллантиришга қодир нарсани аниқласак, биз бу жараёнга таъсир қилишимиз, ижобий фазилатларни мустаҳкамлашимиз ва салбийлардан халос бўлишимиз мумкин. Баъзилар энг муҳими ирсий омил деб ҳисоблашади, яъни ота-онанинг генлари. Бу нотўғри. **Характер – тарбия ва ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади.** Аждодлардан эса етти авлодга ўтиб, қайсиdir болада, набирада ёки чеваралардан бирида ўзини намоён киладиган истеъдод ва қобилияtlар мерос бўлиб қолади.

Биламизки, аксарият бадавлат инсонларнинг фарзандлари уларнинг ота-оналарига бойишга ёрдам берган фазилатларга эга бўлишмайди. Чунки

характер генлар орқали ўтмайди.

У турмуш тарзи ёрдамида шаклланади.

Саккиз ёшлигимда онам мени устоз тарбиясига берди. У менга ҳаёт сабоқларини ўргатди. Ўшанда ёш бўлганлигим сабабли кўп нарсани тушуммаганман, лекин ҳозир шундай хulosага келдимки, устозим олган билимлар ҳамда донолиги ўзаро уйғун ва самарали бўлган. Ўз ҳаётим ва бошқа инсонларнинг тақдирини таҳлил қилар эканман, мен бунинг тасдигини кўраман.

Шароит тақозоси билан мен болалар боғчасига бормаганман, уйимизда телевизоримиз ҳам йўқ эди. Онамдан телевизор сотиб олишни сўраганимни эслайман, лекин телевизор кўп вақтимни олишини тушунтириб, буни рад этган. Тенгдошларим устимдан кулишарди: онам болалигимда менга бир дақиқа ҳам бўш вақт қолдирмаган, доимо нима биландир банд бўлардим. Мактабда ўқиш, уй вазифасини бажариш, устозимнинг олдига қатнаб ўқиш ва уй ишлари. Синфимда мен каби аъло баҳоларга ўқиган яна иккита ўкувчи бор эди. Ўрта мактабни шаҳодатномамда рус тилидан ташқари барча фанлар бўйича “беш” баҳо билан тутатдим, рус тилидан “тўрт” кўйиб беришганди.

Менда бўш вақт топилиб қолса, устозимнинг маслаҳати билан уни кутубхонада ўтказардим. Мактаб йиллари давомида кутубхонадаги китобларнинг учдан бир қисми ни ўқиб тугатишга муваффақ бўлдим.

**Жисмоний тарбия ўрнига ҳам китоб ўқидим,
чунки менга уй ва хўжалик ишларидаги
жисмоний ҳаркатларнинг ўзи етарли эди.**

Мактабни тутатгандан сўнг, мен ва мактабни аъло баҳоларга тамомлаган яна икки нафар синфдошим олий ўкув юртларига ўқишга кирдик.

Мен бирданига учта ўқишига кирдим: Политехника институтининг қурилиш-муҳандислик факультетига, университетнинг юридик факультетига, шунингдек, Музыка академиясининг ҳам талабаси бўлдим. Аммо ўқишига пулимиз йўқлиги сабабли ўқишини ташлашга мажбур бўлдим.

Мен бадавлат оилада ўсганман, лекин ўша қийин даврда биз ҳамма нарсамиздан айрилгандик. Собиқ итифоқнинг қулаши, пул алмашинуви, фуқаролик уруши – буларнинг барчаси бизнинг моддий турмушимизга салбий таъсир кўрсатганди.

Сабрли бўлиб, ўқишини давом эттиришим мумкин эди, чунки мен қариндошларимницида яшардим, лекин бу мен орзу қилган ҳаёт тарзи эмасди. Икки ой ўқиганимдан сўнг, вазиятни таҳлил қилиб, ўқишини ташлашга қарор қилдим. Икки синфдошим эса ўқишини давом эттиришди, бири – Олий милиция мактабида, иккинчиси – Тиббиёт институтида. Бошқаларнинг олдинлаб кетишини кўриш мен учун аламли эди, мен эса жойимда қотиб колгандим. Мактабда мендан уй вазифаларини кўчириб юрганлар ҳам олий ўқув юртларида ўқишарди, мен эса пул топиш дардидага кўча кезардим.

**Ўзимни таъминлаш учун уйма-уй юришим,
Душанбе чеккасидаги қишлоқдан олиб келинган
сут ва мева-сабзавотларни сотишим керак эди.**

**Кейин эса муваффақиятга эришишга қарор
қилдим.**

Мантиқан ўйлайдиган бўлсак, олий таълимда таҳсил олган синфдошлар мендан кўра кўпроқ нарсага эришишлари керак эди. Уларда юқори мартабаларга эришиш учун катта имкониятлар бор эди. Аммо ўтган

йигирма тўрт йилдаги натижаларимизни солиштиrsак, Олий полиция мактабини тамомлаган синфдошим, кўп йиллар давомида Россияда ҳаммол бўлиб ишлабди ва ҳозир унинг қаердалигини ҳам билмайман. Тиббиёт институтини битирган синфдошим эса қорамол териларни йиғиши билан шуғулланмоқда. Менинг ютуқларим эса ҳаммага маълум. Мен нима учун бундай бўлганини тушунишга ҳаракат қилдим. Ахир улар менинг тенгдошларим, уларга нима таъсир кўрсатди, қандай воқеа ҳаётларида бурилиш ясади?

Бир неча йиллар олдин мен китобимнинг тақдимотида улардан бири билан учрашиб қолдим. Ўшандада унинг тери савдоси билан шуғулланаётганини билдим. Ҳайратимни тасаввур қиляпсизми? Дипломли шифокор умуман кутилмаган соҳада. Мен ундан истеъододи қаерга кетганини сўрадим, аммо у ҳаммаси яхши, деб жавоб берди, яхши уйи ва машинаси борлигини айтди.

Мен йиглаб юборай дедим: у буюк шахсга айланиши мумкин эди. “Мен сени танимаяпман, шундай истеъодингни йўқ қилибсан” – деб хитоб қилдим.

Иккинчисини Москвада учратиб қолдим, унга “Бо билдаги энг бой одам” китобини бериб, китобни етти марта ўқишини сўрадим. Унга айтганимни қилса ва китобни ўқиб, унда нималар ёзилганини кейинги сафар учрашганимизда сўзлаб берса, муваффақиятли бизнес қуришда ёрдамлашишга сўз бердим. Ахир у менинг синфдошим ва яқин дўстим.

Бироз вакт ўтгач, мен у билан яна учрашдим ва китоб унга ёқкан ёки ёқмаганлигини сўрадим. У шундай жавоб берди: “Сайдмурод, сен жуда соддасан, эртакларга ишонасан. Шундай қилиб бойиб кетиш мумкинми? Бу китоб ёш болалар учун ёзилган бўлса керак.”

Мен унга тушунтиришга ҳаракат килдим:

**“Биласанми, ҳаёт мураккаб нарса, ҳар кимнинг
ўз ҳикояси бор. Биз уни ўзимиз ёзамиз,
фақат кимнингдир эртаги бойлик ҳақида ва
кимникидир қашшоқлик ҳақида. Мен бу китоб
ҳақида шундай фикрга келганингдан жуда
афсусдаман.”**

Менинг олдимда умуман бошқа одам турарди. Мен билан тунларни уйқусиз ўтказиб таълим олиш ва муваффақиятга эришиш учун университетга киришга тайёрланган синфдошим эмасди.

Азиз ўқувчим,

**Ҳаёт – бу танловдир. Сиз нимани танласангиз,
шу нарса ҳаётингизда пайдо бўлади.**

Бунга кимгадир энг сўнгида, ҳаётида ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган пайтда амин бўлса, жуда ачинарлидир.

РИВОЯТ: “УРУҒЛАР”

Бир аёл тушида ўзини сехрли дўконда кўрибди. У ерда ажойиб маҳсулотлар сотилар экан.

- Хайрли кун. Қандай ажойиб дўкон – дебди у хурсанд ҳолда.
- Сизга ҳам кун хайрли бўлсин, – дебди со-тубчи.
- Сиздан нима сотиб олсан бўлади? – сўрабди аёл.

– Мендан ҳамма нарсани сотиб олишингиз мумкин, – жавоб берибди сотувчи.

– Ундаи бўлса, илтимос, менга соғлик, баҳт, севги, муваффақият ва қўпроқ пул беринг.

Эркак жилмайиб, буюртмани олиб келиш учун ичкари хонага кириб кетибди. Бироздан кейин қўлида кичкина қофоз кути билан қайтиб чиқибди.

– Бор-йўғи шуми? – деб ҳайрон бўлибди ҳафсаласи пир бўлган аёл.

– Ҳа, ҳаммаси шу, – деб жавоб берибди сотувчи ва кейин қўшимча қилибди:

– Бизда фақат уруғ сотилишини билмасмидингиз? Сиз меҳнат ва сабр-тоқат билан улардан ҳосил етиширишингиз керак. Тайёр нарса ҳеч қаерда сотилмайди.

Ҳаёт жуда адолатли, у ҳаммага имконият беради. Агар соғ-саломат бўлсангиз, шунинг ўзи катта баҳт. Бир кеча-кундуз 24 соатдан иборат, вакт эса мақсадга эришишда асосий ресурсларни таҳдидлашадиган.

Инсонларда фикрлаш ва мулоҳаза юритиш қобилияти мавжуд. Сиз стратегия ишлаб чиқишингиз ва режа тузишингиз, ғояни амалга оширишингиз, янги нарсаларни яратишингиз, ихтиро қилишингиз, лойиҳалашингиз, одамларга керак бўладиган маҳсулот ишлаб чиқаришингиз мумкин.

Бу дунёда бизни ўраб турган ҳамма нарса бизга ўхшаган одамлар томонидан яратилиши мумкин. МАДДАЛИЙИ МАГАНИИ МАССАДА МУHAMMAD AL-XORAZMY NOMIDA УЗБЕКISTON REPUBLIKASI TECNOLOGIYALARI UNIVERSITETI лар, самолётлар, дори-дармонлар, ҳақиқиётлар, қарорлар, 413222 АХНОГОТИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ МАССАДА

Ўйлаш қобилияти ҳаммага туғилиши биланоқ берилади, фақат баъзилар уни фикрлаш орқали ривожлантиради, баъзилар эса йўқ.

Вақтни нимага сарфлашингиз сизнинг фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятингиз қандай ривожланишини белгилаб беради. Демак, сиз бой бўлишга ёрдам берувчи қобилиятлар билан дунёга келгансиз, шунингдек, ресурсларга ҳам эгасиз. Пул, алоқалар, ҳамкорлик кабиларга эса фикрлаш қобилиятингизни ривожлантириш орқали эришасиз.

Ҳаёт – бу танловдир.

МАШГУЛОТЛАР ХАРАКТЕРНИ ШАКЛПАНТИРАДИ

*Истеъдоднинг асосий белгиси – бу киши
ўзи нимани хоҳлаётганини билади.*

Петр Капица

Инсон ўзига завқ берадиган ишни бажаришни яхши кўради. Болалар бўш вақтлари бўлса, ўйнашади. Мен устозим борлиги учун бошқа йўлни тутдим. У бехуда ишларга вақт сарфламаслик кераклиги, вақтнинг қадри хақида менга сабоқ берди. Буни қайта-қайта такрорларди. Агар бола буни биринчи марта айтилганда тушунмаса ҳам, бешинчи ёки ўнинчи марта такрорланганда эслаб қолади, кейин, албатта, тушунади. Мен бўш вақтимни бошқа машғулотларга сарфлардим ва ўйин ўйнаб юрган тенгдошларим қандай завқланса, мен ҳам худди шундай завқ олардим.

Инсон максимал завқни мазали таомдан ёки чиройли машинадан эмас, қийинчиликларни енгиб ўтишдан, берилган имкониятларда ўзини синаб кўришдан ва эришилган натижалардан олади.

Синфдошларим муз устида коңыкыда учиш, түп тепиши, қишлоқ бүйлаб кезиш, шунчаки сұхбатлашишни ёқтиришарди. Мен эса китоблардан ва муаммоларни ҳал қилишдан завқландым. Шу тариқа мустақил харақтерга эга бўлдим.

Мисол учун, ўн икки кунлик қишки таътилда мен Умар Хайёмнинг 1500 та рубоийсини ёд олдим. Ҳеч ким менга бундай топшириқ бермади, лекин ушбу рубоийларни ёдлаш жараёнидан завқ олдим. Дурдона асар яратган рассом ҳам рухий қониқишини хис этади. Ўз бизнесини юқори даражага кўтарган ишбилармон ҳам муаммони ҳал қилганда ҳақиқий ғуурни туяди.

Табиатан инсон завқ излаб яшайди. Кимdir дивандаги ётишдан, кимdir сентиментал сериалларни томоша қилишдан, яна кимdir шовқинли кечалар, байрамларда сайр қилишдан завланади. Аммо бъязилар мақсадга эришишдан завқланишади. Киши ўзини синаб кўрганда ва арзирли натижага эришгандаги ақлий ютуқлар инсонга эйфория ва баҳт ҳиссини беради, унда ғуур пайдо бўлади. Инсон ўз вактини бағишилаган машғулотлар унинг харақтерини шакллантиради. Шунинг учун ёнингизда керакли масалаларда маслаҳат берадиган ва йўл-йўриқ кўрсатадиган доно одам бўлиши жуда муҳимдир. Бу борада менинг омадим келган. Менинг тарбиям билан шуғулланадиган устозим бор эди.

Мисол тариқасида Брюс Лини олайлик. У болалигидан жанг санъатига иштиёқманд бўлган ва бутун ҳаётини машғулотларга бағишилаган. У оламшумул шухратга эришди ва энг юксак маҳоратга эга бўлди. Дунёда ҳеч ким у эришган учта улкан натижаларидан ўзиб кета олмади.

Биринчидан, бу Брюснинг бир метр масофадан зарба беришдаги тезлиги. Ушбу тезлик атиги 0,05 сонияга

тeng бўлиб, шу қадар ақл бовар қилмас даражада эдики, сониясига 24 кадр суратга оладиган камера уни муҳрлашга улгура олмасди. Операторлар сониясига 32 кадр тезликда суратга олишлари талаб этиларди.

Иккинчидан, у бир дюйм масофадан зарба бериб, ракибини бир метр нарига улоқтириб ташлади. Тасаввур килинг-а, 2,54 сантиметр масофадан берилган зарбада деярли гурзи билан ургандек бўларди.

Учинчидан, у бир қўлнинг икки бармоғи билан гавдани кўтариш машқини бажариши мумкин эди. Бундан ташқари, гуруч доналарини ҳавога улоқтириб, таом тановул қилинадиган таёқчалар билан ушлай оларди.

Дунёда инсонлар кўп, лекин ҳамма ҳам ўз иқтидорини намоён эта олмайди. Чунки улар вактининг кўп қисмини фойдасиз машғулотларга сарфлайдилар.

Агар сиз кўп вактингизни дўстлар даврасида ўтказсангиз, мулоқот қилишни ўрганаисиз, жуда яхши сухбатдошга ва ҳатто дўстлар даврасининг “юраги”га ҳам айланарсиз, аммо ундан ортиғи эмас. Сиз ўша даражада қолиб кетасиз, ўзингизни бошқа соҳада синааб кўролмайсиз ва умр бўйи ундан ортиғига эришолмайсиз. Шунинг учун биз қимматбаҳо телефон харид қилишдан эмас, балки ўз олдимизга қўйган мақсадимизга етишишдан завқланишни ўрганишимиз керак.

Мақсадларга ақлни ишга солиш орқали эришилади. Аниқ мақсадлари бўлмаса инсон ўзини намоён қила олмайди ва у заарли одатларга асир бўла бошлайди, масалан, ичишга ружу қўяди. Спиртли ичимликлар қалбдаги бўшлиқни тўлдиради ва мақсадсиз ҳётда мавжудликдан чалғитади, холос. Ичувчи одам мастилик ҳолатидан

завқланади, чунки иқтидорини намоён этиш орқали роҳатлана олмади. Шу тарика у завқ олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қиласди.

Характер – тўсиқларни енгиш жараёнида, инсон мақсадларига эришишда қатъият кўрсатганда ва сабрли бўлганда шаклланади.

Мақолда айтилганидек: “Мехнат, меҳнатнинг таги роҳат”.

Бир куни ёнимга бир йигит келиб, интизомга риоя қилолмаётгани, ўзини бошқара олмаётганини айтди. Унга намоз ўқишни маслаҳат бердим. Ҳайрон бўлиб, унинг муаммоси билан намоз ўргасида қандай боғлиқлик борлигини сўради. Мен кунига беш маҳал намоз ўқиш орқали хоҳладими-йўқми, ўз-ўзидан қатъий тартибга амал қилишни ўрганишини тушунтиридим. Кейин эса вақт ўтиши билан кундалик ҳаётда ҳам интизомга риоя қила бошлайди.

Мусулмон бўлсангиз, сиз ҳам шундай қилишингиз мумкин. Агар насроний ёки бошқа динларга эътиқод килсангиз, эрталаб ва кечкурун ўзингиз билган дуоларни ўқинг. Бу интизомни шакллантиришга ёрдам беради ва муваффақиятнинг асосига айланади, чунки бунда сабртоқат ва чидамлилик шаклланади. “Интизом – бу эркинликни чеклаш эмас, ортиқча нарсаларни четлаштиришдир”, деган эди Брюс Ли.

Сабр-тоқат ва чидамлилик қийин вазиятда таслим бўлмаслик учун зарур. Масалан, сиз доимо спорт залга бориб, жисмоний машқлар билан шуғуллансангиз, йиғирма марта ўтириб-туриш машқини осонгина бажаришингиз мумкин. Аммо ҳар куни фақат шу машқни бајарсангиз, жисмоний қобилиятларингиз ривожланишдан тўхтайди.

Олдинга интилиш, имкониятлар даражасини ошириш учун машқлар сонини аста-секин кўпайтириш ва янгиларини кўшиб бориш керак. Кучли характер шундай шаклланади.

Икки синфдошим ушбу тамойилга амал қилишмади, улар фақатгина яхши ўқищди. Яхши ўқиши учун дарсликда ёзилганини ёдлаш ва ўқитувчи айтган нарсаларни эслаб қолиш етарли. Бунинг учун сабр-тоқат ва чидамлиликни ўрганиш, жисмоний кучингиз ва ақлий қобилияtingизни чиниктиришингиз шарт эмас. Демак, ўкувчи эшитган ҳамма нарсасини такрорлайдиган диктофон ролини ўйнайди, холос. “Беш” баҳо олиш учун кўп нарса керак эмас.

Шунинг учун мен тренингларимда тингловчиларни ўйлашга мажбур қиласман. Уларга ҳис-туйғуларини ифодалаш, шубҳаларини билдиришга изн бераман. Бу жуда муҳим. Сиз диктофонга айланмаслигингиз керак. Ўргангандарингизни бошқалар олдида мақтанишга ҳожат йўқ. Олган билимингиз ва барча тушунгандарингиздан мақсадга эришиш учун фойдалана олишингиз зарур.

Доно инсон ўз ақлига мос ҳаёт кечиради.

У ўз билимларига эгалик қиласми, улардан фойдаланади. Конфуций шундай деган: “*Олинган билимларини амалиётда қўлламаган одам ер ҳайдаган, лекин ҳосил олмаган дехқонга ўхшайди.*”

Ҳеч қачон вақтинчалик завқ келтирадиган нарсага эътибор қаратманг, чунки аста-секин бунга ўрганиб қолишингиз мумкин. Масалан, кўп ухлаш, кўп овқатланиш, спиртли ичимлик ичиш, тамаки чекиши. Вақт ўтиши билан бу сизга одат бўлиб қолади ва умр бўйи ўша ишни қилишда давом этасиз. Бу сизнинг эҳтиёжингизга айланади.

ТАНИКЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Соитиро Хонда

Афсонавий Honda Motor компанияси асосчысы Соитиро Хонда 1906 йилда дәхқончиликка ихтисослашган Хамамацу қишлоғида камбағал темирчи оиласида туғилған. Боланинг отаси темирчиликдан ташқари, велосипедлар таъмирлаш билан шуғулланған, Соитиро ҳам унга ёрдам берарди.

Ота ўз меросхўрига техник муаммоларни ҳал қилишни ўргатади, бобоси эса уни гуруч тегирмонига олиб бораради ва болалигидәёқ Соитирода арра тегирмонига, умуман механик курилмаларга қизиқиш пайдо бўлади. У 11 ёшида отасининг устахонасидаги велосипедни олиб, америкалик учувчи Артур Смитнинг авиашоусида қатнашиш учун 32 км. йўл босиб ўтган. Аммо Соитиро авиашоу бўладиган ҳудудга кириш чиптасини сотиб ололмагани сабабли дарахтга чиқиб, биринчи марта самолётларнинг учишини кузатди.

Автомобиль билан илк учрашуви болани шунчалик ҳайратда қолдирдики, Хонда буни бутун ҳаёти давомида эслаб қолди. Кейин Соитиро машина орқасидан қандай югургани ва йўлга тўкилган мотор мойи ҳидидан нафас олганини узоқ вақтгача эслаб юрди. Ўша пайтда Хонданинг қалбида ўз машинасини яратиш орзузи пайдо бўлганди.

1922 йилда Хонда ўрта мактабни тугатди ва Тэнрюдан пойтахтга кўчиб ўтди. Машина-

ларни яхши кўрган Соитиро механик бўлиб ишламоқчи эди, лекин 15 ёшли тажрибасиз йигитга Art Shokai устахонаси эгасининг болалариға қарашнигина ишониб топширишиди.

Факат 1923 йилнинг сентябридаги зилзиладан кейин, кўпчилик автомөханиклар ўз уйларини тиклаш учун вақтингча ишга чиқмаганларида Соитиро машиналарни таъмирлаш билан шуғуллана бошлади.

Автомеханик бўлиб ишлагач, аста-секин тажриба орттиришга эришди ва бир неча йил ўтгач, Art Shokai хўжайини Хондага ўз ватанига қайтиб, у ерда устахона филиалини очишига рухсат берди. Ўзининг устахонаси пайдо бўлиши билан Соитиро эркинликка эга бўлди. У конструкторлик билан шуғулланишни бошлади. Хусусан, қўйма металл диск яратиб ушбу кашфиёти учун ўзининг 150 та патентларидан биринчисини олишга муваффақ бўлди.

1937 йилда Соитиро Хонда янги корхона раҳбари бўлди. У поршенлар учун ҳалқаларни ишлаб чиқарувчи “Tokai Seiki Heavy Industry” корхонасига асос солди. У бу вазифани қўйма усулида осон ишлаб чиқариш мумкинлигига амин эди. Муаммо шунда эдик, бу эҳтиёт қисмларни жорий стандартга мос келтира олмади.

Ниҳоят, Хонда муаммони ҳал қилиш учун етарли билимга эга эмаслигини тушунди (*у ўрта маълумотли эди*), шу тариқа олий тех-

нология мактабининг сиртқи бўлим талабасига айланди.

Таникли профессорларнинг маъruzalарида қатнашган Хонда янги билимларни ўзлаштири ва уларни ўз корхонасида амалиётга татбиқ этди. Ноябрь ойига келиб, у сифати қоникарли бўлган деталь намунасини ишлаб чиқди. Бу ўқиш бошланганидан тўққиз ой ўтиб содир бўлди.

Уруш пайтида унинг корхонаси вайрон қилинди ва Хонда ишни яна нолдан бошлашга мажбур бўлди. Соитиро оддий велосипедни олиб, унга генераторнинг кам қувватли бензин двигателини ўрнатди.

Урушдан кейинги оғир йилларда одамлар арzon транспорт воситаларига муҳтоҷ эди, шунинг учун бу техника сотуви муваффақиятли бўлди. 1948 йилда Хонда янги компанияни яратишга қарор қилди ва унга ўз номини берди.

Шу тариқа пайдо бўлган Honda Motor 1963 йилга келиб мотоцикллар ишлаб чиқарувчи етакчи компанияга айланди. Бу вақтгача Хонда юзлаб рақобатчиларни, жумладан Италияning иирик заводларини ва афсонавий Harley-Davidson компаниясини бозордан сиқиб чиқарди. Натижада Хонда бутун дунёда мотоцикллар дизайнини тасдиқловчи компанияга айланди.

1960 йилларда Honda Motor автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлади, лекин факат 1973 йилга келиб Honda Civic автомашина-

ларини ишлаб чиқара бошлаганда жағон автомобиль бозорида муваффақиятта эришди. Кичкина, оддийгина, аммо кулай олд ғилдирекка асосланган ушбу автомобильга машина бозорида талаб катта эди. Негаки ўша пайтда дунёда нефть инқизоти авж олганди. Civic биринчи оммавий ишлаб чиқарылган япон автомобилига айланди. 1973 йилда Honda Motor компанияси ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан директорлар кенгаши йифилди ва Соитиро Хонда нафақага чиқишини эълон қилди. Унинг сўзларига кўра, компанияга унинг собиқ раҳбари имкон қадар камроқ келса, компания шунчалик гуллаб-яшнайди. У ўз қарорида қатъий турди, унинг талабига кўра нафақат унинг оила аъзолари компания ворислигидан олиб ташланиши, балки маҳоратли янги президент ҳам сайланиши керак эди.

Унинг таъкидлашича: “Компания асосчиси қанчалик иқтидорли бўлмасин, унинг ўғли худди шундай қобилиятли бўлишига кафолат йўқ. Компания раҳбарлиги етакчилик хислатларига эга бўлган муносиб номзодга берилиши керак.”

Нафақада бўлишига қарамай, у ўз компаниясида фахрий лавозимни эгаллашда давом этди ва Honda Motor компаниясини ривожлантириш бўйича лойиҳаларга ўз ҳиссасини қўшди. Шунингдек, у Япония автомобиль ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ва Токио Савдо палатаси фаолиятида иштирок этди. Бундан ташқари, Honda жамғармаси ҳамда

Халқаро йўл ҳаракати хавфсизлиги уюшмасига асос солди. Кейинги йилларда компания улкан муваффақиятларга эришди. 1988 йилда дунёдаги энг машхур автомобиллар рейтингида Хонда ишлаб чиқарган CRX, Civic, Prelude автомобиллари етакчи учта ўринни эгаллади. Компаниянинг Acura автомобили эса 1989, 1990, 1991 ва 1992 йилларда бутун дунёда энг кўп сотилган автомобиль сифатида эътироф этилди. Бу муваффақиятлар Япониянинг чекка шаҳарчасидаги камбағал аҳоли қатламидан етишиб чиқкан, яратувчанлик қобилиятига эга, янгича фикрлаш ва таваккал қилишга тайёр ақлли инсоннинг меҳнатлари натижасидир.

У қатъият, камтарлик, меҳнатсеварлик намунаси бўлиб унинг хатолардан хулоса чиқариб олиш ва ўрганиш қобилияти қимматли хусусият ҳисобланади. Соитиро Хонда компаниянинг бойлиги ёшларга бўлган ишонч ва ижодкорларни рағбатлантириш каби юксак ғояларга асосланганини айтган.

У компаниянинг машхур фалсафаси: “Биз компаниянинг глобал стратегиясидан келиб чиқиб, бутун дунёдаги истеъмолчилар талибини қондирадиган арzon ва юқори сифатли маҳсулотларни яратишга интиламиз” шиоридаги аниқ ифодаланган стратегик тамойилларини яратган ғайриоддий шахс ва ижодкор бўлган.

АҚЛ ЮТУҚЛАРИДАН ЗАВҚЛАНИШ

*Ақл – инсондаги барча қобиляяттарни
үйғунлаштирувчи бўлса ҳам бошқа
қобиляятлардан кўра қийин ва кечроқ
ривожланади.*

Жан Жак Руссо

Одамларда завқ олиб келадиган нарсаларга интилиш одати мавжуд. Кимлардир нарса харид қилиш ва кўп пул сарфлашни яхши кўрсалар, бошқалар казино, ресторонлар, тунги клубларга ташриф буоришни афзал билишади.

Ёшлиар эса дам олишни, эрталабгача шаҳар бўйлаб сайр қилишни, шунчаки суҳбатлашишни ва рақс майдончаларида хурсандчилик қилишни яхши кўрадилар, кимдир спорт билан шуғулланади, кимдир пиёда сайр қиласди, тренингларда, хайрия тадбирларида қатнашади ва ҳоказо. Яна кимлардир ҳаракатсиз турмуш тарзини ёқтиради: кун бўйи компьютер қаршисида ўтиради, интернетдан нималарнидир қидиради, компьютер дастурларини, мобиль иловаларни ишлаб чиқади ёки китоб ёзади, мусиқа басталайди ва шундан завқ олади. Бошқалар эса ичиб, чекиб, безорилик қилиб, қимор ўйнаб, маишат-

ларга бориб, ҳеч нарса ҳакида ўйламай умрини бехуда сарфлайдилар.


Мен завқланиши уч турга ажратаман:

1. Ҳайвонлар табиатига хос завқланиш: кўп ухлаш, кўп овқатланиш, номаъкул ишлар қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш кабилардан завқланиш.

2. Фаол ҳаёт тарзига интилиш: яхши мутахассис сис бўлиш ва мартабага эришиш, шунингдек севимли машғулот топиб, бўш вақтини унга бағишилаш.

3. Ўзининг кучли томонларини топиш: Худо берган истеъодини юзага чиқариш, моҳир уста ёки машхур инсон бўлиш, одамларга фойда келтириш, бошқаларни илҳомлантирадиган тарих яратиш.

АҚЛ ЮТУҚЛАРИ



Агар сиз онгингизни ривожлантириб ва мақсадларга эришишдан завқланишини ўргансангиз, характерингизни чиниқтирасиз. Имкониятлар доирасини кенгайтириб турмуш даражангизни оширангиз ўзингизни хурмат қила бошлайсиз. Буларни пулга сотиб олиб бўлмайди ва ҳеч қим ҳеч қачон сиздан тортиб ололмайди.

Шу сабабли миллиардер инсон нокулай вазиятлар туфайли ўз бойлигидан айрилиб қолса, уни қайта тиклашни уddалай олади, чунки ақли, иродаси ҳамда ўз ютуқларидан завқланиш қобилияти ўзи билан қолади.

Хаётнинг қийин дамлари инсонни кучли қилади. Агар сиз синовларни енгиб ўтишдан завқланишни ўрганмасангиз ва тўсиқларни янги имкониятларга айлантирмасангиз, ҳаёт сизни синдиради.

Буни Чингизхон мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг болалиги яаш учун оғир курашлар билан ўтди, лекин синовлар уни синдиrolмади, балки янада кучли қилди. Артофингиздаги одамларга қаранг, улар орасида болалик ва ёшлиқ даври қийинчиликларда ўтганлари ҳавас килгулик натижаларга эришишган. Бошқалар эса тўкин-сочинликда ва қулай шароитларда ўсади ва тайёрига эга бўлишга ўрганишади. Ҳаётнинг биринчи ярмини, яъни ота-онаси тирик бўлган даврларни бегам, бекайғу ўtkазишади. Улар вояга етиб турли муаммолар ва тўсиқларга дуч келганларида ўзларини йўқотиб қўйишади. Чунки уларда ўз келажаги учун курашиш бўйича ҳеч қандай кўникмалар мавжуд эмас, характерлари ҳам жуда заиф. Буни тасдиқловчи кўтлаб мисоллар мавжуд ва сиз қариндошларингиз, танишларингиз орасида ҳам биринчи ва иккинчи тоифага мансуб одамларни учратишингиз мумкин.

Шунинг учун мен фарзандларимизни bemânni iшларга вактлари қолмаслиги учун иложи борича фойдали машғулотлар билан банд қилишни маслаҳат бераман. Бир дақика ҳам бўш вакти бўлмасин, шунда улар эришилган натижалардан, ақлнинг ютуқларидан завқланишни ўрганадилар. Уларнинг имкониятлари доираси

кенгаяди. Катта ҳаётта қадам қўйғанларида эса муваффакиятга эришадилар.

Онам ҳар куни мен бажаришим керак бўлган ишлар рўйхатини тузардилар. Иккинчи синфда ўқиб юрган вақтимда, ўтин йигиб келиш учун мени эшакка миндириб тоққа юборишди. Ўшанда 8-10 километр масофани босиб ўтишга тўғри келди. Йўл хавфли эди, лекин мен бу ишни уddaладим.

Ҳозир эса фарзандларимни (*улардан бири иккинчи синф ўқувчиси*) энг яқин дўконга юборишга ҳам қўрқаман. Мен болаларимни қишлоққа олиб борганимда улар ҳатто ҳайвонларга яқинлашишга ҳам қўркишади. Уларнинг характерини чинқириш керак.

Буни англаб етгач, уларнинг ривожланишига жиддий қарай бошладим. Уларга таълимни мактаб ва университет беради, аммо қадриятлар ва характер оиласда шаклнади, инсоннинг турмуш тарзига боғлиқ бўлади. Бу ҳаёт мактабининг сабоқлари. Шунинг учун, мен сизга болаларни ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан ўстириш, талтайтириб юборишни маслаҳат бермайман. Уларга барча шароитларни яратиб бериш ва ҳамма вақт оғзидан чиққанини муҳайё қилиш керак эмас. Жамиятимизда ғалати одатлар ҳам бор. Кўпинча “Мен ҳамма нарсани болаларим учун қиляпман” деб тақрорлашни яхши кўрамиз. Лекин бу нимани англатади? Биз уларнинг ҳеч бир иш қилмасдан шифтта қараб, кун бўйи диванда чўзилиб ётишларини хоҳламаймизку.

“Мен буни болаларим учун қиляпман” деганда биз фарзандларимиž биздан яхшироқ яшашлари учун биздан кўпроқ нарсага эришишларини, ўз мақсадларига ётишларини хоҳлаймиз.

Биз уларнинг ютуқлари учун замин тайёрламоқчимиз, токи улар муваффақиятга эришишсин. Биз маълум турмуш даражасига эришдик ва улар ўз ҳаётини нолдан эмас, биз кўтарилиган пиллапоядан бошлишларини хоҳлаймиз. Демак, биз уларда кучли характерни ривожлантиришга ёрдам беришимиз керак, шунда мукаррап қийинчиликларни енгиб ўтишлари мумкин бўлади. Бунинг учун фарзандларимизни муаммоларни енгиб ўтиш қувончидан, ўзлари ва турли тўсиқлар устидан ғалаба қозониш завқидан маҳрум қиласлик зарур. Интервьюлардан бирида Майк Тайсондан “Фарзандларингиз машҳур боксчи бўлиб, худди шундай шуҳратга эришишларини хоҳлармидингиз?” деб сўрашганда у шундай жавоб берибди: “Уларда бундай бўлмайди, чунки улар мен ҳаётим давомида эришган ҳамма нарсага эгалар”. У буни яширмасдан, қалбида оғриқ билан айтганди.

Хурматли ўқувчи! Ҳаёт мактаби сабоқларига асослашиб шуни айтаманки, фарзандлар учун ҳамма нарсани муҳайё қилиш, уларга уй сотиб олиб бериш, олий таълимда ўқитиш, барча шароитларни яратиб бериш керак эмас. Агар биз улар учун ҳамма асосий муаммоларни ҳал қилиб берсак, уларнинг ўзи қандай вазифаларни ҳал қилишади? Фақат кундалик арзимас ташвишлар билан чекланиб қолишадими?

Биз уларга таълим, уй-жой, маблағни муҳайё қилсак, улар энг муҳим нарсани – қийинчиликларни енгиб ўтиш истагини, тақдирнинг сабр-тоқат учун берадиган мукофотларидан айрилиб қоладилар. Биз уларга ҳамма нарсани муҳайё қилиб, эвазига эса улардан баҳтни тортиб оламиз. Чунки Платон ўз ютуқларидан завқланиш ҳиссини баҳт дея таърифлаган.

Дунёда ҳеч нарса инсонни ўз-ўзини енгиш ва олдига қўйган мақсадига эришишчалик кучли ва баҳтли қила олмайди.

Бу инсонга ўзи билан фахрланиш имконини беради. Фарзандларингиздан ушбу имкониятни тортиб олманг!

Биз ўзимизни севишимиз сабабли болалар учун қўлимиздан келганини қилишга ҳаракат қиласиз ва охир-оқибат, тухфа этган нарсалар уларнинг юқори даражага кўтарилишига тўсқинлик қилади. Эҳтимол, улар ҳатто биздан олган совғаларни ўз мақсадлари учун ишлата олмаслар, балки бу уларга керак эмасдир. Мен ўзларига ачинмасдан ишлаган кўплаб ота-оналарни биламан, улар бутун умри давомида меҳнат қилиб, фарзандларига катта бойлик қолдиришди, аммо меросхўрлар бу бойликни саклаб қололмадилар. Ҳамма нарсани бепарвоник билан арзимас чақага сотиб юборишди ёки ота-оналари бутун умри давомида тўплаган бойликни қиморда ютқазиб исроф қилишди.

Болаларга моддий бойликни эмас, балки фикрлаш, тафаккур қилиш, мустакил, тезкор бўлиш қобилиятини мерос қолдиринг, уларда ишлаш ва ўзини англаш, интилиш, юқори натижаларга эришиш ҳамда кўпроқ хайрли ишлар қилиш истагини уйғотинг. Кейинги бобларда эса фарзандларга нимани қандай ўргатишни билиб оласиз.

УЧТА АСОСИЙ ХУСУСИЯТ

*Менда унчалик истеъдод йўқлигини яхши
билиман – қизиқувчанлик, қайсарлик ва
чидамлилик. Ўз-ўзини танқид қилиш
хислати ёрдамида мен ўз
мақсадларимга етишдим.*

Альберт Эйнштейн

Менимча, бойлик, саройлар ва машиналарни фарзандларга мерос қилиб қолдирмаслик керак. Уларга учта асосий хусусиятни ўргатиш зарур:

- 1. Мустақил бўлиш.** Бола қандай вазиятда бўлмасин, ўз ҳаётини бошқариш учун мустақил бўлиши керак.
- 2. Идрок этиш.** Ақлли ворис бўлиши ва нима қилиш керак, нима қилиш мумкин эмаслигини, ким билан ҳамкорлик қилиш ва кимдан узокроқ юриш яхшироқлигини тушуниши учун идрок эта олиши даркор.
- 3. Мехнат қилиш истаги.** Бу истак бўлиши шарт. Агар бўлмаса, киши бошқаларни талай бошлайди, чунки осон йўл қидиради. Имкон топса пора олади, ҳамкорларини алдаш, ҳатто айёрлик ва фирибгарлик қилиши мумкин.

Агар сиз китобдагиларнинг 1-2 фоизини ўргансангиз ҳам ишончим комилки, ҳаётингиз ўзгаради, муваффақиятли, ҳақиқий инсонга айланасиз, бошқалар сиздан ўрнак олади. Саройлар ва машиналарнинг қадри йўқ, чунки бир неча йилдан кейин буларнинг барчаси сизда қоладими-йўқми, бунга ҳеч ким кафолат беролмайди. Биз ноёб бўлган шахсиятимиздан бошқа ҳеч нарсага доимий равишда эгалик қилолмаймиз.

Биз маънавий жиҳатдан бой бўлишимиз зарур, онгни ривожлантирувчи, иродани мустаҳкамловчи тамойилларни машқ қилдиришимиз керак.

Мен бирорлардан қарздор бўлиб қолганимда тўққиз ой рўза тутдим. Бу менинг характеримни тоблади, юзага келган муаммоларни ҳал қилишимга ва қийин вазиятларда омон қолишимга ёрдам берди. Ҳозир ҳам ойда бир неча кун рўза тутаман. Рўза тутиш онгта қандай куч беришини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ёки онгингиз барча қўркув, васвасалар ҳамда истаклар устидан ҳукмронлик қиласи ёки аксинча, қўркув, васвасалар, истаклар ақлни енгиб чиқади.

Салбий одатлар – ҳис-туйғулар онгни бошқаришидан далолат беради.

Улар сизга зарар етказади, лекин улардан воз кечолмайсиз, чунки улар завқланиш ҳиссини беради. Агар сиз ақллироқ бўлсангиз, улардан халос бўла бошлайсиз. Шунинг учун, маънавий амалиёт тамойилларига амал қилинг; чунки улар характерни жиловлади, уни мустаҳкамлади. Агар муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, уларга риоя қилинг.

Одамларнинг гоҳида оиласидан, бойликдан, месросдан, гоҳ болаларидан (*мехрибонлик уйларига бершиади*), гоҳида ота-оналаридан (*қариялар уйларига ташлаб кетишади*), баъзан эса ҳатто жонига қасд қилиб, ўз ҳаётидан воз кечишлари ҳақидаги ўйлар менга сира тинчлик бермайди.

Аксарият инсонлар кичик нарсалардан, васваса, салбий одатлар ёки заифликлардан воз кеча олмайдилар. Бу салбий ҳодисалар оддий ҳаётда яшашга халақит беради ва уларни ҳиссий жиҳатдан заиф қилиб, кўп муаммоларга рўбарў қиласди.

ТАНИКЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Александр Васильевич Суворов

Александр Васильевич Суворов офицер оиласида туғилган. У туғилаётган пайтда бир ўлимдан қолганди. Болалигига тез-тез касал бўлар, озғин ва заиф эди. Отаси ўғлини армияга юбориш ҳақида ҳатто ўйламаган ҳам, лекин Суворов болалигидан ҳарбий бўлишини орзу қиласди.

Унинг онаси тақводор насроний эди, ўғлига ибодатни ўргатади. Ўғлининг рухоний бўлишини орзу қиласган, лекин Саша ҳарбий увонларга эришишни хоҳларди. Лекин орзусига эришишда унга саломатлиги тўсиқ бўларди.

Армияда хизмат қилиш учун қучли бўлиш кераклигини билиб, у ўзини чиниктира бошлиди: совуқ сувда ювинар, тахталарда ухлар-

ди, ҳатто совукда ҳам енгил кийиниб юрарди, ҳар қандай об-хавода ҳам от миниш билан шуғулланган, ҳар куни қаттиқ жисмоний машқлар қилган.

Шунингдек, бой отасининг кутубхонасидан фойдаланган ва бўш вақтини ҳарбий фанларни – артиллерия, истеҳкомлар, ҳарбий техникалар тарихини ўрганишга бағишиларди. Суворов кўп китоб ўқиган, математикани яхши билган, учта чет тилида бемалол гаплаша олган. Ўзининг саъй-харакатлари ва тиришқоқлиги эвазига Александр соғлигини мустаҳкамлашга, феъл-авторини жиловлашга ва ҳарбий хизматга оид керакли билимларни олишга муваффақ бўлди.

1742 йилда унинг орзуси рўёбга чиқади, фарзандининг илтимосларини инобатга олган отаси уни кейинчалик Саша олти ярим йил хизмат қилган Семеновский полкига аскар сифатида ёздиради. Шундай қилиб, вақт ўтиб энг юқори ҳарбий унвон – генералиссимус мақомига эришган буюк саркарданинг хизмат фаолияти бошланади.

Суворов ёшлигидан то кексайгунигача қатъий режимга риоя қилган – ҳар қандай об-хавода деразани очиб ухларди, эрталаб совуқ сувда чўмилган, мунтазам жисмоний машқлар бажарган, жуда кам овқатланган. Унинг ҳаёти – мاشаққатли меҳнат, катта фидойилик ва мустаҳкам иродаги орқали амалга ошган орзу ҳақидаги ҳикоядир.

ИСТЕЬДОД ВА ТАҚЛИД

*Ўз йўлини топиш, ўз ўрнига эга бўлиш –
бу инсон учун асосий нарсалар, унинг ўзини
англаши демакдир.*

В.Г.Белинский

Истеъдод ва қобилиятлар генлар орқали ўтади. Шунинг учун аёллар омадли эркакларга турмушга чиқишига ҳаракат қилишади, эркаклар эса чиройли ва ақлли аёлларга уйланишни хоҳлашади. Бир ибора мавжуд: “Сиз қизни қишлоқдан олиб кетишингиз мумкин, лекин қизнинг характеристидан қишлоқни ҳеч қачон чиқариб ташлолмайсиз”. Одатлар, қарашлар, қишлоқ менталитетти сақланиб қолади, чунки улар ижтимоий мухит асосида шаклланади, лекин қобилиятлар наслдан-наслга генлар орқали ўтади.

Энди тақлид ҳақида. Гугуртсиз шамни ёкиб бўлмайди. Инсон болалигидан муваффақиятли шахсларга ҳавас қиласи ва уларнинг ҳаётидан илҳомланади. Улар каби бўлишни орзу қиласи, унда ўзини қизиктирган соҳада юқори натижаларга эришиш истаги пайдо бўлади. Лекин бу интилиш ҳар доим ҳам ҳақиқатга айланмайди, баъзан хаёлий орзулигича қолиб кетади.

Мисол учун, фарзандингиз деярли ҳар куни телевизорда президентни кўргани учун мамлакат раҳбари

бўлишни хохлаётганини айтади. Илгари болалар космонавт, учувчи, олим, ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилган бўлса, ҳозир депутат, тадбиркор, банкир ва ҳоказоларга ҳавас қилишади.

Шунга этибор бердимки,

болалар кўпинча оммавий касбларни эгаллашни орзу қилишади. Негаки улар кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган ва тан олинган касблардир.

Улгайгач бошқа идеаллар шаклланади, янги қаҳрамонлар пайдо бўлади, ёшлар уларга интилади ва тақлид қилишади. Муваффақиятга интилишни қўллаб-кувватловчи омиллардан бири бу тақлиддир.

Истеъдод Худо томонидан берилади, у кучли характерни шакллантириш натижасида сақланиб қолади. Бунинг учун илҳомлантирувчи, тақлид қилиш обьекти керак бўлади. Ҳар бир муваффақиятли одамда у эргашган илҳомлантирувчи тимсол бўлган. Сиз ҳам худди шундай қилишингиз керак, сизни ҳам ҳайратлантириш ва тақлид қилишингиз учун, бир эмас йигирматача ибратли мисоллар бўлиши керак. Мен Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) га қойил қоламан, у кишидек яшашга ҳаракат қиласман. Бу жуда қийин, чунки юксак идрокни талаб қиласми.

Ҳайратимнинг иккинчи обьекти – бу Маҳатма Ганди. У на пулга, на кучга эга бўлган ҳолда бутун мамлакат тақдирини ўзгартира олган.

Мен яна Иосиф Сталин, Нурсултон Назарбоев, Чингизхон, Дональд Трамп, ажойиб табиб Ибн Сино, БАА асосчиси – саҳрода гуллаб-яшнаган мамлакатни яратишга муваффақ бўлган Шайх Зоҳид, Ер шарининг илк маке-

тини яратган Ал-Беруний, гигант “Apple” корпорацияси-га асос солган Стив Жобс, Брюс Ли, Жеки Чан, “Alibaba” компанияси асосчиси Жек Мага қойил қоламан.

Менинг қаҳрамонларимдан бири Ли Куан Ю, унинг стратегияси Сингапурни дунёдаги қашшоқлик бўйича учинчи ўринда турувчи давлатдан энг ривожланган биринчи ракамли бой давлатга айлантириди. Бу ҳақиқатни бутун дунё тан олади.

Шунингдек, мен учун “Sony” компанияси асосчиси Акио Морита ва “Honda” асосчиси ва Соитиро Хонда ибрат бўла олади. Улар ўз корхоналарини жаҳоннинг етакчи компанияларига айлантиридилар. Ўзининг сабр-тоқати ва ўз устида ишлаши сабабли машҳурликка эришган актёр Сильвестр Сталлоне, ирқий тенглик курашчиси, сиёсий фаолияти учун хаётининг 27 йилини қамоқда ўтказган ва Жанубий Африканинг илк қора танли президенти бўлган Нельсон Манделалар ҳаёти менга намуна бўла олади.

Икки минг йил олдин яшаган ва бугунги кунгача дол зарб таълимотни яратган Конфуцийга таъзим қиласман. Унинг таълимоти бугунги кунда Хитой давлати мағкурасининг асоси хисобланади. Менинг ҳайратим алгебрани яратган Ал-Хоразмийга, йирик корпорациялар асосчилари Алишер Усмонов ва Билл Гейтсга қаратилган.

Мен бу инсонларни ўзимга ўрнак сифатида танланман. Шу сабабли уларнинг таржимаи ҳолларини ўрганаман, улардаги фазилатларни ўзлаштиришга ҳаракат қиласман. Ушбу фазилатлар уларга ажойиб натижаларга эришишга ёрдам берди. Ҳар бири улкан ютуқлар эришган ва ҳақиқатдан ҳам тарихий шахсга айланганлар.

Қайси одамдан ўрнак олишингизга эътибор беринг, онгингизда юксак мақсадлар кўламини шакллантиринг. Шунда эртами-кечми бундай ютуқларга эришасиз.

Сизга ўрнак ва билвосита устоз бўла оладиган 20 нафар инсон рўйхати

- | | |
|-----|-----|
| 1. | 11. |
| 2. | 12. |
| 3. | 13. |
| 4. | 14. |
| 5. | 15. |
| 6. | 16. |
| 7. | 17. |
| 8. | 18. |
| 9. | 19. |
| 10. | 20. |

Кўпчилик истеъдодни қандай аниқлаш мумкинлиги ҳақида савол беради.

**Файриоддий қобилиятларнинг биринчи
кўрсаткичи – чарчамасдан хоҳлаганича бирор
ишни килишга тайёрлик.**

Сиз завқ билан бажарадиган машғулот, гўё ўша вақт ҳаёт қуввати сиз орқали ўтаётгандек бўлади. Сиз ўша ишни кун бўйи қила оласиз, сира чарчамайсиз, аксинча, куч-ғайрат билан ишлашда давом этасиз.

Бу кучли томонингизни аниқлашда керак бўладиган қоида элементларидан биридир. Аммо аксарият ҳолларда инсон ўз истеъдодини етарлича баҳолай олмайди, шу сабабли ўз фаолиятини ўзгартиради.

Шубҳалардан воз кечиши ва истеъдодни ривожлантириш керак. Бунга имкон қадар кўпроқ вақт ажратинг.

Лекин бошқалардан кўчиришга уринманг. Сиз ҳеч кимга ўхшамаган қирраларингизни кўрсатишингиз зарур.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Виктор Амазаспович Амбарцумян

Совет Иттифоқининг кўзга кўринган вакили, астрономия, математика ва астрофизика фанлари намояндаларидан бири Виктор Амазаспович Амбарцумян эди. Илмий тафқурнинг сезиларли даражада ривожланиши унинг номи билан боғлиқ, муваффақиятининг сири эса таржимаи ҳолидадир.

Амбарцумян 1908 йилнинг 5 (18) сентябрида Тифлисда арман оиласида туғилган. Унинг отаси ўша пайтда таниқли филолог ва ёзувчи бўлиб, “Илиада”ни арман тилига таржима қилган инсон бўлган. Виктор 3-4 ёщдалигига отаси унинг оддий арифметик мисолларни осонгина ечишини пайқайди. Икки хонали сонларни миясида осонгина кўпайтиради. Шу вақтдан бошлаб ота ўғлининг бундай машқларга қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бошлади.

Ота фарзандининг математик иктидоридан жуда ҳайратланган, ҳатто 5-6 ёшли Викторга алгебрага оид масалаларни ўргаттган. Ўғлининг аниқ фанларга мойиллигини кўриб, унинг иштиёқини ҳар томонлама рағбатлантирган. Эҳтимол, келажақдаги касбини тан-

лашда ёш Викторга бу ёрдам ҳал қилувчи омил бўлгандир.

1917 йил 1 сентябрда 3-Тифлис гимназиясига ўқишига кирган Виктор арифметикани яхши кўрганлиги сабабли, ушбу фандан бошқа ўкувчиларни ортда қолдиради. Ўн икки ёшидан бошлаб математика билан бир вақтда астрономияга ҳам қизиқиб қолади ва бир неча ой ичида ушбу фан бўйича мавжуд бўлган кўплаб китобларни ўқиб чиқади. Унинг ғайратини пайқаган отаси фарзандига телескоп олиб беради. Виктор мунтазам равишда осмонни кузата бошлайди. “Ҳар куни кечаси йигит ҳовлига телескоп ўрнатар ва қизиқувчан ўртоқлари, бир тўда танишлари куршовида ўз кузатувларини ўтказарди”, – деб эслайди олимнинг отаси.

Тифлисда кучли ўқитувчи ва астрономия бўйича мутахассис Сундуков Николай Игнатьевич яшаган. Москва университетининг “Астрономия” йўналиши битирувчиси бўлган ушбу педагог гимназияда ўқитувчи бўлиб ишларди, у юлдузлар ҳақидаги фан асосларини ўзлаштиришда Викторга катта ёрдам берди.

Амбарцумян гимназияни тутатгандан сўнг 16 ёшида Ленинград педагогика институти-нинг физика-математика факультетига ўқишига кирди. Бир йилдан сўнг таълимни Ленинград университетига кўчирди.

1926 йиллардаги талабалик даврида қуёш машъалаларига бағишлиланган биринчи илмий

мақоласини нашр килдирди. Университетни тутатгандан сўнг, Амбарцумян А.А.Белопольский раҳбарлигидаги Пулково расаджонасининг аспирантурасига ўкишга кирди.

1931 йилда Ленинград университетида маърузалар ўқий бошлади. 1934 йилда эса собиқ Иттифоқдаги илк астрофизика кафедрасига асос солди. 1935 йилда унга диссертация химоясиз физика-математика фанлари доктори илмий даражаси берилди. Олимнинг барча илмий ютуқларини санаб ўтиш қийин. У бутун умрини коинот сирларини ўрганишга бағишилди. Амбарцумяннинг тадқиқотлари замонавий астрофизика, юлдузлар астрономияси ва космогонияда катта аҳамиятга эга. Унинг илмий ишлари астрономиянинг кўплаб соҳаларини ўрганишга ҳисса кўшган, хусусан, юлдузлар физикасига бағишиланган ва газсимон туманлиелар, юлдузлар тизимининг статистик механикаси, галактикадан ташқари астрономия ва космология, ядро физикасини ҳам қамраб олган.

Амбарцумян икки марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони (1968 ва 1978 йиллар), икки марта Сталин мукофоти билан тақдирланган (1946 ва 1950 йиллар). Бундан ташқари, у Арманистон собиқ иттифоқи Давлат мукофоти лауреати (1988 йил), Арманистон Миллий Қаҳрамони (1994 йил), Россия Федерацииси Давлат мукофоти лауреати (1995 йил), шунингдек Жюл Жансен мукофоти ва бошқа кўплаб совринлар билан тақдирланган.

Халқаро Астрономия уюшмаси аъзоси, физика-математика фанлари номзоди бўлган Юрий Шахбазян Пулково ва Бюракан расадхоналарида Амбарцумян билан ишлаш баҳтига мұяссар бўлган олим. У Амбарцумян ҳақида шундай деган: “*Виктор Амазаспович инсоният дунёқарашини ўзгартира олган буюк тафаккурлар сирасига киради. У ўзининг илмий концепцияси билан XX аср астрономиясида инқилоб яратишга эришиди. Бу кашфиётлар бутун дунё олимлари томонидан юксак эътироф этилди*”.

ПРОФЕССИОНАЛЛИК

*Аксарият инсонлар берилган имкониятни
қўлдан чиқариб юборишади. Чунки у
баъзан иш кийимида бўлиб кўринишидан
мехнатни эслатади.*

Томас Эдисон

Биз профессионаллик қандай шакланишини биламиз. Аммо характер, истеъдод ва профессионаллик каби сифатлар ичida энг муҳими – характер, чунки профессионалликни ўрганса бўлади. Тажриба ва билим олиш орқали малакали мутахассис бўлиб етишиш мумкин.

**Раҳбар бўлиб ишлаганлар биладики,
масъулиятли ходим икки-уч йиллик меҳнатдан
сўнг яхши мутахассис бўлиб етишиши мумкин,
лекин характерда қатъиятлилик бўлмаса, у ҳеч
қачон ҳақиқий профессионал бўла олмайди.**

Сиз уни тарбиялаб, юрагини компания учун муҳим қадриятлар билан ҳам тўлдириб ҳам яхши мутахассис қила олмайсиз. Агар уриниб кўрсангиз, бу етти йилдан кўпроқ вақт олади ва ақл бовар қилмас куч сарфлайсиз.

Агар бундай ходимлар бир нечта бўлса ва сиз уларни ривожлантиришни бошласангиз, компания таълим му-

ассасасига айланади, чунки катталарнинг дунёқарашини ўзгартириш учун уч йилдан етти йилгача вакт керак бўлади.

Яқинда АҚШда мен кўплаб фильмларда роль ўйнаган Голливуд актёри Метт Дэймон билан танишдим. Айтганча, у каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби. Мен унга доим жангчи бўлишни орзу қилишим ҳақида айтдим.

Метт бунинг учун камида саккиз йил керак бўлишини тушунтириди. Мен ҳайрон бўлдим ва бунча муддат айнан қаердан келиб чиққанини сўрадим. Актёр интизомни камида саккиз йил давомида тарбиялаш мумкинлигини, аммо турли усуллар ва зарбаларни анча тезрок ўрганса бўлишини айтди. Шунда мен бу аксарият соҳалардаги маҳорат сири бўлса керак, деб ўйладим.

Менинг устозим, баланд тоғларда яшовчи кекса инсон менга тўғри фикрлашни шакллантириш учун етти йил кераклигини ҳақида гапирганди. Метт Дэймон ҳам деярли шунча муҳлатни айтди. Демак, бунда қандайдир маъно бор. Кўриниб турибдики, айнан шу даврда муваффакиятга эришиш учун кучли шахснинг энг муҳим фазилатлари, кучли характер хусусиятлари шаклланади.

Яна профессионалликка қайтамиз. У таълим орқали шаклланади, яъни уни ўрганиш мумкин, демак, ташвишланишга ҳожат йўқ.

Ҳамма нарсани ўрганиш мумкин

Сиз япон тилида гаплаша олмайсиз, лекин буни ўрганишингиз мумкин. Қандай қилиб миллионларга эга бўлишни ҳам билмайсиз, лекин буни ҳам ўрганиш мумкин. Булар шунчаки имконсиздек кўринади. Бойлар ҳам қандай қилиб бадавлат инсонга айланишини олдиндан билишмаган, лекин улар бу маҳоратга чанғи ёки вело-

сипедда учишни ўрганиш каби эришиш мумкин деб ўйлашган. Ҳамма нарсани ўрганиш мумкин.

Ўрта мактабдаги йилларимни эслаб, шу фикрга келдим. Барча болалар ўқиши ва ёзишни ўргандилар. Кимгайдир 2 марта, кимгадир 5 марта, яна кимдир 10 ва ҳатто 20 марта такрор ўргатишга тўғри келди. Бироқ, уларнинг ҳаммаси буни ўрганишди. Агар сиз кучли характерга, қатъият ва сабр-тоқатга эга бўлсангиз, ҳамма нарсани ўрганишингиз мумкин.

Моҳир актёр, меъмор ва спортчилар яхши пул топишади. Демак, бой бўлиш учун Худо берган истеъоддни аниклаб, уни ривожлантириш керак. Шунда хоҳлайсизми-йўқми, албатта, бойиб кетасиз. Сиз нафас олаётганингизда ёки ухлаётганингизда зўриқмайсизку, бу ўзўзидан содир бўлади.

Ўз иқтидорингизни топсангиз, худди шундай осонлик билан муваффақият қозонасиз. Лекин ҳеч қачон йўлдан оғманг, тури заарли одатлар ва васвасаларга берилманг, улар бизни заиф қилиб, йўлдан оздиради.

Баъзан олдимга турли инсонлар келиб уларнинг ғоясига ҳомийлик қилишимни таклиф қилишади. Улар ғоясини мақташади, қандай фойда олиш мумкинлигини тушунтироқчи бўлишади, келажак режалари ҳақида гапиришади, лекин мен рад этаман, чунки менга бу нарса керак эмас.

Шунда улар ҳайрон бўлишади ва қанча пул ишлаш мумкинлиги ҳақидаги тахминларни такрорлаб, мени ишонтиришга ҳаракат қилишади. Мен бундай лойихалар учун умримни бехуда сарфламоқчи эмаслигимни айтаман, чунки ҳаёт бир марта берилади. Менда кераклигича пул бор ва гап пулнинг микдорида эмас, балки ҳаёт сифати ҳамда ўзимизни қанчалик қадрлашимизда.

Пулнинг кўплиги бизни бахтлироқ, маънавий бойрок ва буюокроқ қилолмайди. Агар сиз бойлик ортидан кувсангиз, ҳаёт сифатини ва ундаги қувончни йўқотасиз.

Кўпгина бой инсонлар ўз тақдиридан норози ва бошқача яшашни хоҳлашади, чунки пул уларни бахтли қилолмаган. Босиб ўтган йўлнинг аҳамиятини тушуниш бўйича кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

**Энг муҳими – ўзингиз орзу қилган ҳаётда яшаш,
ўзингиз орзу қилган инсонга айланиш.**

Ўзингизни бошқалар билан солиштирманг, бу сизнинг ҳаётингиз, у ноёб ва такрорланмас. Ўзингизни ўтмишдаги ҳолатингиз билан, айтайлик, икки йил олдин қандай бўлганингиз билан солиштиринг.

Инсон буни англаб етгач, ижобий ўзгаришлар учун миннатдорлик туйғусини ҳис қиласи, ўз-ўзини хурмат кила бошлайди. Ҳатто инқирозга учраган бўлсангиз ҳам, бундан хулоса чиқариб, ақллироқ бўласиз, бебаҳо тажриба орттирасиз ва бу ҳам бир ютуқдир. Профессионалликка шу тариқа эга бўласиз ва келажакда бу борада муаммоларга дуч келмайсиз.

РИВОЯТ: “ЧОЙ УСТАСИ”

Бир куни чой устаси терилган пиёла ва чой идишлар билан тўла катта патнисни ушлаганча кўчада кетаётган эди. Тўсатдан озиқовқат дўконидан ғазабланган самурай чиқиб қолди. Чой устаси йўл бермоқчи бўлганига қарамай, самурай атрофдаги ҳеч нарсани пайқамай, унга урилиб кетди. Патнис ерга тушиб кетди, ундаги чинни идишлар син-

ди, чой барглари жангчи либосининг енгига тўкилди.

– Кўзингга қарасанг бўлмайдими? – деди самурай.

– Жуда афсусдаман, жаноб, – деди чой устаси унинг енгидаги чойни тозаламоқчи бўлиб.

– Кўлингни торт, – деб бақирди самурай.

Чой устаси қўлларини орқага тортмоқчи бўлганида бехосдан самурайнинг камарига осилган қиличнинг дастагига тегиб кетди.

– Сен менинг қуролимга тегдинг – самурай ғазабланди. Унинг кўзлари қаҳр билан тўлганди.

– Кечирасиз, жаноб – чой устаси таъзим қилди.

– Сен менинг қиличимга тегдинг. Агар мени хақорат қилмоқчи бўлсанг, юзимга урганинг маъкул. Бу қуролимга тегишдан кўра камроқ хақорат бўлади.

– Қулоқ солинг, жаноб – чой устаси жангчи ни тинчлантиришга уринди, – мен сизнинг қиличинингизга атайлаб тегмадим. Бу тасодифан содир бўлди. Илтимос, мени кечиринг.

– Кечирим сўрашга жуда кеч, – деди самурай қатъий оҳангда. – Мен Гэндзиман, сени жангга чорлайман. Эртага кечкурун менинг уйимга кел. Қилич олишни унутма!

Самурай мағрурланиб йўлида давом этди.

Чой устаси титроқ қўллари билан пиёла бўлакларини терди. Унинг қиличи йўқ эди,

курол-аслаха билан муомала қилишни ҳам билмасди. Уста уйига қайтиб, янги пиёла ва чой олиб, шогирдининг уйидаги чой маросимига шошилди.

У маросимга кечикди ва бой ва обрўли инсон бўлган шогирди устозидан кечикканинг сабабини сўради. Чой устаси самурай билан тўқнашиб кетгани ҳақида гапириб берди.

- Унинг исмини Гэндзи дедингизми?
- Ҳа, – деди чой устаси.
- Сиз у билан жанг қилмоқчимисиз?
- Ҳа.
- Демак, сизни ўлди деб ҳисоблаш мумкин,
- деди бадавлат шогирди. – Гэндзи кучли жангчи ва ҳақоратни кечирмайди. Агар жангга киришсангиз, у сизни ўлдиради.
- Унда дарсни бошлаймиз, – деди чой устаси, – демак, бу сизга ўтадиган охирги дарсим бўлса керак.
- Кечкурун чой устаси қилич ясовчи темирчи дўстиникига борди. Одатдагидек бирга сакэ ичишди.
- Сенга нима бўлди, дўстим? – сўради темирчи.
- Менга қилич сотишингизни сўрамоқчиман, деб жавоб берди чой устаси.

Темирчи жилмайиб кўйди.

- Биласанку, дўстим мен ҳар бир қилични бир неча йиллар давомида ясайман, айниқса

буортма учун. Қачондан бери сенга қилич керак бўлиб қолди?

– Бутундан бошлаб, – деб жавоб берди чой устаси.

У дўстига самурай билан бўлган воқеани айтиб берди. Темирчи уни тинглади.

– Кўряпсанми, менга қилич керак. Балки менга биттасини қарзга берарсан? Мен Гэндзининг хизматкорлари билан ҳаммаси тугагандан сўнг қилични сенга қайтариб беришга келишаман.

Темирчи узоқ вақт жим бўлиб қолди. Дўстининг овозида у ўлимга розилик қарорни эшилти.

– Агар ўладиган бўлсанг, – деди нихоят темирчи, – нега қўлига биринчи марта қилич олган одамдек ўлишингиз керак? Яхшиси ким бўлсанг, шундайлигингча ўлганинг маъкул, яъни чой маросими устаси, замонимизнинг энг яхши усталаридан бири бўлиб.

Чой устаси дўстининг сўзлари ҳақида ўйлаб қолди, сўнг ўрнидан туриб унинг елкасига қоқиб қўйди ва индамай кўчага чиқиб кетди. Якуний қарорни қабул қилиб, Гэндзининг уйи томон йўл олди.

Дарвоза олдида самурайнинг хизматкорларидан бири турарди.

– Илтимос, жаноб Гэндзига менинг таклифимни етказсангиз, – деди чой устаси. – У мени эртага кечқурун уйи олдида жангта

чақирганди. Лекин эртага кундузи мен жанобни чойхонамга таклиф қилмоқчиман. Үнга совғам бор.

Эртаси куни эрталаб чой устаси самурайнинг келишига тайёргарлик кўриш учун барваqt турди. Йўлакни супуриб, чойхона ёнидаги бутани кесиб, эпақага келтириб қўиди. Кейин стол ва жиҳозларни тайёрлади. Оддий, аммо чиройли гулдасталарни столга жойлаштириди. Кейин энг яхши кимоносини яхшилаб тозалади ва кийиб олди. Ҳамма нарса тайёр эди ва чой устаси самурайни кутиб олиш учун дарвоза олдига чиқди.

Тез орада икки хизматкори билан самурай пайдо бўлди. Чой устаси таъзим қилди.

- Келганингиздан хурсандман, – деди у.
- Менга совғанг борлиги ҳақида айтишди, – самурайнинг юзида айёrona табассум пайдо бўлди. – Жангдан воз кечишим учун тўлов таклиф қилмоқчимисан?
- Нималар деяпсиз жаноб, йўқ, албатта, – жавоб берди чой устаси. – Мен сизни бундай ҳақорат қилишга журъат этолмайман.

У самурайни чойхонага таклиф қилди, хизматкорларга боғдаги ўриндикини кўрсатиб, ўша ерда кутишларини сўради.

- Хўш, пул таклиф қилмасант, жонингни саклаб қолишни сўрашга чақирдингми?
- Йўқ, – деди чой устаси. Сиз бирор қониқиши ҳис қилишингиз кераклигини тушуниб ту-

рибман. Лекин менга охирги марта ўз маҳоратимни намойиш этишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Улар уйга киришди ва чой устаси самурайга ўтиришни таклиф қилди.

– Мен чой маросими устасиман, деб тушунтирди у. – Чой маросими нафақат менинг ишим ва санъатим, балки ҳаётим мазмуми ҳам. Мен сиздан охирги марта севимли ишимни сизга намойиш этишга рухсат беришингизни сўрайман.

Самурай чой устасининг гапларига яхши тушунмаган бўлса ҳам тиз чўкиб ўтирган ҳолда унга ўз ишини бошлашга розилик бериб бош иргади. Кичкина чойхона оддий безалган, аммо унда кулайлик ва осойишталик муҳити бор эди. Ташқарида япроқларнинг шитирлаши ва ариқдаги сувнинг шириллаши эшлилиб турарди.

Чой устаси чой қутисини очди, кўк чойнинг ҳиди токчада турган гулларнинг ифори билан қоришди. Уста сокин, хотиржам, аниқ ҳаракатлар билан пиёла ичига чой баргларини солди. Кейин маҳсус чўмич билан қайнаб турган сувни пиёлага кўйди. Самурай устасининг чиройли ва аниқ ҳаракатларига мафтун бўлиб, маросимни кузатиб ўтиради. У кичкина қошиқча билан чой барглари солинган сувни кўпик пайдо бўлгунча аралаштириди, устига яна қайноқ сув қўйди, самурайга пиёладаги чойни узатди ва хотиржамлик билан унга таъзим қилди. Самурай чой ичди.

Пиёлани устага қайтарар экан, устанинг ҳамон хотиржам ва шу билан эътиборли ҳолда ўтирганига назар ташлади.

– Раҳмат, деди чой устасига самурай кетиш учун ўрнидан турганида. – Энди мен жанг қилиш учун уйингизга боришга тайёрман...

– Ҳеч қандай жанг бўлмайди – деди самурай. – Жанг олдидан бундай хотиржамлик ва ишончни ҳеч бир рақибимда кўрмаганман. Ҳатто ўзим ҳам бугунги ғалабага ишончим комил бўлса ҳам асабийлашдим. Лекин сиз нафақат буткул хотиржамликни сақладингиз, балки менга ҳам хотиржамлик берадигиз. Чой устаси самурайнинг кўзларига қарди, жилмайиб, таъзим қилди. Самурай эса устадан ҳам пастроқ эгилиб таъзим қилди.

– Уста, – деди самурай. – Мен бунга лойик эмаслигимни биламан, лекин сиздан менга устозлик қилишингизни сўрайман. Мен ўзимга етишмаётган ишонч ва хотиржамлика эга бўлиш учун чой маросими санъатини ўрганмоқчиман.

– Ўргатаман. Дарсни бугун кечкурун бошлишимиз ҳам мумкин, чунки барибир учрашув белгилаганмиз. Мен керакли нарсаларни олиб, уйингизга бораман.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни хотиржам тутишни ўрганинг, бу жуда катта маҳоратдир. Аслингизча қолинг, ҳатто хавф остида бўлсангиз ҳам, шунда ғалаба қозонасиз. Бу иродада ракибларингизни сизни ҳурмат қи-

лишга мажбур қиласи. Сизнинг омадингиз чопмаётган пайтда бошқалар муваффакиятга эришаётганини кўрсангиз ҳам, ўзингизни йўқотманг. Бундай пайтда ўзини йўқотганларни кўп кўрдим. Улар ҳасад қиласидилар ва таслим бўлишади. Кимдир спиртли ичимликлар ичишни бошлайди, яна кимдир тушкунликка тушади. Бу уларнинг кўз ўнгига бошқалар муваффакиятга эришганлари учун содир бўлади.

Шунинг учун ўзингизни ҳеч ким билан солиштираманг. Ўзингизни фақат ўзингиз билан таққосланг – ким Эдингиз ва ким бўлдингиз? Секин-аста ўсиб бораётганингиз ва қандайдир натижаларингиз борлиги учун шукр қилинг.

Бошқаларнинг муваффакиятидан қувонишни ўрганинг ва улардан илҳом олинг. Улардан маслаҳат сўранг, уялманг. Муваффакиятли душманлар ва сиздан олдинда бўлган рақобатчилар билан дўстлашинг, уларни устозингиз деб билинг. Шу тариқа сиз ўз муваффакиятингизни таъминлайсиз.

Бу устозларнинг йўли.

СЕЗГИ

***Ғаройиб хислатларга эга бўлишининг
ўзи етарли эмас, улардан фойдаланишини
ҳам билиш керак.***
 Франсуа де Ларошфуко

Мен ҳаётимнинг етти йилини сезгим (интуиция)ни ривожлантиришга сарфладим. Кунига икки соат машқ қилдим. Бу жараён катта куч, сабр ва меҳнат талаб қиласди. Сезгини ривожлантириш керак, у ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Аммо бу изланишда натижага эриша олсангиз, даромад олиш ва ҳаммадан олдинда бўлиш учун иқтисодиётнинг қайси тармоғига, қандай лойиҳага сармоя киритиш кераклигини аниқлай оласиз.

Шу билан бирга, сезгингизга кулоқ тутинг, биринчи навбатда ҳаракатлар режасини тузиш керак. Агар режангиз бўлмаса, бизнесингиз касодга учраши ҳеч гапмас. Афсуски, сезги кўринмас хавф-хатарлардан огоҳ этмайди, у якуний манзилни кўрсатади. Йўналишни эса билим ва амалий тажрибага асосланган ақл ва тафаккур белгилаб беради.

Онг тозалиги. Сезги онг тозалигини шакллантиради.

Агар мия беҳуда ғоялар ва фойдасиз истаклар кўринишидаги чиқиндига тўла бўлса, унда сезги ишламайди.

Шунинг учун, маънавий амалиётда онгни поклаш учун медитация ва ибодат билан шуғулланишади. Сезги учун онгнинг тозалиги муҳим аҳамиятга эга.

Қалбнинг тозалиги. Агар қалбда ҳасад, ғазаб, ишонч-сизлик пайдо бўлса, сезги заифлашади. Салбий ҳис-туй-ғулар сезигига ўзини намоён этишга тўсқинлик қилади, чунки улар шишадаги доғ каби онгни хиралаштиради.

Шундай экан, қалбни ҳар қандай юзаки ва зарарли нарсалардан тозалаш учун ўз устимизда қўпроқ ишлшимиз керак. Доимо ўз-ўзимизни тарбиялашимиз зарур.

Самимилик ва очиқлик қалб тозалиги учун жуда муҳимдир. Биринчи навбатда, оила аъзолари ва қариндошларга нисбатан самимий бўлиш керак. Уларга даъво қиласкермай ўз устимизда ишлшимиз зарур.

Бу жуда мураккаб, аммо зарурий вазифа ва буни ўрганиш керак. Биз ўзимизни тарбиялашимиз ва яхши томонга ўзгартиришимиз лозим, бу ишни бошқалардан талаб қилмаслигимиз керак. Кўпинча бизга атрофимиздагилар ўзгариши керакдек, ўзимиз эса ҳамма нарсани тўғри қилаётгандек туюлади. Аксарият ҳолларда ўз камчиликларимизга аҳамият бермасликка ҳаракат қиласкимиз ва танқидларга ҳам эътибор қиласкимиз.

Мисол тариқасида бир ривоятни айтиб бераман.

РИВОЯТ

Ёмғир мавсуми тугаган паллада бир донишманд ўз шогирди билан баланд тоғлар ён-бағрида сайр қилиб юрган экан. Улар сувда чўкиб кетаётган чаённи кўришибди. Донишманд уни кутқариш учун югурибди, у

қанчалик ёрдам кўрсатишга уринмасин, чаён ҳар сафар уни чақишига ҳаракат қилар эди.

Шунга қарамай, донишманд чаённи сувдан чиқаришига қайта-қайта уриниб кўрибди. Буни кўрган шогирди: “Нега чаённи кутқаришига ҳаракат қиляпсиз? Ахир унинг иши заҳар сочиш. У ўлгунча бу одатига содик қолади.”

Шунда донишманд тушунтирибди: “Агар шундай паст жонзот ўлими яқин бўлишига қарамай, бошқаларни ўлдириш одатига содик қолса, мен ҳам муаммога дуч келганларни кутқариш одатимга содик қоламан.”

Биз ҳам баъзан номаъқул хатти-ҳаракатимизни оқламоқчи бўлиб “Мен нима қилишим керак эди? Унинг ўзи биринчи бўлиб бошлади...” деган баҳоналарни айтамиз...

**Агар кимнингдир табиатида айблаш ва
ғазабланиш бўлса, унга худди шундай жавоб
қайтариб жанжал қўзғатиш кераклигини
билдирмайди.**

Сизнинг тарбиянгиз, дунёқарашингиз, тамойилларингиз бундай хулқ-авторга тўғри келмаса, нега табиатингизга зид иш қилишингиз керак? Қалб тозалиги, онгнинг поклиги шахсият асосидир.

Агар сезгингиз яхши ишлашини ва тўғри қарор қабул қилишингизга ёрдам беришини истасангиз, онгингизни тозаланг, шунда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш учун қўшимча кувватга эга бўласиз.

Кимдандир хафа бўлганингизда, жаҳлингиз чиққанида, ихтиёрий ёки беихтиёр равишда ўша инсон ҳакида ўйлайсиз, у билан хаёлан баҳслашасиз ва ушбу фикрлар онгингизни бошқаради. Шунда қувватингизни салбий ҳис-туйғулар ва хавотирларга сарфлайсиз.

Яқин инсонларингизга ёлғон гапирганингизда эса айбордлик ҳисси сизни доимий равишда қийнайди. Шунинг учун, оиладан ташқаридаги яширин алоқаларни тўхтатинг, чунки ўзингизни фош бўлишдан қўрқсан жиноятчидек ҳис қиласиз ва ҳамиша зинони турмуш ўртоғингиздан яшириб юришга мажбур бўласиз. Бу салбий ҳис-туйғуларга жуда катта қувват сарфлашдир. Яширин муносабатлар яхшиликка олиб келмайди.

Бу хатти-ҳаракат ҳам маънавий ўсишни чеклайди, буни кўплаб тадқиқотлар ҳам тасдиқлаган. Бундай алоқаларга ўзларининг завқ олиш манбаи деб қараган кўплаб истеъоддли инсонлар ўзларининг имкониятларини рўёбга чиқара олмаганлар. Улар чалғиб, асосий нарсаларга эътибор қаратса олишмайди, чунки бу муносабатлар доимо уларнинг дикқат марказида бўлади. Шу тариқа кучли томонларини топиш ва таникли шахс бўлиш имкониятини қўлдан бой беришади. Катта мақсадлар эътиборсиз қолдирилади, уларга эришиш учун вакт ва куч қолмайди.

Менинг танишларимдан бири, ажойиб ва жуда истеъоддли инсон ўз қобилиятларини англаш етмаган эди. Мен у билан ишладим ва уч йилдан сўнг уни таниб бўлмасди. Нихоятда ўзгарди ва унинг ютуқлари самимий ҳайратга сабаб бўлди. Мен унга шаффоф ҳаёт кечиришни ўргатдим, асосий муаммо нима эканлитгини тушунишга ёрдам бердим. Ҳозир у эллик саккиз ўнда, афсуски, ёшлигини бекорга ўтказиб юборган. Агар ўз устида ишлашни аввалроқ бошлаганида, бундан ҳам кўпроқ натижаларга

эришган бўларди. Шунда ўз истеъдодини рўёбга чиқаришга кўпроқ вақти бўларди.

Маънавий амалиёт. Агар сезгини ривожлантирмоқчи бўлсангиз, руҳий амалиёт билан кўпроқ шуғулланинг. Бу шахсий ривожланиш учун жуда зарурдир. Кўлингиздан келганича ҳаммага ёрдам беринг.

Айтайлик, бирор сабаб билан бошқаларга ёрдам беришнинг имкони бўлмаяпти, унда оддий қоидага амал қилинг – агар ёрдам бера олмасангиз, ҳеч бўлмагандан бирорни хафа қилманг.

Сўзларингизни назорат қилинг, ҳеч қачон ўзингизни йўқотманг, хайрия ишлари билан шуғулланинг. Мана шу маънавий амалиёт. Назарий жиҳатдан маънавиятли бўлиш мумкин эмас, буни амалий ҳаракатларда кўрсатиш керак.

Айнан маънавий амалиёт ёрдамида сиз истеъдод ва қасбий маҳоратингизни кашф этасиз. Ичингиздаги илоҳий куч эҳтиёжларни енгиб ўтганингизда намоён бўлади. Ҳеч қандай фойда кутмасдан яхшилик қилинг. Дунё қандай яратилганлигига эътибор беринг. Мен дононликни табиатдан ўрганаман.

**Бирорта дарё ўз сувидан фойдаланмайди,
бирорта дарахт ўз мевасини истеъмол
қилмайди, қуёш ўзини иситмайди, улар
бошқаларга хизмат қиласди ва шунинг учун
абадийдир.**

**Умрини Ҳаққа ва бошқаларга хизмат қилишга
бағишлиган инсон ўлмайди, ззгу ишлари унинг но-
мини абадий саклайди, улар инсонлар қалбидан жой
олиб тарихда қолади.**

Маънавий амалиёт – бу истеъдодингиз ва ижодий қобилияtingизни намоён этиш учун пойдевор яратади, шунингдек, номингизни абадийлаштиради. Табиат бизга доноликни ўргатади, эътиборли бўлинг.

Масалан, ер фалсафаси. Ҳар бир инсон ерни ахлат ва чиқиндиларга тўлдиради, унга тупуради, ифлослантиради, лекин ердан ям-яшил майсалар, чиройли гуллар ва ажойиб дараҳтлар униб чиқади. Бу шуни англатадики, сизга қандай муносабатда бўлишлари эмас, сизнинг бошқаларга қандай муносабатда бўлишингиз муҳим. Хатти-харакатларингиз гуллар каби ажойиб ва гўзал бўлиши, мевали дараҳтлар каби фойда келтириши керак.

Маънавий амалиётнинг муҳим йўналишларидан бири – ўзини-ўзи бошқариш қобилиятидир. Истаклар, қўркувлар ва васвасаларни ақлингиз бошқариши учун ўзингизни қандай назорат қилишни ўрганишингиз зарур. Маънавий амалиёт билан шуғулланиб, сиз адолат тимсолига айланасиз. Руҳияtingиз кундан-кунга кучлироқ бўлиб боради.

“Кимки ҳар нарсада Аллоҳ ва пайғамбариға итоат қиласа, ўз ишида улуғликка эришган бўлади.”

Руҳий амалиёт сиз ва атрофингиздаги инсонлар ҳаётини ердаги жаннатта айлантиради.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Ибн Сино (Авиценна)

Ибн Сино (*Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ибн Сино*) инсоният тарихида ўчмас из қолдирган шахслардан биридир. У шифокор, фай-

ласуф, математик, мусиқачи, шоир ва буюк олим сифатида машхур бўлиб, унинг асарлари турли фанлар тадқиқотчилари томонидан ёдга олинади ва эъзозланади. Farbda ушбу даҳони Авиценна деб аташган.

Ибн Сино 980 йилда Ўрта Осиёда Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган Бухоро яқинидаги кичик Афшона қишлоғида туғилган. Бўлажак олимнинг отаси бадавлат инсон бўлиб, амалдор мақомига эга эди. Оила пойтахтга кўчиб келганида, иқтидорли болакайда билим олишга катта имконият туғилган. Ўша даврда Бухоро энг йирик таълим маркази эди. Пойтахт сарой кутубхонаси кўплаб олимлар, файласуфлар, шифокорлар ва адабиёт арбобларини ўзига тортарди. Авиценна болалигиданоқ ўта қизиқувчанлиги билан ажралиб турарди. Кичкина билағонни оддий мусулмон мактабига ўқишига юборишган ва 10 йил давомида ўша ерда таълим олган. Шу билан бир вактда Ибн Сино имло қоидалари, араб тили ва услубиётни ўрганган. 10 ёшида Куръонни ёддан билган ва бу билим мусулмон оламида жуда қадрланган. Унинг атрофидагилар истеъдодли ўсмирнинг муваффакиятидан ҳайратланишарди. Ўғлининг иқтидорини кўрган отаси унга ўқитувчи ёлади. Унга ёлланган улуғ ёшдаги муаллим Авиценнага физика, астрономия, фалсафа, география ва бошқа фанлардан сабоқ берган. Тез орада шогирд ўз билимлари билан устозидан илгарилаб кетди ва у мустақил равишда илм ўрганишда давом этди. Кейин-

чалик табобатга қизиқиб, шаҳарда мавжуд бўлган барча рисолаларни ўрганди, ҳатто илм-фани амалда англаш учун энг оғир беморлар олдига ташриф буюришни бошлади. Ибн Синони тиббиёт амалиётига машҳур мутахассис ва ўша даврдаги асосий тиббий рисолалар муаллифи Абу Саҳл Масиҳий жалб қилган.

Ўша пайтда Бухоро давлат раҳбари бетоб бўлиб қолади, лекин сарой шифокорларининг ҳеч бири уни даволай олмайди. Шунда ёш Ибн Сино амир хузурига таклиф қилинди, у касалликни тўғри ташхис қўйиб, керакли тавсияларни берди. Шундан сўнг 17 ёшли Ибн Сино ҳукмдорнинг шахсий табиби этиб тайинланади. Тез орада Ибн Сино ўз шогирдларига эга бўла бошлайди. У 18 ёшида Шарқ ва Ўрта Осиёning кўзга кўринган олимлари билан ёзишмалар олиб борган, мураккаб мунозараларда қатнашган. 20 ёшида эса бир нечта китоблар муаллифига айланган.

Тез орада Бухоро туркий қабилалар томонидан босиб олинди, вайронагарчилик ва ёнғинларга учради. Сарой кутубхонаси биносига ҳам жиддий шикаст етган. Бу вақтда файласуфнинг отаси аллақачон вафот этган эди ва Ибн Сино ватанини тарк этишга карор қилиб, савдо карвонида Хоразмга йўл олади. У ерда ёш шифокор илмий тадқиқотлар билан шуғулланишини давом эттиради, аммо бир неча йил ўтгач, ўтказган тиббий амалиёти сабабли қувғинга учраб, қочишга мажбур бўлади. Кўп йиллар давомида у ғазаб отига

мингган султондан яшириниб юрди, исм-шарифини ўзгартирди, лекин меҳнат қилишда ва китоблар ёзишда давом этди.

1016 йилда Ибн Сино Ҳамадонда (Фарбий Эрон худуди) қўним топди. Ўша пайтда бу ерда етарли маълумотга эга бўлмаган амирлар ҳукмронлик қиласарди. Бу Авиценна учун жуда қўл келди, у тез орада маҳаллий ҳукмдорнинг бош шифокори лавозимини эгаллади ва ҳатто бош вазир унвонига сазовор бўлди.

Ҳамадонда истиқомат қилган йиллари олим ўзининг асосий асари – “Тиб қонунлари” китобининг бешта бобидан биринчисини якунлаш имкониятига эга бўлди. Ўшандада Ибн Сино вируслар – юқумли касалликларнинг кўзга кўринмас қўзғатувчилари эканлигини аниқлаган эди, аммо унинг фарази орадан 800 йил ўтгачгина француз олими Луи Пастер томонидан тасдиқланди.

Файласуфнинг юрак уриши ҳақидаги таълимоти ҳам ҳайратга сазовор. У ўз китобида юрак уришининг барча мавжуд турларини тасвирлаб берган. Ибн Сино вабо, гепатит, сил ва ўлат каби мураккаб касалликларга таъриф берган биринчи шифокор эди. “Тиб қонунлари” қисқа вақт ичida турли мамлакатларда қўлланилган оламшумул тиббиёт энциклопедиясига айланди.

У кўплаб жиддий мавзуларга шеърий мисралар ёрдамида фикр билдирарди. “Ишқ ҳақида рисола”, “Ҳай ибн Якзон”, “Куш” ва бошқа

асарлари шу тариқа пайдо бўлган. Олим мижоз ҳақидаги таълимотни (*иссиқ, совуқ, нам ва қуруқ мижозга ажратиши*) яратиш орқали психологияяга катта ҳисса қўшди. Унинг меҳаника (*ўрнатилган куч назарияси*), мусиқа (*вокал санъати назарияси бўйича асарлари*) соҳаларидаги асарлари ҳам мавжуд.

Файласуф асарларининг умумий сони ҳануз гача мунозарали мавзудир. Баъзи тарихчиларнинг таъкидлашича, у турли илмий йўналишларда 453 га яқин китоб яратган. Араб адабиётида файласуфнинг ўнга яқин асарлари (астрономия, кимё ва бошқалар) қўлёзма ҳолида сақланиб қолган. Ҳозир улар дунё кутубхоналаридан ўрин олган.

Ибн Сино юксалиш ва инқирозларга тўла қизиқарли ҳаёт кечирган. Узоқ сарсон-саргардонликлардан сўнг мусулмон олими ўз юргига қайтиб келолмади, 1037 йилда бегона юртда вафот этди.

Ўлимидан олдин у ўз қулларини мукофотланган ҳолда озод қилишни, мол-мулкини эса камбағалларга тақсимлашни васият қилган. Ибн Сино Ҳамадонда шаҳар девори яқинида дағн этилган, 8 ойдан кейин қабри Исфаҳонга кўчирилган.

ФИКРЛАШ ВА АТРОФ-МУХИТ

*Ўзингизга бўлган ишончингизни
сусайтирмоқчи бўлганлардан қочинг. Бу
хусусият майда одамларга хос. Буюк инсон
эса аксинча, сизга ҳам буюк бўлишингиз
мумкинлигини уқтиради.*

Марк Твен

Фикрлаш инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Агар у белгиланган мақсадларга мос бўлмаса, олий таълимда олган билимлар ҳам фойда бермайди. Агар инсоннинг пули кўп бўлса ҳам улардан айрилади. Яхши алоқалар ҳам ёрдам бермайди, чунки тўғри фикрлашсиз инсон улардан ўз ўрнида фойдалана олмайди.

Фикрлашни шакллантирувчи асосий омил – бу атроф-мухитдир. Агар у ижобий бўлса, қолган элементлар вақт ўтиши билан ўз ўрнига тушиб кетади. Атроф-мухит фикрлаш ва дунёқараашни шакллантиради.

Атроф-мухит иродадан кўра кучлироқдир.

Масалан, дўстлари билан спорт залга қатнайдиган одамда сизда жисмоний машқ қилиш одати бор деган

таассурот уйғотиши мүмкін, аммо дўстлар спорт залга бориши тұхтатса, у ҳам у ерга қатнамай күяди.

Күпинча одамлар шахсий ривожланиш бўйича тренингларга ҳам уларни таклиф қилган ёки келишга кўндириган дўстлари билан келишади. Бунинг учун инсонларни ўзаро умумий манфаатлар, ғоялар, ҳаётга қарашлар боғлаб туриши лозим. Тренингларда фақат маълум бир қатламга хос инсонларгина қатнашади, оддий одамлар ўз-ўзини ривожлантириш дарсларини одатда эътиборсиз қолдиришади ва ҳамма нарсани биламан, деб ўйлашади.

Лекин ҳатто тренингда қатнашганлар ҳам, уни тугатгандан сўнг, доим ҳам олинган билимларни амалда қўлламайдилар. Ҳа, улар тренингларни илҳомланган, ғайратли, ҳаракат қилишга тайёр ҳолда тамомлашади, аммо яна эски муҳитга қайтиб, бир ҳафта ичида мураббий билан учрашишдан олдинги ҳолатига тушиб қолишади. Чунки муҳит иродадан кўра кучлироқдир. У фикрлашни шакллантиради.

Мен сизга йилига тўрт марта бошқа мамлакатларга саёҳат қилишни маслаҳат бераман. Янги кийим-кечак, мебель, телефон ва бошқа кераксиз нарсаларга пул сарфлашнинг кераги йўқ. Уларни фақат зарур бўлганда сотиб олинг. Қадимги юнон файласуфи Сукрот бозорда айланниб юриб шундай деган экан: “Дунёда менга керак бўлмаган буюмлар жуда кўп.”

Шунинг учун, пулни қизиқарли саёҳатларга сарфлаб, ҳашаматли нарсалардан тежаш яхшироқдир. Афсуски, катта маблағлар одатда ҳавога совурилади, чунки физиологик завқланиш истаги баъзан кучлилик қиласи.

Аклга ижобий таъсир кўрсатадиган ва ўзгаришингизга ёрдам берадиган нарсаларга эътибор қаратинг. Маънавий ўсишни рағбатлантирадиган муҳит яратинг. Буни

амалга оширмагунингизча ҳеч нарса ўзгармайди. Буни бир банка тузланган бодринг мисолида тушунтириш мумкин. Агар сиз ушбу идишга янги бодринг солиб қўйсангиз, бирмунча вақт ўтгач, у ҳам шўр бўлиб қолади, чунки шўрсув ўз вазифасини бажаради. У ўз мазасини сақлаб қололмайди, чунки бу ҳолатда унга тузли муҳит таъсир кўрсатади.

Бу шуни англатадики, агар сиз ўз бугунингиз, натижаларингиз, фикрлашингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, “тузли сувга тушмаслигингиз”, яъни муҳитни ўзгартиришингиз керак. Бошқа муҳит яратиш, ўзгача одамлар билан мулоқот қилиш, маънавий ўсиш ва ривожланиш учун қулай шароитни шакллантириш керак. Бунинг учун эса сизга ўрнак бўладиган одамлар бор жойларга ташриф буюришингиз зарур, сиз орзу қилаётган шароитда яшаётганлар билан танишинг. Шунинг учун йилига тўрт марта саёҳат килинг, бу фикрлашингизни ўзгартиришга ёрдам беради.

Ўзгарганингизда эса бошқача ўйлашни бошлийсиз, олдингизга янги мақсадлар қўйиб уларга интиласиз. Шунда қариндошлар ва дўстларингизга таъсир кўрсата оласиз, ахир бир қопиқ шакар ёки қаҳва иссиқ сувга кўшилганда, муҳитни бутунлай ўзгартириб юборадику. Аллоҳ таоло пайғамбарларни ҳам айнан муҳитни ўзгартириш мақсадида юборган.

Атроф-муҳитта таъсир кўрсатиш учун уларга намуна бўлинг.

Бу уларга ўз қарашларингиз ва дунёқарашингизни етказишининг энг яхши ва тезкор усулидир. Аммо сўзларингиз ва қилаётган ишингиз бир-бирига мос бўлмаса, унда ҳурматингизни йўқотасиз. Бунда одамлар сизни тинглашдан тўхташади. Сукрот айтганидек, агар бирор

нарса ҳақида гапираётган бўлсангиз ва сизни эшишишмаса, демак, сиз айтаёттганларингизга ўзингиз ишонмайсиз.

Бир пиёла иссиқ чой ичсангиз, илиқлик ҳис қиласиз. Ёнаёттган шам ўз нури билан атрофидаги нарсаларни ёритади. Сиз ўзингизда муносиб инсоннинг қадриятларини шакллантирганингизда, бу жиҳат ҳаммага кўринади ва сизнинг қандай инсон эканлигингишни кўрсатади ва аста-секин атроф-муҳитга таъсир қиласи. Даствор аввалги муҳит таъсиридан узоқлашиш қийин бўлади. Шунинг учун биринчи навбатда янгисини яратинг ва ўзингизни ўзгартириб, қариндош ва дўстларингизга таъсир ўтказинг, уларнинг маънавий ривожланишига ёрдам беринг. Албатта, ҳамма ҳам сизга эргашмайди, кимдир тушунади, кимдир барча фикрларингизни рад этади. Буни юрагингизга яқин олманг, бу нормал ҳолат. Инсон ўзи тушунмаган ҳамма нарсани инкор этади.

Кимдир сизни тушунмаса, хайрли ишлар қилиш ниятидан воз кечманг.

Чаён ҳақидаги ривоятни эсланг. Ахир донишманд чаённинг иши чақиш бўлса ҳам уни кутқаришдан воз кечмадику. Сиз ўз ҳаётий тамойилларингизга хиёнат қиломайсиз. Кимнингдир нотўғри ҳатти-ҳаракати сабабли яхшилик қилиш истагингиздан воз кечмаслигингиз керак.

Мен айтаёттган кўп нарсалар онгингизга дарҳол етиб бормаслиги мумкин. Ўзим ҳам устозим менга йигирма беш йил олдин айтган гапларнинг кўпини энди тушуна бошладим.

Сизнинг ҳаракатларингиз тушунгандарингизнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Агар ушбу қоидалар бўйича яшашни бошласангиз, айтилганларнинг барчаси онгингизга етиб борган деган холосага келиш мумкин. Маса-

лан, спиртли ичимликлар ичиш ва чекиши заарли экан-лигини ҳамма билади. Агар сиз ичиши ва чекишини давом эттирсангиз, демак ҳали ҳеч қандай тушунчага эга эмас-сиз. Буни англаганингизда, дарҳол ёмон одатларни тарк этасиз. Бу ерда ҳам худди шундай: китобда ёзилганларни тушунганингизда, ушбу тамойилларга мувофиқ яшашни бошлайсиз. Шунда ўз орзуларингизни амалга ошири-шингиз мумкин бўлади.

РИВОЯТ: “ПАШША ВА АРИ”

Бир куни чивин пашшадан сўрабди:

- Бу атрофда гуллар борми?
- Гулларни билмайман, – дебди пашша. – Лекин арикларда гўнг ва ҳидланиб кетган кўлмаклар кўп. Пашша атрофдаги бориш мумкин бўлган барча ахлатхоналарни санаб берибди.

Чивин учеби кетди ва арини учратиб қолибди:

- Яқин атрофда ахлатхона борми? – деб сўра-ди у.
- Ахлатхона? Чикиндиларними? Йўқ, ҳеч қаерда ундан жойни кўрмадим, – ҳайрон бў-либди асалари. – Аммо атрофда жуда кўп чи-ройли гуллар бор!

Ари унга қаерда лолалар ўсишини ва яқинда сумбул гуллаган жойлар ҳақида айтиб берибди.

Ҳар ким ўзига керагини кўрганди: пашша хид-ланган кўлмакларни, ари эса хушбўй гулзор ва боғларни биларди. Шунинг учун дўстлар ва атроф-мухитни тўғри танлаш жуда муҳим.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОНГ


*Инсон – тафаккур маҳсули,
у нима ҳақида ўйласа, шунга айланади.*

Маҳатма Ганди

Одатда ақл-заковат даражаси юқори бўлган одамлар ишни тез бошлишади. Улар осон ўрганадилар, лекин аста-секин пасайиш бошлишади ва улар охир-оқибат ҳаёт рейтингида паст позицияларга тушиб қолишади.

“Интеллектуал онг” чизмаси

IQ – Интеллектуал онг



Кўплаб кучли ақлга эга одамлар ўз қобилиятларини англаб етишмаган. Адабиётларда тасвирланган абадий муаммо – ақл сабабли келган балолардир. Уларнинг онгида жуда кўп тўсиклар ва нотўғри қарашлар мавжуд. Дарҳақиқат, инсон ақлни қаерда ишлатишни ва қаерда

сукут сақлаши яхшироқ эканлигини билиши зарур, чунки баъзан ақл муаммоларга гирифтор қиласди.

Масалан, баъзилар бизнес бошлашга қарор қилиб, унинг қандай бўлиши ҳакида жуда узок ўйлашади, натижада уларнинг ғояси ўз аҳамиятини йўқотади. Охир-оқибат, бундай инсонлар ўйлаган ишларини ҳатто бошлашмайди. Эҳтимол, танишларингиз орасида ҳам ақлли, аммо ўзини англаб етмаган ва бирор натижага эришмаган инсонлар бордир.

Менинг олмаоталик ўқувчим бор эди, у бир неча бор ёнимга келиб, турмуш ўртоғини мувваффақиятли инсонга айлантириш ҳакида маслаҳат сўраганди. У тўртта олий маълумотга эга бўла туриб беш йилдан буён ишламай, уйда ўтирган экан. Айтишича, уларнинг оиласи катта, тўрт нафар фарзанди бор.

У қандай қилиб турмуш ўртоғига таъсир кўрсатиш ҳакида ўйларди. Бу ерда ҳам худди шу муаммо – ақлнинг муаммо келтириши. Шунинг учун, баъзи ҳолларда ақлни “ўчириб туриш” яхшироқдир, чунки ҳаддан ташқари кўп ўйлаш иккиланишларга сабаб бўлади.

РИВОЯТ: “ИККИ ЭШКАК”

Бир куни қайиқчи сайёхни дарёдан ўтказиб қўяётган эди.

Сайёҳ ҳар доимгидек қирғоқ бўйидаги манзараларни томоша қилиб борарди, атрофга қаради ва бирдан қайиқнинг эшкакларидаги ёзувларга кўзи тушди. Бир эшкакка: “Ўйла”, иккинчисига: “Бажар” деб ёзилганди.

– Эшкакларингиз қизиқ экан, – деди сайёҳ. – Нима сабабдан бундай?

— Қаранг, — деди қайиқчи жилмайиб. Ва у “Үйла” деган ёзуви эшкакнинг бир ўзини эшишни бошлади. Шунда қайиқ олдинга юрмай бир жойда айлана бошлади. — Мен баъзан бирор нима ҳақида ўйлаб, режалар тузишни бошлардим... Лекин бундан ҳеч қандай фойда бўлмади. Мен худди шу қайиқ каби жойимда айланиб юраверардим.

Кейин қайиқчи биринчи эшкакни эшишни тўхтатиб, “Бажар” деган ёзуви эшкакни эшишни бошлади. Қайиқ яна бир жойда айлана бошлади, лекин бу сафар бошқа томонга.

— Мен баъзан бирор ишни ўйламасдан, режасиз, чизмаларсиз бошлаб таваккал қилганиман. Унга кўп вақт ва куч сарфладим. Лекин охирида яна бир жойда айланиб борганимни билдим. Шунда мен эшкакларга ушбу сўзларни ёздим, — давом этди қайиқчи, — чап эшкакнинг ҳар бир зарбасига ҳамоҳанг тарзда ўнг эшкакнинг зарбаси бўлиши кераклигини ёдда сақлаш учун.

Сўнг дарё бўйида қад кўтарган чиройли уйни кўрсатиб:

— Мен бу уйни эшкакларга битиклар ёзганимдан кейин курдим.

Хурматли ўқувчи! Мен доимо айтаман, фақат илм олиш ва яхши билимга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас. Агар сиз мен ёзган китобларимда айтилганларнинг ҳаммасига риоя қилмасангиз, ҳеч қандай ютуқҳа эришмай-

сиз. Ҳаракат – ҳаётда ижобий ўзгаришларга олиб бора-
диган ягона нарсадир.

Агар сизда ҳал этилмаган муаммолар ва эришилма-
ган мақсадлар бўлса – ортиқча вазн, бошқарув қобилия-
тининг етишмаслиги, маълум бир тилда сўзлаша олмас-
лик, қарз – бу сизнинг ҳаракатсизлигингиzinи англаради.

Агар ғайрат килиб қаттиқ ишласангиз ҳам ривож-
ланмай бир жойда туриб қолган бўлсангиз, бу сизнинг
профессионал билимларсиз ҳаракат қилаётганингизни
англатади. Аввал ўрганинг, кейин ҳаракатни бошланг.
*Амалиёт ҳеч қачон назарий билимларнинг ва назария
ҳеч қачон амалиёт ўрнини боса олмайди.*

ХИССИЙ ОНГ

*Ақл – бу бекиёс юқори қобилият, лекин унга
фақат әхтирослар устидан ғалаба қозониш
орқали эришилади.*

Н.В.Гоголь

Ҳиссий онг – бу бошқа одамлар ва ўз ҳис-түйғуларингизни англаш, шунингдек уларни бошқариш учун масъул бўлган онг тури. Ҳозир бу ҳакида жуда кўп гапиришяпти, ёзишяпти ва қизғин муҳокама қилишяпти. Лекин бизни унинг амалий жиҳати қизиқтиради.

Онгнинг ушбу тури битимлар тузишда, ҳаёт йўлида юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтишда, шунингдек муқаррар мувваффакиятсизликларда ёрдам беради. Эсингизда бўлса, айнан тўсиқлар ва муаммолар мувваффакият йўлидаги асосий тормоз ҳисобланади. Улар режаларнинг иш бериши, мақсадларга эришиш имкониятига шубҳа туғдиради, сизни тўхташ ва баъзан орзуларингиздан воз кечишига мажбур қилади.

**Салбий тажрибалар қатъиятсизлик ва қўрқувга,
ўзидан шубҳаланишга ва номукаммаллик
комплексига сабаб бўлади, унинг таъсирини
тўхтатиш керак.**

Бунга ҳиссий интеллект ёрдам беради: унинг натижасида иштиёқ ва илҳом пайдо бўлади.

Күплаб етакчилар – сиёсий, корпоратив, диний – юқори даражада ривожланган ҳиссий интеллектга эга. Бу ишонтиришга ва инсонларни эргаштиришга ёрдам беради. Аксарият тарихий шахслар бундай ақл-заковатта эга бўлишган.

Шуни тушуниш керакки, бу воситадир, яъни ундан нафақат эзгулик, балки ножоиз мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунга далил сифатида турли мамлакатлар ва даврларда яшаб ўтган золимлар, диктаторлар, таниқли сиёсатчиларни мисол қилиб келтириш мумкин.


Гитлер бу каби шахсларнинг ёрқин мисолларидан бири. У ривожланган ҳиссий интеллектга эга эди ва шафқатсиз, золим инсон бўлган.

Замонавий дунёда бундай ақл-заковатта эга жуда кўп инсофсиз одамлар бор, масалан, бир вақтлар машхур бўлган “МММ” молиявий пирамидасини яратган Мавроди. Оломонни бошқарадиган дин пешволари ҳам шундай интеллектта эга бўлишади.

Эмоционал интеллектта эга инсонлар умумий ривожланиш даражаси юқори бўлиб, ҳаётининг дастлабки босқичида юқори натижаларга эришадилар. Лекин кейин пасайиш бошланади, фаоллик сусаяди ва кўпинча улар ўз ҳаётини бирор ютуқсиз тутатадилар.

“Ҳиссий онг” кўрсаткичи

IQ – Ҳиссий онг



РУХИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

*Инсон ҳаракатсизлиги сабабли
қайғули ҳаётда яшаши учун эмас,
балки буюк ишлар учун туғилади.*

Леон Альберти

Дастлаб мен буюк шахслар ҳакида бироз тұхталмоқчиман. Масалан, Фиръавнни мағлуб этган Мусо пайғамбар ҳакида. Унинг қўшини ҳам, давлати ҳам бўлмаган, ўзи ёлғиз эди, лекин шунга қарамай, ғолиб бўлди.

Ёки Маҳатма Ганди. Унинг шарофати билан Ҳиндистон мустақил давлатга айланди. Юз йиллар давомида Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган ушбу давлатда халқ золимларга қарши курашди. Айнан Ганди зўравонликсиз қаршилик ва фуқароларнинг бўйсунмаслик тамойиллари билан Сатъяграфа (*сат – ҳақиқат, аграфа – қатъият*) назариясини яратиб, ишнинг мантиқий якунига – мустақилликка эришишга муваффақ бўлди.

Одатда ривожланган рухий интеллектта эга бўлган одам дастлаб эътироф этилмайди, назарга илинмайди, нотўғри тушунилади ёки ҳатто камситилади. Барча пайғамбарлар ушбу ҳолатни бошдан кечиргандар. Замонавий ҳаётда ҳам шундай бўлади, чунки адолат ва эзгулик йўлидан юрган одам натижага тез эриша олмайди.

Маънавий тамойиллар асосида яшайдиган инсонлар ўз мақсади сари аста-секин боришида ва керакли натижага эришишида етарлича сабр-тоқат ва мустаҳкам характер эга бўлишади.

Менга тадбиркор-ўқувчиларим тез-тез қўнғироқ қилиб, муаммолари ҳақида гапиришади. Уларнинг муаммоларини тинглагач қувонаман ва уларга “Бу жуда ажойиб, сиз учун хурсандман”, деб айтаман. “Нимадан хурсанд бўласиз?” – деб сўрашингиз мумкин. Чунки муаммолар тўғри ривожланаётганликни англатади.

Мен ўқувчи қизларимдан бирига уч йил олдин у қандай қилиб ғайриоддий юксалишни бошдан кечирганини эслатдим. Бошида унинг даромади ойига бир миллион долларни ташкил этди ва кейин ҳаммаси бирдан барбод бўлди, у жуда кўп пул йўқотди, устига муаммолар тўлқини ёпирилди. Осон эришилган муваффакият муваффакиятсизликка етаклайди, қийинчиликларни аста-секинлик билан босқичма-босқич енгиб ўтиш барқарор ва юкори натижанинг ажралмас қисмидир.

Ҳаёт велосипед ҳайдашга ўхшайди, агар уни ҳайдаш қийин бўлаётган бўлса, демак, юкорига кўтариляпсиз. Аммо тўхтасангиз, йиқиласиз.

Бу шуни англатадики, ҳамма нарсага осонлик билан эришаётган бўлсангиз қўрқиш керак, чунки пастликка ҳаракатланиш ҳар доим осон бўлган. Орадан кўп вақт ўтмай, ўзингизни жарликда кўришингиз ҳеч гапмас. Буни тушуниш мухим. Шунинг учун ўқувчиларим менга қўнғироқ қилиб, муаммолар ҳақида шикоят қилишса, мен уларга қийинчиликлардан хурсанд бўлишлари кераклигини тушунтираман, бу ривожланиш деганидир. Ҳар бир муаммонинг ечими бир қадам юкорига кўтари-

лишдир. Фақат шу йўл билан муваффақиятта эришиш мумкин.

Инсон руҳий интеллектга эришиш учун мунтазам ўз устида ишлаш керак бўладиган кучли сабр-тоқатга эга бўлиши керак. Агар сиз ўз соҳангизнинг ҳақиқий профессионалига айлансангиз, рақобатдан кўрқмайсиз ва сиз яратган нарса доимо талабгир бўлади.

Одатда ўз соҳасида профессионал бўлмаган одамлар муваффақиятсизликка учрайди, банкрот бўлади. Чунки улар масалага юзаки қарашади ва уқувсиз бўлишади. Инқироз даврида бозор уқувсизлардан тозаланади, чунки истеъмолчилар юқори сифатли маҳсулотларни сотиб олишга ва сифатли хизматлардан фойдаланишга мойилдирлар. Айнан руҳий интеллект профессионал бўлишга ёрдам беради, чунки у инсонга сабр ва матонат ато этади.

“Ҳақиқий мутахассисга айлан” деб номланган жараёнга етти йил вақт кетади. Муваффақиятта икки-уч йил ичида эришилади, деб ўйлаган киши адашади. Бунга камида беш йил вақт кетади. Тренингларнинг бирида мен савдо тармоғини яратганим ҳақида айтиб бергандим. Танаффус пайтида ёнимга бир йигит келиб, 8 ой ичида қандай қилиб етмишдан ошиқ дўкон очишга муваффақ бўлганимни сўради (*ҳозир улар 356 ta*). Бунинг учун 8 ой эмас, 20 йил керак бўлганини, чунки бу натижага тўпланган тажриба ва билим орқали эришганимни тушунтирдим.

Шундай бир ҳикоя бор. Бир куни буюк рассом Пикассо қаҳвахонада ўтирганида ёнига бир қиз келиб, бирор нима чизиб беришини сўрабди. Рассом рўмолчага шаҳар манзарасининг эскизини чизиб берибди. У чизишини тугатгач, қиз расмни олиш учун кўлинини узатибди, лекин Пикассо: “Бу сурат ўн минг доллар


туради”, деб айтибди. “Аммо сиз буни чизиш учун бор-йүғи ўн беш дақықа сарфладингиз”, деб хайрон бўлибди қиз. Улут ижодкор эса “Йўқ, мен бунга эллик йил вақт сарфлаганман”, деб жавоб берган экан.

Сиз интеллектнинг қайси турини ривожлантиришингиз кераклигини аниқлашингиз зарур. Мен руҳий интеллектта эътибор қаратишни тавсия қиласман, чунки у интеллектуал ва ҳиссий онгни бирлаштиради. Агар сиз уларни бирлаштириб, ўзингизни инсонларга хизмат қилишга багишиласангиз, сизнинг руҳий интеллектингиз ривожланади.

Руҳий интеллекти ривожланмаган одам ҳавфли бўлади. Айнан шу тоифадаги инсонлар жиноят қиласди ва жангларни бошлашади. Улар ахмок эмаслар, уларнинг интеллектуал қобилияtlари жуда юқори даражада, аммо маънавий дунёси тор. Бундай одамлар ўз манфаатлари йўлида ҳамма нарсани барбод қилишади, улар туфайли оиласлар бузилади, дўстликка рахна солинади, давлатлар пароканда бўлади.

“Руҳий интеллеккт” кўрсаткичи

SQ – Руҳий онг



$$SQ = IQ + EQ$$

Рұхий интеллект доноликни англатади.

Мен әркакларга ақлли аёлларға эмас, доно аёлларға үйланишни маслаҳат бераман. Ақлли хотин билан бутун ҳаётингиз үзаро жанжаллардан иборат бўлади.

Доно аёл эса қимматли вақтини охир-оқибат оиласнинг бузилишига олиб келадиган беҳуда ишларга сарфламайди. У яхши тушунадики, баъзида ўзини ахмоқ қилиб кўрсатиш ва суюкли бўлиб қолиш афзалроқдир.

Донолик келишув ва тушунишдан иборат. Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам жанжаллардан қочишимиз керак, ким донороқ бўлса, ўша инсон қўпроқ айбдор ҳисобланади. Чунки доно инсон доимо зиддиятлардан қочишининг йўлини топа олади. Бу аёлларга ҳам, эркакларга ҳам тегишли.

Оиладаги тинчлик ва тотувлик икки инсонга боғлиқ. Эр ҳам донолик кўрсатиб баъзи вазиятларда жанжалнинг олдини олиши зарур. Қачонки сизда кучли интеллект ва юксак маънавий ривожланиш бўлса, ўз қобилиятингиздан умумий манфаатлар йўлида фойдалансангиз, хақиқий доноликка эришасиз.

Маънавий ривожланган шахснинг кўрсаткичи – унинг ташқи дунё билан муносабати, олиб борадиган турмуш тарзидадир.

Масалан, эрнинг хотинга бўлган иродаси, хотиннинг эрига бўлган хоҳиши иймондан. Фарзандларнинг ота-онага итоат ва ғамхўрлик қилиши ҳам иймондандир.

Демак, аёл эрига, оиласига хизмат қилишга, содиқ ва итоаткор бўлиши лозим. Эркак ўз умр йўлдошини баҳтили қилиш, у учун энг яхши шароитларни яратиш, унга

ва фарзандларига максимал даражада ғамхўрлик қилиш учун ҳамма ишни қилиши зарур. У шунингдек, ҳар қандай ҳаёт шароитига қарамай, ота-онасининг ҳам таянчи бўлиши, уларга ғамхўрлик қилиши керак.

Болалар ўз ота-оналарини муҳокама қилишга, уларга эътибор бермасликка, гап қайтаришга ва уларни ҳақорат қилишга ҳақли эмаслар. Ота-оналар бизни қўлларидан келганча яхши кўрадилар, бизга имкон қадар ғамхўрлик қиласдилар. Уларни бошқалар билан таққослаб бўлмайди.

Ота-онага қўлдан келганча хизмат қилиш иймондан-дир. Бу Аллоҳ таолонинг амри, Яратганнинг иродаси. Агар кимdir бунга амал қилмаса, демак, у Худога итоатсизлик қилган бўлади. Яратганга ва бир-бирингизга хизмат қилинг. Ҳаёт руҳий интеллекти ривожланган инсонларга кўпроқ имкониятлар беради ва юксалишга ёрдамлашади.

Биз юқорида айтиб ўтган ақлий ва бошқа шахсий хусусиятлар уйғунлиги (*характер, одатлар, қобилиятлар ва бошқалар*) инсонларга ўз орзуларини амалга оширишга кўмаклашади. Масалан, одатлар бир хил ҳаракатларни мунтазам тақрорлаш орқали шаклланади. Агар сиз мақсадларга эришиш, ўзингизни англаш ва дунёни билиш жараёнидан завқлансангиз, сизда аста-секин яхши одатлар шаклланиб боради.

Келинг, камбағал ва бой одамларнинг одатларини кўриб чиқамиз. Камбағаллар кўп ухлайдилар, кўп овқатланадилар ва чекадилар, муҳим ишларни ортга сурадилар, пассив ҳаёт тарзини олиб борадилар.

Бадавлат инсонларнинг одатлари бутунлай бошқача: китоб ўқиш, ишларни режалаштириш, фаол ҳаёт тарзини олиб бориш, пул йифиш, таълим олиш. Бундай турмуш тарзи инсоннинг ҳар куни қиласдиган ҳаракатлари-

ни белгилайди. Бу сизга пул олиб келадиган, сизни бой киладиган одатларни шакллантиришингиз кераклигини англатади ва умуман олганда, жиддий мақсадларга эришиш учун фойдали бўлади.

**Аввал биз тўғри одатларни шакллантирамиз,
кейин эса улар муваффақиятта эришишимиизга
ёрдам беради.**

Шунинг учун, биринчи навбатда, ушбу вазифа устидаги ишланг. Агар сиз бунинг уддасидан чиқсангиз, хохлаган нарсангизга, албатта, эришасиз.

Маънавий ривожланадиган одатлар шахснинг шаклланишига хизмат қиласди. Намоз ўқиш, хайр-эҳсон қилиш, мухтожларга ёрдам бериш, ҳар куни муқаддас китоблар, пайғамбарлар таржимаи ҳолларини ўрганиш ва ҳадисларини ўқиш, уларда баён қилингандарга риоя қилиш фойдалидир. Бу ўзингизда интизом ва фойдали хусусиятларни ривожлантиришга ёрдам беради, сиз ҳалол ва иймонли инсон бўлиб етишасиз. Вакт ўтиши билан ҳаракатларингиз ҳаёт тарзига айланади ва руҳий ўсишингизни таъминлайди.

Мен ўзимни тартибга солишга ҳар куни 5 маҳал намоз ўқиш орқали эришаман. Болалигимдан онам мени устоз тарбиясига топширгандан буён намоз ўқийман. Ҳар куни эрталаб Куръон ва бошқа муқаддас китобларни мутола қиласман, ҳар ҳафта рўза тутаман, пайғамбарлар ва авлиёларнинг насиҳатларига амал қиласман, ҳар ойда хайр-эҳсонга пул ажратаман. Доимо ўзимнинг маънавий қадриятларимга мос амалларни бажараман, барча ишда Қодир Эгамга итоат қиласман, ўз устимда ишлайман, ўзимни маънавий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантираман.

Мен Яратганинг ёрдами билан қадамма-қадам мақсадимга яқинлашиш учун ҳар куни амал қиладиган ва тақрорлайдиган меъёрларни ишлаб чиқдим. Ушбу стратегияни устозлар, чемпионлар ва профессионаллардан ўргандим. Табиатни кузатиш орқали кўп нарсаларни тушушиб олдим. Мен ундан бир томчи сув стратегиясини ўргандим: биттаси ҳеч нарсани англатмайди, миллион донаси эса ҳаммани мағлуб этади.

Ўз устингизда ишланг, ахлоқий қадриятларга мос келадиган одатларни ривожлантиринг. Шунда ўзингизни хурмат қиласиз ва атрофингиздаги дунёни ўзгартира оласиз.

Энг муҳим душман бўлган – ўзингизни мағлуб қилмагунингизча ўз устингизда тинимсиз ишланг. Энг моҳир уста бўлган – ўзингизни уйғотгунингизча тинимсиз меҳнат қилишдан тўхтаманг.

ТАНИКЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий (783-850 йиллар)

Афсуски, ал-Хоразмий ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Маълумки, у 783 йилда Хоразмда (ҳозирги Хива) туғилган. Мавжуд маълумотларга кўра, ал-Хоразмий 809 йилда Хоразмшоҳ ал-Маъмун саройида хизмат қилган, 819 йилда эса ўша пайтга келиб халифа бўлган маърифатпарвар хукмдорга ҳамроҳлик қилиб, Араб

халифалиги пойтахти Бағдодда күчидеги йүткөншілдіктердің оның охирегінде Катраббул худуди чеккасида яшаган. Бағдодда олим халифа ал-Маъмун фармони билан ўша йилларда машхур бўлган, кейинчалик “Ал-Маъмун академияси” деб номланган “Донишмандлар уйи”га раҳбарлик қиласа. Дарҳақиқат, бу ҳақиқий Фанлар академияси эди.

Бу ерда Ўрта Осиё ва Араб Шарқининг турли минтақаларидан келган кўплаб олимлар фаолият олиб борган. Улар ихтиёрида эски қўл-ёзмаларнинг бой кутубхонаси, шунингдек, йирик расадхона мавжуд эди. Буюк олимнинг асосий асарлари ушбу илм-фан кошонаси де-ворлари орасида ёзилган.

Маълумки, ал-Хоразмий 20 та асар муаллифи бўлиб, улардан 9 тасини тўлақонли илмий рисолалар деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги кунгача фақат 7 та китоби сақланиб қолган. Улардан аксарияти асарларнинг лотин тилидаги таржималари, араб олимларининг ал-Хоразмийнинг илмий ишларига шарҳлари бўлиб, бизгача сақланиб қолган китоблар орасида унинг асл қўлёзмалари жуда кам.

Жаҳон фанида у математикага оид “Рақамлар ва уларнинг ҳаракатлари ҳақида” номли рисоласи билан машхур. Бу асарда биринчи марта ўнлик позицион ҳисоб-китобларга асосланган арифметиканинг тизимли тақдимоти баён этилган.

Асарнинг асл арабча матни бизгача етиб келмаган бўлса-да, унинг XII асрдаги лотин ти-

лига қилинган таржима нусхаси сабабли европалик олимлар хинд-арабча ҳисоблаш усули билан танишганлар. Ўша пайтдан бошлаб “араб” рақамлари Европа ва жаҳон математикасига абадий мухрланган.

Ал-Хоразмийнинг 830 йилда “Китоб ал-жабр вал муқобала” номи билан нашр этилган математика дарслиги бўлган иккинчи рисоласи асосан биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечишга бағишиланган. Олим ўз китобларини инсонларга кундалик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш мақсадида ёзганини таъкидлайди. Ал-Хоразмий мероси асосани тақсимот, савдо ҳисобини юритиш ва мулкий дъяволар, савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа масалаларга бағишиланган.

Энг муҳим математик тушунча – алгебра атамаси ал-Хоразмий номи билан боғлик. Бу математик олим томонидан тенгламаларни ечишда фойдаланилган “ал-жабр” операциясининг лотинча номи. Дарҳақиқат, Хоразмий ўз меҳнати билан математиканинг янги бўлими – алгебрани вужудга келтирди.

Унинг номи лотинлаштирилган кўринишидаги универсал “алгоритм” атамаси билан абадийлаштирилган. Алгоритм – Ал-Хоразмий номининг бироз ўзгартирилган шакли бўлиб, юончча “аритмос” – рақам сўзининг таъсири остида шаклланган.

Олимнинг астурлоб (*кенглиқни аниқлаш асбоби*) ҳақидаги китоби ўша давр астроно-

мияси учун катта аҳамиятга эга эди. У тузган астрономик ва тригонометрик жадваллар тўплами Хитой ва Европа тилларига таржима қилинганди.

Ал-Хоразмий география фанига ҳам катта ҳисса қўшган. У математик географияга оид илк асар муаллифи ҳисобланади. Унда биринчи марта араб тилида Ернинг ўша даврга маълум аҳоли яшайдиган қисми тасвиirlangan, денгиз ва океанлар, тоғлар ва дарёлар билан энг муҳим аҳоли яшаш нуқталари белгиланган харита берилган. Унинг “Ер суратлари китоби” ўзидан олдинги асарларнинг таржимаси ва жамланмасигина эмас, балки жуда кўп янги маълумотларни ўз ичига олган оригинал асардир. Ал-Хоразмий Византия, Хазария, Афғонистонга илмий экспедициялар уюштирган. Унинг раҳбарлигига ер меридианининг бир даража узунлиги ҳисобланган. Хоразмий Ўрта Осиёning буюк математики, астрономи, тарихчиси, географи, илк ўрта асрларнинг энг йирик олимларидан бири сифатида фан тарихига киритилди.

РЕСУРСЛАР

*Ўзига бўлган ишонч – бекиёс нарса,
чунки бу ўз қобилиятидан хабардор
бўлган инсон белгисидир.*

Томас Гоббс

Муваффақиятга эришиш учун ҳар ким маълум ресурсларга эга. Фаровонлик сари ҳаракат қилиш кўп нарсани талаб қиласди. Ресурслар ҳар хил: пул, вақт, активлар, алоқалар, билим ва ҳоказо. Булардан қайсилирагадир аллақачон эгасиз, қайсилирагадир эришиш учун ўз устингизда ишлашингиз керак.

Масалан, вақтга ҳар ким эга ва ундан тўғри фойдалансангиз, босқичма-босқич кейинги мақсадларга эришишингиз мумкин – таълим олиш, кўникум ва малакаларга эга бўлиш, мартабангизни ўстириш ва ҳоказо.

Шунга кўра, агар биз руҳий интеллектни ривожлантирсак, маънавий амалиётларга вақт ажратсак, биз ҳар томонлама уйғун тарзда ривожланамиз, керакли ресурсларга қай тарзда эга бўлиб қолганимизни сезмай ҳам қолламиз.

Лекин энг муҳим ва зарур ресурс борки, деярли ҳамма унга эга, лекин негадир кўпчилик ундан фойдаланмайди.

Ундан асосан муваффақиятга эришган инсонлар фойдаланадилар. Айнан мана шу ресурс инсонни чемпион қиласы, уни оломондан ажратып туради ва ғолиб бўлишига имкон беради. Ушбу ресурс бўлмаса, одам ҳамма нарсасини йўқотиши мумкин, чунки у вақтни бехуда сарфлайди ва ютуқларга интилмайди. Бу ресурс – ҳаётий кувват ва ички ҳолатдир.

Сиз рингга чиқкан боксчидаги ўзига бўлган ишонч, кўзларидаги оловни, ғалабага бўлган иштиёқини кўргандирсиз? Агар у ўзини йўқотса, кучли рақиб билан тўқнашувга руҳан тайёр бўлмаса, аввалданоқ мағлуб бўлади.

Қачонлардир мен кўп пул йўқотиб, қарзга ботиб, банкрот бўлиш арафасида, хўрланиб, эзилиб, ўзимни кичкина одамдек ҳис қилгандим. Мен ўшандага фақат пул йўқотганимни эмас, балки ўзимнинг бир қисмимни, қалбимнинг бир бўлагини йўқотганимни англадим. Шу сабабли ҳам узок вақт ўзимга кела олмадим. Нима иш бошлишимдан қатъи назар, ишларим бир хил – муваффақиятсизлик билан якунланарди, чунки мен асосий ресурсни, аввалги ички ҳолатимни йўқотгандим.

Мен болалар шифохонасини очдим, лекин унинг ишини йўлга қўйишнинг имкони бўлмади, меҳмонхона очдим, лекин у ерга ҳеч ким келмади, босмахона очмоқчи бўлдим, бундан ҳам иш чиқмади, кимёвий тозалаш тармогини яратишга қарор қилдим, лекин яна муваффақиятсизликка учрадим.

Ҳатто қишлоқ хўжалиги билан шуғулландим, аммо натижаси бир хил эди. Бизнесимни йўлга қўйишга уринишларимнинг натижаси фақат доимий равишда ошиб борадиган қарзлар билан тугарди. Менда жами 13 та шундай лойиҳа бор эди. Дастрлабки бешта корхонанинг инқирозини ташқи ҳолатлар – ишончсиз ҳамкорлар, ма-

лакасиз кадрлар, ноқулай бозор шароити, тажриба йўқлиги ва ҳоказолар билан боғладим. Лекин ҳисоб 12-13 га етганида, бу ерда нимадир нотўғри эканлигини тушуна бошладим. Муаммо шароитда ҳам, ҳамкорларда ҳам, бозордаги вазиятда ҳам эмас, менда эди.

Ўшанда буларнинг барчаси бир сабабга кўра содир бўлаётганини англадим: мен илгариги муваффақиятга эришишга ёрдам берадиган ички ҳолатимни йўқотгандим. Агар сизда миллион доллар бўлса-да, лекин бу ҳолатга эга бўлмасангиз, пулингизни қайтариб бўлмайдиган даражада йўқотасиз.

Тренингларимдан бирига менга уч йилдан буён таниш бўлган бир қиз келди. Танишган пайтимизда унинг шундай кучли ички ҳолати бор эди, кейинроқ унинг кўзларига қараб ўша ички қувватни йўқотганини англадим. Қиз бошидан кечирган муаммоларидан шикоят қилди, ҳеч нарса иш бермаётганини ва ҳаммасидан чарчаганини таъкидлади.

У қизга мени ҳам, ўзини ҳам алдамаслигини, сабаб шароитда эмас, балки унинг ўзида эканлигини тушуниши кераклигини айтдим. У ўша ички ҳолатини қайтариши зарурлигини, шундагина у барча муаммоларни ҳал қила олишини тушунтирдим.

Бошқа бир шогирдим ҳам мен билан бир вазиятни бошдан кечирган эди. Унинг фирмаси нефть компанииларига хизмат кўрсатарди, ишлари яхши кетаётганди, лекин бирдан ҳамма нарса ўзгарди ва муаммолар пайдо бўлди: на янги шартномалар, на тендерлар, на мижозлар қолди.

Мен у билан учрашганимда, нима учун у ҳеч нарсани уддалай олмаётганини дарҳол англадим – у ҳам қийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган ички ҳола-

тини йўқотганди. Бир йил ўтгач, у аввалги кайфиятини тиклашга муваффақ бўлди ва ҳамма ишлари ўз ўрнига тушди, у тендерларда ғалаба қозона бошлади, буюргмалар олди, янги мижозлари пайдо бўлди. Бизнесини кенгайтиришни бошлади, янги дўкон, новвойхона, болалар майдончасини очди. Токи у шундай ички ҳолатда экан, ишида қандай муаммолар пайдо бўлишидан қатъи назар, ҳаммаси яхши бўлади.

Бир куни у менга қўнғироқ қилди ва кредит учун гаров борасида ёрдам беришимни сўради. Мен бир танишим билан гаплашиб унга ёрдам беришини сўрадим. Муаммо ҳал бўлди. Банк бир ҳафта ичида кредит беришга ваъда берди. У дарҳол болалар боғчасини таъмирлашни бошлади. Аммо кредит чиқиши бир неча ойга чўзилиб кетди. Банк номаълум сабабларга кўра унга кредит бермади. Ўша пайтда яна унинг кайфияти тушиб, ички ҳолати ўзгарди. У тушкунликка тушиб, менга қўнғироқ қилди ва вазият яна ёмонлашганини айтди. Маълум бўлишича, икки ойдан буён ўз дўконига бормаган, ишларини ҳам ташлаб кўйган.

**Ҳа, уяли телефонни қувватлашга
қўйганимиздек, кайфиятни ҳам доимо қўллаб-
куватлаш ва ўзимизни ҳаётий энергия
билин тўлдириб туришимиз керак. Акс ҳолда,
ривожланишдан тўхтаб қоламиз.**

Унинг шикоятларини тинглаганимдан сўнг, мен кредитдан воз кечишни таклиф қилдим, эҳтимол унинг кераги йўқдир. Бу Аллоҳнинг иродаси, шунинг учун ҳаммаси жойида, бу ҳақда ўйламаслиги кераклигини айтдим. Кейин эса ҳамма ишини ташлаб, менинг олдимга келишни маслаҳат бердим, чунки агар бирор иш ўхшамаса, ундан ҳам яхшироқ вариант бор. Шунчаки излашингиз, таҳлил

қилишингиз, фикрлаш ва ўша варианти топишиңгиз кепрак. Кайфиятни туширманг, натижага эришишга ёрдам берадиган ички ҳолатни йўқотманг. Буларнинг барчасини эшитиб, у тинчланди ва бироздан кейин менга хабар ёзди: Мен йиғлашни тўхтатдим.

Ҳаёт ғамхўр ва адолатли, лекин биз буни ҳар доим ҳам тушунавермаймиз.

Баъзан ўйлаган ишимиз амалга ошмайди, лекин биз вазиятни енгмоқчи бўлиб, буни амалга оширишга ҳаракат қиласиз. Қатъият билан ёпик эшикни тақиллатамиз ва вақт ўтгандан кейингина содир бўлган воқеаларнинг моҳиятини тушунамиз. Ўша иш ўҳшамагани, қандай яхши бўлган эканлигини англаймиз!

Ривожланган руҳий интеллектта эга инсонни ҳаётнинг ўзи ҳимоя қиласиди. Аммо у ҳар доим ҳам буни англаб етмайди. Куръони каримда: “Эҳтимол, сен тақдир қилинган нарсадан норози бўлишиңг мумкин, лекин у сенга фойда келтирас, сени қувонтиргани эса зарар етказар, буни билмайсан”, дейилади.

2008 йилда мен ярим миллион доллар қарз олмоқчи бўлдим: қўлимдан келганча ҳаракат қилдим, дўстларими ни ишга солдим, бир нечта кафил топдим, лекин улар менга пул беришмади. Орадан бир йил ўтгач, шундай бўлганлиги учун Қодир Тангрига миннатдорлик билдиридим. 2008 йилни эслайсиз, тўғрими? Ҳозир ўқиган ҳамма нарсангизни тушунишиңгиз жуда муҳим.

Мен Брюс Лининг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқдим ва у энг кучли жангчилар билан беллашганини билдим. Ёшлигига у ҳали бундай беллашувлар учун тажриба ва маҳоратга эга эмасди, лекин ўзига бўлган катта ишонч сабабли таниқли рақибларини мағлуб этган.

Билл Гейтснинг таржимаи ҳолини ҳам ўргандим. “Microsoft”даги ҳамкори Пол Аллен билан биргаликда улар биринчи буюртмаларини Ай-Би-Эм (IBM) дан олдилар. Ушбу машхур компания уларга 1981 йилда бозорда пайдо бўлиши керак бўлган IBM PC шахсий компютерларида фойдаланиш учун бир нечта дастурлаш тилларини мослаштириш таклифи билан мурожаат қилди.

Музокаралар давомида IBM вакиллари янги компютерлар учун операцион тизимни ишлаб чиқишга буюртма беришга ҳам тайёрликларини билдиришди. Дўстлар бундай имкониятни қўлдан бой бермаслик кераклигини тушуниб, таклифга рози бўлишди.

Пол Аллен шартноманинг барча шартлари ва тўлов микдори бўйича келишиб олганидан сўнг Билл Гейтсдан ушбу операцион тизим қандай ишлаб чиқарилишини билиш ёки билмаслигини сўради. “Microsoft”нинг бўлажак раҳбари “Йўқ” деб жавоб берган.

Пол Аллен ҳайрон бўлди ва шеригидан Ай-Би-Эмга ҳатто хаёлида ҳам бўлмаган нарсани қандай қилиб сотишга рози бўлганини ва энди нима қилишни сўраганида, у ишлаш ва изланиш кераклигини айтган.

У бизнесмен ва миллионерча фикрлашга эга эди. Аслида Гейтс операцион тизим прототипини қаердан сотиб олишни биларди. “Seattle Compute Products” компанияси вакили Тим Патерсон аллақачон 16 кувватли “Intel” процессорлари учун Q-DOS (Quick Disk Operating System-тезкор дискли операцион тизим)ни ишлаб чиқкан эди.

Улар айнан ушбу прототипни 50 минг долларга сотиб олишди, шундан сўнг улар 8 кувватли процессорлар учун уни қайта ишлашди. Буюртмани белгиланган муддатда топшириш учун улар кечаю кундуз ишлашди

ва Алленнинг сўзларига кўра, улар Билл билан бирга 36 соат давомида компьютер кархисидан жилмай ишлашган пайтлар ҳам бўлган. PC-DOS операцион тизими (MS-DOS нинг биринчи версияси) устида иш тугагач, Ай-Би-Эм буюртма учун дарҳол 6000 доллар тўлади.

Бир қарашда, улар ишланмани ўз заарига сотишиди, аммо бу фақат биринчи қарашда. Аслида Билл Гейтс ва Пол Аллен IBM музокарада устунликни кўлга киритишганди, чунки шартнома шартларига кўра, IBM фақат PC-DOS компьютерларини сотиш мажбуриятини олганди, шу билан бирга “Microsoft” сотилган ҳар бир машина учун фоиз оларди. Бу шарт ҳамкорларни мультимиллионерга айлантирди. Улар компьютерлар тез орада оммавий харидоргир маҳсулотга айланишига ишонишган ва адашмаганлар.

Мана, ҳақиқий ишбилармонлик тафаккури ва кучли ички руҳият намунаси. Мана, қатъиятли ва меҳнатсевар одамларни бой қилиши мумкин бўлган юксак ички муносабат намунаси. Таъкидлаш жоизки, қўшма бизнесда Пол Аллен техник ғоялар ва истиқболли ишланмалар билан шуғулланган (Word, Windows, MS DOS ва Microsoft Mouse’ни яратган), Гейтс эса музокаралар, шартномалар тайёрлаш ва бошқа бизнес алоқаларда қобилиятли эди. Аммо шериклар асосий муаммоларни биргаликда ҳал қилишарди.

Ушбу ҳикоянинг хulosаси оддий – ички ҳолат эртандиги кунингизни белгилаб беради. Кўпчилик буни тушуниб, ажойиб натижаларга эришади. Булар Жеки Чан, Муҳаммад Али, Брюс Ли, Уинстон Черчилл, Маҳатма Ганди, Чингизхон, Иосиф Сталин, Лев Толстой, Стив Жобс, Брайан Трейси ва бошқалар. Сиз қайси соҳада ва нима билан шуғулланишингиздан қатъи назар, натижашу ҳолатнинг мавжудлигига боғлик.

Энг муҳими, ички ҳолатни энг юқори даражага кўтариш учун уни қандай бошқаришни ўрганишдир. Кайфият қанчалик баланд бўлса, шунча кўп нарсага эришасиз.

Бу ҳолатни йўқотмасликка ҳаракат қилинг.

Масалан, менда ҳозирги даражага етишишим учун бир фоиз ҳам имкониятим йўқ эди. Шундай экан, сизнинг ҳам руҳиятингиз юксак бўлишига, орзуларингизни рўёбга чиқаришингизга ва муваффакиятли инсон бўлишингизга ишонаман.

БУДДАВИЙЛАРНИНГ БАХТ ҲАҚИДАГИ РИВОЯТИ

Бир кампир доим йиглаб ўтирас экан. Чунки унинг катта қизи соябон сотувчига, кенжаси эса кесма хамир сотувчига турмушга чиққанди.

Кампир ҳаво яхши, кун қуёшли бўлса: “Даҳшат! Қуёш чараклаб турибди, об-ҳаво жуда яхши, бундай ҳавода қизимнинг дўконидан ҳеч ким соябон сотиб олмайди! Нима қилиш мумкин?” дея нола қилиб йиглай бошлар экан.

Об-ҳаво ёмон бўлиб, ёмғир ёғса, бу сафар кенжа қизини ўйлаб, фарёд қиларкан: “Кичик қизим кесма хамир сотади, қуёш бўлмаса, куrimайди, натижада уларни сотолмайди. Энди нима қиласман?”

Шундай қилиб, у ҳар об-ҳаво қандай бўлса ҳам қайғурар экан: ё тўнғич қизи учун ёки кенжаси учун. Кўни-кўшнилар унга ҳеч қан-

дай тасалли берса олмасдилар ва уни масхара килиб, “йиғлоқи кампир” деб аташарди.

Бир куни унга роҳиб учрабди ва нега йиғла-ётганини сўрабди. Аёл роҳибга қайғуларини айтиби ва роҳиб кулиб шундай дебди:

– Хоним, хафа бўлманг! Мен сизга бунинг бир йўлини ўргатаман, энди йиғламайсиз.

Кампир хурсанд бўлиб, унинг гапларига кулоқ тутибди.

Роҳиб:

– Бу жуда оддий. Фикрлаш тарзингизни ўзгартиринг – об-ҳаво яхши бўлганда ва куёш порлаётганида, катта қизингизнинг сояблари ҳақида ўйламанг, балки кичигингизнинг угравлари ҳақида ўйлаб: “Куёш қандай порлаб турибди. Кичкина қизимнинг хамирлари яхши курийди ва савдо муваффакиятли бўлади, денг. Ёмғир ёққанда, катта қизингизнинг сояблари ҳақида ўйланг: “Мана, ёмғир ёғяпти. Қизимнинг сояблари бугун яхши сотилади”, деб қувонинг, – дебди.

Роҳибнинг гапларини тинглаб, кампир ҳаммасига тушунибди ва роҳиб айтганидек фикрлай бошлабди. Ўша пайтдан бошлаб у нафақат йиғидан тўхтабди, балки доимо қувноқ қайфиятда юрадиган бўлибди. Шу тариқа у “йиғлоқи кампир”дан “кувноқ кампир”га айланибди.

ТҮСИҚЛАРНИ ЕҢГИБ ЎТИШ

*Ўз устидан қозонилган ғалаба
барча ғалабаларнинг биринчи ва энг
яхшисиdir. Ўз-ўзидан мағлуб бўлиш энг
шармандали ва энг ёмони.*

Платон

Бир йил олдин Роберт Кийосаки билан гаплашгандим ва унга биргаликда чиқишлар қилишни таклиф қилдим. Тренинглар ташкил этиш билан шуғулланадиган Farb фирмаларига ҳам ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиқдим. Уларнинг ҳаммаси менга рад жавобини беришди.

Кўплаб рус нашриётларига китобларимни чоп этиш таклифи билан мактублар юбордим, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Бу 2009-2010 йилларда бўлганди. Уларнинг сукути рад жавоби эканлигини англадим. Аммо мен бундан умидсизликка тушмадим, балки уларнинг даражасига етишим кераклигини англадим.

Катта муаммолар йўқ, кичик одамлар бор.

Шунинг учун, агар бирор тўсиққа дуч келсангиз, ўзингизни юкори интеллектуал, рухий, профессионал

даражага кўтаринг. Шу тарзда сиз ҳар қандай жиддий муаммоларни муваффакиятли ҳал қила оласиз. Мисол учун, мен рус тилини яхши билмайман, лекин шунга қарамай, Россия ва бошқа мамлакатларда маъruzалар ўқийман, чунки менда ижобий психологик кайфият мавжуд.

Агар ўн беш йил олдин мен русчада қандай гапирганимни эшитганингизда эди, кулавериб стулингиздан йиқилиб тушардингиз. Лекин мен уялмадим, иложи борича гапиришда давом этдим ва аста-секин ўргандим. Ўша давр билан солиштирганда, ҳозир рус тилида эркин гапираман.

Тренингларнинг бирида тингловчилардан бири “Залда тинимсиз кулгини эшитиб, гапиришдан уялмайсизми?” деб сўради (*бу воқеа 2004 йилда содир бўлган эди*). Мен умуман уятchan эмаслигимни, ҳатто йигилганларнинг шундай кувноқ кайфиятда эканлигидан хурсандлигимни, яъни камчилигимни қадр-кимматга айлантиришга ҳаракат қилишимни айтдим. Залда ўтирганларнинг ҳаммаси жавобимни эшитиш учун мени дикқат билан тинглашарди.

2019-2020 йилларда суратга олинган менинг ҳаётим ҳақидаги фильмни томоша қилинг. У устозлик фаолиятимнинг дастлабки йиллари ҳақида ҳикоя қиласиди ва фильmdа ички иштиёқ мақсадга эришишимда менга қандай ёрдам берганини кўрасиз. Айнан ушбу ресурс – энг муҳими ҳисобланади.

2003 йилда Москвада ўтказилган тренингда иштирокчилардан бири, хорижий саёҳатларни яхши кўрадиган жуда бадавлат тадбиркор менга яқинлашиб, рус тилини ўрганишим шарт эмаслигини айтди, чунки нотўғри таләффуз одамларни сўзларимни дикқат билан тинглашга мажбур қилас экан. У бу ўзига хослик менинг машғулот-

ларимни бошқа тренинглардан ажратиб туриши ва янги тингловчиларни жалб қилишига амин эканлигини айтди. Шунинг учун ҳам мен рус тилида равон гапиришни ўрганишга уринмайман.

Бунинг яна бир сабаби бор: мен Марказий Осиё давлатларида кўп маърузалар ўтказаман, у ердаги аудиториянинг 60-70 фоизи рус тилида эркин гаплаша олмайди. Уларни деб ҳам тилни ўрганмайман. Чунки маҳаллий тингловчилар рус тилини яхши билишимни кўрса, катта эҳтимол билан: “Сенга гапириш осон, тил биласан, бойсан, фан докторисан, омадлисан. Худо ҳамма нарсани берган, лекин менинг аҳволим бошқача, менинг қарзларим, муаммоларим бор, бундай билимларим йўқ”, деб ўйлаши тайин.

Рус тилида бемалол гапира олмаслигимни, ҳатто бальзи масалаларда ундан пастроқ эканлигимни кўргач: “Бу йигит рус тилини яхши билмайди, балки тўғри ёзишни ҳам билмас, лекин муваффакиятга эришибди ва бойиб кетибди. Демак, мен ҳам орзуларимни осонгина амалга оширишим мумкин” деган фикрга келади.

Азиз ўқувчим, мен буни иложи борича кўпроқ одамларга ёрдам бериш ва фойдам тегиши учун қиляпман.

Мен ҳатто олис қишлоқда туғилгани ёки унчалик қоникарли бўлмаган ижтимоий муҳитда яшагани учун муваффакиятга эришиш имкониятим йўқ, деб ҳисоблайдиганларга ҳам умид бермоқчиман. Улар ўз орзулари ҳақида ўйласа, уларга худди осмондаги юлдузлардек эришиб бўлмайдигандек туюлади. Ана шу одамларга умид бериш, эртанги кунига, ўз-ўзига ишонч бағиашлаш мақсадида рус тилида равон гапиришни ўрганишга уринмаяпман.

Тилни билмаслиги, миллати, түғилган жойи, билимсизлиги ўз орзуларидан воз кечишга сабаб бўлолмаслигини етказиб беришим жуда муҳим.

Бу каби ҳолатларнинг барчаси майда нарсалар, улар сиз хоҳлаган ва бўлишингиз мумкин бўлган шахсга айланishi истагидан воз кечишингизга асос бўла олмайди.

Фарб компанияларига чиқишлиаримни ўтказишини таклиф қилганимда, уларнинг барчаси рад жавобини беришди. Сабабини тушунолмадим, лекин кейинроқ бир қиз Фарбда одамлар таржимон орқали нутқ тинглашни ёқтирумасликларини тушунтириди.

Мен ундан нега бу уларга ёқмаслигини сўрадим. Биз Фарб маъruzачиларининг синхрон таржимасини тинглаймизку. У бу саволга жавоб бера олмади, лекин мени ишонтира оладиган далил келтириди.

Унинг сўзларига кўра, АҚШ ёки Европада тренинглар ўтказган Россия ёки собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари бизнес мураббийларнинг ҳеч бир тренинги муваффақият козонмаган. Мен бу ҳақда ўйлаб қолдим, рад этувчи фактларни эслашга ҳаракат қилдим, лекин топа олмадим. Қизнинг гаплари тўғри эканлигини англадим. У менга инглиз тилини ўрганишни, кейин эса Фарб давлатларида тренинглар ўтказишими маслаҳат берди.

Мен бу муаммо эмас, деган жавобни айтдим ва тил ўрганишга ваъда бердим. Кейинги йил мен бир ойни АҚШда ўтказдим ва америкаликлар билан гаплашдим. Ҳозир эса ўндан ортиқ штатлардан, шунингдек, Англия, Малайзия ва Сингапурдан буюртмаларим бор. Ва ҳатто илғари менга рад жавобини берган компаниялар ҳам энди ҳамкорликни таклиф қилишмоқда.

Айтмоқчиманки, бирор ишнинг иложсиз ёки имконизлиги ҳақида гапирадиганларга қулоқ солмаслик керак. Ҳаммаси ўзингизга, сабр-тоқатингиз ва меҳнатсеварлигингида боғлиқ.

Муваффиқият сари йўл равон бўлмайди, ҳар доим тўсиклар пайдо бўлади. Мухими, ўз орзунгиздан воз кечманг.

Сизнинг энг муҳим бойлигингиз – бу йўлда муқаррар бўлган қийинчиликларни енгишга бўлган изжобий муносабатингиздир.

Ҳаётда умидсизлик ва ҳамма нарсадан воз кечиш истаги пайдо бўлади, бундай дақиқаларда тинчланишингиз ва кейинги қадамларингизни кўриб чиқишингиз керак бўлади.

Менда табиатни кузатиш орқали хулоса қилиш формулам бор. Исталган натижага эриша олмасам, сув, унинг хусусиятлари ва унинг қийин вазиятларда менга намуна бўла оладиган ҳаракатлари ҳақида ўйлайман.

Дарёдаги сувни тез оқишига мажбурлаб бўлмайди, деган ўй менга сабр-тоқат беради. Мен ҳаёт қандай кечиши керак бўлса, шундай кечяпти, шу сабабли тинчланиб ва сабрли бўлишим керак, деб ўйлайман. Агар шошқалоқлик билан бирор иш қилинса, бу янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Агар сув ўз йўлида тўсиққа дуч келса, у ваҳима қилмайди, балки тўхтаб қолади ва ҳар қандай тўғонни енгиб ўтиш учун куч тўплайди. Биз сув тактикасини ўрганишимиз керак. Бирор иш ўхшамаса, тўхташ, сабрли бўлиб куч йиғиш, яъни профессионалликни ошириш, янги билимларни эгаллаш, бошқаларнинг тажрибаларини ўр-

ганиш керак. Сув каби буткул хотиржамликни сақлаган ҳолда куч-кувватта эга бўлинг.

Умидсизликка тушманг, тинчланиб ўз-ўзингизни ривожлантиринг, тартибга солинг, муаммога ечим топмагунингизча ўз устингизда ишлашингиз керак. Ечим аниқ бўлганда, сиз мақсад сари интилишда давом этасиз.

Ушбу формуалалар натижаларга эришиш учун жуда мухимдир. Улар фақат ички ҳолат ва ғалаба қозониш учун ижобий муносабат мавжуд бўлганда иш беради.

ТЎСИКЛАРНИ ЕНГИШДА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ТИРИШҚОҚЛИК ҲАҚИДА ИБРАТЛАР ҲИКОЯЛАР

Барча истеъоддли инсонлар қийинчиликларни енгиб ўтишлари ва дунёга ўзлигини кўрсатишлари керак. Томас Эдисон туғилиши биланоқ омадсизликка учраган: у барча пулларидан айрилиб қолган савдогар оиласидағи энг кенжা фарзанд эди.

Мактабда тўрт ой ўқигандан сўнг, уни “аклсиз ахмок”, дея у ердан ҳайдаб юборишган. Агар Эдисон ўшандан таслим бўлганида ҳеч қачон XX асрнинг буюк кашфиётчиларидан бирига айланолмаган бўларди.

Дунёга машҳур “Битлз” гурухи иштирокчилари мусиқа оламига кириб келган йилларда анчагача ўз иқтидорларини қайта-қайта исботлашга мажбур бўлишган. Овоз ёзиш студияларини санъатга янги кириб келгандар қизиқтирмасди, улар гитара чалувчи

гурухлар урфдан чиқиб кетган, деб ҳисоблашарди.

Хусусан, “Decca recording” овоз ёзиш студияси ҳам ўз рад жавобини қуидаги изохланган: “Бизга уларнинг овози ёқмади. Уларнинг мусиқа оламида келажаги йўқ”. Ганноверда (Германия) бўлиб ўтган биринчи ижодий сафар пайтида уларни мамлакатдан депортация қилишди. Шунга қарамай, “Битлз” ўтган асрнинг энг машхур гурухларидан бирига айланди ва ажойиб муваффақиятларга эришган.

Уолт Дисней карикатура ва комикслар чишиб, уларни журналларга таклиф қиласади ва ҳамма жойдан рад жавобини оларди. 18 ёшида карикатурачи сифатида ишга жойлашди ва “профессионал лаёқатсизлиги учун” шармандаларча ишдан ҳайдалади. Агар унинг қатъияти бўлмаганида, у ҳам иқтидорли омадсиз инсонлардан бирига айланган бўларди.

Стивен Спилберг ёшлигига Калифорния университетининг кинематография мактабига ўқишига киришига ҳаракат қиласади, аммо имтиҳонларда паст баҳо олиб, муваффақиятсизликка учради. Иккинчи марта уриниши ҳам шундай чиппакка чиқди. Ҳозирда эса у дунёга машхур режиссёр, бир неча маротаба Оскар совиндори бўлган.

Майкл Жордан бўйи паст бўлгани учун коллежнинг баскетбол жамоасидан четлатилган. Ўшандада у уйга келиб, ўз хонасини кулфлаб

олиб йиғлаганди. Кейинчалик “кичик лигапарда” борини бериб ўйнади, бўйи пастлигини баландликка сакраш қобилияти билан “беркитди” ва ушбу иқтидори учун кейинчалик “Air Jordan” лақабини олган. Майклнинг бўйи ҳатто ўн сантиметрга ўсди. Натижада у дунёдаги энг кучли баскетболчилардан бирига айланди.

Мерилин Монрода ҳам дастлаб омад қулиб боқмаган. Унинг Columbia Pictures билан тузган биринчи шартномаси бекор қилинган: продюсерлар Монронинг актриса бўлиш учун етарли гўзал ва қобилиятга эга эмаслигини айтишган. Монро ижодини давом эттириди ва Голливуднинг энг афсонавий актрисаларидан бирига айланди.

Альберт Эйнштейн тўрт ёшида гапиришни бошлаган ва етти ёшида ёзишни бошлаган. У уч ёшигача аутизм ва дислексиядан азият чекди. Гимназияда ўқиб юрган чоғида кўп дарс қолдиргани учун аттестат ололмаган. Ўқитувчилар уни “ҳаракати суст” ва “ақлий ривожланишдан ортда қолган” деган хуласа беришган. Аммо Эйнштейн ўзига хос тафкурга эга эди. Бу уни ўз даврининг кўзга кўринган олимларидан бирига айлантириди, сўзимизни физика бўйича унга берилган Нобель мукофоти тасдиқлайди.

Доктор Сюссининг биринчи китоби 27 нашриёт томонидан рад этилган. Бугунги кунда у энг машхур болалар китоблари муаллифидир.

Жеймс Дайсон чангютгич ихтироси устида иш олиб борар экан, 15 йил ичида 5126 та муваффақиятсиз прототипларни синовдан ўтказди ва деярли барча жамғармаларини сарфлаб юборди. Аммо 5127 рақами остидаги прототип иш берди ва бугунги кунда АҚШда Dyson бренді чангютгичлари энг харидоргир ҳисобланади.

Бир режиссёрлар Москва яқинидаги вилоят театрларидан бирига ишга кирмоқчи бўлган ёш актрисани мутлақо истеъоддисиз деб атаганди. Ўша актриса орадан йиллар ўтиб, “Who is who” инглиз энциклопедияси таҳрияти уни XX асрнинг энг кўзга кўринган йигирмата актрисаларидан бири сифатида тан олишини тасаввур ҳам қилмаганди. Бу **Фаина Раневская** эди.

“Илтимос, ўғлингизга етказиб қўйинг, у ҳеч қачон ёзувчи бўлолмайди”, деганди Зинаида Гиппиус Владимир Набоков ҳақида. У бу сўзларни кейинчалик XX асрнинг энг яхши ёзувчиларидан бирига айланган йигитчанинг отасига айтганди. Яхшиямки, бу фикр Набоковнинг ёзувчи бўлиш истагига таъсир қилмаганди.

Таниқли бастакор **Людвиг Бетховен** 26 ёшида эшитиш қобилиятини йўқота бошлади, аммо бу ҳолат уни тўхтатиб қололмади. Бетховен ақл бовар қилмайдиган қатъият кўрсатиб, мусиқа ёзишни давом эттиргди.

Эшитиш қобилиятидан деярли айрилганида, у “Ой нури сонатасини” ёзди ва у бутунлай

эшитмай қолганида эса Учинчи симфониясини яратди. Шу билан бирга, пианино, виолончель учун түпламлар ҳамда машхур Тўққизинчи симфония, “Тантанали месса”-ни ҳам ёзган.

Қатъият, сабр-тоқат ва истеъоди сабабли у мусиқани қалби билан тинглашни ўрганди, ҳатто концертда Тўққизинчи симфония ижроси пайтида дирижёрлик қилган. Муваффақиятли чиқишидан сўнг у йиғлаб юборган. “Иқтидорли ва меҳнатга меҳр қўйган инсон учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ”, деганди Бетховен.

Бодо Шефферга ҳам нашриётлар 54 марта рад жавобини беришган. Улар “Сизнинг етти йилдаги биринчи миллионингиз” китобини нашр қилишни хоҳлашмаганди. Уларга етти йил ичida миллионер бўлишнинг имкони йўқдек туюлди. Натижада, унинг китобини ишонч билан чоп этган нашриёт учун ушбу нашр етти йил давомида энг кўп сотилган китобга айланиб, бойлик олиб келди.

Бу ҳикоялардан биргина хулоса чиқариш мумкин – истеъод кучли характерсиз ҳеч нарсага арзимайди. Қийинчиликлар муқаррар, уларни енгиб ўтиб, аста-секин муваффақият зинапоясига кўтариласиз.

СУКУНАТ ҚОНУНИ

*Қийинчиликларга дуч келганды, таслим
бўлиш, қочиш керак эмас. Сиз вазиятни
баҳолаб, ечим излашингиз ва ҳаммаси
яхшиликка эканига ишонишингиз керак.
Сабр – ғалабага элтувчи калитдир.*

Ник Вуйчич

Ҳаётим давомида мен кўп нарсаларни ўргандим. Кўп ҳолларда танловга дуч келдим ва ҳар бир қадам пул бўлиб, баъзан – 1000, баъзан эса миллион долларга тушиби мумкин эди. Мен нафақат пул билан тўланадиган, балки ундан-да қимматга тушган хатоларни ҳам қилдим. Вакт ўтиши билан менда инқироз даврида, шу жумладан кредиторлар ёки рақобатчиларнинг босими остида қарор қабул қилиш қобилияти шаклланди.

Сукунат қонуни менга кўп нарсани ўргатди. Агар сизни онгингиздаги тартибсиз хаёллар қийнаса, нотўғри фикрлар пайдо бўлса, мулоҳаза юритишга қийналсангиз ва нима қилишни билмасангиз, сукунат қонунидан фойдаланинг. Шунда сукунат қандай йўл тутиш ҳақида одамларнинг сўзларидан кўра баландроқ ва аникроқ “тапириши”ни тушунасиз.

Агар сиз жим бўлиб, қулоқ солсангиз, кўп товушларни эшитасиз: ўтаётган машиналарнинг шовқини, кўтарилиган лифтнинг товуши, итларнинг ҳуриши ва ҳатто трансформаторнинг овози, шунингдек баргларнинг шитирлаши, шамолнинг ғувиллаши ва қушларнинг сайраши.

Сукунатга эътибор қаратмагунингизча, бу товушларни фарқлай олмайсиз, атрофдаги ҳамма нарса шовқинга ўхшаб эшитилади, холос. Тинглашни ўрганганингизда эса ҳар бир товушнинг манбасини аниқлашингиз мумкин бўлади. Мен буни тушунганимдан сўнг, ўз ишимда ва бизнесимни бошқаришда сукунат қонунидан фойдалана бошладим. Ва жуда яхши натижага эришдим. Муайян вазиятда нима қилишни билмасангиз ёки бирор муаммони ҳал қила олмасангиз, сукутдан фойдаланинг. Ҳеч ким сизни безовта қылмайдиган жой топинг ва дам олинг, ташвишлардан чалғинг. Миянгиз тинчланиб, бегона фикрлардан тозаланиши керак. Бироз вақт ўтгач, муаммоларингиз ҳақида ўйлашни бошланг. Шунда уларнинг сабабларини ва ҳал қилиш йўлларини осонгина топишингиз мумкин.

Ҳар куни сукунат қонунини қўллаш орқали сиз ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилишни ўрганасиз. Машқ қилишни бугуноқ бошланг. Агар сиз мен ҳар йили Иссиқкўл қирғоғида ўтказадиган мастер-класс машғулотларимга келсангиз, онгни тозалашнинг турли усуllibari ва шахсий салоҳиятни очишга ёрдам берадиган қадимий технологиялардан қандай фойдаланиши ўрганиб оласиз. Сайтга ташриф буюриб, бу ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлинг: <https://www.worldsamo.com/>

Сиз турли усуllibarни машқ қилишингиз керак, сўнгра энг самаралиларини танлайсиз. Биз билан

машқ қилиш орқали муаммоларни ҳал қилишнинг юзлаб усулларини ўз ичига олган режа яратишингиз мумкин.

Келинг, биргаликда денгиз сатҳидан 3500 метр ба-ландликдаги тоғларда эрталаблари машқ қиласиз. Тонги машқлар ва ўз устингизда тизимли ишлаш сизнинг фик-рингизни мустаҳкамлашга ва салоҳиятингизни оширишга ёрдам беради.

РИВОЯТ: “ЖАР ЁҚАСИДАГИ ДАРАХТ”

Бир киши тоғлик одамдан сўрабди:

– Эй, тоғлик инсон, сиз қандай қилиб жарлик ёқасидаги дараҳт танасида осонлик билан ҳаракатланяпсиз? Мен бу дараҳтга чиқсан кўркувдан титрайман.

– Мен дараҳт бўйлаб нариги томонга сув олиш учун бораман, сувсиз оилам ва мен ташналиқдан ҳалок бўламиш ва қайтаётганимда оиламни кўришни шунчалик хоҳлайманки, пастдаги тубсизлик ҳақида ҳатто ўйламайман ҳам.

– Хўш, мен-чи, кўркувни енгиш учун нима қилишим керак? Қандай қилиб жарлик устидан юришдан кўрқмаслигим мумкин?

– Фақат кучли истак ёки ҳаддан ташқари эҳтиёж сизни жарлиқдан ўтаётганингизни унутишга мажбур қила олади.

ШАХСИЯТ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРГА ТАЯНИШ

*Боримиздек бўлиш ва ким бўлишга қодир
бўлсак, шундай шахсга айланиш –
ҳаётнинг ягона мақсадидир.*

Спиноза

Мен Жеки Чаннинг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқдим. У камбағал оилада туғилган, қашшоқлик сабабли ота-онаси уни ҳатто доялик қилган британиялик акушерга сотмоқчи бўлишган. Лекин бу қароридан қайтишган. Олти ёшида улар ўғлини Хитой театр академиясининг Пекин опера мактабига юборишли, ўзлари эса ишлаш учун Австралияга кетишган. Чан у ерда 10 йил умрини ўтказди. Мазкур мактабда болаларга жанг санъати, акробатика, вокал ва актёрлик маҳорати ўргатиларди, бир сўз билан айтганда, ўғил болаларни келажакда анъанавий хитой операсида ишлаш учун тайёрлашарди. Бу ерда қатъий тартиб-интизом хукмронлик қилган ва итоатсизлик учун қаттиқ жисмоний жазолар қўлланилган.

Чан ўсмирилик даврида Брюс Ли иштирокидаги иккита – “Ғазаб мушти” ва “Аждаҳонинг чикиши” фильмларидаги эпизодларда роль ўйнашга муваффақ бўлган. Ўкишни тутгатгандан сўнг, бир нечта фильмларда бош

ролларни ҳам ўйнади, кейин ўз фаолиятини актёр сифатида давом эттириди. Афсуски, дастлаб унинг иштирокидаги фильмлар томошибинлар томонидан муваффақиятли кутиб олинмади. Кейинчалик муносиб иш тополмагани учун Австралияга, ота-онасининг ёнига кетади ва бир муддат курилиш майдонларида ишлайди.

Кутилмаганды Жеки Чанни машхур Брюс Лига ўхшаш томонларини сезиб қолиб, “Ғазабнинг янги мушти” фильмида бош ролни ўйнашга таклиф қилишганида унда ҳаётининг ўзгартириш имконияти пайдо бўлади.

Жеки кейин ҳам шунга ўхшаш бир нечта фильмларда роль ижро этди, аммо бу фильмлар унга шон-шухрат келтирмади. Чунки унинг барча жанглари Брюс Ли услубида эди, таклид эса ҳеч қачон ҳақиқий муваффақият олиб келмасди.

Буни англаган Жеки Чан ўз қаҳрамонига таклид қилишни тўхтатади ва аста-секин янги жанр – жанг санъати ва кўча муштлашувлари, мураккаб, баъзан хавфли ҳаракатларни намойиш этувчи комедияларга асос солади. Шундан кейин у шон-шухрат ва муваффақият қозона бошлади. Дарҳақиқат, у ўзининг барча кўп қиррали қобилиятларидан фойдаланишни бошлаганди ва ўз мақсадларига эришиш йўлида шахсиятидаги ўзига хосликларни намоён этди.

Эндиликда Жеки Чан дунёдаги энг машхур осиёлик актёрлардан бири ҳисобланади. У 80 га яқин фильмда актёр, 11 фильмда каскадёр сифатида суратга тушган, 15 тасида режиссёр ва 11 тасида продюсерлик қилган.

Жеки йигирмадан ортиқ Гонконг ва хориж кино мукофотларига сазовор бўлган. Жаҳон кинематографиясидаги муваффакияти учун қўлга киритган MTV, кинога кўшган улкан ҳиссаси учун тақдирланган “Оскар” муко-

фотлари шулар жумласидандир. Лекин у нафақат актёр, балки қўшиқчӣ сифатида ҳам танилган. Осиёда унинг 10 та альбоми оммалашди.

Ушбу мисол ёрдамида мен бошқалардан нусха кўчирмаслик кераклигини тушунтирумоқчиман, муваффақиятга тақлид йўли билан эришиб бўлмайди.

**Ҳар бир ишда буюк шахсларга тақлид қилиш
орқали буюкликка эришиб бўлмайди. Ўз
шахсиятингизга таянишингиз керак.**

Натижага фақат ўзингизни кўрсатиш, қобилиятларингизни ривожлантириш, кучли жиҳатларингизни яхшилаш орқали эришишингиз мумкин. Фақат шунда Яратган Эгам сиз томонда бўлади. Истеъодни Худо беради, ундан фойдаланиш ва тақдирга ишониш керак. Мусо Фиръавнни мағлуб этди, чунки Тангри у билан эканлигига ишонарди.

Агар инсон ўз истеъодиди ва кучига таяниб ҳаракат қилса, уларга вақт ва куч сарфлаб ривожлантирса, албатта, ғалаба қозонади. Чунки Худо у тарафда бўлади. Атрофдаги ҳамма имконсиз деган ишни ҳам уddeлаш мумкин, чунки Яратган учун имконсиз нарсанинг ўзи йўқ.

Тўғри бўлиб туюлган нарсалар доим ҳам ҳақиқат бўлавермайди. Кўзга кўриниб турган нарсаларни мен реклама деб атайман, ҳақиқат кўпинча одамларнинг кўзидан яширган бўлади.

Инсонлар кўпинча ҳақиқатни ташқи белгилар орқали билиб олмоқчи бўладилар, аммо бу фақат мушакбозлиқ сингаридир, ундан кейин фақат тутун қолади. Бу усул ҳеч қачон ҳақиқий муваффақиятга олиб бормайдиган, кўзбўямачилик ва ёлғондир.

Тез келувчи муваффақият – бу танишбилишчилик алоқалари, нуфузли одамларнинг ёрдами ёки рақобатчиларни йўқ қилиш орқали эришилган натижадир. Худди сувда бошқа балиқлар бўлмагандан, қисқичбақа ўзини балиқдай тутиши каби.

Албатта, омадсизлар фонида ҳақиқий даҳога ўхшаб кўриниш мумкин, аммо бу сароб бўлган муваффақиятта интилишдир. Сиз камбағаллар орасида энг бадавлат инсон бўлишингиз мумкин, лекин бу сўзнинг тўлиқ маъноси бадавлатлик бўлмайди. Бу кўзбўямачилик, холос.

Қобилияти, касбий маҳорати билан эмас, фақат юқори мартабали қариндошлари туфайли яхши лавозимларга эришганларнинг кўпини кўрдим. Бу натижа уларнинг хизматлари эмас, яъни улар муваффақиятта лойик эмаслар. Ва ҳар қандай вақтда, омад улардан юз ўгириши мумкин. Шунда эришган барча муваффақиятлари саробга айланади.

Муваффақиятнинг ташки кўринишига маҳлиё бўлманг, чунки ҳашамат ва ташки гўзаллик якуний натижани белгиламайди. Ҳақиқий муваффақият ўзини кўз-кўз қилмайди ва рекламага муҳтож эмас. Баъзида кўримсизгина инсонни учратасиз, у билан суҳбатлашсангиз, юқори натижаларга эришган ажойиб шахс эканлиги аён бўлади.

Эътибор бердимки, одамлар билан танишишнинг фақат биринчи дақиқаларида уларни қаердан эканлигиниз, нимада келганингиз, қандай кийинганингиз, қаерда ишлашингиз ва ҳоказолар қизиқтиради. Лекин кейин ахлоқий фазилатлар, характер, ақл-заковат, самимийлиги ва хайриҳоҳликка эътибор қаратишади. Ҳеч ким фақат

ташқи кўринишдан келиб чиқиб муносабатга киришишни хоҳламайди.

Ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, ташқи кўриниш ўз аҳамиятини йўқотади, ички олам ва дунёқараш муҳимроқ ҳисобланади. Ҳамкорнинг айнан маънавий қадриятлари учун яхши кўриб, ҳурмат қилишади.

Мен кўплаб қитъаларда бўлдим, турли миллат, дин вакиллари билан сұхбатлашдим ва аминманки, ҳар қандай одам учун энг муҳими сұхбатдош ёки ҳамкорнинг қадриятларидир. Навбатчи саволлар сұхбатнинг факат биринчи дақиқаларда берилади, холос. Кейин эса одамлар сизнинг қандай инсон эканлигингизни аниқлашга ҳаракат қилишади. Кимлигингиз – депутат, шаҳар ҳокими ёки ҳатто бош вазир – бу муҳим эмас.

**Мен юқори мартабали амалдорлар билан
гаплашишим, уларга турли масалаларда
маслаҳат беришимга тўғри келган ва диплом
ёки мансаб учун эмас, қандай инсонлигингиз
ва ўзингизни тутишингизга қараб ҳурмат
қилишларини биламан. Бу энг муҳими.**

Ҳар қандай муаммонинг ечими уни англашдан бошланади. Шифокор касалликни даволашни бошлашдан аввал bemorga тўғри ташхис кўйиши керак. Акс ҳолда, даволаш самарасиз бўлади. Бу ерда ҳам худди шундай.

Сиз ҳақиқатан ҳам профессионалмисиз ёки ўзингизга шундай туюладими, аниқлашингиз керак. Ҳақиқатан ҳам даҳо инсонмисиз ёки бу такаббурлики? Аниқ жавоб олмагунингизча ўзингизга шу саволларни беринг. Ўз-ўзини таҳлил қилиш – мақсаддага эришишнинг энг яхши усули.

Омадсизлик ва инқирозлар бўлади, албатта. Бундай пайтларда ички ҳолат ёмонлашади. Асосийси узоқ вақт давомида тушкунликда юрмаслиkdir, чунки бу депресияга олиб келиши мумкин. Ўхшамаётган ишдан чалғиб эътиборимизни кучимиз етадиган, ниманидир ўзгартириш ва таъсир кўrsatiш мумкин бўлган ишга қаратишимиз керак.

Бундай вақтда таслим бўлмаслик ва ўзингизга, кучингизга ишонишга ёрдам берадиган устозингизнинг бўлиши муҳимdir. Яхши мураббий мағлубиятли раундни бошдан ўтказган боксчига мадад берадиган сўзларни топиб айтишни билади, шунда спортчи кейинги раундда ғалаба ғозониш учун ўзида куч топади. Шунинг учун қийин дақиқаларда, вақтинчалик мағлубиятларда тушкунликка тушмаслик, балки онгни ижобий, ижодий фикрларга йўналтириш жуда муҳимdir. Бундай пайтларда қувонч келтирадиган, илҳомлантирадиган ва гайрат улашадиган ишлар билан шуғулланиш лозим. Бу ҳаракатдан тўхтаб қолмасликка ёрдам беради.

Ўзингизни бошқариш ва ички захираларни сафарбар қилишни ўрганиш учун онгингизни машқ қилдиринг.

Қилган хатоларингиз учун узоқ вақт сиқилиш, ўзингизни айбдор ҳис қилиш керак эмас. Имкон қадар тезроқ ижобий кайфиятни қайтариш ва ҳаракатда давом этиш зарур.

Ички ҳолатингиз ижобий бўлса юқори натижаларга эриша оласиз. Шунда пул ҳам, муваффақият ҳам сизга соя каби ҳамроҳ бўлади. Ўзингизни бошқаришни ўрганинг, шунда мақсадларингизга ва энг эзгу орзуларингизга эришасиз.

Хурматли ўкувчи! Ички кайфиятни кўтариш ҳакида “МДҲда миллионер бўлиш учун 10 қадам” китобида ба-тафсил ёзганман. Уни топиб, дикқат билан ўқинг. Ушбу китобдаги билимлар сабабли сиз ички ресурсларингиздан максимал даражада самарали фойдаланиб, ҳам моддий, ҳам маънавий бойликка эришишингиз мумкин. Худо хоҳласа, албатта, миллионер бўласиз.

БҮЮКЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИ

*Инсон ўз мақсадлари ўсган сари
ривожланиб боради.*

Фридрих Шиллер

Инсоннинг буюклигини иккита кўрсаткич белгилаб беради. **Биринчиси – унинг мақсадлари кўлами.** Ҳар биримиз ўйлайдиган нарсалар ички ишончимизга асосланади. Инсон ўзига қанчалик ишонса, унинг ҳаётий куввати қанчалик кўп бўлса, мақсадлари ҳам шунчалик буюк бўлади. Бу – биз сўзсиз ишонадиган виртуал ҳақиқатдир.

Сиз ўз олдингизга фақат эришиш мумкин деб ҳисоблаган мақсадларни қўясиз. Онгингиз фақат амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаган имкониятларни кўради. Охир-оқибат, сиз ишонган нарсангизга эришасиз.

Мақсадлар шахснинг кўламини белгилайди.

Турли одамлар турли мақсадларга эга. Спортчи, меъмор, муҳандисда бошқа-бошқа мақсадлар бўлади. Муҳими мақсаднинг кўлами, чунки шахснинг салоҳияти шунга боғлик.

Кичик мақсадлар кам ҳаракат талаб қилса, катталари эса катта куч ва қобилият сарфлашни талаб этади. Дангаса одамлар катта мақсадларни күзламайдилар, чунки ўзларини уринтиришни хоҳлашмайди.

Энди йиллик даромадингизни ҳисобланг, аниқ рақамни чиқаришга ҳаракат қилинг. Ўйлаб кўринг: сизнинг жорий йиллик даромадингиз билим ва қўнималарингизнинг умумий қийматидир. Уни ошириш учун ўз устингизда ишлашингиз керак. Шунинг учун ҳар йили ўз олдингизга профессионал ривожланишни талаб қиласиган муносиб мақсадларни кўйинг. Ривожланишдан тўхтаманг, ўз-ўзини тарбиялаш ва такомиллаштириш билан шуғулланишда давом этинг.

Агар бирор сабаб билан белгиланган муддатда ўйланган ишингизни амалга ошиrolmasangiz ва мақсадларингизга эришолмасангиз ташвишланманг. Бунинг сабабларини аниқлаб, режаларингизни қайта кўриб чиқинг ва мақсадга эришишни кейинги йилга ўтказинг. Шу йўлда ҳаракат қилишни давом эттиринг ва эртами-кечми, албатта, нияtingизга етасиз. Унутманг, мақсад кўлами шахснинг кўламини белгилайди.

Инсон буюклигининг иккинчи кўрсаткичи – унинг жамиятга келтирган фойдасидир. Шунинг учун, мансаб, автомашина, уй, сўнгги урфдаги кийимлар ва шунга ўхшаш дабдабалар буюкликни белгилашда муҳим ҳисобланмайди.

Бир марта меҳмонга борганда ушбу мавзуни барчанинг олдида кўтаришимга тўри келди. Мени йигилгандарга тадбиркорларни тайёрловчи шахс сифатида таништиришди. Меҳмонлардан бири киноя билан сўради: “Сиз бундай машғулотлар самарали бўлишига кафолат

бера оласизми, қандай қилиб одамларга кўпроқ нарсага эришишга ёрдам бериш мумкин?”

У ўзининг илмоқли гапларини турли йўллар билан бир неча марта тақорлади ва зиёфатта йигилганларнинг аксариятига ўзининг маданиятсизлигини сездириб кўйди. Бунга жавобан унинг ўзи қандай хизматлари билан фахрланишини сўрадим. Рақибим аввалига шошиб қолди, сўнг эришганларини бирма-бир санай бошлади: вазир лавозимида ишлагани, ҳашаматли уйи, ажойиб фарзандлари борлигини, тўкин-сочинликда ҳаёт кечиришини айтди. “Шу холосми?” сўрадим ундан. У мана шулар ўзи билан фахрланиш учун етарли, деб ўйлаганди.

“Хўш, – дедим, – кушлар ҳам уя курадилар, мушук эса жуда кўп чиройли мушукчаларни дунёга келтиради. Лекин бу уларнинг ютуғи хисобланмайди. Сиз вазир бўлган экансиз, айтинг-чи, ҳалқ учун қандай фойдали ишларни қилдингиз, нимани яхши томонга ўзгартирдингиз, ўз ҳаётингиздан бошқа яна кимнинг ҳаётини осонлаштирдингиз?” Унинг юзи қандай ўзгарганини кўрсангиз эди...

Ҳаётни осонлаштириш учун қилинган ишлар турурланишга сабаб бўлолмайди.

Одамлар ўzlари ва оила аъзолари учун уй қуришади, бу фахрланадиган иш эмас. Бунинг ўрнига, ўзингиздан сўранг, қачондир шахсий муаммоларингиздан ташқарига чиққанмисиз? Сиз доим ўзингиз учун ҳаракат қиласиз. Аммо умрингизни фақат қорин ғами ва кўнгилхушликларга берилиш учун сарфлаш ачинарли, бунга ҳамма қодир. Ҳамма ҳам буюк бўла олмайди. Буюклар одамларга фойда келтирадиганлардир.

Ушбу икки кўрсаткич асосий бўлиб, биринчи навбатда уларга эътибор қаратиш керак. Инсон ўз қобилиятига қанчалик ишонса, у ўз олдига шунчалик мухим мақсадлар қўяди. Айнан шундай инсон ўз устида ишлаб, кўпроқ нарсага эриша олади.

Ҳаётдаги энг катта совға – бу ҳаётнинг ўзи.

Ҳаёт инсонга текинга берилади. Шу сабабли кўпчилик уни қадрламайди ва вақтини бехуда ишлар, фойдасиз сухбатларга сарфлайди. Ишонмасангиз, бу ҳакда оғир хасталик билан тўшакка михланиб қолганлардан ёки урушни бошдан кечириб, ўлим билан тўқнашганлардан сўранг. Шунда ўзингиз бунга амин бўласиз.

Одамларнинг жанжаллашиб, бир-бирини ҳақоратлаб, камситаёттанини кўрганимда, ҳаётга бебаҳо неъмат сифатида қарашса, бундай қилмаган, борлик ҳақиқатини тақдирнинг совғаси сифатида қабул қилган бўлишарди, деб ўйлайман.

Иккинчи энг мухим совға – бу қандай яшашни танлаш имконияти.

Ҳаётнинг маъноси мол-давлат тўплаш эмас, балки ўзингизнинг энг яхши тимсолингизга айланишdir. Одамлар моддий меросни эмас, балки сизнинг ахлоқий фазилатларингизни ва бошқалар учун қилган эзгуликларингизни эслашади. Барча моддий нарсалар эса эскиради ва ўз қийматини йўқотади.

Ҳаётнинг мазмунини муносиб инсон бўлишда, ўзингиз билан фаҳрланишда деб билсангиз, демак тўғри йўлдасиз. Ҳалоллик, яхши ният, самимийлик, мардлик, масъулият каби ижобий ахлоқий фазилатларни ўзингда тарбиялашинг мумкин.

Муваффакиятли инсон ўзгалар учун қилган ишлари билан ҳам баҳоланади. У одамларга қанчалик катта фойда келтирса, унинг номи шунчалик узоқ хотирланади. Буюкларнинг номлари асрлар оша сақланиб қолади.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Исаак Ньютон

Исаак Ньютоннинг онаси уни оиласи ғермадаги ишларга ёрдам бериши учун мактабдан чиқариб олади. Аммо бола бу ишни эзполмади, бундай иш унинг учун эмасди. Исаак ажойиб механизмлар яратди, китоб ўқиди ва ҳатто шеърлар ёзди. Болалигиданоқ билимга интилди ва табиий фанларни ўрганишда ажойиб натижаларга эришди. Ўғлининг ўқишини хоҳлаётганини ва қишлоқ хўжалиги ишлари унга умуман тўғри келмаслигини тушунган онаси Исаакка мактабни тутатиб, Кембриж университетига киришга рухсат берди. У кириш имтиҳонларини муваффакиятли топшириб, ўқишини давом этирди.

Қатъиятлилик доимо ижобий натижаларга етаклайди.

Натижада жаноб Исаак Ньютон физика ва математикада инқилоб қилиб, ажойиб муваффакиятга эришди. У дунёдаги энг буюк олимлардан бирига айланди.

ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

*Инсоннинг қадр-қиммати у нимани
олишга тайёрлиги билан эмас,
ниманитуҳфа этганлиги билан
белгиланади.*

Альберт Эйнштейн

Ўз қадриятларига эга бўлиш жуда муҳимдир. Агар инсон уларсиз яшаса, унинг ҳёти ўз маъносини йўқотади ва у мавжуд ҳолда умр кечиради. Шу сабабли, қадриятларни имкон қадар тезроқ шакллантириш зарур.

Қадриятларни ҳаётнинг ажралмас қисми, қийинчиликларга қарамай, риоя қилиш шарт бўлган мезонлар сифатида шакллантириш керак. Одамлар ўз ҳётини бефойда нарсаларга сарфлайдилар, чунки улар муҳим ва қатъий нарсаларни тушунмайдилар.

Инсоннинг қадриятлари унинг асосий мақсадларини, гоясини, асосий тамоилиларини, энг муҳими, у ғамхўрлик қиласидан барча нарсаларни ташкил қиласиди. Биз доимо ихтиёрий ёки беихтиёр маълум қоидаларга амал қиласиз ва мақсадларимиз сари ҳаракатда бўламиз. Аммо агар биз қадриятларни белгиласак, унда онгли равишда ҳаракат қилишини бошлаймиз, чунки ҳётимиз маънога

эга бўлади. Кейин белгиланган қоидаларга қатъий амал қиласиз ва маълум бир йўналишда ҳаракатланамиз.

Ушбу мавзууни ўрганиб чиқиб, мен шуни англадим:

Инсон қадриятларга эга бўлмагани ва қатъий қоидаларни бузганлиги сабабли унинг ҳётида ҳал қилиб бўлмайдиган қийинчиликлар пайдо бўлиб, муваффақиятсизликларга дуч келади.

У ўз қадриятларига риоя қилишни хоҳлайди, лекин уларга зид бўлган ишларни қиласди. Бундай хатти-ҳаракатлар муаммоларга олиб келиши кафолатланади. Айнан шу сабабли қийин ахволга тушиб қолган одамлар олдимга маслаҳат сўраб келишади. Уларни муаммолари етаклаб келади. Бундай инсонлар менга ўз ҳаётий ҳикояларини сўзлаб беришади (*инқироз, кетма-кет омадсизликлар, қарзлар, оиласвий муаммолар, ажралишилар*). Мен уларни таҳлил қиласман ва кейин мурожаат қилганларнинг қадриятларини аниқлаш учун саволлар бераман. Ўша инсонларнинг аксарияти тўғри қадриятларга эга, аммо жуда камчилиги уларни англаб етолган.

Бир қанча ҳикояларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ачинарли ҳолатга тушиб қолишларига асосий сабаб хатти-ҳаракатлари ҳаётий қадриятларига тўғри келмаслигига эканлигини англадим. Шунинг учун, улар ҳеч нарсага эришолмаган.

Агар сиз Худога ишонсангизу, лекин Худога ёқмайдиган ишларни қилсангиз, демак, қадриятларга зид ҳаёт кечиряпсиз. Агар ҳалол бўлишни хоҳласангиз, лекин баъзида айёрлик ва ёлғончилик қилсангиз, демак, сўз билан амалларингиз бир-бирига мос эмас.

Ишончим комилки,

инсон ўз қадриятларига зид тарзда яшашни бошлаганида унинг ҳаёти қийинлашади.

Одамлар баъзан нотўғри хатти-харакатлари билан ҳаётини вақтингчалик яхшилашга эришадилар, аммо бундай усуллар билан ҳеч ким барқарор ўсишга эриша олмайди.

Бир куни бир йигит маслаҳат олиш учун олдимга келди. У фақат битта одамга нисбатан ноҳақлик қилганини айтди, лекин аслида ҳаётда ёлғончи эмаслигини таъкидлади. Мен унга агар фойдаси текканида, доимо ноҳақлик қилиши тайинлигини айтдим. У бу ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда берди.

Тахминан бир йилдан кейин, мен у билан яна учрашиб қолдим ва ўша йигит берган ваъдасига қарамай, яна бир неча кишига худди шундай ноинсофларча иш туттагнига афсус билан икрор бўлди. Мен унга ҳаракат одатни ҳосил қилишини, кейин эса тўхташ қийин бўлишина тушунтирдим. Шунинг учун ўзини бошқаришни, қадриятларига мувофиқ яшашни ўрганиши кераклигини ва бу қадриятлардан келиб чиқадиган қоидаларни ҳеч қачон бузмасликка ҳаракат қилиши зарурлигини айтдим.

ҚАДРИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ИФОДАЛАШ

*Хатто бир соат вақтини беҳуда
сарфлашга қарор қилған инсон ҳали
ҳаёттинг қадр-қимматини тушуниб
етмаган.*

Чарльз Р.Дарвин

Қадриятларни аниқлаш учун ўзингизга савол беришингиз керак:

1. Мен қайси түсікларни енгіб ўтишни хоҳлайман?
2. Қанчалик баландлыкка құтарилишни хоҳлайман?
3. Менинг мақсадым нима?
4. Қайси ишни охирига етказишни хоҳлайман?
5. Ҳаётимни қандай қадриятлар белгилайди?

Ушбу саволларнинг жавоби ҳақида бош қотириши керак бўлган ягона одам – бу сизсиз.

Шунинг учун ҳақиқий натижага эришиш учун ушбу китобни олти ой ичида 21 марта ўқишини маслаҳат бе-

раман. Биринчи марта сиз кўп нарсаларга тушунмайсиз, лекин қайта ўқиганингизда хар сафар кўпроқ тушуниб борасиз.

Китоб сизга илгари пайқамаган нарсаларингизни кўришга ёрдам беради. Яхшироқ тушуниш ва унумаслик учун буларнинг барчаси, шу жумладан саволларга жавобларни ён дафтарчангизга ёзиб боришингиз зарур. Биз машиналар, кийим-кечак, майший техника ҳақида ўйлаб, ҳаётимизни белгилаб берадиган қадриятларни ўйламаймиз. Ўз вазифамизни ва ҳаётнинг маъносини унтиб кўямиз. Аксарият инсонлар нимага қодир эканликларини билмасдан дунёни тарк этишади, чунки уларнинг бутун ҳаёти бехуда ишлар ва кундалик муаммоларга сарфланган. Эҳтиёж уларга ўзларининг энг яхши фазилатларини кўрсатишга имкон бермаган.

Инсон шулар ҳақида ўйласа, маънан ривожланади. Энг мухими, у ҳеч қачон ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди, гарчи бир қарашда бундай фикрлаш ғалати ва мантиқ-сиздек кўринса ҳам.

Агар сиз ўз қадриятларингизга мувофиқ яшасангиз, муваффакиятли ва бой инсонга айланасиз. Мен бундай мувофиқлик ҳақида қайғурган ва ўз мақсадларига эришган, аммо муҳтожликда яшаган бирорта одамни кўрмадим. Бундай бўлмайди. Сиз фақат ўз қадриятларингизни белгилаб олишингиз керак.

Мақсадлар ва уларнинг маъноси узвий боғлиқдир. Агар мақсадлар маъносиз бўлса, сиз ҳеч қачон муносиб натижага эриша олмайсиз. Мақсадлар, уларнинг маъноси ва ҳаётий қадриятлари ўзаро боғлиқ.

Қадриятларингиз ҳақида бир неча дақиқа ўйлаб кўринг. Уларни санаб беринг ва қандай англағанингизни тушунтиринг. Буни энг содда тилда тушунтирангиз ҳам

майли, асосийси, сиз уларни айнан хозир шакллантири-
шингиз (*агар сиз ҳали бу ишини құлмаган бўлсангиз*), улар
жуда аник ва тушунарли бўлиши керак.

Ҳаётингизнинг колган кисмини ўзингиз белгилаб олган қадриятларга мувофиқ ўтказишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳаёт осонроқ бўлади.

ХАЁТ ҚАДРИЯТЛАРИ ТАВСИФИ

Бир йил ичида ҳаётингиз ўзгаради, сиз ўзингиз ва қобилиятларингизга ишонадиган бадавлат ва баҳтли инсонга айланасиз. Ўзингизни ғолибдек ҳис қиласиз, чунки бу ҳақиқий ютуқдир.

Мен Бенжамин Франклиннинг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқдим ва у ўзи учун белгилаган ўн учта қадриятни топдим. Франклин дунёга сиёсатчи, дипломат, файла-суф, ихтирочи, олим, шунингдек истеъоддли тадбиркор, мусиқачи, ёзувчи ва ношир сифатида танилган. Унинг портрети юз долларлик банкнотда тасвирланган.

Франклин 12 ёшида сузиш мусобақаларида тенгдошлирини қувиб ўтиш учун қанот ихтиро қилганини кам одам билади. Кейинчалик у чақмоқ оловини минимал даражада ушлаб турувчи чақмоқ таёқчасини, шунингдек кўча чироқлари учун лампалар, ясси конденсатор ва бифокал кўзойнакларни яратган. Бундан ташқари, Франклин электр энергиясига “мусбат” ва “манфий” тушунчаларини киритишни таклиф қилди ва электр зарядининг сақланиш қонунини шакллантириди. Бу ихтиорларининг ҳаммаси эмас.

У бизга биринчи навбатда тадбиркор ва ёзувчи сифатида таниш. Унинг иккита асари ўкувчиларнинг доимий қизиқишига сазовор бўлади. Улар “Бой бўлишни хоҳловчиларга зарурий маслаҳатлар” ва “Муваффакият йўли” деб номланади. Шунингдек, унинг ўзи ва ўз мулоҳазалари ҳақида хикоя қилувчи “Автобиографияси” ҳам қизиқарли.

Франклиннинг қадриятларидан бири ҳалоллик эди. У шундай маслаҳат беради: “Ёлғон ишлатмаслик. Ҳалол ва адолатли фикрлаш. Ҳолатга тўғри ёндашиш”.

Франклин жамоавий меҳнатни қадрлаган. Хусусан, у шундай деб ёзган эди: “Мен жамоа билан ишлайман

ва жамоамизнинг олдинга силжишига ҳисса қўшаман”. Бу сўзнинг маъноси оддий: умумжамоа ишига ҳисса қўшинг.

Ҳамкорликдаги баъзи одамлар фақат ўзларининг манфаатини ўйлашади, фақат ўзлаштиришни хоҳлашади, беришни эмас. Ўз қадриятларига эга бўлмаганларгина шундай йўл тутишади.

Бундай ёндашув билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш имконияти йўқ: сиз бир марта алдашингиз мумкин, кейин эса ҳеч ким ёлғончи билан муомала қилишни хоҳламайди. Ҳамкорлик қилганда сиз умумий манфаат учун нима қилишингиз кераклиги ҳақида ўйлашингиз ва бошқалар сиз учун нимадир қилишини кутмаслигингиз керак.

Франклин ижодга алоҳида қадрият сифатида қараган. У бу ҳақда шундай ёзган эди: “Мен ўзимнинг ноёб имкониятларимдан хабардорман, чунки янги ечимларни таклиф қила оламан ва ўзимнинг ҳам нима қилишимни аниқлай оламан.”

У ўз ҳаётини уларсиз тасаввур қила олмайдиган 13 бандни ёзган, сўнгра уларнинг маъносини ва уларга мувофиқ яшаш йўлларини тушунтирган.

Бу ҳақда ўқиганимдан сўнг, мен ўз қадриятларимни ёздим ва уларга мувофиқ равишда яшашни бошладим. Мен доим улар ҳақида ўйлайман ва уларга амал қилишга интиламан. Бу менинг ўз мақсадларимга эришишинга ёрдам берди. Сиз ҳам ҳудди шундай қилишингиз керак.

РИВОЯТ: “ҲАЁТ – БУ ҚАХВА”

Юқори мартабага эришган, муваффакиятли битирувчилар кекса профессорнинг олдига боришибди. Албатта, кўп ўтмай, сухбат иш мавзусига бориб тақалибди – уларнинг барчаси қийинчиликлар ва ҳаёт машаққатларидан шикоят қилишди. Профессор мәҳмонларни қаҳвага таклиф қилди, у ошхонага бориб, патнисда оддий ва арzon, шунингдек қимматбаҳо ва нафис бўлган турли идишлар – билтур, шиша, елим, чинни финжонларга дамланган қаҳвалар келтирди. Битирувчилар қаҳваларни танлаб олишганда, профессор шундай деди: “Агар эътибор берган бўлсангиз, фақат қимматбаҳо финжонлардаги қаҳвалар танлаб олинди. Ҳеч ким оддий ва арzon финжонларни олмади. Ўзингиз учун энг яхшисини танлаб олиш истаги муаммоларингизнинг манбаидир.

Биргина финжоннинг ўзи қаҳванинг сифатини ўзгартиrolmasлигини тушунишингиз керак. Баъзи финжонлар қимматроқ бўлади, бошқалари нима ичаётганимизни яшириб туради. Сиз ҳақиқатдан ҳам хоҳлаган нарса – қаҳва, асло финжон эмас. Лекин шунга қарамай, энг яхши финжонларни танлаб оляпсиз. Кейин эса кимга қандай финжон насиб этганини билиш учун бир-бирингизникуга разм солдингиз.

Ўйлаб кўринг: ҳаёт – бу қаҳва. Иш, пул, мавқе, жамият – бу идиш. Улар фақатгина ҳаёт учун керакли восита, холос. Бизда қандай идиш борлиги ҳаёт сифатини белгила майди. Баъзида идишга маҳлиё бўлиб, қаҳванинг ўзидан баҳраманд бўлишни унутамиз”

Ўз “қаҳвангиздан” роҳатланинг!

МЕНИНГ ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМ

*Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати
унинг интилишилари объектининг
қиймати билан ўлчанади.*

Марк Аврелий

Мен қадриятлардан бири ҳакида бизнес-мураббий сифатида шундай дейман: “Ҳеч қачон бошқа одамга у учун фойдали бўлмаган ишни қилишни маслаҳат берманг, гарчи бу сиз учун фойдали бўлса ҳам.” Ушбу қадрият ҳалолликни билдиради.

Олдимга ёрдам сўраб кўплаб инсонлар ташриф бу-юришади. Баъзида маслаҳатларим ёрдам бермаслигини тушунаман, чунки ўша инсон сўзларимни тўғри қабул қилишга ҳали тайёр эмас. Баъзида улар бепарволик ва иродасизлик сабабли тавсияларимга амал қилмасликларини тушунаман. Бундай ҳолларда мен уларнинг пулла-рини рад этаман ва кетишларини сўрайман. Худди шу сабаб билан баъзи тренинг тингловчиларини машғулотлардан ҳайдаб юборган вақтларим ҳам бўлган. Бир куни олдимга индивидуал машғулотлар учун эр-хотин келди. Улар билан бўлган суҳбатдан сўнг, мен уларга кераксизлигимни билдим ва машғулотни рад этдим. Аёл мени

күндириш учун яхши пул таклиф қилди, мен эса бу ерда савдолашадиган дўкон эмаслигини айтдим.

Мен бизнес-мураббийман, берган билимларим фойдали бўлишини кўрсам, ёрдам беришдан ўзим ҳам хурсанд бўламан. Агар сизга керак эмаслигини тушунсам, бир нечта бепул маслаҳатлар билан кифояланаман. Доимо шундай йўл тутишга ҳаракат қиласман. Шу сабабли ҳам ривожланяпман.

Ота сифатида ўзим учун яна бир қадриятни белгилаб олганман: фарзандларим келажаги учун масъулият. Мен уларнинг келажаги учун жавобгарман. На мактаб, на болалар боғчаси, на давлат бунга жавобгар эмас. Агар болалар ўзларининг руҳий ҳолатини мен билан баҳам кўришмаса, демак мен ниманидир эътибордан четда қолдирдим.

Улар ишонган, ўзлари ва энг эзгу орзулари ҳақида бемалол гаплаша олишлари керак бўлган ягона одам – бу менман. Мен ушбу қадриятга муносиб бўлиш учун бор кучимни ишга солишга ҳаракат қиласман.

Ҳамкор, шерик сифатида ҳам қадриятларим бор.

Масъулиятли ҳамкорлик: ҳар қандай одам билан ишлашда мен қўлимдан келганини қиласман, яъни шеригимга ҳамкорлигимизга қадар бўлган даврга нисбатан яхшироқ бўлишига ҳаракат қиласман. Бирга ишлаш ва муомала қилиш фойдали бўлган инсонга айланишга интиlamан.

Агар у мени алдаса, айёр қилиб, ёлғон гапирса ҳам мен бундай жавоб қайтармайман. Мен барибир ўз қадриятларимга содик қоламан. Шунинг учун шеригим ютуққа эришиши учун ҳамма нарсани қиласман. Ким билан ишласам ҳам ҳамиша мана шу қадриятга муносиб

яшашга ҳаракат қиласман. Бу мен учун жуда мухим. Бундай муносабат ўз-ўзини ҳурмат қилишни ривожлантиришга ёрдам беради.

Инсонлар 100 долларгача бўлган маблағ ҳақида гап кетганда, дўстона муносабатда бўлишади. Лекин гап 100 000 долларга бориб тақалганда, улар ўзгарадилар. Агар сумма 500 минг долларга етса, ҳалол ҳамкорлик ҳақида гапиришга ҳожат қолмайди. Ҳар ким алдаш ва ўзи учун каттароқ нарсани қўлга киритиш учун қўлидан келганча ҳаракат қиласди. Шу сабабли, нима бўлишидан қатъи назар, ўз қадриятларингизга содик қолиш жуда мухимдир. Бунинг учун, аввало, ўз қадриятларингизни аниқлаб олишингиз керак. Доимо уларга муносиб бўлиш зарур.

Мен қўйидаги яна бир қадриятни белгиладим: эътиқодим қўйган талабларга мувофиқ яшаш. Ўзимдаги мавжуд камчиликлардан аста-секин ҳалос бўлишга интиламан. Бу жараён эса ҳаётимни осон ва муваффақиятли қиляпти.

Энди мураббий сифатидаги қадрият ҳақида: машғулотларда бошқаларга ўргатаётган кўникмаларга мувофиқ яшаш.

**Мен доимо семинарларда айтилган ва
китобларимда ёзилганларга мувофиқ яшашга
ҳаракат қиласман. Ўшандай ҳаёт кечираман.**

**Фақат шундай муносабат муваффақиятга
эришишга ёрдам беришини тушунаман.**

Инсон ҳар доим ўз қадриятларига риоя қилиши зарур.

Кейинги қадрият: **мажбуриятларсиз яшашга ҳаракат қилинг.** Мен молиявий мажбуриятларни, яъни қарзларни назарда тутяпман.

МЕНИНГ ЎҚУВЧИ СИФАТИДАГИ ҚАДРИЯТЛАРИМ

Мен бутун ҳаётим давомида устозларимнинг ўғитларига содик қоламан. Уларни чин дилдан севиб, эъзозлайман. Олган билимларни имкон қадар кенгроқ қўллайман. Мен ҳеч қачон устозларим, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини муҳокама қилмайман.

Мен ҳамиша ўрганиши, олган билимидан фойдаланиб, ҳалқига хизмат қилиши керак бўлган ўқувчи бўлиб қоламан.

Хурматли ўқувчи, сиз ўз қадриятларингизни белгилаб олишингиз осонроқ бўлиши учун ўзимнинг ҳаётий қадриятларимни мисол қилиб келтиряпман. Лекин мен билан бир хил бўлишингиз шарт эмас. Ўзингиз учун муҳим бўлган нарсаларни ёзинг. Менинг қадриятларим менга кўп ёрдам берди, хусусан, устозларимни муҳокама қилиш одатидан халос бўлдим.

Одатда инсонлар аввалига ўқувчи сифатида келишади, сўнгра ҳакам ва танқидчига айланиб, билим олиш ўрнига устознинг ҳаёти ва унинг атрофида содир бўлаётганларни муҳокама қилишни бошлашади. Ўкиш тўхтайди, дикқат марказидан ғийбат мавзуси ўрин олади ва ўқувчи бу ерга нима учун келганини унугиб кўяди.

Мен ҳам инсонман, баъзида танқид ва ҳатто ғийбат қилишга ҳам қизиқиш уйғонади. Мен нотўғри йўналишда кетаётганимни англаб, дарҳол ўзимни тўхтата-ман. Ҳар бир инсон ҳаётдан ва устозлардан фақат ўзи излаган нарсани олиши керак.

Мен фақат мени доно ва маънавий бой қиласиган, мақсадларимга эришишга ёрдам берадиган нарсаларни

олишга ҳаракат қиласаман. Лекин ҳар доим түсиқлар пайдо бўлди: атроф-муҳит халақит берди, атрофдагилар мени нотўғри иш қилаётганик ёки нотўғри одамлардан ўрганаётганикда айблай бошлишади. Улар устозларимни танқид қилишди, мен эса устозларимдан муваффакиятга эришиш йўлида нима кераклигини қидираман. Натижада ўз мақсадларимга эришдим, ўша одамлар эса ҳали ҳам муҳокама қилишда давом этишяпти, факат уларнинг ғийбат обьекти ўзгарган, холос.

МЕНИНГ ЭР СИФАТИДАГИ ҚАДРИЯТЛАРИМ

Мен ҳар доим турмуши ўртогимни тушунишга ҳаракат қиласаман, у билан муҳокама қилмасдан оиласизга боғлиқ қарорларни қабул қилмайман. Мен учун барча қариндошлилар ва дўстлар жуда қадрли, аммо менинг рафиқам ўз тақдирини менга ишониб топширган ва мен билан баҳтли бўлишига ишонган инсон.

Оилавий ҳаётдаги асосий мақсадим – рафиқамнинг ишончини оқлаш. Шу сабабли унга содик умр йўлдош бўламан ва ҳеч қачон хиёнатга йўл қўймайман, яширин ҳаёт тарзини олиб бормайман. Рафиқам ва фарзандларимиз учун яхши ҳаёт яратиш менинг бурчим эканлигини биламан. Мен оиласам юрагим тўрида эканлигини исботлайдиган турмуши тарзини олиб бораман. Турмуши ўртогим доимо ўз орзулари ва қўрқувлари, қувонч ва қайгулари ҳақида бемалол гаплаша олиши мумкин бўлган инсон бўламан.

Ҳаётий қадриятларимизни белгилаб, уларга мувофиқ яшашни бошласак, ҳаёт тўлақонли ва уйғун бўлади. Энг муҳими, бу факат ўзимизга боғлиқлиги ва у ҳаётимизни

қувонч, ижобий ҳис-туйғулар, ёрқин таассуротлар билан тұлдиришидадир. Ушбу қадриятлар менинг ҳәётимни бойитади. Мен үз қадриятларимни сиз үз қадриятларингизни аниклашингиз учун мисол тариқасыда көлтириб үтәётганимни яна бир марта эслатаман. Сиз үз қадриятларингизга эга бўлишингиз керак. Уларни шундай шакллантирингки, сизнинг ҳаракатларингизни белгилаб берсин.

Менинг индивидуал тренингларимда қатнашаётгандар учун (*бугунги кунда улар 292 киши*) шахсиятнинг олти таркибий қисмини тасвирилашга ва қадриятларни шакллантиришга ёрдам бераман. Баъзилар олдимга фақат билим олиш учун келишади. Аммо кимнингдир хулқ-автори бузилганлигини сезсам, камчиликлардан халос бўлиш учун уни талабларимни қатъий бажаришга мажбур қиласман. Бу қийин ва оғриқли бўлиши мумкин, аммо қатъий интизом мажбуриятдир. Агар кимдир бунга чидай олмай кетиб қолса, бу унинг танлови.

Инсон онгнинг янги босқичга кўтарилишини таъминлаш учун саккизта фильтрдан ўтиши керак. Шунда у ўзи хоҳлаган инсонга айланиши мумкин бўлади. Ушбу фильтрлардан уч йил давомида ўтилади. Албатта, ҳамма ҳаракат қиласи, лекин ҳамма ҳам улардан ўта олмайди.

Агар инсонда үз мақсадларига эришиш истаги кучли бўлса, у синовлардан ўтади. Истак кучли бўлмаса, у ўтолмайди. Бу ҳам онгли танловдир.

Авваллари мен ҳаммага дарс берардим, лекин бу иш самара бермаслигини тушундим. Биз фақат муносибларни қабул қилишимиз керак. Вакт – бу чекланган манба, уни үз мақсадларини аниклаб олмаганлар учун сарфлаш нотўғри.

Сиз ҳәётингизни баҳт, ғурур ва ўзингизни ҳурмат қилиш ҳисси билан тұлдирадиган бир нечта қадриятларни

шакллантиришингиз ва уларни ёзиб олишингиз керак. Уларга мос яшашга ҳаракат қилинг. Шунда 3-5 йил ичидан ҳаётингиз қандай ўзгаришини ва ҳар томонлама бой бўлишини кўрасиз.

Менда баъзи бизнесменлардагидек пул йўқ, лекин менда пуллардан ҳам қимматроқ нарсалар мавжуд. Мен ҳаётимнинг барча жабҳалари ҳақида қайғураман, чунки ҳаётдаги ютуқлар маблағ билан эмас, балки сизнинг қандай инсон эканлигингизни аникладиган сифат кўрсат-кичлари билан ўлчанади. Бу ҳаёт тарзи.

Мендан қайта дунёга келсам, ҳаётимда нималарни ўзгартишим ҳақида сўрашса, ҳеч нарсани ўзгартирмайман деб жавоб бераман. Чунки ҳаётимда содир бўлган ҳамма нарса, менинг ҳозирда ким эканлигим Аллоҳнинг инояти туфайли. Агар ҳаётимдаги биргина воқеа олиб ташланса ҳам мен ҳозиргидек бўлолмайман. Буни тушуниш жуда муҳим.

**Биз ҳаётда ҳеч нарсани йўқотмаймиз,
аксинча, ҳамиша эга бўламиз.**

Аммо инсон ўз ҳаётий тамойилларини қанчалик кўп бузса, унинг истеъоди ва қобилиятларини рӯёбга чиқаришда шунчалик кўп чекловлар пайдо бўлади. Бундай ҳаракатлар ҳаётий кувватни камайтиради ва инсон омон қолиш учун ҳаётда ҳамма нарсани қилишга мажбур бўлади.

СИЗНИНГ САЛОҲИЯТИНГИЗ

Биз ҳар куни бажарадиган ишларимизга тенгмиз. Ўз ҳаракатларини назорат қилиш қобилияти характерни шакллантиради ва характер сабабли инсон ўз ҳаётини назорат қилиш қобилиятига эга бўлади.

Аристотель


Мавзуни яхшироқ тушуниш ва салоҳиятингизни аниқлаш учун бир нечта саволларга жавоб берамиз.

1. Неча ёшда тўкин ҳаёт кечиришни хоҳлайсиз?

Ўз салоҳиятингизни неча ёшда рўёбга чиқаришни хоҳлаёттганингизни аниқлаб олишга ҳаракат қилинг. Агар шундай қилмасангиз, сиз ҳамиша ишларни ортга сурасиз ва шиддатли йиллар мазмунсиз ва натижаларсиз ўтади.

Шундай бўладики, ҳатто 50 ёки 60 ёшда ҳам баъзилар кулайроқ шароит ва яхши имкониятлар ҳали олдин-далигига умид қилиб ҳамма нарсани ортга суришади. Натижада ҳаётларининг охиригача амалга оширилмаган салоҳият билан яшайдилар. Шунинг учун вактни тўғри белгилаш жуда муҳимдир.

САЛОХИЯТИМНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ЙИЛЛАР БҮЙИЧА ЖАДВАЛИ



Ҳаётнинг барча соҳаларидаги салоҳиятингиз қай дарражада эканлигини эллик саҳифада тасвирлаб бера оласизми?

Кўпчилик бошида ҳатто битта саҳифани ҳам тўлдира олмайди. Бу саволга жавоб бериш учун кўп вақт керак бўлади, чунки сиз дикқат билан ўйлаб, ҳамма нарсани аниқ ифодалашингиз зарур. Лекин бу ишни бажаришингиз шарт. Мен билан индивидуал шуғулланганларни эллик варақ жавоб ёзмагунларича қўйиб юбормайман. Мен бу масалага жуда катта аҳамият беришимнинг сабаби, кўпчилик ўз иқтидорини рүёбга чиқара олмайди, чунки улар ҳатто уни аниқлашга ҳам ҳаракат қилишмайди ва ўзларининг истеъдодлари, ғайриоддий қобилияtlарини намойиш этмасдан, оқим бўйлаб сузиг юришади.

1. Салоҳиятингизнинг неча фоизи намоён бўлган?
2. Қайси кисми амалга оширилмади ва бунга қанча вақт керак?

Одамларга максимал фойда келтиришни мақсад қилиб қўйган ҳолда, амалга оширилмаган салоҳиятни очиш учун аниқ вақт оралигини белгилаб олиш зарур.

Биз ҳаммамиз тасаввур қилганимиздан анча ақлли ва қобилияtlимиз. Имкониятимизни рүёбга чиқара олсак, шу пайтгача эришганларимиздан ҳам кўпроғини қўлга киритамиз. Бунинг учун бор кучингизни сарфлашингиз ва ўз устингизда ишлашингиз керак.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

**Абу Райҳон Мұхаммад Ибн Аҳмад
Беруний (973-1048)**

Марказий Осиёning буюк қомусий олимни, шоири ва файласуфи Ал-Беруний ўз даврининг ҳақиқий дахоси бўлиб, деярли барча фанларни пухта эгаллаган. Астрономия, география, математика, физика, кимё, ботаника, геодезия, фармакология, геология, минералогия, тарих, этнография, фалсафа ва филология каби фанларга қизиқкан.

У 973 йил 4 сентябрда Хоразм пойтахти Кат шаҳрида туғилган. Ал-Беруний хунармандлар оиласида таваллуд топган деб тахмин қилинади. Унинг оиласи эронлик бўлган. Унинг болалиги Хоразмшоҳ Маъмун ҳомийлиги остида ўтган. Ўша давринг машҳур олимни Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ унданги ғайриоддий қобилиятларни сезиб болани ўқитишни ўз зиммасига олган. Айнан шу инсон ўз ўқувчисида математика ва астрономия каби табиий фанларга бўлган муҳаббатни уйғотишга муваффақ бўлди.

Ҳар томонлама билимга эга бўлган йигитча мустақил кузатувлар ўтказиш ва ҳисоб-китоблар қилишга қизиқиб қолади. 995 йилга келиб аҳоли пунктларининг географик координатларини ўша вақт учун мисли кўрилмаган аниклиқда белгилаш имконини берган дунёдаги биринчи глобусни яратади. Қолаверса, ҳар хил астрономик асбоблар

ясаш билан шуғулланиб, Хоразмдаги турли ҳудудларнинг жойлашган ўрнини осонгина аниқлаган.

Кўп ўтмай Кат Гурганж амири томонидан босиб олинади ва пойтахт кўчирилади. Ёш олим ўз она шаҳрини тарк этиб, янги билимлар излаб Бухоро, Бағдод, Афғонистон ва Ҳурросоннинг бошқа шаҳарларига саёҳат қиласиди. 1004 йилда ватанига қайтган Беруний Гурганчга келади. У ерда уни янги ташкил этилган “Маъмун академияси”ни бошқарувчи вазир (маслаҳатчи) лавозими кутаётган эди.

Хоразмшоҳлар саройи ўз Академиясига ўша даврдаги бир қатор буюк олимларни тўплаган эди: қомусий олимлар Ал-Беруний, Ибн Сино, Ибн Ирок; файласуфлар Абу Ҳайир Ҳамар ва Абу Сал Мозиҳий; шоир Абу Мансур ас-Солибий ва бошқалар. Ушбу маскан Шарқдаги энг кучли илмий марказ эди.

Бироқ 1017 йилда Хоразм Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олинди ва бутун илм аҳли пойтахт Ғазнага кўчишга мажбур бўлади. Беруний Ғазнавийлар саройида қариллик чоғигача хизмат қилди. Султон Маҳмуднинг Ҳиндистонга қилган юришларида қатнашади, ҳатто бир муддат ўша ерда қолиб кетади.

Олим ер шарининг ўлчамларини аниқлаш бўйича ўз илмий ишини айнан Ҳиндистонда якунлайди, ушбу мамлакатнинг тарихи, географияси, фалсафаси ва этнографиясига оид кенг қамровли материаллар тўплайди.

Ал-Беруний авлодларга катта илмий мерос қолдирди. У 10 дан ортиқ соҳаларни қамраб олган 150 га яқин илмий ишлар муаллифи дир. Биринчи фундаментал асари “Хронология ёки ўтмиш ёдгорликлари” (1000 йил) ўша даврга қадар маълум бўлган аввалги йилномаларнинг тавсифига бағишиланган бўлиб, шунингдек Инжил патриархлари давридан тортиб барча даврларнинг батафсил солномавий жадвалини ўз ичига олади.

Олим ҳиндларнинг ҳаёти, дини, маданияти ва илм-фани ҳақида ўзининг “Ҳиндистон ёки ҳиндларга тегишли англаш мумкин бўлган ёки ақл бовар қилмас таълимотни тушунтиришни ўз ичига олган китоб” асарида батафсил маълумот берган. Унинг “Минералогия ёки марваридлар ҳақидаги билимлар китоби” ва “Фармакогнозия” – дориларнинг таркибиغا оид асари ҳанузгача долзарблигини йўқотмаган. Лекин энг кўп илмий асарлари севимли фанлари – астрономия ва математикага бағишиланган.

“Қонуни Маъсудий” – Султон Махмуд Фазнавийнинг ўғли учун ёзилган ва математика, астрономия, мунажжимлик, турли халқлар тарихи ва этнографияси, ўрта аср олимларининг илмий ишларига шарҳлар ва бошқаларни ўз ичига олган 11 жилдлик асар.

“Синик ҷизик ёрдамида доира ҳордими аниқлаши тўғрисида” асари – Архимеднинг асл нусхаси сақланиб қолмаган бир қатор теоремаларини таҳлил этувчи манба.

Амалий математика ва бошқа кўплаб масала-ларни ўз ичига олган “Соялар” рисоласи.

Беруний ўзини илмни алоҳида ўқувчиларга эмас, балки дунёдаги барча инсонларга етка-зишга масъул деб билган ва унинг орзулари ушалди. Буюк олим қаламига мансуб китобларни ҳанузгача бутун дунёда ўрганишади.

ҲАЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Бизнинг ҳаётимиз саёҳат, ғояларимиздан иборат йўлбошчиидир. Йўлбошчи бўлмаса ҳаммаси тўхтаб қолади. Мақсад йўқолади ва кучлар ҳам қирқилади.

В. Гюго

Ўзининг қанча яшашини ҳеч ким билмайди. Ўртacha умр кўриш 70-80 йилни ташкил этади. Ҳаётнинг дастлабки йигирма беш йили билим ва тажриба эгаллашга, ўзини англашга сарфланади. Олтмиш йилдан кейин жисмоний қобилиятлар пасаяди ва одам энди ўрта ёшдаги каби куч-кувватга эга бўлмайди. Муҳим ютуқлар учун ўттиздан олтмиш ёшгача бўлган ёш оралиғи энг мақбули.

Энди жавоб беринг, атрофингида шу вақт оралиғини хисобга олган ҳолда ҳаракатларини режалаштирган инсонлар борми? Бундай одамнинг бўлиши даргумон. Ҳар ҳолда, мен шу пайтгача бундай яшаганларни учратмадим.

Муваффакиятимнинг сири ҳақида сўрашганида, ёшлигимда устозим менга

қўлимдаги ягона нарса ўз ҳаётим эканлигини, дунёни ўзгартира олмаслигим, лекин бойлик ва муваффакиятга эришиб, ҳаётимни юқори чўққига олиб чиқишим мумкинлигини айтганини сўзлаб бераман.

Мен буни шундай тушундим: ҳаётнинг бошланиши ва охири бор, шунингдек мухим бир ишларни амалга оширишим учун оралиқ вақт ҳам мавжуд. Ушбу давр мен ҳаётда нимага эришишим ва дунёга қандай фойда келтиришимни ҳал қиласи. Устозимнинг тушунтиришларидан сўнг уйга келиб, узоқ ўйладим. Қилган биринчи ишим – ҳаётим чизмасини яратиш бўлди. Мехнат фаолиятим натижасида ҳаётимда нималар пайдо бўлиши кераклигини белгилаб чиқдим. Мисол учун, интеръер дизайнери биринчи навбатда ички ўлчамлар ва танланган мебелларнинг жойлашишини аниқлаб, график тасвир яратади. Шу тариқа мен ҳам ўз келажагимни белгилаб олдим, унинг қандай бўлиши ва нималарга эришишим кераклигини санаб ўтдим: қандай оила, қанча даромад, қандай уй ва қандай мулк, қайси мамлакатларга боришим ва ҳоказо.

Сиз ҳам шундай килишингиз мумкин. Шунчаки келажакдаги ҳаётингизни тасавур қилинг ва уни ўзингиз хоҳлаган барча нарсалар билан тўлдиришга ҳаракат қилинг. Сизни илҳомлантирадиган ва ҳаётингизни мазмунли қиласиган ҳамма нарсани ёзинг.

Мен шуни пайқадимки, агар инсон ўз ҳаёт стратегиясини яратмаса, у бошқалардан нусха кўчиришни ёки факат ўзига фойдали нарсаларни қилишни бошлайди.

Натижада инсон ҳаётини шу ишларга сарфлашга арзийдими ёки йўқми, буни ўйламайди, чунки унинг бунга вақти бўлмайди. Шу сабабли ҳам мен ўз стратегиямни ҳаётнинг идеал суратини тасвирлашдан бошладим. Мен онамни Маккага олиб боришини, яхши уйга эга бўлишини, узоқ ўлкаларни зиёрат қилишни хоҳлардим, буларнинг ҳаммаси ҳақида ёзиб чиқдим. Кейин уларни тартибга

солиб, барча воқеаларнинг саналари ва йилларини кўрсатдим.

Агар сиз мендан 2020 ёки 2025 йиллардаги ҳаётим ҳақида сўрасангиз, мен сизга ушбу давр учун режалаштирилган ҳамма ишларимни айтиб бераман. Юз ёшимгача эришишим керак бўлган барча ютуқларим ёзиб чиқилган.

Ўша ёшга етаманми ёки йўқми, буниси муҳим эмас. Асосийси, шу ёшгача яшасам, қиласиган ишларим аниқ. Агар мен юз ёшга етмасам ҳам хавотирга ўрин йўқ: мен яратган тизим менсиз ҳам барқарор ишлашини таъминлайдиган механизмларни ўйлаб қўйганман.

Ҳаётни бехуда сарф қилмаслик учун айнан шуларни тушуниш керак. Шунинг учун, одамлар мендан муваффақиятга эришиш учун энг муҳим нарса нима эканлигини сўрашганда, шундай жавоб бераман: сиз ҳаётингиз стратегиясини тузишингиз ва қадриятларингизга мувофиқ ҳаракат қилишингиз керак. Шунда ҳаётингиз, албатта, бойлик, ҳурмат ва эътирофга тўлади. Агар сиз ҳаётингизни майда-чўйда нарсалар билан ўтказсангиз, муҳимларига вақт қолмайди.

Албатта, ҳаёт стратегиясини ёзиш қийин, чунки одамлар одатда фақат кейинги йил режаси билан яшашади, лекин беш, ўн йиллик режалар тузишмайди, яъни уларда ҳаёт стратегияси йўқ.

Агар сиз онгингизни шу йўналишда ишлашга мажбур қилсангиз, у сизга узок йиллик ютуқларни кўрсатади. Ҳаётни уни бойитадиган нарсалар билан тўлдиринг, бу нафақат моддий нарсалар, балки ҳаёт мазмунини белгилайдиган ютуқлар кўринишида ҳам бўлиши керак.

Бошида, айтганимдек, ҳаётнинг идеал тасвирини яратиш зарур. Тасаввур килинг, сиз “Ҳаёт” номли ресторон-

да ўтирибсиз ва сизга буюртма қилган таомларнигина олиб келишади, унутганларингизга эса эга бўлолмайсиз.

Ҳеч нарсани унугмасликка ҳаракат қилинг. Сиз ёзган ҳамма нарса, албатта, амалга ошади, фақат қатъиятли ва тиришқоқ бўлишингиз керак. Асосийси, нимага интилиш кераклигини билиб оласиз, чунки сиз ҳаётнинг идеал суратига эга бўласиз.

Хурматли ўқувчим! Мен ҳаёт стратегияси ҳақида “МДХда миллионер бўлиш учун 10 қадам” китобида ба-тафсил ёзганман. Ушбу китобни топиб ўқинг ёки ҳавола орқали веб-сайтимизга ўтинг ва китобга буюртма бери-шингиз мумкин: www.worldsamo.com

ОНГ СИРИ

*Ўзимизни оқлаш учун биз кўпинча
ўзимизни мақсадга эришишига кучимиз
етмаслигига ишонтирамиз; аслида биз
кучсиз эмас, балки иродасизмиз.*

Ф.Ларошфуко

Сизларга бир сирни очаман. Ҳаётимнинг идеал суратини илк марта ўн беш ёшимда чизганман. Тахминан саккиз йил олдин, уйга келганимда, тасодифан ўша ёзганларимни топиб олдим. Ёзганларимни шунча йилдан сўнг қайта ўқиши мен учун жуда кизик эди. Масалан, кирқ ёшимда онамни Маккага олиб боришни ният қилган эканман, 45 ёшимда фан доктори бўлишим, эллик ёшимда биринчи китобимни ёзишим керак бўлган экан.

Ёзганларимни ўкиб чиққанимда (*ўшанда ўттиз икки ёшда эдим*), 100 ёшга қадар амалга оширишни режалаштирган ишларимнинг тўқсон беш фоизини аллақачон бажариб бўлганим маълум бўлди. Бу мен учун акл бовар қилмайдиган кащфиёт эди. Сўнг ўтириб ўйладим, бу балки одамлар билмаган қандайдир сирдир? Аслида, кўп нарсалар сиз ўйлагандан кўра тезрок амалга ошади. Масалан, мен 28 ёшимда фан доктори бўлдим, ўша ёшимда онам билан Маккани зиёрат қилдим, илк китобимни эса 27 ёшимда нашр қилдирдим.

Онг сизнинг орзуларингизни амалга оширади, фақат унга қандай мақсадларга эришмоқчи эканлигинизни тушунтиришингиз керак. У режаларингизни амалга оширишингизда керак бўладиган имкониятлар ва ресурсларни излаб топади. Бу мен кашф қилган сир. Буни менга ҳеч ким айтмаган ва бу ҳақда ҳеч қаерда ўқимаганман. Балки баъзи китобларда бу ҳақда ёзилган бўлиши мумкин, лекин мен кўрмаганман.

Мени бу кашфиётга устозим етаклади, у қўлимдаги ягона нарса ўз ҳаётим эканлигини айтди. Ўшанда мен агар шундай бўлса, қандай яшашим керак, деб ўйлагандим ва келажакни қандай тасаввур қилишим ҳақида ёзгандим.

Ҳаётнинг идеал тасвирини тасаввур этган ҳолда ёзган ҳамма нарсангизни сизга Худо беради ва ўйлаганингиздан ҳам тезроқ амалга оширади.

Бизнинг миямиз режаларимизни амалга оширадиган яширин механизмга эга. Унинг қандай ишлашини тушунтириб бера олмайман, лекин мавжудлиги ҳақиқатдир. Бу механизм ишлайди. Менимча, буни ҳеч ким аниқ тушунтириб беролмайди.

Мен индивидуал машғулотларимда қатнашган бир қанча шогирдларимга ушбу механизмдан фойдаланишни ўргатишга ҳаракат килдим ва одам ўз ҳаёти учун стратегия ёзиши қанчалик қийинлигини пайқадим. Улар бир ёки икки йилдан кейинги ҳаётларини тасаввур қила олишди, холос. Лекин ундан узоққа қарай олишмади. Бутун ҳаётини тасаввур қилиш ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамай, барча мақсадлар ва ютуқларни ёзиш, уларнинг аниқ муддатларини белгилаб олиш жуда муҳимдир. Сиз шу тариқа ҳаётингизнинг идеал тасвирини мақсадларингизга эришиш стратегиясига айлантирасиз.

Бунинг сири шундаки, аниқ фикрлар аниқ харакатларга сабаб бўлади.

У бўлмаса ҳаёт тартибсиз, зерикарли тус олади. Сиз бошқа одамларнинг маслаҳатига амал қилишга, кераксиз тажрибалардан нусха кўчиришга, ота-онангизнинг айтганларидан чиқмасликка мажбур бўласиз. Ота-оналар одатда ўзларининг амалга ошмаган орзуларига фарзандлари орқали эришмоқчи бўладилар. Чунки улар ўз вақтида керакли натижага эриша олмаганлар ва бу ишни сиз қилишингизни хоҳлашади.

Барча эришмоқчи бўлган нарсаларингизни ёзганингизда, уларнинг орасидан **асосий мақсадларни аниқлаб олишингиз зарур бўлади**. Сиз ҳамма нарсани кетма-кет ёзасиз ва охирида бир нечта асосий стратегик мақсадларни ажратиб кўрсатасиз. Уларни ажратиб кўрсатиш орқали атрофдаги бошқа, кичикроқ мақсадларни осонгина тартибга солиб, ўзаро боғлиқ умумий режани шакллантиришингиз мумкин.

Шундан кейин бир муҳим саволга жавоб беришингиз керак: қолган умрингизни нималарга **сарфлашга тайёрсиз?** Айнан шу савол менга кичик, аҳамиятсиз мақсадлардан воз кечиш, қимматли ҳаётимни арзимас ишларга сарфламасликни ўргатди.

Ушбу саволга жавоб бериш орқали фойдасиз ишлардан воз кеча оласиз. Ахир сиз вақтингизни кўпроқ нимага сарфласангиз, ўша соҳада ўзингизни намоён эта оласиз.

Агар сиз муносиб инсон бўлишни истасангиз, вақтни қадрлашингиз керак. Ҳатто дўстлар даврасида ҳам вазиятни таҳлил қилинг ва улар билан қилинган сұхбат сарфланган вақтга арзийдими-йўқми ўйлаб кўринг. Жавоб сизни ўша даврада қолиш ёки кетишингизни ҳал қилиб беради.

Бундай муносабат ҳаётнинг оддий қоидасини тушуниш сабабли шаклланади – арзимас нарсаларга вақт сарфлаб, муҳим ишларга улгурмай қолишингиз мумкин. Шунинг учун, асосий нарсага, ҳаётнинг идеал тасвирини яратишга ёрдам берадиган ва мақсадларга етаклайдиган нарсаларга эътибор қаратиш керак. Ҳаётингизнинг қолган қисмини нималарга сарфлашга тайёrsиз деган саволга жавоб бериб, сиз ўз ҳаётингиз учун йўналиш белгилаб оласиз. Ҳаётнинг мақсади – буюмлар тўплаш эмас, чунки буюмлар ҳаётни қайсиdir маънода қулайроқ қилади, холос. Ҳаётнинг мақсади эса бошқа. Афсуски, кўпчиликдан бундай мақсад мавжуд эмас.

ТАНИКЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Тимур Бекмамбетов

Бу инсоннинг ибратли жиҳати шуни кўрсатадики, туғма истеъдод ўзини намоён қилиши мумкин бўлган асосий касб болаликданоқ белгиланиши керак. Акс ҳолда, ҳаётингизнинг анча йилларини йўқотасиз. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам матонат ва меҳнатсеварлик кўрсатилса, чинакам истеъдод ўзини намоён этади.

Тимур Атырау шаҳрида (Қозоғистон) туғилган. Бекмамбетовлар оиласи бадавлат ҳисобланган: отаси йирик энергетика компаниясиning раҳбари, онаси Мира Богословская эса вилоят газетаси мұхаррири ўринбосари бўлиб ишлаган.

Ўрта мактабни тугатгач, бўлажак режиссёр отасининг талабига биноан Москва энергетика институтига ўқишга киради. Аммо унда энергетика ва бошқа техник фанларга иштиёқ йўқ эди. Шунинг учун Москва энергетика институтида бир неча йил ўқиганидан сўнг ўқишни ташлади. Ўша йили армия сафига чақирилиб, икки йил давомида Ашхобод яқинида хизмат қилди.

Ҳарбий хизматни тамомлаганидан кейин Бекмамбетов Тошкентга келди. У ерда ўқишини давом эттироқчи бўлган йигит бу сафар олийгоҳни ўз хоҳишига кўра танлашга қарор қилди. Шу тариқа Алексей Островскийномидаги Тошкент театр ва рассомлик институтига ўқишга кирди. Бекмамбетов ўқиши билан бир вақтда “Ўзбекфильм” киностудияси ва маҳаллий театрда фаолият олиб борган, бу эса режиссёрга маҳсус тажриба орттириш имконини берди.

**“Ўзбекфильм”нинг камтарона
имкониятлари шухратпаст
Тимурга тўғри келмади, маош эса
унинг эҳтиёжларини қопламасди, шу
сабабли Москвага жўнаб кетди.**

У ерда реклама роликларини суратта олиш билан шуғулланадиган компанияга ишга жойлашди. Бу йўналиш МДҲ давлатларида эндинга ривожлана бошлаган бўлишига қарамай, унга талаб катта эди. Тимурнинг илк иши “Кредит-Москва” банки реклама ролиги бўлди.

Кейин қаҳрамонимиз “Империал банкидан жаҳон тарихи” (*“Всемирная история от банка ‘Империал’”*) номли машҳур видеороликлар туркумини яратди. Лойиҳани амалга ошириш учун у машҳур актёrlар, сценарийнавислар ва декораторларни ўз ичига олган профессионаллар жамоасини тўплади.

Бекмамбетовнинг ушбу мини-фильмлари жуда кўп мукофотларга сазовор бўлди ва томошабинлар томонидан реклама ролиги сифатида эмас, балки ҳақиқий кино санъати намунаси сифатида қабул қилинди.

1993 йилда Тимур режиссёр, продюсер ва сценарий муаллифи сифатида биринчи фильм – “Пешовар вальси” (*“Пешаварский вальс”*)ни суратта олишни бошлади. Фильм Афғонистондаги уруш йилларига оид реал воқеаларга асосланган эди. 1994 йилда ушбу фильм бир қатор ҳалқаро фестивалларда ғолиб бўлди, аммо томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлолмади. Кейин “Гладиатрикс” фильмни суратта олинди, лекин у ҳам томошабинлар томонидан яхши қабул қилинмади. Бу муваффақиятсизликлар Бекмамбетовнинг томошабинлар эътирофига сазовор бўлиш қарорига таъсир кўрсатмади.

Бекмамбетов учун ҳақиқий машҳурликни 2004 йилда экранларга чиққан “Тунги томош” (*Ночной дозор*) фантастик фильмі олиб келди. Ушбу картина нинг пайдо бўлишидан олдин фаол реклама компанияси иш бошлиди. Тарғиботлар натижасида томошибинлар бундай кенг кўламли илк фантастик фильмни интиқлиқ билан кутишиди.

Хорижий компаниялар рус фильмининг ажойиб муваффакияти билан қизиқиб қолишиди ва ҳатто МДҲ кино саноатида жуда кам учрайдиган ҳолат рўй берди – Америка ва Европада фильмни намойиш қилиш хукуқини сотиб олишиди.

Тимур ушбу фильмни билан рус киносини бутунлай янги босқичга кўтаришга муваффақ бўлди ва бутун дунёга Голливуднинг таникли режиссёrlари билан рақобатлаша олишини исботлади. Режиссёрнинг “Кундузги томош” (*“Дневной дозор”*) ва “Тақдир ҳазили. Давоми” (*“Ирония судьбы. Продолжение”*) каби янги фильмлари унинг муваффакиятини мустаҳкамлади.

Кейинроқ 8 йилдан бўён томошибинлар Янги йил совғаси сифатида интиқлиқ билан кутадиган “Арчалар” (*“Елки”*) комедия сериали эфир юзини кўрди. Ушбу сериалнинг ҳар бир кисми юзлаб миллион рубль даромад келтириди ва “Арчалар-3” (*“Елки-3”*) Россия кино саноатида рекорд натижага кўрсатиб, энг даромадли фильмлар учлигига кирди.

Унинг ижодий фаолиятининг яна бир йўналиши АҚШдаги машҳур “Орзулар фабрикаси”да ишлаш эди. “Тунги томоша” (“Ночной дозор”) фильмининг муваффакиятидан сўнг, Бекмамбетовнинг Голливудга таклиф қилиниши аниқ эди.

Тимур 2007 йилда продюсер Марк Платт билан ҳамкорликда “Ўта хавфли” (“Особо опасен”) фильмини суратга олишни бошлади. Фильмда Анжелина Жоли бош ролни ўйнаган. Мазкур картина Россия, қолаверса бутун дунёда эътироф этилди, йилнинг энг яхши илмий-фантастик фильмси сифатида “Оскар” мукофотига сазовор бўлди. Кейинчалик у Тим Бертон билан ҳамкорликда “Энни”га ва Америка продюсерлар Гильдияси мукофотига номзод бўлган “9” номли анимацион фильмида продюсерлик қилди. Шунингдек “Президент Линкольн: Вампирлар овчиси” (“Президент Линкольн: Охотник на вампиров”) триллерига режиссёрлик қилди. У Голливудда суратга олган фильмлар рўйхатида “Аполлон 18”, “Фантом” жанговар фильмси, шунингдек, “Бен-Гур” тарихий драмаси ҳам бор.

Ўз фаолиятини реклама роликлари режиссёри сифатида бошлаган Тимур кам бюджетли фильмлардан дунёни забт этган кўп миллионли блокбастерларни суратга олишгача бўлган узоқ йўлни босиб ўтди.


ХАЁТ ҚОБИГИ

*Энг кучли инсон – ўз-ўзини
бошқаришга қодир инсондир.*

Луций Анней Сенека

Энди ҳаётингизнинг қобигини чизишингиз керак.

Ҳаёт қобиги



Ушбу расмда мисол тариқасида менинг ҳаётим қобигини кўриб турибсиз. У юз йилга мўлжалланган, мен аллақачон 41 йил яшадим, яна тўққиз йиллик иш капиталим қолди. Бу даврда ишлайман, ҳаётимнинг кейинги қисмини эса халқа хизмат қилиш, хусусан, ижтимоий фаолият, хайрия ва бошқа ишлар билан шуғулланишга бағишиламоқчиман. Сиз ҳам худди шундай чизмани чизишингиз керак.

**Асосийси, сизда фаол меҳнат учун
сарфлайдиган иш капиталингизнинг аниқ
вақтини белгилаб олишдир.**

Менда тўқиз йил қолди, бу давр ичида мен ҳаётимнинг идеал тасвирини шакллантириши якунлашим зарур. Худди шу нарса сизга ҳам тегишли. Шундан сўнг, биз буткул бошқа, эҳтимол даромад олиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар билан машғул бўлармиз.

Шунинг учун, менга қандайдир лойихани амалга ошириш таклиф қилишганда, бу иш ҳаётимдаги асосий мақсадларга эришишимга ёрдам берадими, йўқми деб ўйлайман. Агар лойиха мени ўйлаган ишларимнинг натижасига яқинлаштиурсагина розилик бераман. Агар кимdir сизнинг ҳаёт қобиғингизни кўриб, шунчалик узоқ умр кўришингизга шубҳа қилса, тушкунликка тушманг. Бу аҳамиятсиз. Муҳими шундаки, сиз қолган умрингизни режали, самарали ўтказасиз ва керакли натижаларга эришасиз.

**Агар ушбу китобни ўқиб чиққанингиздан
сўнг ўз устингизда ишлашни, ўзингизни
такомиллаштиришни, қобилиятларингизни
ривожлантиришни, ўз-ўзингизни тарбиялашни,
вақтни бошқаришни ва мақсадларингизга
эришишни ўргансангиз, мен ўз бурчимни
бажарган бўламан.**

Аслида, сиз ҳаётингизнинг қолган даври учун сизсиз ҳам ишлайдиган тизимни яратишингиз керак бўлади. Пул топиш учун иш капиталини оддий меҳнатта сарфлашнинг ҳожати йўқ, оиласангизга вақт ажратиш, ўзингиз ёқтирган нарсалар билан шуғулланиш, дунё бўйлаб саёҳат қилиш, муҳтоҗлик нималигини билмай, дўстлар билан мулоқот

қилиш, ижод билан шуғулланиш имконини берадиган доимий даромад манбайни шакллантиришингиз зарур.

Инсонни ўз мақсадларига эришишдан айниқса мұхтожлик қалғытади. Ҳаётнинг параметрлеридан бири пулдир, шунинг учун доимий пул оқимини шакллантириш керак. Кўп пулга эга бўлиш шарт эмас, бу аҳмоқона истак. Мақсадларингизга эришиш ва ҳаётнинг идеал тасвирини ҳақиқатга айлантириш учун сизга керак бўлган микдорга эга бўлишингиз керак.

Инсон пул унга нима учун кераклигини аниқ билса, пуллар пайдо бўлади, чунки ҳаёт адолатли. Қачонки сиз эзгу ишлар ва самимий ниятлар қилувчи инсонга айлансангиз, ҳаётнинг ўзи сизга ёрдам бера бошлайди. У муваффақиятта эришишингиз учун қулай вазиятларни яратади.

Ахир сизнинг мақсадингиз кўп пул топиш эмас, хайрли ишлар қилиш бўлади, сизга шунинг учун пул керак. Шундай экан, Яратгандан бир миллион доллар сўрасангиз, уни нимага, қандай эзгу мақсадларга сарфлашингизни айтинг.

Пуллар шунчаки эмас, муайян муаммоларни ҳал қилиш учун зарур. Агар сиз нимага пул кераклигини аниқлаб, кейин сўрасангиз, ҳаётнинг ўзи сизга ёрдам бера бошлайди, сизга имкониятлар яратади.

Мақсадингиз ҳалқ ва жамият манбаатларига хизмат қилиш бўлса, у Яратганинг мақсадига айланади. Шунда сизда на пул, на танишлар ва на зарур билим бўлмаса ҳам, Аллоҳнинг ўзи мақсадларингизни амалга оширишингизга ёрдам беради. Шунинг учун, ўз олдингизга Яратганинг мақсадига айланиши мумкин бўлган мақсадларни кўйинг. Шунда У сизнинг қўлларингиз билан яхшилик қиласди ва ерда жаннатнинг бир қисмини яратади. Жаннат – инсонлар яхши яшайдиган, адолат ва инсонийлик моддий манбаатлардан устун турадиган маскандир.

ТАЙМ-МЕНЕЖМЕНТ ВОСИТАЛАР

*Агар бўш вақтингиз бўлишини истасангиз,
вақтингизни беҳуда сарфламанг.*

Бенжамин Франклин

Биз юқорида энг муҳим манба – вақт эканлигини айтиб ўтдик. Шу сабабли аллақачон тайм-менежмент яратилган. Кўпчилик режалаштирилган барча ишларни бажаришга улгурмаётганлигини айтади, чунки вақт етарли эмас. Ҳамма нарсага улгуришга ёрдам берадиган асосий омил – бу самарадорлик. Вақт бирлигида (*масалан, бир кунда*) имкон қадар кўпроқ ишга улгуриш учун ҳаракатлар самарадорлигини ошириш керак. Бу ҳам муҳим сидир.

Вақтни бошқариш учун кун давомида бажарилиши керак бўлган ишлар рўйхатини тузиш керак. Бу вақт бошқарувининг асосий воситаларидан биридир.

Режа самарадорликни оширадиган ҳаракатларни тартибга солишга ёрдам беради, аммо баъзан рўйхат шунчалик узун бўладики, ҳамма нарсани бажаришнинг жисмонан имкони бўлмайди.

Самарадорлик кўрсаткичи

1 ҳаракат – 1 000 000 натижа

1 ҳаракат – 100 000 натижа

1 ҳаракат – 10 000 натижа

1 ҳаркат – 1000 натижа

1 ҳаракат – 100 натижа

1 ҳаракат – 10 натижа

1 ҳаракат – 1 натижа

10 ҳаракат – 1 натижа

Вақт ўтиши билан бошқа воситалар ҳам пайдо бўлди – кундаликлар ва йилномалар. Улар ҳар бир иш учун вақт чегарасини белгилашга ёрдам беради, ҳаракатларда аниқлик ва изчилликни яратди. Бу вақт бошқарувининг иккинчи воситаси.

Самарадорлик масаласига қайтамиз. Мен биргина ҳаракат билан кўп натижаларга эришадиган одамларни биламан ва кўп ҳаракатлар билан битта натижага эришадиганларни ҳам танийман.

Учинчи восита – режалаштириш, яъни устуворлик ва назорат. Бу ерда сиз қайси иш шуғулланишга арзийди ва қайсиларини кейинга қолдириш ёки бутунлай рад этиш кераклигини аниқлайсиз.

Мен Стивен Ковидан дарс олганман, у дунёдаги энг муваффақиятли элликта инсондан бири ва Кўшма Штатлардаги йигирмата энг муваффақиятли одамлар рўйхатига киради. Мен ҳаммага унинг “Юқори самарали одамларнинг 7 одати” китобини ўқишини тавсия қиласман. Сиз

уни камида уч марта ўқишингиз керак, чунки бу китоб мураккаб, биринчи марта ўқиганда ундаги мухим фикрларни эътиборсиз қолдириш эҳтимоли мавжуд.

Кови сўнгти 250 йил ичida чоп этилган муваффақият хақидаги барча китобларни ўқиб чиқсан ягона одам. Мутолаа унинг қирқ йилдан кўпроқ вақтини олди. Агар сиз қисқа вақт ичida кўпроқ ишни бажаришга улгuriшни хоҳласангиз, ушбу китобни, албатта, ўқинг.

Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, “Юқори самарали одамларнинг 7 одати” китобини ўқишини бошлаганингизда, зерикасиз, чунки барча механизмларнинг тавсифини чукур ўрганиш қийин жараён. Агар дикқатингизни жамлаб, уни уч марта қайта ўқиб чиқсангиз, миянгиз ахборот оқимиға мослашади ва сиз унда ёзилганларнинг ҳаммасига тушунасиз.

Мен у билан бир неча бор маслаҳатлашдим ва битта механизмни ўргандим. У қуйидагича тузилган:

Шунчаки зарур иш билан эмас, балки ҳақиқатан ҳам керакли иш билан шуғулланиш лозим.


У аввалги учта механизмнинг энг яхшисини олди ва ноёб нарса ҳосил бўлди.

Биз инсонмиз, робот эмас, бизда ҳис-туйғулар бор, нарсаларни идрок эта оламиз, умид қиласиз, ишонамиз ва баъзида кимдандир ҳафсаламиз пир бўлади. Шунинг учун ҳам баъзан кайфиятимиз йўқлиги сабабли бажарishimiz керак бўлган ишни қилмаймиз. Гоҳида шунчаки чарчаб қоламиз ва мухим нарсаларни “кейинроққа” қолдирамиз.

Агар сиз ўз мақсадларингизга эришмоқчи бўлсангиз ва ҳаётнинг идеал тасвирини яратмоқчи бўлсангиз,

миянгизни бўшатиб, онг тубида яширинган “музлатилган” кувватдан фойдаланинг.

Бу кувватни ернинг тубида яширинган табиий бойлик билан солишириш мумкин. Шунинг учун мен гапирадиган барча қадамлар натижага эришиш учун зарурдир. Улар шахсий салоҳиятни ривожлантиришга ёрдам беради.



УЧТА АСОСИЙ НОТҮФРИ ТУШУНЧА

**Мен “вақтли” нималигини билмайман,
лекин “кеч” нима эканлигини биламан.**

Конфуций

Учта асосий нотүғри тушунча мавжудки, инсонлар улар сабабли мухым ишларни “кейинроқ”қа қолдиради:

1. Одамлар келажакда бўш вақтлари кўпроқ бўлишига ишонишади. Бир кун келиб мен бу ишларни баҳараман, дейишади. Қачон? Бўш вақтим бўлганида.

Мен кўплаб китобларни сотиб олганман, лекин мутолаани ортга сурганим сабабли уларни ўқишига улгурулмаганман. Тренингларда қатнашиб, эшитганларимни ён дафтаримга батафсил қайд қилгандим, лекин кейин бу ёзувлар жавонларда чанг босиб ётди ва мен уларни ўқимадим. Бу ишларни қилиш учун кейироқ вақтим бўлади, деб ўйлаганман.

Вақти келиб онамга, оиласамга вақт ажратса оламан, соғлиғимга эътибор беришга вақт топилади, деб ўйлардим. Йиллар ўтди, керакли ишларни тинмай ортга сурардим. Ҳаммамиз вақти келиб кейинга қолдирилган барча ишларни қилишига улгуриш мумкин, деб ўйлаймиз.

**Аслида эса вақт келмайди, у фақат қайтмас
бўлиб кетади.**

2. Одамлар вақтни тежаб кейинроқ ундан фойдаланиш мумкин, деб ўйлашади. Мен бу ишни кейинроқ бажараман, мана бунисини ҳам, унисини ҳам кейинроқ қиласман. Бироз вақт топиб, кейинроқ ҳам масини бажаришга ҳаракат қиласман.

Худди кейинроқ бошқа қиласиган ишлари бўлмайдигандек. Бу ўз-ўзини алдашдир, шу сабабли ҳам инсонлар ўз мақсадларига эришолмайдилар, орзулари атрофида айланиб юраверишади.

3. Одамлар вақтни назорат қилиш мумкин деб ўйлашади.

Аслида ҳеч ким вақтни автомобилни бошқарган каби бошқара олмайди. Бир суткада 24 соат бор ва бу ракамни кўпайтириб бўлмайди. Вақт ўз маромида ҳаракатланади, уни тезлаштириб ҳам, секинлаштириб ҳам бўлмайди.

Шунинг учун хато ўйлаётганлардан кўра ақллироқ бўлинг.

**Вақтни бошқаришнинг имкони йўқлигини
тушунинг, сиз ўзингизни бошқаришингиз керак.**

Ўзингизни алдашни бас қилинг, бу сароб эканлигини тан олинг ва ўзингизни бошқаришни бошланг, тартибли бўлинг, кераксиз нарсалардан воз кечинг, шунда муҳим ишларга кўпроқ вақтингиз бўлади. Шунда мақсадларингизга эришасиз.

ВАҚТ НАРХИ

*Вақтдан унумли фойдаланиш
вақтни янада қимматли қилади.*

Жан-Жак Руссо

Бажарыш керак бўлган биринчи вазифа – вақт қийматини ошириш. Агар одам уни кўпайтиrsa, у автоматик равишда бойиб кетади. Дастреб бу қиймат ҳамма учун ҳар хил: ким учундир бир соат 10 доллар, ким учундир 200 доллар, ким учун эса 1000 доллар туради. Масалан, Билл Гейтс бир суткада беш миллион доллар ишлаб топади.

Вақтингизнинг қийматини ошириш учун сиз самародорликни ошириб, вазифаларни эртага қолдирмасдан, бир кун ичидан олдингидан кўра кўпроқ ишларни бажаришингиз керак.

Тайм-менежмент – бу унга ажратилган вақт оралиғидаги фаолият тури эмас. Стивен Кови менга “вақтни бошқариш матрицаси”дан қандай фойдаланишни ўргатган ва ушбу маҳорат юқори натижаларга эришишимга ёрдам берди.

Аввал ўзингиз учун муҳим нарсаларни аниқлаб, уларни аҳамиятсизларидан ажратиб олишингиз зарур, кейин уларни иккита устунга бўлиб, ёзиб чиқинг – “муҳим” ва

**Аслида эса вақт келмайди, у фақат қайтмас
бўлиб кетади.**

2. Одамлар вақтни тежаб кейинроқ ундан фойдаланиш мумкин, деб ўйлашади. Мен бу ишни кейинроқ бажараман, мана бунисини ҳам, унисини ҳам кейинроқ қиласман. Бироз вақт топиб, кейинроқ ҳаммасини бажаришга ҳаракат қиласман.

Худди кейинроқ бошқа қиласидиган ишлари бўлмайдигандек. Бу ўз-ўзини алдашдир, шу сабабли ҳам инсонлар ўз мақсадларига эришолмайдилар, орзулари атрофида айланиб юраверишади.

3. Одамлар вақтни назорат қилиш мумкин деб ўйлашади.

Аслида ҳеч ким вақтни автомобилни бошқарган каби бошқара олмайди. Бир суткада 24 соат бор ва бу рақамни кўпайтириб бўлмайди. Вақт ўз маромида ҳаракатланади, уни тезлаштириб ҳам, секинлаштириб ҳам бўлмайди.

Шунинг учун хато ўйлаётганлардан кўра ақллироқ бўлинг.

**Вақтни бошқаришнинг имкони йўқлигини
тушунинг, сиз ўзингизни бошқаришингиз керак.**

Ўзингизни алдашни бас қилинг, бу сароб эканлигини тан олинг ва ўзингизни бошқаришни бошланг, тартибли бўлинг, кераксиз нарсалардан воз кечинг, шунда муҳим ишларга кўпроқ вақтингиз бўлади. Шунда мақсадларингизга эришасиз.

ВАҚТ НАРХИ

*Вақтдан унумли фойдаланиш
вақтни янада қимматли қиласы.*

Жан-Жак Руссо

Бажарыш керак бўлган биринчи вазифа – вақт қийматини ошириш. Агар одам уни кўпайтиrsa, у автоматик равишда бойиб кетади. Дастрраб бу қиймат ҳамма учун ҳар хил: ким учундир бир соат 10 доллар, ким учундир 200 доллар, ким учун эса 1000 доллар туради. Масалан, Билл Гейтс бир суткада беш миллион доллар ишлаб топади.

Вақтингизнинг қийматини ошириш учун сиз самародорликни ошириб, вазифаларни эртага қолдирмасдан, бир кун ичидан олдингидан кўра кўпроқ ишларни бажаришингиз керак.

Тайм-менежмент – бу унга ажратилган вақт оралиғидаги фаолият тури эмас. Стивен Кови менга “вақтни бошқариш матрицаси”дан қандай фойдаланишини ўргатган ва ушбу маҳорат юқори натижаларга эришишимга ёрдам берди.

Аввал ўзингиз учун муҳим нарсаларни аниқлаб, уларни аҳамиятсизларидан ажратиб олишингиз зарур, кейин уларни иккита устунга бўлиб, ёзиб чиқинг – “муҳим” ва

“муҳим эмас”. Муҳим – бу аҳамиятли ва жиддий натижаларга олиб келадиган ишлар, яъни муҳим, масъулиятли, аҳамиятли вазифалар.

Оқибат ҳар қандай ҳолатда ҳам бўлади – агар бирор ишни бажарсангиз, оқибати ижобий, бажармасангиз салбий бўлади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам улар жиддий бўлади.

Энди шошилинч ишларни аниқлаймиз. Шошилинч ишлар сизни тезкор чоралар кўришга мажбур қиласди. Барча ишларни муҳим ва муҳим бўлмаган, шошилинч ва шошилинч бўлмаган ҳолатларга ажратиш ҳамда жадвални тўлдириш керак.

	Муҳим	Муҳим бўлмаган
Ш о ш и л и н ч	1 Бўлим “Заруруй”	2 Бўлим “Самара ва мувозанат”
Ш б о ў ш л и м л а и г н а ч н	3 Бўлим “Кўнгилсизлик”	4 Бўлим “Ортиқча”

Ушбу матрицани тушуниш ва ундан фойдаланиш керак. “Зарурий” деб аталадиган биринчи бўлимда сиз “муҳим” ва айни пайтда “шошилинч” ишларни ёзишингиз керак. Масалан, самолётга кечикяпсиз, ҳисботни ўз вақтида топширишингиз керак, товарларни олиб кириш

ёки мавсумий маҳсулотлар сотиб олишингиз, ота-онан-гизни шифокорга олиб боришингиз керак ва ҳоказо.

Булар ҳам муҳим, ҳам шошилинч масалалар ҳисобланади. Уларни ҳозироқ, кечиктирмасдан ҳал қилиш керак. Уларни ортга суриб, узоқ ўйлаб юролмайсиз, акс ҳолда жуда кеч бўлади.

Кейинги бўлимда “кўнгилсизлик” деб аталадиган шошилинч, аммо муҳим бўлмаган ишлар қайд этилади. Мисол учун, сизни йиғилишга таклиф қилишди, унда қатнашишга мажбурсиз. Йиғилишда ҳеч қандай маънога эга бўлмаган масалалар узоқ ва зерикарли муҳокама қилинади. Кетиш нокулай ва сиз вақтингизни беҳуда сарфлаётганингиздан афсусланган ҳолда ўтирасиз.

Ёки сиз тўйга келдингиз: бироз ўтириб қайтиши режа қилгандингиз, лекин маълум сабабларга кўра жимгина даврани тарк этишни иложи бўлмади ва сиз бир неча соат давомида тадбирнинг бошқа меҳмонлари билан кераксиз сұхбатларга вақт сарфладингиз.

“Самара ва мувозанат” деб аталадиган бошқа бўлимда шошилинч бўлмаган, аммо муҳим вазифалар қайд этилади. Бу ишларни зудлик билан, ҳозир бажариш шарт эмас, лекин уларни қачондир амалга ошириш зарур, чунки улар жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, ҳаётингизни режалаштириш, чет тилини ўрганиш, пул жамғаришни бошлаш, стратегияни ишлаб чиқиши, университетда ўқиш, фарзандларингизга маълум кўникмаларни ўргатиш, баъзи керакли хужожатлар тайёрлаш ва ҳоказо.

Тўғри, бу ерда битта муҳим жиҳат мавжуд, агар сиз ушбу масалаларни ўз вақтида ҳал қилмасангиз, улар “шошилинч” тоифага ўтиши мумкин, чунки улар муҳим

бўлиб, бажармай иложингиз йўқ. Қандай бўлмасин, сиз бу масалаларни ҳал қилишингиз керак бўлади. Шунинг учун, сиз уларни доимо ортга суролмайсиз. Яхшиси улар учун қулай вақт топиб, тезроқ амалга оширган яхшироқдир.

“Ортиқча” деб аталадиган охирги бўлимда муҳим бўлмаган ва шошилинч бўлмаган ишлар қайд этилади. Ушбу бўлимга қайд этилган ишларни қилмаган яхшироқ, чунки бу вақтни бехуда сарфлашдир.

Самарали бўлиш учун иккита сўзни айтишни ўрганиш керак – “ҳа” ва “йўқ”.

Қайсиdir ҳолатларда “ҳа” деб, қайсиdir пайтда эса – “йўқ” деб айта олишингиз керак. Зарурий ҳолларда “йўқ” жавобини айтишни ўрганмасангиз, вақтингиз ва пулларингизни бехуда сарфлашингиз мумкин.

РИВОЯТ: “ДОНИШМАНД ВАҚТ ҲАҚИДА”

Бир киши ўсмир ўғли билан донишманднинг олдига келибди. “Одамлар сиз ҳақингизда ҳаётнинг барча саволларига жавоб топа олади, деб айтишди”, – дебди эркак донишмандга. “Илтимос, ўғлимга вақт қадрини тушунишга ёрдам беринг”. Бироз жимлиқдан сўнг, донишманд хўрсинибди ва шундай жавоб берибди: “Ҳа, вақт қадрини тушуниш менга ҳам зарар келтирмасди”.

Донишманд бир зум ўйланиб турибди-да, хотиржамлик билан олдига келган одамнинг ўғлига юзланибди.

— Вақт мавҳум тушунчадир. Унинг қийматини тушуниш қийин. Лекин бу мумкин эмас дегани эмас. Вақт қадрини тушунишга 7 киши ёрдам бера олади – талаба, аёл-она, газета муҳаррири, ошиқ, саёҳатчи, ҳайдовчи ва спортчи.

Эркак ва унинг ўғлидаги ҳайратли нигоҳни кўрган донишманд шундай тушунтирибди: “Бир йилнинг қадрини имтиҳондан ўта олмаган талабадан сўранг. Бир ой қадрини эрта туғилган чақалоқнинг онасидан сўранг. Бир ҳафтанинг қадрини ҳафталик газета муҳарриридан сўранг. Бир соатнинг қадрини учрашувда севгилисини кутаётган ошиқдан сўранг. Бир дақиқанинг қадрини поездга кеч қолган одамдан сўранг. Мўъжизавий тарзда баҳтсиз ҳодисадан омон қолган киши сониялар қадрини айтиб беради. Бир миллисониянинг қадрини эса Олимпиадада кумуш медални қўлга киритган спортчидан сўранг...”

Ўз меҳмонлари билан хайрлашар экан донишманд уларга бир варақ қофоз узатибди ва дебди: “Буни уйингиздаги энг кўзга кўрина-диган жойга илиб кўйинг”. Варакда куйидаги сўзлар ёзилганди:

“Умрингизнинг ҳар бир сонияси олтинга тенг. Кечаги кун – тарих. Эртанги кун эса – номаълум келажак. Бугун – совға. Шунинг учун уни “АЙНИ ВАҚТ” деб аташади”.

Пастроқда тўқ рангда: “Куйидагиларга вақт топинг” деб ёзилган ва унинг тагида ушбу жумлалар битилганди:

Ишлаш учун вақт топинг – бу муваффақият калитидир.

Үйлаш учун вақт топинг – бу куч манбаидир.

Үйнаш учун вақт топинг – бу ёшлик сиридир.

Үқиши учун вақт топинг – бу билимлар асосидир.

Дўстлик учун вақт топинг – бу баҳтнинг шартидир.

Орзу қилиш учун вақт топинг – бу юлдузларга элтувчи йўлдир.

Севги учун вақт топинг – бу ҳаётнинг ҳақиқий қувончидир.

Қувонч учун вақт топинг – бу қалб мусиқасидир.

ЮМУШЛАР ВА ХИССИЁТЛАР ТОИФАЛАРИ

*Бойликка фақат орзу қилиш
билин эришиб бўлмайди. Унга аниқ
интилишиларга асосланган ҳаракатлар
режаси асосида эришилади.*

Наполеон Хилл

Биринчи бўлимда қайд этилган (“муҳим” ва “шошилинч”) масалалар билан қандай ҳис-туйғулар боғлиқ? Агар сиз уларни ҳал қиласангиз нима бўлади? Ҳафагарчилик, тушкунлик, жирканиш, бўшлиқ, ғазаб, умидсизлик, қайфу, ўзининг фойдасизлигини англаш.

Муҳим ишларни доимий равишда кечиктирсангиз, улар сизга босим ўтказа бошлайди. Менинг бир аёл ходимам бўларди, мен ўзим сезмаган ҳолда уни доимий равишда ишлар билан “кўмиб” ташлардим, чунки у жуда масъулиятли эди. Бир марта унинг йиглаётганини кўриб, ким нима хафа қилганини сўрадим. У жуда кўп муҳим вазифалар бажарилмай йиғилиб қолганидан шикоят қилди ва улар билан шуғулланишга вақти йўқлигини айтди.

Мен дарҳол ишга муносабатимни ўзгартирдим, фақат энг мұхим вазифаларни бириңчи ўринга қўйиб унинг ишларини енгиллаштирдим. Кейин тушундимки, баъзидан биз ўзимизни ёки энг самарали ходимларни ҳаддан ташқари кўп иш билан қийнаб қўйганимизни сезмаймиз. Бу эса ҳаддан ташқари зўриқиши ва вақт етишмаслиги-га олиб келади, бунинг натижасида ўзингизни ҳеч бир ишни уddyалай олмаётгандек ҳис қиласиз.

Инсон шошилинч ва мұхим ишларни ҳал қилиш учун вақт тополмаса, у чарчайди, кайфияти тушади, унда кўплаб салбий ҳис-туйғулар пайдо бўлади, шу жумладан ўзига нисбатан ишончсизлик ортади.

Аста-секин депрессия бошланади, номукаммаллик комплекси пайдо бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун ишларнинг мұхимлик тартибини аниқлаш ва уларни кетма-кетликда қўйиб чиқиши керак.

Келинг, учинчи бўлимдаги нарсалар билан қандай ҳис-туйғулар боғлиқлигини кўриб чиқамиз (*шошилинч, аммо мұхим эмас*).

Ушбу бўлимдаги ишларни бажармаслик охир-окибат умидсизлик, зўриқиши, чалкашлик, нотўғри фикрни келтириб чиқаради, бошқа бир эҳтимолий натижа – қониқмаслик ҳиссини пайдо қиласиди. Кейинчалик ижобий натижаларнинг йўқлиги ёмон одатлар, қарзлар, ахлоқсиз турмуш тарзи ва ичқиликбозлик, ёлғизликка сабаб бўлиши мумкин.

Тўртингчи бўлимдаги “шошилинч эмас” ва “мұхим эмас” ишлар асосан, салбий ҳис-туйғуларни келтириб чиқаради. Бундай турдаги ишларни мунтазам бажариш билан сиз ўзингизни бахтсиз, тушкун ва фойдасиз ҳис

киласиз, дангасалик, зерикиш, ўзингизга ачиниш ва ёлғизликни бошдан кечирасиз.

Кейинчалик эса натижаларнинг йўқлиги, муваффақиятсизлик, ривожланмаслик, изоляция, қашшоқлик, юзаки муносабатлар ва ичкиликбозликка сабаб бўлиши мумкин.

Кўпчилик инсонлар шу каби бефойда ишлар билан шуғулланишади – улар компьютер ўйинларини ўйнашади, ижтимоий тармоқларда соатлаб вақт ўтказишади, тинмай телевизор кўришади ва ҳоказо. Агар бу одатга айланиб қолса, ҳаёт аста-секин мақсадсиз мавжудликка айланади. У зерикарли, қизикарсиз бўлиб қолади, натижада одамлар ҳар хил бемаъни нарсаларга вақт кетказишади, кўп ухлашади, спиртли ичимликлар ичишни бошлишади ва охир-оқибат ичкиликка ружу қўйишади.

Энг муҳим натижаларга иккинчи бўлимдаги ишларни бажариш орқали эришиш мумкин (“*шошилинч эмас*”, аммо “*муҳим*”). Ушбу бўлимдаги ишларни бажарганингизда, ёқимли иликлик, қоникиш ва кувонч ҳисси пайдо бўлади, юкингиз енгиллашади, ўзингизга бўлган ишончнингиз ортади, зўриқиши ҳолати (*агар у мавжуд бўлса*) аста-секин йўқолади.

Ташаббускорлик, ўз-ўзини англаш истаги каби фазилатлар пайдо бўлади. Сиз вазиятни назорат қилиб уни бошқаришни бошлайсиз. Натижада сиз бошқаларга ёрдам бериш каби муҳим қобилияtlарга эга бўласиз.

РЕЖАЛАШТИРИШ

*Ёдингизда тутинг, режалаширишга
сарфланган ҳар бир дақиқа меҳнатингизнинг
ўн дақиқасини тежайди.*

Брайан Трейси

Агар инсон ўз фаолияти максимал даражада сифатли ва самарали бўлишини истаса, у ўзининг кучли томонларини топиши керак. Бундай ҳолда, ишларни режалашириш қобилияти катта аҳамиятга эга.

Агар инсон ўз вақтидан нотўғри фойдаланса, унда қобилияти ва истеъодидини ривожлантира олмайди. Шу билан бирга кучли томонларингизни топишнинг ўзи етарли эмас, сиз ўзингизнинг асосий ресурсингиз – вақтингизни майда-чуйда нарсаларга сарфламасликни ўрганишингиз зарур.

Шунинг учун, ишларингизни режалаширишни ўрганинг. Бу маҳорат охир-оқибат зўриқишига олиб келадиган салбий ҳис-туйғуларнинг сабабларини бартараф этишига ёрдам беради.

Ишларнинг тартибсиз олиб борилиши сизнинг ҳолатингизга таъсир кўрсатади, зўриқишига сабаб бўлади ва хатти-ҳаракатларда асабийликни келтириб чиқаради, ўзингизга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Бу эса бевосита ишнинг натижасига таъсир қиласи.

Агар сиз олдиндан режа тұзсанғыз, режалаштирган ишларни бошқариш осонроқ бўлади. Шунда шошиб қолмайсиз, ҳаракатлар кетма-кетлиги борасида қарор қабул қилишга қийналмайсиз ва қайси иш билан биринчи навбатда шуғулланиш керак ва қайсинасими кейинроққа қолдириш мүмкинлигини аниқ биласиз.

Аввал биринчи бўлимдаги ишларни (“шошилинч” ва “муҳим”) бажаринг. Тўртингчи босқичдаги (“муҳим эмас” ва “шошилинч эмас”) вазифалардан воз кечинг. Иккинчи босқичдаги ишларни кечиктирманг (“муҳим”, лекин “шошилинч эмас”), акс ҳолда вақт ўтиши билан улар шошилинч ва муҳим ишлар тоифасига ўтади.

Ёдда тутингки, баъзан “шошилинч” ва “муҳим” вазифаларни ҳал қилишга вақтингиз бўлмайди, чунки улар жуда кўп ва оддий сабабга кўра содир бўлади. Сиз “шошилинч эмас” лекин “муҳим” бўлган ишларни эмас ўз вақтида бажармагансиз. Аста-секинлик билан улар шошилинч вазифаларга айланган.

Шу билан бирга, муҳим ишларга қанча кўп вақт сарфласанғыз, шошилинч ишлар шунчалик кам бўлади. Агар муҳим нарсаларга вақтингиз етишмаса, демак, бефойда (яъни “шошилинч”, лекин “муҳим эмас” ва “шошилинч ҳам эмас”, “муҳим ҳам эмас”) ишларга жуда кўп вақт сарфлаяпсиз.

Улардан воз кечинг, шунда муҳим ишларга вақтингиз кўпроқ қолади. Натижада ҳаётингизнинг сифати ошади, чунки бу муҳим ишларни ўз вақтида бажаришга боғлиқ.

Жумладан, Ўрта Осиё ҳалқларида кўплаб меҳмонлар чақириб, мўл-кўл таомлар билан дабдабали тўй ва базмлар ўтказиш анъанаси бор. Маслаҳатим шуки, агар бундай базмларга боришни рад эта олмасанғыз, у ерда тахминан бир соат ўтириб, мезбонларга хурмат кўрсат-

ган ҳолда, инглизчасига – хайрлашмасдан кетинг. Шунда барча одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ва мухимрок ишлар учун вактингизни тежаган бўласиз.

Асосийси – устувор вазифаларга кўпроқ вакт ажратиш.

Пирамидалар бир неча минг йиллар давомида сақлашиб келмокда. Улар фақат энг кенг асосга, яъни мустаҳкам пойдеворга эга бўлганлиги учун ҳозиргача мавжуд. Инсоннинг пойдевори эса унинг қадриятлариdir. Агар улар ҳақиқий, асосли, глобал, маънавий бўлса, унда сиз барча орзуларингизни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз. Ҳақиқий қадриятлар фаолиятингизни мустаҳкамлайди.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Равшан Эрматов

Равшан Эрматов – Ўзбекистон Миллий Қаҳрамони. У билан барча фахрланади, мұхлислари уни ҳурмат қиласи. Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари уни күчада кўрса танийди. Равшанинг спортдаги ютуклари энг нуфузли футбол чемпионатлари ва халқаро спорт рейтингларида юқори баҳоланади, жаҳон чемпионатларида ўтказган рекорд даражадаги ўйинлари сабабли мутахассислар уни жаҳон футболидаги энг умидли ҳакам деб аташади.

2015 йилда дунёнинг энг яхши ҳаками сифатида “Globe Soccer Awards” мукофотига са-

зорор бўлган, шунингдек Осиё миқёсида беш марта, Ўзбекистон бўйича тўқиз марта энг яхши ҳакам сифатида эътироф этилган.

Равшан болалигида тез-тез касал бўларди. Тўрт ёшга тўлганида баҳтсиз ҳодисага учради. У велосипедда учмоқчи бўлганида кутилмаганда, занглаған занжир оёқ терисини йиртиб, тўпигигача кирди. Қаттиқ йиринглаш бошланган, у олти ой касалхонада ётган. Ўшанда шифокорлар ўнг оёғини кесиб ташлаш хавфи борлигини айтишган. Лекин ҳаммаси жойига тушди, Равшан тузалиб кетди.

Боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ота-онаси уни спортга жалб этишга қарор қилишди. Шу тариқа уни “Пахтакор” клубининг футбол бўлимига ёздириб қўйишидди. Равшан бу спорт турига меҳр қўйиб, умрининг охиригача ўзини унга бағишлашга қарор қилди.

У астойдил шуғулланди, яхши натижаларга эришди, вояга етганида эса профессионал футболчи сифатида фаолият бошлади. Лекин ҳар бир тўқнашувда тўпигидаги жароҳат Равшанг панд берарди. Кетма-кет иккинчи жароҳатидан сўнг шифокорлар унга футбол ўйнашни тақиқлашди. Равшан жуда сикилди, лекин шуни тушундики, машҳур афоризмда айтилганидек: “Бир эшик ёпилса, иккинчиси очилади...”

Отаси ўша пайтда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасида бош мураббий бўлиб ишлаган ва

ўғлини бироз чалғитиши мақсадида ўзига ёрдамчи қилиб олади. Аввалига бу касб унинг учун эмасдек туъюлди, йигитнинг кўзлари ёнмади. Аммо бир тасодиф унга истеъдодини намоён этишга ёрдам берди.

Кунлардан бирида шаҳар чемпионлиги учун ўйин ўтказилди, бош ҳакам қаергадир ғойиб бўлган эди, уни топа олишмади. Отаси Равшанга хуштак, форма бериб: “Синааб кўрчи”, деди. Албатта, у ўзининг илк ўйинини баъзи камчиликлар билан, аммо жиддий даъволарсиз якунлади. Майдонни эса рухланган ва баҳтли, бу ишга ўз ҳаётини бағишлишга тайёр ҳолда тарқ этди.

Отаси уни ҳакамлар мактабига юборди, инглиз тили курсларига жалб қилди, ўғлининг муваффақиятларини яқиндан кузатиб, касбining сир-асосларини ўрганишига ёрдам берди. У Равшан хатоларини ўзи таҳлил қилиши учун видеокамера сотиб олиб, барча ўйинларни ёзив борди.

Ўшанда Равшанда ФИФА рефериси бўлиш орзуси уйғонганди. У кўп вақтини орзурага яқинлаштирувчи қадамларга бағишилади: йирик турнирларнинг барча ўйинларини кузатиб борар, ким ва қандай ҳакамлик қилишини таҳлил қилас, шундай ишлай оламанми, деб ўзини ўзи саволга тутарди. Кейинчалик ҳалқаро тажрибаларни ҳам дикқат билан ўргана бошлади. Ҳамкаслари бу хомхаёллигини ва жаҳон ўйинларида ҳакамлик қилишга уринмасликни маслаҳат беришди, лекин у

бунинг уддасидан чиқишига ишонди. Равшан ўз устида ишлаш ва тажриба ортиришда давом этди.

Унинг саъй-ҳаракатлари эътибордан четда қолмади, ФИФАда рўйхатдан ўтганининг биринчи йилидаёқ Финляндияда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ўйинларига жўнатилди. Бунақаси камдан-кам содир бўлади.

Тайёргарлик босқичида барча сараланган ҳакамлар ФИФА талаб ва вазифаларини синчилаб ўрганиб чиқишар, қарийб бир ой давомида халқаро етакчи инструкторлар билан машғулот ўтказишарди. Ушбу тренинглардан сўнг Равшан профессионаллик даражасига эришиш учун яна қанча меҳнат қилиши кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлди.

“Мен аниқ билардимки, агар ўз устимда ишиласам, уйқудан воз кечиш эвазига бўлса ҳам қаттиқ меҳнат қисам ўз мақсадларимга эриша оламан”, деганди Эрматов журналистларга берган интервьюсида.

Кейинги тўрт йил Равшан учун ҳақиқий синов бўлди, у 40 дан ортиқ халқаро ўйинларни, шунингдек соҳага янги келган ҳамкаслари учун бир нечта семинарлар ўтказди. Шундан сўнг у биринчи марта 2010 йилги жаҳон чемпионатига номзодлар рўйхатига киритилди, бу унинг учун унутилмас лаҳза бўлди.

Эрматов ушбу синовдан аъло даражада ўтди ва ушбу нуфузли турнирнинг бешта ўйинида ҳакамлик қилиб, жаҳон чемпионати тарихида

Энг кўп ўйинда ҳакамлик қилган реферилар рўйхатида учинчи ўринни эгаллади. Ушбу чемпионатдан сўнг Равшан Эрматов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан “Ўзбекистон ифтихори” унвони билан тақдирланди. **2011** йилда Эрматов жаҳон нашрлари экспертилари томонидан “Энг яхши ҳакам”, **2015** йилда эса “Дунёнинг энг яхши ҳаками” деб эътироф этилди. Ҳозирда унинг хисобида учта жаҳон чемпионати, энг нуфузли футбол турнирининг финал қисмидаги 11 та ўйин бор. У шу билан чекланишни хоҳламайди.

“Дастлаб мен фақат бўш вақтларимда футбол ўйнардим, кейин бу машғулотим менинг севимли ишимга айланди. Буни иш деб ҳам айттолмайман, чунки мен қилаётган ишимни чин дилдан яхши кўраман”, – деганди Равшан интервьюлардан бирида.

СИЗНИНГ ИНТЕЛЛЕКТИНГИЗ ТАҲЛИЛИ

*Биз ҳаммамиз даҳомиз. Аммо агар
сиз балиқни дарахтга чиқиши қобилиятига
кўра баҳоласангиз, у бутун ҳаёти давомида
ўзини аҳмоқ деб ҳисоблайди.*

Альберт Эйнштейн

Гарвард университетининг машхур профессори Говард Гарднер интеллектнинг бир неча турларини аниқлаган. Инсон қандай интеллектга эга эканлигини билса, у ўзига мос келадиган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. Ўз мутахассислиги бўйича юқори натижаларга эриша олади. Шунинг учун, интеллект турини имкон қадар эрта (*касб танлашдан олдин*) аниқлаш жуда муҳим.

Интеллект турлари:

- 1. Вербал-лингвистик.** Ушбу турдаги интеллектга эга инсонлар чет тилларини тез ўрганишади. Улар эшитганларини яхши эслаб қолишади, шунинг учун янги сўзларни ва уларнинг талаффузини осонгина ўзлаштиришади.

2. Мантикий-математик. Бундай интеллектта эга одамлар яққол сезилиб турадиган абстракт фикрлаш қобилятига эга. Математик фанларни осонлик билан ўзлаштиради, шу сабабли уларга банк ва молиявий фаолият соҳа йўналишлари мос келади.

3. Визуал-фазовий. Эҳтимол, сиз ҳар қандай хонада ички ва ташки дизайндағи камчиликларни дархол сезадиган, шунингдек мебелни қандай тартибга солишини, хонани қандай безашни ва пардалар, девор безакларини танлашда қандай ранглардан фойдаланиш кераклигини тушунтиришни бошлайдиган одамларни танирсиз. Бундай инсонлар архитектура, дизайн ва режиссерлик соҳаларини танлаганлари маъқул.

4. Мусиқий-ритмик. Бу интеллект тури товушлар билан боғлиқ бўлган маъноларни, шу жумладан товуш баландлигини, ритмини идрок этиш учун масъул механизмларни идрок этишда бошқалардан ажралиб туради. Бундай интеллектта эга одамлар мусиқачи, қўшиқчи, бастакор касбларига мос келадилар.

5. Мотор-харакат. Бу интеллект эгалари ҳар қандай мотор-харакат воситаси устидан юқори даражада назорат қила оладилар, шунингдек ташки объектларни манипуляция қилиш қобиляти билан ажралиб туради. Спортчилар, ҳарбийлар, цирк артистлари ва ҳоказолар шундай ақл-заковатга эга. Мактабда ҳар бир синфда жисмоний тарбиядан бошқа деярли барча фанлардан ёмон баҳо оладиган ўқувчилар топилади. Бу улар ақлсиз бўлгани учун эмас, балки уларда мотор-харакат интеллекти етакчилик қилгани сабабли содир бўлади. Бундай инсонлар спортда ажойиб натижаларга эришишлари мумкин. Шунинг учун ўзингизнинг кучли томонларингизни топиб, юқори натижаларга эришиш учун улардан фойдаланишингиз жуда муҳимдир.

Майк Тайсон интервьюларидан бирида болалигига қандай қилиб бокс билан шуғулланишга қарор қылгани ҳақида гапириб берганди: “Мен 10-11 ёшлигимда ўғирлик қылганим учун жазога тортылғанман. Мени колонияга жойлашишишди. У ерда Мұхаммад Али ҳақидағи “Эң буюк” фильмини томоша қылдик, 10 дақықадан сүнг у ёнимизга кириб келди. Ҳамма ақыдан озай деди. Биз ҳаммамиз камбагал, ёмон хүлқли болалар әдик. Ўша куни мен унга ўхшаши хоҳлаётганимни айтдым. Ўша вақтгача унинг жсанг қылганини күрмагандым. Мен ҳам унга ўхшаши, шундай ҳурматтаға сазовор бўлишини хоҳладим. Кейин эса Роберто Дюраннинг 1985 ийлдаги Шугар Рэй Леонардога қарши жсангини томоша қылдим. Жангни томоша қылганимдан сүнг: “Мен ҳам ҳаётимни шу ишга багишламоқчиман”, дедим.

6. Шахслараро интеллект. Унинг эгалари жуда хушмуомала бўлишади, ҳар қандай сухбатдош билан тезда умумий тил топадилар. Шу сабабли ҳам янги жамоага осонгина киришиб кета олишади. Улар мuloқot қилишни яхши кўрадилар, ўзларини намоён этадиган тантаналарни яхши кўришади. Бундай инсонлар мuloқot билан боғлиқ касбларни танлаганлари маъкул. Масалан, элчилар, сиёсатчилар, журналистлар, социологлар ва бошқалар.

7. Шахснинг ички интеллекти. Ўз ҳис-туйғулари, ниятлари ва мотивлари билан ажралиб турадиган бундай интеллектта эга одамлар устоз, ўқитувчи, хунарманд, бизнес-мураббий, педагог бўлишлари мумкин. Улар иро-дали бўлиб, сўзлари катта кучга эга, шунинг учун яхши раҳбар бўла олишади.

8. Натуралистик интеллект. Ушбу интеллект эгалари табиатга яқин бўлиб, улар табиат ҳодисаларини кузатишни, флора ва фаунани ўрганишни, умуман барча табиий нарсаларни яхши кўрадилар. Уйдаги барча

жиҳозлар ёғоч ва бошқа табиий материаллардан бўлишига интиладилар.

Бундай интеллектіга эга одамлар табиий фанлар, масалан, ботаника, биология, география билан шуғулланишлари ёки рассом бўлишлари мумкин. Агар улар бундай ақл-заковатта мос келадиган касбни танласалар, ажойиб натижаларга эришадилар.

Кўп йиллар одамлар билан ишлаш давомида мен бизларга Худо томонидан берилган интеллектни ривожлантириш қанчалик муҳим эканлигини англадим. Ўз номини тарихда қолдиришга муваффақ бўлган одамлар буни тушуниб, умрларини ўз ақл-заковати турига мос келадиган йўналишга бағишлай олганлар. Улар инсонни ўз вазифасидан чалғитадиган ҳамма нарсадан воз кечишган.

Сиз ҳар қандай интеллект турини шу йўналишда кўп меҳнат қилиш ва аксарият вақтингизни шу ишга сарфлаш орқали ривожлантиришингиз мумкин, аммо табиат томонидан берилган қобилиятларни ривожлантириш осонроқ.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Александр Медведь

Александр Медведь – афсонага айланган беларусиялик курашчи. У XX асрнинг энг яхши эркин курашчиси деб тан олингани ҳам бехудага эмас. Буюк спортчи эркин кураш бўйича уч карра Олимпия чемпиони бўлишга эришган биринчи курашчи, етти карра жаҳон чемпиони, тўрт карра Европа чемпиони, тўққиз карра Собиқ иттифоқ чемпиони

бўлган. Шунингдек, у Олимпия кумуш медали ва ЮНЕСКОнинг “Спортдаги олижаноблиги учун” медали билан тақдирланган.

Александр ўрмончи оиласида туғилган ва эрта вояга етган. Урушдан кейинги йилларда омон қолиш учун кўп меҳнат қилиш керак эди: ўримийфим ишлари, тўнкаларни ёрйш, ўтин ташиш. Булар катта куч ва бардошни талаб киларди.

Уруш ветерани бўлган отаси унга шундай дерди: “Аввал икки эманинг тўнкасини қазиб ол, кейин бемалол ўйнашинг мумкин”. 7 ёшида у бу ишни уддаларди. Шундай қилиб, унинг билаги меҳнатда қотди, ишлашга ўрганди ва бу спортчи учун муҳим сифатdir.

Бундай жисмоний тарбия йигитнинг кела-жакдаги тақдирида муҳим роль ўйнади. У жисмонан бақувват йигит бўлиб улгайган ва кўллари шунчалик кучли ва бақувват бўлиб кетган эдики, рақиблар унинг кўлидан кутублиб қолишлари қийин эди.

Болалигида Александр спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланиб кўрган, дастлаб гимнастикага ҳам қатнамоқчи бўлган. Аммо мураббий унинг баланд бўйини кўриб: “Бу ердан кет! Сен учун тутқичларни кўтарамми?” деб айтган. Шундан кейин йигитча баскетбол, волейбол, енгил атлетика билан шуғуллана бошлади. Ҳарбий хизматда гандбол, болға улоқтириш билан шуғулланган. Ёш йигитнинг кураш билан танишиши Беларусь ҳарбий округининг танк кўшинларида хизмат қилаётганда содир бўлган. Бунга

кутилмаган бир воқеа сабаб бўлганди. Бир лейтенант унга яқинлашиб кураш тушишни таклиф қилади. Александр эса унинг Минск вилояти чемпиони эканлигини билмаган ҳолда рози бўлганди.

Медвѣй ҳаммани ҳайратда қолдириб лейтенантнинг курагини ерга теккизди. Шундан кейин у фаол равишда машқ қила бошлади. Юнон-рум кураши бўйича туман биринчилигига 3-ўринни эгаллади, эркин курашда ҳам чемпион бўлди.

Аммо ҳаммаси силлиқ кечмади. Шифокорлар Александрга кураш билан шуғулланишни тақиқлашди, чунки ҳарбий хизмат вақтида у кучли гриппга чалиниб касалхонада даволанганди. У ердан полк шарафини ҳимоя қилиш учун турнирга олиб кетилди. Бошқаси бўлганда турнирда иштирок этиб мағлуб бўлиб қўя қоларди, лекин у бундай қилолмади, охиригача курашди ва юрагини зўриқтириб қўйди. Шундан сўнг шифокорлар мусобакада иштирок этишга рухсат беришмади, аммо у машғулотларни давом эттири ва тиббий рухсатнома олишга муваффақ бўлди. Тўғри, кейинчалик юрак касаллиги Мехико шахрида бўлиб ўтган (1968 йил) Олимпиадада ўзини “эслатди”. Медвѣй учун 3 дақиқа беллашувнинг ўзи етарли бўлди, кейин эса кўзларига барча нарса иккита бўлиб қўрина бошлади. Шу боис у вақтдан ютиб, ғалаба қозонишга ҳаракат қилди. У кейинроқ ҳақиқатдан ҳам ғалаба қозонди.

Ҳарбий хизматдан сўнг Александр Медведь Беларусда қолди. Назарий билимларининг камлигини англаб, Беларусь давлат жисмоний тарбия институти қошидаги Олий мурраббийлар мактабига ўқишига кирди ва уни муваффакиятли тамомлади. Сўнг ўқишини институтда давом эттирди. Билим өлиш билан бир вақтда мусобақаларда қатнашишни ҳам давом эттирди.

1961 йилда Александр Медведь оғир вазн тоифасида собиқ Иттифоқ чемпионатида ўзининг биринчи олтин медалини қўлга киритди. Бу ғалаба унга 1964 йилда Токиода бўлиб ўтган Олимпия ўйинларига йўл очди. Токиода у барча таникли рақибларини мағлуб этиб, биринчи марта Олимпия шоҳсупасига кўтарилди. Айнан ўша ерда ушбу спортчинг ақл бовар қилмас куч-кудратининг гувоҳи бўлган мутахассислар уни текшириб кўришга қарор қилишди. “Мен Япониядаги барча куч ҳисоблагичларни синдириб ташладим. Менинг муштим машқларда тобланган эди – асбоблар кўрсаткичлари ишдан чикди. Шундай қилиб, улар ўша пайтда менинг жисмоний қучимни ўргана олмадилар”, – деб эслайди кейинроқ Александр.

Барча мусобақаларда темир ирова ва қатъият кўрсатишга тўғри келарди. Ҳиндистондаги мусобақаларда бир оёғида жанг қилишга мажбур бўлди, чунки пайлари шикастланган эди. Мехикодаги Олимпиаданинг (1968 йил) финал жангидаги немис жангчиси Дитрих Медведдининг қўлидаги бош бармоғини синдира-

ди. Жанг спортчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун тўхтатилди, бироқ Александр бармоғини биргина ҳаракат билан ўз жойига тушириб ҳайратда қолган омма олдида ҳакамга жангни давом эттиришга ишора қилди. Дитрих кўрган манзарасидан шунчалик даҳшатта тушган эдики, у бирдан оксоқланиб, жангни давом эттиришдан бош тортди. Медведь тўпланган очколар сони бўйича ғалаба қозониб, иккинчи марта Олимпия чемпиони бўлди.

Мюнхендаги Олимпиадада (1972 йил), вазни салкам 200 кг. бўлган америкалик Тейлор билан ярим финал жангига у травматик радикулитни орттириб олди. Эрганги финал ўйинига қатнаша олиши учун Александрга тун бўйи оғриқ қолдирувчи муолажалар килинди, у ғалаба қозонди ва учинчи Олимпия олтинини кўлга киритди.

Бу спортчининг сўнгти Олимпиадаси эди, у мағлубиятсиз кетди. Кетаётиб кураш гиламини ўпди, Томошибинлар Александрни гулдирос қарсаклар билан кузатиши.

Спортдан кетгач, у БССР ва СССР терма жамоалари мураббийи сифатида сидқидилдан ва самарали ишлади. Унинг раҳбарлигига ва бевосита иштирокида беларуслик эркин курашчилар жамоаси спортда юқори натижаларга эришди. Унинг шогирдлари орасидан СССР чемпиони, катталар ўртасидаги жаҳон кубоги ғолиблари, Европа чемпионлари, жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. 2005 йилда А.В.Медведь спорт тарихидаги энг

яхши эркин курашчи сифатида тан олинди ва спорт кураши шон-шараф залига киритилди.

“Бугун мен ёшларга қараб, биз уларни эркалатиб юбордик, деб ўйлайман, улар бир вақтнинг ўзида деярли куч сарфламай, ҳамма нарсага эришишини хоҳлашади. Уларнинг аксариятида интилишини кўрмайман. Мен доимо шогирдларимга: “Йигитлар, бизнинг авлоддан фарқли равишда сизлар учун шунча шароитлар яратилган. Бу сизнинг имкониятингиз”, дейман – дейди Медведь ўзининг юқори натижаларга эришиш учун қилган меҳнатларини эслаб.

Хурматли ўкувчи, агар сиз китобни шу жойигача ўқиган бўлсангиз, бу сизнинг кучли томонларингизни топишга қарор қилганингизни англатади. Мен инқирозга учраб, катта қарзга ботганимда беш йилдан ортиқ ҳафтасига деярли етти кун қаттиқ ишлашга мажбур бўлганман. Лойихалар устида ишладим, маҳсулотларни яратдим, бизнес юритишга ҳаракат қилдим, лекин жуда кўп муаммолар бор эди. Бу ҳолат ҳақида “Қарзлар кўз ўнгимизда эриб боради” номли китобимда батафсил ёзганман: <https://www.worldsamo.com/knigi/>, ушбу китобни топиб, ўқиб чиқинг.

Аянчлиси шу эдики, мен қанча кўп меҳнат қилмай, қанча уринмай, ахволим ўзгармасди. Ўз устимда ишлашни бошлаганимдагина мен реалликни ўзгартира олдим.

**Хулоса: бизнесингиздан кўра ўз устингизда
кўпроқ ишланг. Ўзингизни ўзгартиринг,
шунда ҳаёт ўзгаради. Яхшироқ бўлинг ва
ҳаракатларингиз натижалари ҳам яхшиланади.**

ХАЛАЛ БЕРУВЧИ ОМИЛЛАР

*Инсонлар учун яхшилик қилиш –
бу ўз қалбининг қобилиятларини юксак
қадр-қиммат ёки эзгу фазилатларга
мувофиқ фаол ишлатишдир.*

Аристотель

Халал берувчи омиллар танани йўқ қиласиган сараторон хужайралари каби ҳаётни издан чиқаради. Улар истеъододни рўёбга чиқаришга имкон бермайди. Бу сиз килган гуноҳлардир.

**Инсоннинг гуноҳлари қанчалик кўп бўлса,
унинг ўз соҳасида юқори натижаларга
эришиши ва мақсадларига етишиш
имконияти шунчалик паст бўлади.**

Қаранг, ўғирлик қиласиганлар, пора оладиганлар, кайфу сафога берилганлар, муҳтожларнинг ёнидан бефарқ ўтиб кетадиганлар, уларнинг онги маълум чегаралар билан чекланған, пул топиш ва ўзини бошқача тутишни билмайди, ривожланмайди, ютуқлари йўқ, уларнинг бу ҳаётда ўрни йўқ.

Халал берувчи омиллар кўп, чунки биз кўплаб ёмон ишлар қиласиз. Ҳар қандай ноконуний хатти-ҳаракатлар, адолатсизликлар бизнинг қобилиятимизни “музлатади”, ижодий фикрлашни тўхтатади, бу эса тобора кўпроқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бу билан курашиш жуда қийин.

Шунинг учун, биринчи навбатда, мен сизга ҳаётингизда қилган барча ёмон нарсаларни қофозга ёзишни вазифа қилиб топшираман. Сиз жойни, вақтни (*аниқ санани*) кўрсатишингиз керак, ҳаракатингизни тасвирлаб беришингиз ва ушбу хатти-ҳаракатларингиз билан кимга муаммо туғдирганингизни ёзишингиз зарур. Масалан, сиз хотинингизга хиёнат қилгансиз, ҳамкорингизни алдагансиз, ўз ходимингизга ноҳақлик қилгансиз, бироннинг меҳнатини атайлаб паст баҳолагансиз. Эрта тонгдан кечгача ўзингизга ачинмасдан меҳнат қилишингиз ҳам ўзингизга нисбатан ҳақорат ҳисобланади, бу ҳам гуноҳ.

Агар сиз спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилсангиз ва бу соғлиғингизга зарар етказса, бу ҳам ёмон амаллар тоифасига киради. Шунда Яратган соғлиғингизни сиздан олиб қўяди, чунки сиз уни авайламадингиз. Соғлиғингизни йўқотганингизда, тавба қилишингиз учун жуда кеч бўлади. Зоро бу бир кечада эмас, аста-секин содир бўлган.

Ўйламай қилинган ҳаракатларнинг оқибатлари маълум вақтдан кейин ўзини намоён қиласди. Эҳтимол, сиз ўзингиз қилган номақбул хатти-ҳаракатларни унугарсиз, лекин кутилмаган вақтда улар сизга ўзларини эслатишади. Агар сиз ўз устингизда ишлаб, аста-секин заиф томонларингиздан халос бўлсангиз ҳам, қачондир ўтмишда қилган хатоларингизнинг оқибатларини ҳис қиласиз.

Шунинг учун, нотўғри деб ҳисоблаган ҳамма ҳаралатингизни ёзинг. Ҳатто ҳеч кимга айтмаган сирларингизни ҳам қоғозга туширинг. Агар ёзганларингизни кимдир кўриши ва ўқишидан кўрқсангиз, ташвишланманг, чунки бу варақ кейин ёки йўқ қилиб юборилади. Асосийси, шу йўл билан сиз ўз фикрларингизни тозалаб, ўтмишда қилган хатоларингиз учун айбдорлик ҳиссидан халос бўласиз. Онг тозалангандা, сиз ором топасиз ва ўзингизда ижодий фикрлаш қандай тезлик билан ривожланаётганини ҳис қиласиз.

Агар қаттиқ меҳнат қилсангиз, лекин ишларингиз кўнгилдагидек бўлмаса, керакли натижаларга эришмасангиз, кутилмаган муаммолар пайдо бўлса, сиз тўхташингиз, ўйлаб олишингиз ва халал берувчи омилларни қоғозга ёзиб чиқишингиз зарур.

Агар гуноҳларингиз бўлса, унда салбий ҳис-туйғулардан тозаланасиз. Агар бу сизнинг хатоларингиз ёки кутилмаган ҳолатларингизнинг таъсири бўлса, вазиятни баҳолаб, уни тузатишингиз мумкин бўлади. Шундан сўнг, ҳамма нарса, албатта, амалга ошади ва бизнесингиз юкорига кўтарилади. Фақат ўтмишдаги хатоларни тақорроламанг ва нотўғри ҳаракатлардан тийилинг.

Айни дамда содир бўлаётган ҳамма нарса ўтмишдаги ҳаракатлар натижасидир.

Шунинг учун вақти-вақти билан ўтган йиллардаги ютуқ ва муваффакиятсизликларни таҳлил қилиш, ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳақиқий сабабларни аниклаш фойдалидир. Баъзи ҳаракатларингиз жавобсиз қолиши мумкин деб ўйламанг, бундай бўлмайди. Ҳаёт мактаби – бу ажойиб мактаб, унда ҳеч ким бир дарсни ҳам ўtkазиб юборолмаган.

Шу сабабли сиз уяладиган барча ёмон ишларингиз ҳақида ёзинг. Қачон бўлганининг аҳамияти йўқ, ҳатто кўп йиллар олдин, ёшлик чоғингизда бўлган бўлса ҳам, барibir ёзинг. Бирмунча вакт ўтгач, ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар бошланади. Бунга 3-6 ҳафта керак бўлади. Ушбу даврда сиз муқаррар равишда ўзгаришларни сезасиз. Бу қанчалик тез содир бўлиши руҳий интеллектингизнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ақл-идрокнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, натижа ҳам шунчалик тез бўлади. Бу ҳатто бир неча кундан кейин ҳам содир бўлиши мумкин. Сизни илгари ҳамкорлик қилишдан бош тортган одамлар чакиришади, улар тўсатдан ўз фикрларини ўзгартирудилар ва шериклик қилишга қарор қилишди. Бир кун олдин сизнинг маҳсулотингизни сотиб олишдан бош тортганлар энди уларни сиздан сотиб олишга тайёрликларини билдиришади. Атрофингиздаги дунё сизга бўлган муносабатини буткул ўзгартирганига ҳайрон қоласиз.

Борлиқнинг ўзига хос тили бор, у одамлар билан мулоқот қиласи. Борлиқ уйғунликка интилади. Аввал ҳамма нарса онга фикрлар шаклида намоён бўлади. Борлиқ сизнинг миянгизда содир бўлаётган ҳамма нарсани акс эттиради. Эҳтимол, сиз ниманидир ўзингизга рано кўрмаяётгандирсиз ва Борлиқ бу ҳаракатингизни фаолиятингиз маҳсули (натижаси) шаклида амалга ошираётгандир. Сабаб ва оқибат ҳаётимизда содир бўладиган ҳамма нарсада кузатилади.

Қанчалик камроқ гуноҳ қилсангиз, яшаш шунчалик осон бўлади. Қанчалик кўп тавба қилиб, кечирим сўрасангиз, шунчалик омад кулиб боқади. Ва сиз шунчалик жозибали бўлиб борасиз. Шунда ҳаётнинг ўзи сизнинг тояларингиз ва ютуқларингиз асрлар давомида сақланиб қолишига ёрдам беради.

Чунки ўшанда сиздан ёруғлик ва меҳр таралади, ҳаёт эса асрлар давомида ҳамма ёрқин нарсаларни яхши эслаб қолади. Ўзингизда олиб юрган барча салбий нарсалар, бу дунёга келтирган ёмонлик ва заарлар сизнинг имкониятларингизни чеклайди, ҳатто соғлиғингизга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Жамиятга бундай инсоннинг кераги йўқ ва уни ўзидан узоклаштира бошлади. Атрофдаги дунё инсоннинг салбий ёки ижобий салоҳиятга эга эканлигини ҳис қиласи ва шунга мос равишда муносабатда бўлади.

Одамлар ҳам буни ҳис қилишади, шунинг учун баъзида улар салбий ҳиссий фонга эга бўлган сотувчилардан маҳсулот сотиб олмайдилар, ҳатто уларнинг товарлари бошқаларга қараганда яхшироқ ва сифатли бўлса ҳам. Улар эса ҳайрон бўлишади, нима учун бундай бўлаётганини тушуна олмишмайди.

Оддий одам нуктаи назаридан, буни тушунтириш ақл бовар қилмайдигандек кўринади. Аммо Борликнинг ҳақиқатига ишонасизми ёки йўқми, бу муҳим эмас, ҳаётда ҳамма нарса шу қоидалар асосида содир бўлади ва бу сиз қабул қилишингиз керак бўлган ҳақиқатdir.

ЯХШИ ИШЛАР ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир куни шогирдлар оқсоқолнинг олдига келиб, ундан сўрашибди:

- Нега ёмон одатлар одамни осонгина эгаллаб олади, яхшилари эса қийинчилик билан келади ва мустаҳкам бўлмайди?
- Яхши уруғ қуёшда қолса, заарли уруғ эса ерга кўмилган бўлса нима бўлади? – деб чол уларнинг саволига савол билан жавоб берибди.

– Тупроқсиз қолган яхши уруғ нобуд бўлади. Лекин ёмон уруғ униб чиқади, ундан пайдо бўлган касал ниҳол эса ёмон мева беради, – дейишибди шогирдлар.

– Одамлар ҳам худди шундай қилишади: яхши ишларни қалбларида яширинча қилиш ўрнига, уларни кўз-кўз этишади ва шу билан уларни йўқ қилишади. Камчилик ва гуноҳларни бошқалар кўрмаслиги учун ўз қалбларига чуқур яширадилар. У ерда улар униб-ўсади ва қалб эгасини нобуд қилишади...

ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАР РҮЙХАТИ

*Хеч қачон янги кунни қоғозда
режалаشتирмасдан бошламанг.*

Жим Рон

Мияни вақти-вақти билан нарсалар олиб келинадиган ва у ерда қолдириб кетиладиган хона деб тасаввур қилиш мумкин. Кун келиб, бу хона шу қадар түлиб кетадики, бўш жой қолмайди. Шунда сиз у ерга янги нарсаларни олиб кира олмайсиз, демак тўхтаб, саралашни бошлишингиз, кўп вақт ва куч сарфлаган ҳолда ҳар бир нарсанинг тақдирини белгилашингиз зарур бўлади.

Ёки бошқа мисол, сиз компьютерни катта ҳажмдаги маълумотлар билан тўлдирасиз, у юкламага дош бера олмайди ва қотиб қола бошлайди. Мияни кўплаб тугалланмаган ишлар билан тўлдириб ташлаганингизда ҳам худди шундай ҳолат содир бўлади – у ҳам қотиб қолади.

Бундай вазиятда ҳаёт сизга босим ўтказа бошлайди, сиз тугалланмаган ишлар ҳақида ўйлайсиз ва руҳий қувватингизни беҳуда сарфлайсиз. Бу ҳолат бошқа нарсалар ҳақида ўйлай олмасликка олиб келади. Ишда, уйда, зиёфатда миянгиз ана шу муаммолар ҳақидаги ўйлаш билан банд бўлади.

Тугалланмаган ишлар катта микдордаги ақлий қувватни олиб қўяди ва сизни ортга тортади. Кўпчилик ойлаб, баъзан йиллаб шу ҳолатдан чиқа олмай қийналиб яшайди. Натижада биз чарчаймиз, бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш учун қучимиз етмайди, долзарб ишларга эътибор қаратолмаймиз.

Шунинг учун


30 та бўлимдан иборат тугалланмаган ишлар рўйхатини тузишингиз ва ҳар куни улардан бирини бажаришга ҳаракат қилишингиз керак.

Асосийси, ҳар куни улар билан шуғулланиш зарур. Энди ишлар тўпланиб қолмаслиги учун ҳеч бир ишни кейинга қолдирмасликка ўрганинг. Улар қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, барчаси эътиборга лойиқdir. Шундай қилиб, сиз икки-уч ой ичидан барча тугалланмаган ишларни бажаришингиз мумкин.

Бу худди хонадонимиздаги эшик тутқичи синганини кўриб, уни алмаштириш кераклигини ўйлашимиз, аммо бу ишни эртага, кейин эса яна бошқа кунга қолдиришилизга ўхшайди. Бироз вақт ўтгач, биз бу ҳолатга кўникамиз ва ушбу камчиликни сезмай қоламиз. Мехмонлар келганда эса уларнинг кўзи биринчи бўлиб ана шу синган эшик тутқичига тушади. Шу сабабли вақти-вақти билан атрофимиздаги дунёга янги нигоҳ билан қараш фойдалидир. Бу сизнинг ривожланиб бораётганингиз ва янги билимларга эга бўлишингиз билан боғлик. Баъзида ушбу ҳолат одатий тартибни бузадиган ҳамма нарсани дарҳол сезадиган янги инсоннинг пайдо бўлиши билан осонлашади.

Ташкилотларимда раҳбарнинг мавжуд муаммоларни сезмаётганини кўрсам, мен уни янги раҳбарга алмашти-

раман. Янги келган одам эса ўзидан олдинги раҳбарнинг ишидаги барча камчиликларни дарҳол кўриб уларни тузатишга киришади. Шунинг учун кўплаб давлатларда президентлик муддати 4-5 йилни ташкил этади, чунки ривожланиш учун етакчини ўзгартириш фойдали бўлиши мумкин. Негаки, ҳар бир инсон ўз қараши ва салоҳиятига эга, у ўз фаолиятида буни амалга оширади.



Муайян давр мобайнида у ўз қарашларини амалга ошириб, қўлидан келганини қиласди. Ривожланишини давом эттириш учун раҳбарларни ўзгартириш ёки маслаҳатчиларни таклиф қилиш фойдали бўлади, шунда улар вазиятга янги нигоҳ билан қарашади ва эски кадрлар сезмаган нарсани кўра оладилар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ЁКИ ФАОЛИЯТНИ ТАНЛАШ

Кўпинча биз хоҳлаган ишишимизни қилишимиз учун, шу вақтгача қилаётган ишишимиз тўхтатишимиз керак бўлади.

Лев Толстой

Ўзингизнинг кучли томонларингиздан келиб чиқиб, тўғри фаолият турини танлашга ёрдам берадиган формула мавжуд. Мен сизни оддий формулага асосланиб, ушбу танловни амалга оширишга имкон берувчи иккита технология билан таништираман. Тенглама қуйидагича:

$$I \times Q = H \times K$$

Бу шуни англатади: иштиёқ (I), кўпайтирилган қобиляйтга (Q), баробар ҳаракатлар (H) кўпайтирилган кўникмалар, тажрибалар ва алоқалар (K). Ушбу формулага риоя қилган инсон тўғри танлов қиласди.

Иштиёқ меҳнатга бўлган муносабатни белгилайди. Мен ўз ишини ёқтирмайдиган, лекин ҳеч нарсани ўзгартиришни истамайдиган ва ҳатто уни йўқотишдан кўрқадиган одамларни кўп учратаман, улар ўзларини олтин

кишанлар билан занжирбанд қилишади. Бу ишни ташлаб кетсам, янги иш топа олмайман, деб ўйлашади.

Олмаотада банк бошқарувчisi бўлиб ишлайдиган дўстим бор. Биз бир-биримизни ўн йилдан буён таниймиз. У доимо ўз ишидан шикоят қиласди. Кунларнинг бирида мен унга ўз касбини ўзгартиришга тўскинлик қилаётган “олтин кишанлар” ҳақида гапириб бердим ва жасорат кўрсатиб, бу ишни тарк этишни таклиф қилдим. Бироқ ҳамма нарса аввалгидек қолди.

Яқинда у менга биргаликда суғурта компанияси очишни таклиф қилди. Мен ундан бу қарорингга ишончинг комилми, деб сўрадим, у қатъий жавоб берди. Мен рози бўлдим ва ғояни амалга ошириш йўллари ҳақида ўйлай бошладим.

Икки ой ўтгач, у банқдан ишдан бўшаганини ва бошка кредит муассасасига ишга кирганини билдим. Бир ёлланма ишдан иккинчисига ўтиш қарорини оиласи борлиги, шу сабабли ўз мавқенини хавф остига қўя олмаслиги билан изоҳлади. Албатта, дўстимнинг кучли томонлари бор, лекин у жуда эҳтиёткор ва қатъиятсиз, шунинг учун ўз ҳаётини ўзгартиришдан кўрқади.

Сиз ўз фаолиятингиз турини танлашда Худо берган истеъдод ҳақида ўйлашингиз, уни ривожлантириш керак. Демак, бунинг учун вақт ажратишингиз керак.

Балки биринчи уринишда муваффақиятга эриша олмаслигиниз мумкин, иккинчи марта ҳам хатоликлар жуда кўп бўлар, лекин умидсизликка тушманг ва ҳараратда давом этинг. Учинчи ёки эҳтимол тўртинчи марта муваффақиятга эришасиз.

Энг муҳими, истеъдодингизни ривожлантирганингизда, иштиёқ сизни илҳомлантиради ва бошлаган ишингизни ташлаб кетишга йўл кўймайди. Бу иштиёқни яратади, унинг ёрдамида муқаррар қийинчиликларни енгишингиз мумкин. Муваффақиятга эришишга бўлган хоҳишингиз сизни факат чўққига кўтарадиган ишни қилишингиз керак дегани эмас.

Муваффақият таслим бўлишни ҳатто ҳам қилмаслик туфайли шаклланади. Муаммолар – муваффақиятга элтувчи зинапоядир.

Муаммоларни ҳал қилиш ва натижага эришиш орқали биз бир поғонага кўтарилемиз. Яна бошқа муаммони ҳал қилсак, яна бир поғона кўтарилемиз. Муаммоларни ҳал қилиш жараёни аслида юқорига ҳаракатланиш деганидир.

Ўзингиз учун танлаган фаолият тури сизга эркинлик бериши керак.

Эркинлик – ҳаракатларга нисбатан ақлий қаршиликтининг йўқлигини англатади.

Агар инсон ўз қобилияти ва истеъдодига мос келмайдиган ишни қилишга ўзини мажбур қилса, бу доимий зўриқишига ва онг қаршилигига сабаб бўлади, натижа умидсизликка олиб боради.

Агар биз ўз иштиёқимиз ва истеъдодимизга эътибор қаратган ҳолда ҳаракат қилишни бошласак, ўзимизниenglаб, мақсадларимизга эриша оламиз.

Лекин биринчи навбатда сиз нимага иштиёқманд эканлигингизни, қайси фаолият сизни илҳомлантириши ва сизга завқ беришини аниқлаб олишингиз керак. Бу фа-

олият сизга ҳозирда моддий рағбат келтирадими-йўқми, буниси муҳим эмас. Муҳими қувват оқимига сабаб бўла-диган ижобий муносабатдир.

Агар сиз ана шу қувват оқимини ҳис қилсангиз, демак, сизда ушбу фаолиятга иштиёқ бор. Иштиёқ ҳар қандай касбга: қурилиш, гулчилик, спорт, технология, фалсафага нисбатан бўлиши мумкин. Асосийси, ўша касбни топиш. Кейин эса ўз истеъдодингизни, у ёки бу қобилиятнинг мавжудлигини аниқлашингиз керак бўлади, бу бошлаган ишингиз осонгина бароридан келишига ёрдам беради. Шундан сўнг ўз иштиёқингиз ва истеъдодингизни бирлаштириб, ушбу фаолиятдан даромад олишингиз керак бўлади. Бошқа ҳеч нарса қилиш шарт эмас. Бу муваффақиятга эришишнинг ягона йўли.

Баъзи одамлар ушбу муҳим қадамни босишдан аввал узок ўйлайдилар, ўзларида журъат тополмайдилар, бу ишни ортга сурадилар, охир-оқибат уларнинг истеъдодлари ривожланмайди ва бутун умри давомида амалга ошмай қолади.

Бу характер доимо истеъдоддан олдин тургани сабабли содир бўлади. Заиф характерга эга инсонлар бизнесга кириб келишдан кўрқишидади ёки биринчи муваффақиятсизликдаёқ таслим бўлишади. Улар ўзларига ишонмайдилар ва бу дунёга нима бера олишлари ҳақида эмас, балки нимага эриша олишлари ҳақида ўйлашади.

Лекин иштиёқ ва истеъдодингизни бирлаштириб, шунчаки кутиб ўтиrolмайсиз, ҳаракатни бошлаш керак. Олдинга бир қадам ташласангиз, Борлик сизга ёрдамга келади. Агар ҳаракат қилмасангиз, тортишиш қонуни ҳам ишламайди.

Биз доимо ҳаракат қилишимиз ва муваффақиятсизликларга учраганимизда тўхтамаслигимиз керак, мукаррар

қийинчиликларга эътибор бермасдан, қайта-қайта уриниб кўришимиз зарур. Бу худди ёзишни ўрганаётганингизда битта ҳарфни 10-15-20 марта қайта-қайта ёзишга ўхшайди, шундагина муваффақиятга эришамиз.

Ўрта мактабда барча болаларга ёзиш ва ўқишни айнан шу усулда ўргатишади. Кимдир биринчи мартаёк, яна кимдир ўнлаб марта қайта ёзиб ўрганади. Натижада ҳамма ўқувчилар ёзишни ва ўқишни билиб олади.

Мен туркум китобларимни айнан шу сабабдан “Чумоли фалсафаси” деб номлаганман. Сиз чумолини тўхтата олмайсиз. Қанчалик уринсан ҳам бу ишнинг уддасидан чиколмаганман. У тўсиқларни енгиб ўтиб, ўз йўлида давом этади. Бекор ётган ва куёшда тобланаётган чумолини ҳеч учратгандомисиз?

Агар шу митти жонзот ўз мақсадига шунчалик интилса, нега биз чумолидан ўрнак олмаслигимиз керак? Менинг ҳаётий фалсафам – томчи сув фалсафасидир. Бир томчи сув кучсиз, лекин миллионлаб томчилар тошларни емириб, тўсиқларни енгиб ўтиши мумкин. Балки мантиққа тўғри келмас, лекин бу ҳақиқат. Мунтазам оқиб турган сув тошни емиради.

**Мунтазам билим олиш ва ўз устида
ишлаш мўъжиза яратади.**

ТАНИКЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Сўйменқул Чокморов

Унинг қиёфасини Қирғизистоннинг беш минг сомлик пулида кўришингиз мумкин, у Қирғизистон ҳалқ артисти, ҳалқ рассоми, Тўхтагул Сатилганова номидаги Давлат му-

кофоти лауреати унвонлари билан тақдирланган. Түрт марта Бутуниттифоқ кинофестивалларида “Энг яхши эркак роли” мукофотига сазовор бўлган ягона собиқ Иттифоқ актёри бўлган. 2000 йил арафасида у Қирғизистонда XX асрнинг “Энг яхши актёри” деб тан олинган.

Аммо қахрамонимиз бу ютуқларга эришол-маслиги ҳам мумкин бўлгани ҳақида ҳамма ҳам билмайди: мард ва жисмонан бақувват қахрамонлар, адолат курашчилари образла-рини яратган Сўйменкул болалигида оғир ка-салликка чалиниб, ногирон бўлиб қолишига бир баҳя қолган.

Касаллик учинчи синфда ўқиб юрганида бошланган. Тўртинчи синфда унинг ахволи кескин ёмонлашади ва у том маънода ноги-рон бўлиб қолади. Қўл ва оёқ бўғимлари фа-лаж бўлиб, ҳар қандай ҳаракат у учун оғрикли эди. Мактабни ташлаб, касалхонага ётишга тўғри келди.

Даволаш бир неча ойга чўзилди. Шифокор-лар унинг тузалиб кетишига умид йўқлигини айтишганди. Сўйменқулни ғамгин ўйлардан чалғитмоқчи бўлган акаси унга кўп китоблар олиб келади. Унинг буюк рассомларнинг репродукциялари акс этган альбомларга қизиқишини пайқаган акаси яна бир нечта ажойиб нашрларни олиб келади. Сўйменқул кутилмаганда суратлардан кўчирмалар чиза бошлийди. Ўша кундан эътиборан у қалам билан дўст тутинади. Вакт ўтиши билан

унинг саломатлиги яхшиланди, касаллик чекинди. Аммо хасталикни қайталанишнинг олдини олиш учун шифокорлар унга спорт билан шуғулланишни маслаҳат беришади ва у ўз соғлиғи учун курашишга қарор қиласди. Сўйменқул ҳар куни югуради, машқ қиларди, гимнастика билан шуғулланарди. Умуман олганда, у имконият бўлган жойда эринмай спорт билан шуғулланарди. Кейинчалик волейболга жиддий қизиқа бошлади. Шундай қилиб, аста-секин касалликни буткул енгигичди, гарчи бу кураш унинг учун бир ярим йилга чўзилган бўлса ҳам. Ўшандан кейин ҳам спортдан ажралмади ва ҳатто волейбол бўйича биринчи тоифага эга бўлган, Ленинград ва Қирғизистон терма жамоаларида майдонга тушган.

Касалхонада даволаниш даврида унинг тасвирий санъатга бўлган иштиёқи ўзини намоён қилди, аммо бу унинг ягона истеъодиди эмасди. Сўйменқул болалигидан мусиқага меҳр қўйган, домбра ва қовузни яхши чалар, жуда зўр куйлар эди. Лекин ўша пайтда актёр бўлишни орзу ҳам қиласди.

Еттинчи синфни тугатгач, бирор касб танлаш кераклиги ҳакида ўйлади. Катта акаси Бахит Сўйменқулга мусиқа мактабига кириш учун имтиҳон топширишни таклиф қилди. Яна бир акаси эса уни санъат мактабига ўқишга киришга ундади. Сўйменқул мусиқани ҳам, рассомликни ҳам бир вақтда ўрганишга қарор қиласди. У иккала мактабга ҳам қабул қилинди. Дастлаб иккаласига ҳам улгурарди.

Лекин бир неча ой ўтиб, улардан бирини танлашга түғри келди ва у тасвирий санъатни танлади.

Фрунзе номидаги рассомлик техникумини тутаттагач (1953-58 йиллар) И.Е.Репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлиқ ва архитектура институтида ўкишини давом эттирди. 1964 йилда ушбу таълим даргоҳини тамомлади.

Кейинги ҳаёти давомида у жуда кўп асарлар яратди, булар натюромортлар, манзара, таникли ҳикоячи Саякбай Карадаев, япон кинорежиссёри Акира Куросава ва италиялик актриса Моника Витти каби машҳур инсонларнинг портретлари кабилар.

Ундаги рассомлик истеъоди болалигигида ёқ намоён бўлган бўлса, актёрлик қобилияти ўттиз ёшга кириб, етук шахсга айланганида юзага чиқсан. Имкониятлар кутилмагандан пайдо бўлади, асосийси уларни қўлдан бой бермаслиқдир.

Бир куни такдир уни энди ўз фаолиятини бошлаган режиссёр Болот Шамшиев билан учраштириди. Ўшанда у “Караш довонида отилган ўқ” (1969 йил) дебют фильмни ҳақида ўйлаб юрганди. Сўйменқул режиссёрнинг ушбу фильмига суратга тушиш таклифини гўё бундай имкониятни анчадан бери кутгандек, ҳеч иккиланмай қабул қилди. Шу учрашувдан сўнг Сўйменқул актёрлик оламига кириб келди – “Караш довонида отилган ўқ”да у бўйсунмас Бахтигул ролини ўйнаган.

Бу Шамшиевнинг биринчи бадиий фильмни бўлиб, ёш режиссёр кино тажрибасига эга бўлмаган инсонга роль ўйнашни топшириб таваккалчилликни ўз зиммасига олганди, бироқ қаҳрамонимиз ўзининг биринчи фильмни даёқ ажойиб актёрлик истеъдодини намоён этди. Айнан ушбу роли учун у Ўрта Осиё ва Қозогистон кинематографлари фестивалида “Энг яхши эркак роли учун” дипломи билан тақдирланган.

Шу тариқа унинг актёрлик фаолияти бошлианди. Кейин у кўплаб кинофильмларда роль ижро этган: “Жамила”да Дониёр, “Мен Тян-Шанман”да Байтемир, “Фавқулодда комиссар”да Комиссар Низомиддин Хўжаев, “Еттинчи ўқ”да командир Мақсумов, “Иссиқкўлнинг қизил кўкнори”да чегарачи Қорабалт, “Оловга таъзим қил”да темирчи Утур, “Лютом”да камбағал Аҳангул кабилар. Акира Курасаванинг “Дерсу Узала” фильмида хўнғузларга қарши курашувчи бўлим раҳбари Жан-бао ролини, Толомуш Океевнинг “Қизил олма” фильмида эса рассом Темир ролини ижро этган.

Сўйменкул қолдирган бадиий мероси жуда буюк, унинг кўп қиррали истеъодиди икки йўналишдаги самарали фаолиятида намоён бўлди: 400 га яқин асарлар яратган, 20 та фильмда суратга тушган. Унинг энг сара асарлари Қирғизистон давлат тасвирий санъат музейида сақланмоқда.

Касб танлашда ёрдам берадиган мухим маълумотлар

Темпераментлар тўрт турга бўлинади: флегматик, холерик, сангвиник, меланхолик. Уларнинг ҳар бири инсон ўз қобилиятини намоён қилиши мумкин бўлган муайян фаолият соҳасига мос келади. Темпераментнинг фақат битта турига мутлақ мослик ҳолати камдан-кам учрайди, кўпинча бу икки турнинг комбинацияси, лекин барибир улардан бири устунлик қиласди.

Флегматиклар шошқалоқ, тиниб-тинчимас, барқарор интилиш ва кайфиятга эга, ҳис-туйғулар ва иштиёкларни кўрсатмайдиган инсонлардир. Улар иш жараёнида қатъият ва матонат кўрсата олишади, ўзининг секин ишлашини тиришқоқлик билан қоплай оладилар.

Флегматиклар куч, қатъият, эътибор ва сабр-тоқат талаб қиласидиган фаолият турларида катта муваффакиятларга эришишади. Куйидаги машҳур шахслар флегматик темпераментига эга бўлган: М.И.Кутузов, Г.Галилей, А.Левенгук, И.Кант, А.П.Бородин, И.С.Глазунов, И.А.Крылов, А.А.Делвиг.

Холериклар – тезкор, жаҳлдор, бирдан асабийлашиб кетувчи, мувозанатсиз, кайфияти кескин ўзгариб турадиган, тез чарчайдиган инсонлардир. Улар асабий жараёнларни мувозанатга келтириш қобилиятига эга эмаслар, бу хислат уларни сангвиниклардан ажратиб туради. Холериклар ўз мақсадларига иштиёқ билан тез эришишади, аммо кучини йўқотиб, бепарво бўлиб қолишади.

Холерик темпераментига эга инсонлар тезкор ва бир марталик катта талаб қиласидиган фаолият турларида муваффакиятга эришадилар.

Холерик темпераментига эга бўлган машҳур шахслар: Л.В.Бетховен, Ф.Лист, А.С.Пушкин, Д.Г.Байрон,

Пётр I, А.В.Суворов, Д.И.Менделеев, В.И.Чапаев, Сальвадор Дали, Д.Трамп, Б.Гейтс, Ф.Макгроу, Опра Уинфри.

Сангвиник инсонлар кайфияти, тасаввурлари тез-тез ўзгариб турадиган, атрофида содир бўлаётган воқеаларга тез муносабат билдира оладиган, янги шароитларга осонгина мослашадиган, муваффакиятсизликлари ва муаммолари билан келиша оладиган иссиқмижоз, ҳаракатчан бўладилар. Одатда сангвиниклар ифодали юз қиёфаси билан ажралиб туришади.

Улар ўзлари қизиқсан фаолиятда иштиёқ билан ишлашади. Агар иш улар учун қизиқарли бўлмаса, унга бефарқ бўлишади. Сангвиник темпераментли одамлар тез реакциялар, барқарор муносабат, сезиларли ҳаракатлар ва эътиборни талаб қиласидиган фаолият турлари учун мос келади.

Сангвиник темпераментига эга бўлган машхур шахслар: В.А.Моцарт, Д.Россини, С.С.Прокофьев, А.Вивальди, М.Ю.Лермонтов, Марк Твен, Оноре де Бальзак, А.И.Герцен, Ф.Рабле, П.Бомарше, В.И.Ульянов (Ленин), Ф.Рузвельт, Р.Рейган, Б.Клинтон, Л.Месси, Наполеон Bonapарт, Л.Пастер.

Меланхоликлар ҳимоясиз, тушкун ҳис-туйғуларга мойил бўлган, ташқи омилларга эътиборсиз бўлган инсонлардир. Улар ўз кечинмаларини ирода кучи билан жиловлай олмайдилар. Улар ҳаддан ортиқ таъсирчан, ҳиссиётга берилувчандирлар.

Кучли ҳиссиёт, тез ўрганиш ва кузатишни талаб қиласидиган қулай ва барқарор мухитда меланхолик сезиларли муваффакиятларга эришишлари мумкин.

Меланхолик темпераментига эга бўлган машхур шахслар: П.И.Чайковский, Ф.Ф.Шопен, Ю.Ю.Сибелиус,

А.П.Чехов, С.А.Есенин, Н.В.Гоголь, Ф.М.Достоевский, Ч.Р.Дарвин, Исаак Ньютон, Рене Декарт, Элвис Пресли.

С.Юнг таснифида меланхолик ва флегматиклар интроверт, сангвиник ва холерик темпераментига эга кишилар экстроверт ҳисобланади. **Интроверт** учун барча қизиқишилар унинг ички дунёсига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ўзининг “мен”и руҳий ҳаётининг марказига айланади, у атрофдаги ҳаётни ўз қаричи билан ўлчайди.

Экстроверт учун, аксинча, унинг қизиқишилари маркази – атрофдаги ҳаёт, унинг изланувчан онги ташқи дунёга қаратилган ва у ўз қобилиятларини айнан шу ерда намоён қила олади.

ЯНА БИР МУХИМ ОМИЛ

*Вақтингизни фақат сизни
ривожлантирадиганлар билан ўтказинг,
ўзингизга фақат сиз яхшилай олишингиз
мумкин бўлган инсонларни яқинлаштириши.
Иккиси ҳам ўзаро мукаммаллашади, инсонлар
бошқаларга ўргатиш орқали ўзлари ҳам
ўрганадилар.*

Луций Анней Сенека

Якуний натижага таъсир қилувчи яна бир омил мавжуд. Гап шундаки, одамлар кўпинча ўзлари ёлғиз муваффақиятга эришишга ҳаракат қилишади ва бу уларнинг хатоси. Ёлғизликда сиз ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайсиз. Буни ҳеч ким уddeлай олмаган. Муваффақиятга алоқалар ва муносабатлар орқали эришилади.

Сиз атроф-муҳитнинг кўзгусисиз. Шунинг учун сизнинг жорий даромадингиз сизни ўраб турган беш киши даромадининг ўртача арифметик кўрсаткичидир.

Буни текшириб кўриш учун қоғозга энг яқин бешта дўстингизнинг исмларини ёзинг, уларнинг даромадларини кўшинг ва ҳосил бўлган микдорни бешга бўлинг. Шунда сизнинг ўртача даромадингиз келиб чиқади. Бу табиий ҳол. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Келгуси беш йил ичида ҳаётингиз дўст-

ларингизнинг ҳаётига ўхшаш бўлади. Мен молиявий аҳвол, бойлик ва турмуш тарзини назарда тутяпман. Хоҳлайсизми ёки йўқми, бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди.

Шу сабабли агар сиз ўзингизнинг фаровонлик дара-жангизни кўтармоқчи бўлсангиз, атроф-муҳитни ўзгартиришингиз керак. Ўзингиз ҳурмат қиласиган ва қадрлайдиган одамлар билан муносабат ўрнатишингиз зарур, ўзингиздан ожиз инсонлар билан эмас.

Ҳаёtingизнинг ҳар бир босқичида сиздан кўра обрўли, ақли ва бойроқ бўлган янги инсонлар билан танишинг ва дўстлашинг. Уларнинг имкониятлари сизницидан кўра кўпроқ. Сиз атрофингизга шундай одамларни йиғишингиз керак. Чунки адвокат адвокатларни, шифокор шифокорларни, ҳайдовчи ҳайдовчиларни, талаба талабаларни, камбағал камбағалларни, ўзига тўқ инсонлар ўзига ўхшаганлар билан, бойлар эса бойлар билан таниш-билишчилик қиласиди.

Сизнинг муваффақиятингиз кўп жиҳатдан атрофда-гилар билан қандай алоқа ўрнатишингизга, улар сизга қанчалик ишонишлари, муносабатларингиз қанчалик яхшилигига боғлиқ.

Сиз барча ҳаракатларингизни алоқаларингиз, яқин муносабатларингизни ҳисобга олган ҳолда, қобилият, кўнирма, иқтидор ва билимларингиздан фойдаланган ҳолда амалга оширишингиз керак. Агар бирор ишда омадингиз келмаса, ушбу иборани ёдга олинг:

**Шундай яхши нақл бор – ҳамма нарсани
ўрганиш мумкин.**

Юқоридаги формулага амал қилсак, натижага эриша бошлимиз. Мисол учун, мен ўз йўлимни танладим, тингловчилар олдида гапиришни яхши кўраман, одамлар билан мулоқот қилишни ва ёрдам бериш менга ёқади. Бу

мени илҳомлантиради, мен шу иш билан шуғулланишни хоҳлайман. Бу менинг иштиёқим.

Мен одамларга ёрдам беришни ва уларнинг яхши томонга ўзгаришига сабабчи бўлишни яхши кўраман. Қилаётган ишим чукур маънога эга. Менинг истеъдодим психология, одамлар тафаккурини ўрганиш, риторика каби соҳаларда намоён бўлади. Мен ушбу йўналишларни бирлаштириб, ҳаракат қилишни бошладим. Шунинг учун сиз ҳам ўз иштиёқ ва истеъдодингизни аниқлаб, ҳаракат қилишни бошлашингиз керак. Ўз маҳсулотингизни яратинг, ўз устингизда ишланг, мақсадларингизга эришиш стратегиясини шакллантиринг.

Имкониятларни кутиб ўтирмасдан, уларни ўзингиз яратишингиз керак.

Мен китобларимни тарғиб қилиш ва ўз имижимни яратиш учун қанча меҳнат қилганимни биласизми? Бунга йигирма йил вақт сарфладим. Энди бу ишни амалга ошириш бир қарашда кўринганидек осон эмаслигини биламан. Бунинг учун анча саъй-ҳаракатлар талаб этилади.

Яқинда бир киши у ҳам бешта кам мендек бизнес-мурраббий эканлигини айтди. Буни эшишиб, унга қизиқиш билан қарадим, баракалла дедим ва менга дарс беришини илтимос қилдим.

У ажабланиб сўради: “Сизгами?” Мен, албатта, сиздан дарс олишни хоҳлайман, деб жавоб бердим. Кейин у, бу ишда мураккаб нарсани кўрмайтгани, унинг фикрича, бу ишни қилиш жуда осонлигини айтди.

Маълум бўлишича, бунинг учун бир нечта китобларни ўқиши ва уларни сўзлаб бериш кифоя деб ўйлаган. Мен қилаётган ишимнинг ҳатто беш фоизини ўрганиш учун унга ўн йил керак бўлишини тушунтирдим.

У ҳайрон бўлиб: “Ростданми?” деб сўради. Мен унга ўзим қилаётган ишларни бажариб кўришни маслаҳат бердим, шунда гапларим ҳақиқатга қанчалик мос келишини тушуниши мумкинлигини қўшимча қилдим. Чиндан ҳам бу уйлаганидек осон эмас.

Менга ўхшамоқчи бўлган одам 3000 соатдан кўпроқ вақт давомида пул бошқарувини ўқиши, бу ишга тахминан 800 000 доллар сарфлаши, 10 000 дан ортиқ формулалар ва 200 дан ортиқ бизнес тизимларини (*“Radisson” меҳмонхоналар тармогида битта тизим, “Hyatt”да бошқа тизим, “Mars Incorporated”да эса яна бошқача тизим ва ҳоказо*) ўрганиши, муваффақият ҳақидаги 1000 дан ортиқ китобларни ўқиши, 67 дан ортиқ турдаги бизнесларни яратиши (*уларнинг баъзлари муваффақиятли бўлади ва баъзлари ни ёпишига тўғри келади*), икки марта банкрот бўлиши ҳамда 2 336 000 доллар қарзга ботиши, сўнг қарзларини тўлаши, 20 йилдан ортиқ вақт давомида ўз устида ишлаши, 30 нафар инсонни миллионер (долларда) қилиши зарур. Шундан кейин менинг олдимга келса, у ҳаёт унга берган сабоқларни менга ҳам ўргатиши учун беш юз доллар пул бераман.

Мен ўша йигитта қилаётган ишимнинг беш фоизини ўрганиши учун ўн йил керак бўлишини айтганимда, бунда ҳеч қандай ёлғон йўқ эди. Бу ҳақиқат, бу чин ҳақиқат. Бу жараён йилларни талаб этади, доноликка тезлик билан эришиб бўлмайди.

Муваффақиятни сотиб олиб, ўтиrlаб, куч билан тортиб олиб ҳам бўлмайди. Доноликни ҳам сўраб, қарзга олиб, мерос қолдириб бўлмайди.

Доноликка тажриба ва билим орқали эга бўлиш мумкин, бахтга эса ўз муваффақиятимиз орқали эришишимизга тўғри келади.

Формуламизга қайтсак: фаолиятингизга мос соҳани танлаш учун сиз иштиёқни қобилиятга кўпайтиришингиз, ҳаракатларингизни эса қўникмалар, алоқалар, муносабатларга кўпайтиришингиз керак.

Ҳаракат қилиш жуда зарур, чунки шундангина Яратган сизга ёрдам бера бошлайди, Бутун Борлик сизга қувват беради ва тортишиш қонуни имкониятлар тақдим этади. Аммо биз қўникмаларимиз, қобилияларимиз, алоқаларимиз ва муносабатларимизни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишимиз шарт. Булар уйғунликда муваффакиятга эришиш стратегиясини яратади.

РИВОЯТ: “ЖИЛҒА ВА ДАРЁ”

Ўрмон оралаб оқиб ўтаётган жилға ўз-ўзига қойил қоларди: эпчил, чаққон, тез, тоза ва шаффоффман! У бошқа оқимлар билан қўшилишни хоҳламасди, ўзини кучли деб ҳисоблар ва ёлғиз ўрмонни кесиб ўтиб, узоқларга боришга интиларди. Тўсатдан далага оқиб кириб у ерда у заифлашиб қолибди. Ёлғиз жилғанинг кенг далага кучи етмасди, ерга сингиб ғойиб бўлибди. Қандайdir ер ости йўлларидан ўтиб, ифлосланган ҳолда дарёнинг олдига етиб борибди ва унга шикоят қила бошлабди: – Агар ўша жирканч дала бўлмаганида, мен ҳам аллақачон дарёга айланган бўлардим.

Буни эшитиб, дарё тўлқинланиб кетибди:

– Эҳ, аҳмоқ жилға. Ёйилиб, ерга сингиб кетишинг ва бунчалик ифлосланганингда дала-нинг айби йўқ. Бошқаларни ўзидан итарган жилғанинг дарё бўлишга кучи етмайди.

МЕН ШУҒУЛЛАНИШИМ МУМКИН БҮЛГАН ЎНТА ЙЎНАЛИШ

*Таълим – қобилиятларни ривожлантиради,
лекин уларни яратмайди.*

Вольтер

Энди мен иккинчи технология ҳақида гапираман (*натижага эришиш учун уларнинг иккисидан ҳам фойдаланиши зарурлигини унумтманг*). Агар ўзингиздаги истеъодни аниқлаш қийин бўлса, сиз шуғулланишингиз мумкин бўлган ўнта соҳани (*фаолият турини*), шу жумладан ҳозир шуғулланаётган йўналишингизни ёзиб чиқинг.

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____

8. _____
9. _____
10. _____

Кейин ушбу ўнталиқдан учта мезон асосида уч йўналишни ажратиб олишингиз керак бўлади.

1. Сиз қайси ишни аъло даражада уddeлайсиз? Қандай ишни осонлик билан, зўрикишларсиз, ақлий қаршиликсиз қила оласиз? Аъло даражада бажаряпсизми, демак бу яхшидан кўра юқорироқ натижа дегани.

2. Қайси иш сизга кўпроқ пул олиб келиши мумкин? Бу шуни англатадики, сиз ушбу соҳада ишлаб бошқа соҳалардагидан кўра кўпроқ даромадга эга бўлишингиз мумкин.

3. Қайси иш камроқ вақтингизни олади? Сиз ушбу иш билан шуғуллансангиз, қисқа вақт ичида керакли натижага эришасиз.

Шундан сўнг учтадан битта йўналишни танлаш керак. Масалан, кимдир технологиялар соҳасида қобилиятга эга, лекин бу соҳа жуда кенг ва жуда кўп кичик йўналишларни ўз ичига қамраб олади – автомобиллар, майший техника, компьютерлар, технологик ускуналар ва бошқалар. Улар орасидан бирортасини танлаб олиш керак.

Истеъодд фоалият соҳасини белгилайди, янада аниқроқ йўналиш эса иштиёқ асосида белгиланади. Инсон ўша йўналишни ёқтириши керак, айнан шу иш билан шуғулланишдан завқ олиши зарур. Шу билан бирга, у юқорида қайд этилган учта мезон бўйича танланади.

Агар бирор ишни аъло даражада уddeлашингизни билсангиз, ушбу машгулот билан шуғулланганда ўзин-

гизни эркин ҳис қилсангиз ва сизда руҳий қаршилик, зўриқиши бўлмаса, бу сизнинг кучли томонингиздир.

Инсоннинг кучли томони – у завқ билан қила оладиган ва шу билан бирга дунёга максимал фойда келтирадиган ишидир.

Агар ушбу касб бизнес билан боғлиқ бўлса, унда сиз энг қисқа вақт ичидаги сифатли хизмат кўрсатишингиз (ёки сифатли маҳсулот ишилаб чиқаришингиз) ва шу билан одамларга максимал фойда келтиришингиз зарур.

Муваффакиятли бўлиш – бу халқقا, Аллоҳ таолоға хизмат қилиш, дунё фаровонлигига ҳисса қўшиш, ижобий ўзгаришлар яратиш орқали ҳаётни яхшилаш, қолаверса, жамият ва инсонларга фойда келтириши демакдир. Бунинг учун эса ўз истеъододингизни аниқлаб, уни ривожлантиришингиз керак.

“Apple” ва “Mars Incorporated” каби компаниялар жуда кўп инсонлар ҳаётини ўзгартириб, ўз маҳсулотлари билан уларга фойда келтиргани учун катта ютуқларга эриша олганлар. Бу муваффакиятнинг асосидир. Шу билан бирга, сиз юксак мақсадларга эришишда муносиб ўрнак кўрсата оласиз.

Агар сиз арzon уй-жойлар қуриб сотсангиз, ўрта даромадли одамларга ўз орзуарини рўёбга чиқаришга ёрдам берасиз. Шифокор бўлсангиз ва одамларни даволасангиз, уларнинг соғлигини тиклайсиз ва бу ҳам бебаҳо хизмат. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси бўлсангиз, талабаларга билим берасиз ва улар яхши мутахассис бўлиб етишади. Бу эса жамият учун жуда фойдали иш. Муҳандис бўлсангиз, қўпприклар ва бошқа иншоотлар қурасиз, одамларнинг ҳаётига ижобий ўзгаришлар киритасиз, уларнинг фаровон ҳаёти учун кулай шароит яратасиз.

Хар бир инсоннинг вазифаси дунёга фойда келтиришдир. Агар у бу ишни қилмаган бўлса, демак, ҳали ўзини топа олмаган. Ўз йўналишингизни танлашда сиз шу ҳақда ўйлашингиз зарур.

Қобилияtlарни амалга ошириш жамиятга максимал фойда келтириши керак ва бу ўз навбатида, сизга ҳурмат ва моддий фаровонлик келтиради. Қобилият ва истеъдодларингизни ривожлантириш учун эса сабр-тоқат, катъият, тиришқоқлик ва доимий ҳаракат талаб этилади.

Ушбу фазилатлар ҳатто пайғамбарларга ҳам одамларга ҳақиқатни етказиш учун асқатган, чунки мақсадга осонлик билан эришиб бўлмайди. Муваффақият йўлидаги қийинчиликлар доимо бўлган ва бўлади. Шунчаки кимдир уларни енгиб ўтади, бошқалар эса йўл бошида тўхтаб, орзуларидан воз кечишади ва таслим бўлишади.

Агар чарчасангиз ёки тушкунликка тушсангиз, онгингизга бироз дам беришингиз зарур ва бунинг учун бўш вақтингиз бўлиши керак. Одамларда шахсий вақтлари етарли бўлмаса, ҳатто севимли ишларидан ҳам чарчашади.

Бўш вақт одатда фикрлаш, китоб ўқиши, кўникмаларини мукаммаллаштириш ва фаол ҳордиқ учун сарфланади. Қачонки шахсий бўш вақтингиз етарли бўлса, шундагина фаол ва самарали ишлашингиз мумкин.

Ўзини намоён қилиши мумкин бўлган фаолият тури билан шуғулланадиган инсонлар тўрт тоифага бўлинади. Хар бир инсон улардан бирига тегишли бўлади.

Биринчи тоифа – уста, у ишлаб чиқариш билан шуғулланади, маҳсулот яратади. Масалан, Билл Гейтс – уста, у компьютер дастурларини яратган.

Иккинчи тоифа – сотувчи, у ҳар қандай маҳсулотни яхши сота олади, одамлар билан мулоқот қилиш, тил то-

пишиш қобилиятига эга. У шунингдек, савдо менежери, чунки қандай қилиб кўпроқ маҳсулот сотишини билади. Мисол тариқасида Стив Жобсни келтириш мумкин.

Учинчи тоифа – ёрдамчи. Бу ҳам мақом. Дунёда кимгадир ёрдамчилик қилиб, юксак мартаба ва бойликка эришганлар кўп. Бу уларнинг миссияси, муваффакиятга элтувчи йўлидир.

Тўртинчи тоифа – тадбиркор. Тадбиркорнинг йўли ўзига хос йўлдир. Натижага эришиш учун у биринчи навбатда ҳақиқий стратег бўлиши зарур.

Пул – энг муҳим нарса эмас, асосийси имкониятлардан фойдаланишни ўрганишдир. Агар сизда яхши бизнес ғоя ёки ишлаб чиқариш учун ажойиб маҳсулот бўлса, албатта, инвестор топасиз, шунчаки қўл қовуштириб ўтирамасангиз бўлгани. Фақат уни қидириш, ҳаракат қилиш керак бўлади. Банкларнинг ўзлари истиқболли лойиҳалардан манфаатдор, асосийси ҳамма нарсани диққат билан кўриб чиқиш ва уни лойиха шаклида қоғозга туширишдир.

Тадбиркор инсон яхши ғояни қандай амалга оширишни ва керакли ресурсларни топишни, алоқаларни ўрнатиш ва ундаги барча элементлар ишлаши учун тизим яратишни билади. Натижада бундан ҳамма фойда кўради – ҳамкорлар, банклар, хом-ашё етказиб берувчилар, чакана савдо тармоқлари. Тадбиркор, умуман олганда, мулоқотчи.

Муваффакиятта эришиш учун сиз ушбу тўрт тоифадан бирини, истеъоддларингизга энг мос келадиганини танлашингиз керак. Агар тўғри танлов қиласангиз, керакли натижага эришиш осон бўлади, чунки сиз мақомингизни аниқлаб олган бўласиз.

РИВОЯТ: “ОСОН ҲАЁТ”

Амалдор ўз хонасидан чиқиб, гумбазлари чақнаб турган император саройига қарабди ва ўйлабди: “Афсуски, мен кирол оиласида туғилмаганман, ҳаёт кечиришим жуда осонлашарди...”. У шаҳар марказига қараб йўл олибди. У ердан болғанинг бир маромда тақиллаши ва кучли шовқинлар эшитиларди.

Бу майдонда янги бино қураётган ишчиларнинг шовқини эди. Улардан бири бир қанча қоғозларни кўтариб келаётган амалдорни кўриб, ўйлади: “Ох, нега мен отамнинг айтганини қилиб, ўқишга кирмадим, шунда кун бўйи матнларни кўчириб ўтиришдек осон иш билан шуғулланардим, ҳаётим ҳам осон бўларди...”

Император эса бу вақтда ўз саройидаги улкан ёруғ дераза олдига бориб, майдонга қарабди. У ишчилар, сотувчилар, харидорлар, болалар ва катта ёшли одамларни кўрибди. Шунда кун бўйи очик ҳавода бўлиш, кўл меҳнати билан шуғулланиш ёки кимнингдир ишини қилиш, ҳатто кўчадаги дайди одам бўлиб, умуман сиёsat ва бошқа мураккаб масалалар ҳақида бош қотирмаслик қанчалик яхши эканлигини ўйлабди.

– Бу одамларнинг ҳаёти жуда осон бўлса керак – деб пичирлабди ўзига-ўзи.

ФОКУС.


ФИКРЛАРНИ ЖАМЛАШ

*Диққатни жамлаш ва соддалик –
менинг ҳаёт тарзимдир.*

Стив Жобс

Сизнинг онг ости тафаккурингиз – муваффақиятга эришишдаги ҳамкорингиздир. У қадриятларни, яъни сиз ишонадиган ғояларни белгилайди ва шахсий ҳақиқатингизни шакллантиради. Агар онг ости тафаккурингиз ҳақиқатларингизга қарши чикса, муваффақият қозонишингиз қийин масала.

Психогенетиканинг таъкидлашича, онг мия функцияларининг бор-йўғи 10%ни қамраб олади ва 90%и эса онг ости тафаккуридир. Бу шуни англатадики, онгда ҳар қандай ғоя, хоҳиш (*машина сотиб олиш, уй қуриш, муваффақиятли бизнес яратиш ва ҳоказо*) пайдо бўлиши биланоқ, ҳамма нарса дарҳол онг ости тафаккурига йўналтирилади, у ерда олинган маълумотлар сизнинг қадриятларингиз асосида таҳлил қилинади. Ушбу ғояларга қанчалик содиксиз, улар қанчалик ҳақиқатга яқин ва сизнинг тамойилларингизга мос келиши ҳам аниқланаиди. Шундан кейингина истак амалга оширилиш учун ташки дунёга йўналтирилади. Демак, онгнинг ўзида ташки дунёга чиқиш имкони мавжуд эмас.



Агар бирор нарса амалга ошмаса, ички овоз шундай дейди: “Мен буни улдалай олмаслигинги билардим, сени огохлантиргандим, эҳтиётсизлик шундай натижаларга олиб келади”. Бу дегани, сиз қарор қабул қилаётганда ақлий қаршиликка дуч келгансиз, лекин унга эътибор қилмагансиз.

Бирор ишни бошлашда ўзини мажбурлаш ва ақлий қаршиликларнинг бўлмаслиги жуда муҳимdir. Агар ички қаршилик бўлмаса, фаолиятнинг ушбу тури сизнинг имкониятингиздир.

Сиз онг ости тафаккурингизни муваффақиятта тайёрлашингиз керак, чунки у ташки дунёдаги маълумотлар билан тўлдирилган.

Афсуски (ёки баҳтимизга) миямизда содир бўлаётган ҳамма нарсани кўриш учун рентген аппаратига ўхшаш курилма яратилмаган. Агар у ерда содир бўлаётганларни кўрганингизда, эҳтимол ҳайратдан қотиб қолардингиз.

Ушбу мавзууни яхшироқ тушуниш учун “Фикрларни рўйхатга олиш” деб номланган машқни бажаринг. Беш дақиқа давомида онгингизда ўз-ўзидан пайдо бўлган

барча фикрларни қоғозга ёзинг. Бу фикрларнинг нима ҳақда эканлиги муҳим эмас.

Ягона шарт – ўзингизни маълум бир мавзу ҳақида ўйлашга мажбурламаслик. Фикрлар оқими табиий ва эркин бўлсин. Муайян мавзуда фикрлашга уриниш бефойда, акс ҳолда ҳеч нарса амалга ошмайди.

Аввалига ҳеч қандай фикрлар бўлмаса, фикрлар йўқ деб ёзинг. Онгингиз нима ҳақида ўйлашни хоҳлаётган бўлса, шуни ўйлашига имкон беришингиз керак. Фақат буларни борича ёзишингиз зарур.

Бунинг учун ўзингизни эркин кўйишингиз, вазифала-рингиз (*ҳисобот топшириши, ҳаракатлар режасини тузиши, устуворликларни белгилаш ва ҳ.к.*) ҳақида ўйлашни тўхтатишингиз зарур. Шундан сўнг пайдо бўлган барча фикрларингизни қоғозга ёзишни бошлишингиз лозим.

Ушбу машқни бажарганингиздан сўнг, ёзганларингизни овоз чиқариб ўқинг. Энди сиз бир ҳақиқатни тушунишга тайёрсиз – бизнинг онг ости тафаккуrimизнинг 70%и биз кўрган ва эшитган нарсаларимиз ҳақидаги фикрлар билан тўлдирилади.

Шунинг сабабли атрофингиздаги дунё сизнинг ривожланишингизга ёрдам беради ёки таназзалингизга сабаб бўлади. Бир-икки йил олис қишлоқда яшаб, шаҳарга қайтиб келинг. Шунда сўзларимизнинг ростлигига ишонасиз.

Машқни туттаганингизда пайдо бўладиган яна бир хулоса шуки, ёзилган фикрлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмайди, уларнинг ҳар бири бошқаларига ўхшамайди. Аммо шу билан бирга, ушбу фикрларнинг барчасига ақлий қувват сарфлайсиз. Шунинг учун, бирор иш қилмай фақат ўтириб ўиласак ҳам ўзимизни чарчаган ҳис қиласиз.

Айниқса, ёлғиз қолганингизда бундай турли-туман фикрлар онгингизга янада күпроқ ҳужум қилади. Дүстларингиз ёки ҳамкасблар даврасида бўлганингизда, атроф-мухит фикрлар учун йўналиш беради ва сиз айнан шу йўналишда ўйлайсиз.

Сизнинг онг ости тафаккурингиз – энг яхши ҳамкорингиздир. Мантикий вазифа – керакли фикрлар комбинациясини шакллантириш ва онг остини мослашишга ўргатишдан иборат. Онг остимизда тасодифий, кераксиз фикрлар имкон қадар камроқ ва бизни мақсадга яқинлаштирадиган фикрлар күпроқ бўлишига интилишимиз керак.

Бунинг учун сиз куйидагиларни тушунишингиз зарур:

Заиф, тарқоқ фикрлар – заиф, тарқоқ кучлардир. Жамланган фикрлар эса бир йўналишга қаратилган аниқ ҳаракатлардир.

Бу кўзгунинг таъсирига ўхшайди, ундан тарқалган қуёш нури бир нуқтага йўналтирилса қофозни тешишга ва ҳатто уни ёқиб юборишга қодир бўлади.

Худди шу нарса онг остимизда ҳам содир бўлади – фикрлар тарқоқ бўлса, оддий вазифаларнинг ечимини ҳам топа олмаймиз. Бизнинг миямиз бепарволикка ўрганиб қолган, кераксиз нарсалар ҳакида ўйлашга одатланган. Бизнинг вазифамиз уни қайта тарбиялашдир.

Мақсадли равишда ўйлашни бошласангиз, қандайдир муаммони ҳал қилишга уринсангиз, онгингизда турли тўсиқлар пайдо бўлади, шунинг учун масалага ечим топа олмай, уни кейинга қолдирасиз. Бу ишни кечиктирганингиздан сўнг яна кераксиз фикрлар пайдо бўлади.

Дикқатни жамлаш ғайритабиий ҳаракатларни әмас, балки амалиётни талаб қилади.

Буни ўрганиш учун мияни буйруқларга бўйсунишга қайта-қайта мажбурлаш керак. Онг ости итоаткор бўлгунга қадар бу ишни давом эттириш зарур.

Жисмоний машқлар ёрдамида танамизни чиниктирганимиз каби онгни ҳам машқ қилишимиз керак. Бу ўзлаштириш ва ривожлантириш мумкин бўлган маҳоратдир. Муваффақиятга эриша олмаётганидан шикоят қила-диганлар учун мен доимо кўпроқ машқ қилишни тавсия қиласман.

Мияни маълум бир ғоя ёки фикрга йўналтириш ва дикқатни жамлаш орқали кучимиздан унумли фойдаланишимиз мумкин. Бу қобилият билан муваффақиятга эришиш имконияти бир неча баробарга ортади.

Дикқатингизни доимо энг муҳим нарсаларга қартишга ҳаракат қилинг; интеллектуал салоҳиятингизни бекорга сарфламанг. Агар ўз қобилияtlарингиздан максимал даражада фойдаланмоқчи бўлсангиз, дикқатингизни энг муҳим вазифаларга қаратишни ўрганинг. Ўзингизни кундалик ишларга бағищламанг, уларга фақат маълум вақт ажратинг, лекин кўп куч сарфламанг.

Кераксиз, бефойда ишлар билан чалғиманг – меҳмонга бориш, телевизор томоша қилиш, ғийбат қилиш – булар ҳаётий қувватни тортиб олади ва муҳим нарсаларга эътибор қаратишингизга халақит беради.

ҚАНДАЙ ФИКРЛАШ КЕРАК?

*Доимий равиша олдинга интилишнинг
сири биринчи қадамни қўйишдадир.*

*Биринчи қадамнинг сири – қийин ва енгигб
бўлмайдигандек кўринган вазифаларни oddий
ва амалга ошириш мумкин бўлган қисмларга
ажратиш ва ишни энг биринчисидан
бошлишдир.*

Марк Твен

Сизнинг миянгиз ҳали интизомга одатланмаган ва бундай иш режимига ўрганмаган, у ўзини қийнашни хоҳламайди. Онгингиз учун ўзи хоҳлаган нарсаси ҳакида ўйлаш ва ўзига кўпроқ ёқадиган нарсага эътибор қаратиш осонроқ. Бу ҳолатда у тез орада зерикиб, ўйлашга арзирли нарса тополмайди ва фикрлар тарқоқ бўлиб қолади.

Бу ҳис-туйғуларга эътибор берманг, лекин вақт чегараси ўрнатилганлигини тушуниб, уни асосий фикрлаш мавзусига қайтаринг. Мияни бегона фикрлар билан чалғитмасдан, берилган мавзуда ўйлашга мажбур қилиш керак, шунда сиз фикрларингизни рўёбга чиқара оласиз.

Агар өзіншілдегі қарор қабул қыла олиши учун у бирор вазифа бўйича 25 дақиқадан 1,5 соаттагача бўлган вақт давомида дикқатни жамлай олиши керак. Шундагина энг яхши вариантни топади.

Биз кўпинча шошилиб биринчи пайдо бўлган фикрларга асосланиб, ҳаракат қилишни бошлаймиз. Кейинроқ эса бу муаммони ҳал қилишнинг бошқа, яхшироқ вариантни ҳам борлигини тушунамиз. Аммо унда бирор нарсани ўзгартиришга жуда кеч бўлган бўлади. Шунинг учун мен ўз миямни ҳар қандай муаммони ҳал қилиш учун камида учта вариантни топишга мажбур қиласман. Агар биринчи вариант менга энг мақбул бўлиб туюлса ҳам, у вариантни хаёлан йўқ деб ҳисоблайман ва бошқа ечим излашда давом этаман.

Иккинчи вариантни топганимдан сўнг, учинчиси ҳақида ўйлашни давом эттираман. Фақат учинчисини топганимда ўйлашдан тўхттайман. Қизиги шундаки, кўпинча иккинчи ёки учинчи вариант энг яхшиси бўлиб чиқади. Шу сабабли сўнгги уч йил ичидаги менинг бошқарувимдаги хатолар сезиларли даражада камайди.

Мен ушбу усулни Яратган менга иккинчи марта ҳаётда яшаш имконини берса, нималар қилишимни ўйлаш ва ёзиш бўйича вазифани бажарганимда ушбу усулни ўйлаб топдим. Ўшанда жуда кўп хатоларим ҳақида ёзгандим.

Кейин эса нима учун бу хатоларга йўл кўйганлигим ҳақида ўйладим. Маълум бўлишича, мен хаёлимда пайдо бўлган биринчи фикрларга асосланиб, қарор қабул

қилган эканман. Бошқа варианларни топишга уринмаганман ҳам, чунки ягона түғри ечимни топганимга амин бўлганман.

Ўзимга бошқа варианлар бўлиши мумкин эканлиги ни ўйлашга ҳам имкон бермаганман. Ҳозир эса ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг учта вариантини топмагувимча, ҳаракатни бошламайман.

Миянгиз сизни алдашга уринади, чунки зўрикишни хохламайди. У ҳар қандай масала бўйича эҳтиёткорлик билан ўйлаш истагига қарши чиқади, шунинг учун у сизни биринчи вариант энг яхши ечим эканлигига ишонтиришга ҳаракат қиласди.

Масалан, одам жисмоний машқлар билан эндинга шуғулланишни бошлаганида, дастлабки кунларда барча мушаклари оғрийди, танангиз сизни машқларни тўхтатишига, мушаклар меъёрига келмагунча кутишга кўндиримоқчи бўлади. Бунда тана шунчаки машғулотлардан олдинги ўзи учун қулай бўлган ҳолатга қайтмоқчи бўлади.

Мия билан ҳам худди шундай бўлади. Сизнинг вазифангиз мақсадларингизга эътибор қаратиш ва онгинингизни шу йўналишда қаттиқ ишлашга мажбур қилишдир. Шунда сиз ҳар қандай масалага чуқурроқ қарашни, муаммога бошқа томондан назар солишини, илгари эътибор бермаган тафсилотларга эътибор беришини ўрганасиз.

Ҳар доим вақт чегарасини ёдингизда тутинг, сиз муаммо ҳакида чексиз ўйлай олмайсиз, тўғри ечимни топиш учун маълум вақtingиз бор, холос ва сиз шу муддатда ҳаммасига улгуришингиз керак. Шунинг учун диққатни жамлашни ва чалғитмасликни ўрганиш жуда муҳимдир.

Сиз фикрларни рўйхатдан ўтказишни ўрганаётган пайтингизда мия сизни бошқариб турганди, шу сабабли фикрларингиз истакдан қатъи назар, ўз-ўзидан пайдо

бўлганди. Бу тартибсиз фикрларнинг тасодифий тўпла-
ми эди.

Агар сиз дикқатни жамлашни ўргансангиз, бу он-
гингизни қайта тарбиялаганингизни англатади. Ахир
онг қадриятларингиз захираси бўлиб, у ўз навбатида сиз
шакллантирган ҳақиқатнинг мазмунидир.

Онгни тартибга солиш ва уни шу тарзда ўргатиш
орқали сиз дикқатни жамлаш қобилиятини ривожлан-
тирасиз. Натижада фаол ва яратувчи инсонга айланасиз,
яъни сиз вазиятга таъсир қилишингиз, уни шаклланти-
ришингиз мумкин бўлади.

**Вазият сизни бошқармайди, балки ўзингиз
кўзланган мақсадга яқинлаштирадиган
вазиятни яратасиз. Буни ўйлаб кўринг,
режалаштиринг, режани амалга оширинг.**

Вазифани англаш доирангиз кенгайиб, чукурлашади.
Сиз бундан ижобий қувват оласиз ва илҳомланасиз, худ-
ди ҳақиқатга яқинлашаётгандек. Аввалгисидан яхшироқ
бўлган ечим топсангиз, ҳақиқий руҳий завқни ҳис эта-
сиз.

Бошқа ҳеч қандай ютуқ ақл ютуғи каби абадий қу-
вонч келтирмайди. Бу чинакам завқ ва юксак натижадан
фахрланиш ҳиссиидир.

Кичик кўнгилхушликлардан воз кечинг, шунда катта
кувончга эга бўласиз. Кичик харажатлардан чекланинг,
шунда жиддий капиталга эга бўласиз. Кичик завқланиш-
лардан воз кечинг ва шунда катта ютуқларга эришасиз.
Сизни мақсадларингиздан чалғитадиган ва юқори нати-
жаларга эришишингизга ва дикқатингизни муҳим нарса-
ларга қаратишга халақит берадиган ҳамма нарсадан воз
кечишни ўрганинг.

РИВОЯТ: “БАРОМЕТР ВА МИНОРА”

Университет ўқитувчиси ёрдам сўраб Қироллик академияси президенти, физика фанлари бўйича Нобель мукофоти совриндори жаноб Эрнест Резерфордга мурожаат қилибди. Ўқитувчи шогирдларидан бирига физика фанидан паст баҳо қўймоқчи бўлганида, ўша талаба энг юқори баҳога лойик эканини айтган экан. Шунда ўқитувчи ва талаба учинчи томон – манфаатдор бўлмаган ҳакамнинг хукмига таянишга қарор қилишибди. Ҳакамлик Резерфорд зиммасига тушибди.

Имтиҳон саволи шундай эди: “Барометр ёрдамида бинонинг баландлиги қандай ўлчанишини тушунириб беринг?”

Талабанинг жавоби эса қуидагича: “Барометр билан бинонинг томига чиқиш керак, барометрни узун арқонга боғлаб пастга тушириш зарур. Кейин тортиб олиб, арқон узунлигини ўлчаш керак. Бу бинонинг аниқ баландлигини кўрсатади”.

Воқеани тахлил қилиш ҳақиқатан ҳам қийин эди, чунки жавоб мутлақо тўлиқ ва тўғри эди. Бошқа томондан, имтиҳон физика фанидан бўлгани сабабли жавоб бу соҳадаги билимларни кўрсатмасди. Резерфорд талабага яна бир бор жавоб бериб кўришга ҳаракат қилишни таклиф қилди.

Тайёрланиши учун олти дақиқа вакт бериб, унинг жавоби физика қонунларини били-

шини кўрсатиши кераклиги ҳақида огоҳлантирди. Орадан беш дақиқа ўтган бўлса ҳам талаба имтиҳон варагига хали ҳеч нарса ёзмаганди. Резерфорд ундан жавоби бор ёки йўқлигини сўради, талаба эса бу масаланинг бир нечта ечими мавжудлигини ва у энг яхисини танлаётганини айтди.

Қизиқиб қолган Резерфорд йигитдан ажратилган вақт тугашини кутмасдан жавоб берини сўради. Саволга берилган янги жавоб шундай эди: “Барометр билан томга чиқиб, уни ерга ташлаш ва ерга тушиш вақтини белгилаш. Кейин формуладан фойдаланиб, бинонинг баландлигини топиш”.

Шунда Резерфорд ўқитувчидан бу жавобдан қоникдими ёки йўқлигини сўради. Нихоят ўқитувчи жавобни қониқарли деб тан олиб, таслим бўлди. Бироқ талаба унда ушбу саволга яна бир нечта жавоблар борлигини айтганида, ундан бошқа жавобларни ҳам айтишини сўрашди.

“Бинонинг баландлигини барометр билан ўлчашнинг бир неча йўли бор, – деб гап бошлиди талаба, – масалан, куёшли қунда кўчага чиқиб, барометрнинг баландлиги ва унинг соясини ўлчашингиз мумкин, шунингдек бинонинг сояси ҳам ўлчанади. Кейин оддий пропорцияни ечиб, бинонинг баландлигини аниқлайсиз.

– Ёмон эмас, – деди Резерфорд. – Бошқа йўллари ҳам борми?

- Ҳа. Яна бир жуда оддий усул бор, ишончим комилки, у сизга ёқади. Сиз барометрни олиб, зинапоядан кўтариласиз, барометрни деворга қўйиб, белгилар қўясиз. Ушбу белгиларнинг сонини санаб, уни барометрнинг ўлчамига кўпайтириб, бинонинг баландлигини топасиз. Бу жуда аниқ усул.
- Агар мураккаброқ усулни хоҳласангиз, – деб давом этди талаба, – барометрга арқон боғланг ва уни айлантириб, бинонинг асоси ва томидаги тортишиш кучини аниқланг. Ушбу қийматлар орасидаги фарқдан, сиз бинонинг баландлигини ҳисоблашингиз мумкин.
- Нихоят, – деб хулоса қилди у, – бу масалани ечишнинг бошқа кўплаб усуллари орасида, эҳтимол, энг яхшиси барометрни ўзингиз билан олиб, бино бошқарувчисини топасиз ва унга: “Жаноб бошқарувчи, менда ажойиб барометр бор. Ушбу бинонинг баландлигини айтсангиз, у сизники”, дейсиз.

Шунда Резерфорд талабадан ушбу муаммонинг умумий қабул қилинган ечимини билиш ёки билмаслигини сўради. У буни билишини тан олди, лекин шу ўринда ўқитувчилар ўз фикрлаш тарзини талabalарга сингдиришга ҳаракат қилишади. Мактаб ва коллеждаги ўқищдан безиб кетганини айтади. Бу талаба даниялик физик, 1922 йилда Нобель мукофоти совриндори бўлган Нильс Бор (1885-1962) эди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ШАХС ТАФАККУРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Вақтни арзимас ишларга, баъзан оғир меҳнатдан кўра кўпроқ чарчатадиган “дам олиш”ларга сарфламасликни ўрганинг, тоза онгингизни мантиқсиз ва мақсадсиз “лойқа маълумотлар” оқими билан тўлдирманг.

Д.С.Лихачев

Сизнинг онг ости тафаккурингизни ерга қиёслаш мумкин: нима эксангиз, шуни ўрасиз. Мияда тез-тез пайдо бўладиган фикрлар аста-секин кучайиб боради. Бу бир шиша тоза сувга ўхшайди, унга ҳар куни бир том-чидан бўёқ қўшилса, аста-секин сувнинг ранги ўзгаради.

Фикрлар ҳам шундай, улар онг остида қанчалик тез-тез пайдо бўлса, сиз бу ҳақда кўпроқ ўйлай бошлайсиз. Аста-секин уларни қандай амалга ошириш, режалар тузиш, варианtlарни ҳисоблаш ҳақида ўйлашга киришасиз, яъни улар онгингизга тобора чукурроқ кириб боради ва тупроққа тушган уруғлар каби илдиз отиб, униб чиқа бошлайди. Шунинг учун, муваффакиятли инсон бўлишга ёрдам берадиган нарсалар ҳақида кўпроқ ва тез-тез

ўйланг. Сизни мақсадга яқинлаштирадиган нарса қоби-лиятларингизни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Ушбу фикрлар рўёбга чиқадиган кун келади. Бунга фақат бироз вақт керак, холос.

Мен шуни маслаҳат бераман:

Агар вазият сизга ёқмаса, уни ўзгартиришга уринманг. Онг остини ўзгартириш керак.

Агар шундай қилмасангиз, ушбу вазият яна ва яна пайдо бўлаверади, чунки у сизнинг фикрларингиз маҳсулидир. Фикрлар сизнинг ҳақиқатингизни шакллантиради.

Қарзлар, ишончсиз шериклар, бизнесдаги муваффақиятсизликлар, оилавий жанжаллар, қариндошлар билан муносабатларнинг кескинлиги – буларнинг барчаси онг ости маҳсули. Бошқаларни ўзгартиришга уринманг, негадир доимо ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўламиз, ўзгаришни ўзингиздан бошланг.

Фикрларингизни ўзгартиринг, ижобий нарсаларга эътибор қаратинг – мақсадлар ҳақида ўйланг, режалар тузинг, орзуларингизни амалга оширишга интилинг. Шунда сиз билан бирга атрофингиздаги дунё ҳам аста-секин ўзгара бошлаганини кўрасиз.

Масалан, мен ўзим эришмоқчи бўлган ўнта мақсадни ёздим. Ҳар куни бу рўйхатни бир неча марта қайта ўқиб чиқдим, чунки биз мақсадларимиз ҳақида қанчалик кўп ўйласак, улар тезроқ амалга ошади.

Агар бу ҳақда ўйламасак, кўчадаги рекламалар, дўконлар пештахтаси, ўткинчи машиналар, кундалик муваммоларнинг шовқини ва ҳоказолар онгимизни чиқидига тўлдиради. Биз эса аста-секин юксак мақсадлар ва эзгу орзуларни унутиб, оддий ҳаёт кечира бошлаймиз.

Шунинг учун, энг муҳим ўнта мақсадни қоғозга ёзиб, рўйхатни кунига бир неча марта қайта ўқиб чиқиш зарур. Фақат шу йўл билан сиз олдинга интиласиз, чунки нимага интилаётганингиз доимо ёдингизда туради.

Муваффақият сиз иш вақтида нималар билан шугулланишингизга эмас, балки ишдан ташқари вақтда нималар ҳақида ўйлашингизга боғлиқ.

Чунки ёлғиз қолганда ўйлаган фикрларингиз тезроқ амалга ошади. Ахир бу фикрлар сизнинг қадриятларингизни шакллантиради.

Сиз бирор компанияда ишлаётган пайтингизда доимо бошқа одамларнинг фикрлари ва гапларига чалғибиз. Ёлғиз қолганингизда эса ўз фикрларингизга чуқурроқ шўнғишишингиз, ҳақиқатан ҳам муҳим, ҳаяжонли ва илҳомлантирувчи нарсаларга эътиборингизни қаратишингиз мумкин бўлади. Бу фикрлар сизнинг ҳаётингизни белгилайди ва тезроқ амалга ошади.

Шунинг учун ёлғиз қолганингизда салбий нарсалар ҳақида ўйламанг. Баъзан хаёлимизга ҳар хил нарсалар келади: қанчалик чарчаганимиз, ҳаммаси жонга теккани, кредитлар бизни тамом қилгани ва ҳоказо. Бундай салбий ўйларнинг ҳаётингизга таъсир кўрсатишига йўл кўйманг.

Фикрларингиз ўзингизга қарши бўлиб қолишидан Худо асрасин, чунки бундай ҳолда кечаю кундуз ишласангиз ҳам, ҳеч нарсага эриша олмайсиз, барчаси фойдасиз бўлади.

Салбий фикрлар муваффақиятга олиб борадиган йўлни бутунлай тўсиб қўйиши мумкин, чунки улар онгингизда муваффақиятсиз эканлигингиз ҳақидаги ишончни шакллантиради. Бу ўзингизнинг қарорингиз. Кейин

нима учун сиздан маҳсулот сотиб олишмаётганига ҳайрон бўласиз ва бу ишни бошламаслигим керак эди, менга тўғри келмасди, бу бизнесдан кетишим керак, дейсиз. Чунки сиз ёлғиз қолганингизда, муваффақиятга эриша олмаслигингизга ўзингизни ишонтиргансиз.

Шунинг учун, онгингизни ўзингиз учун ишлашга мажбур қилинг. Ўзингизга бўлган ишончни шакллантиринг, ҳаётга миннатдорлик билдиринг, кучли томонларингизга эътибор беринг, ўзингизни мақтанг, қанча яхши ишлар қилганингизни эсланг, эътиборингизни ўхшамаётган ишларингизга қаратинг.

Агар сизда салбий фикрлар бўлса, ижобий тажрибаларни уларга қарши қўйинг. Юқори натижаларга эришганингиз ва муҳим ютуқларингизни эсланг. Онгингизни муваффақиятта эришганингиз ҳақидаги мисолларни эслашга унданг. Бу ижобий фикрлашингизга ёрдам беради.

Мияни янги ғояларга очиш учун ва онг ости тафаккурингиз сизга ишончли шерик бўлиши учун иккита технологиядан фойдаланинг.

Биринчидан, ҳар куни кечкурун мақсадингизга яқинлашиш, орзуларингизга етишиш учун қилган ишларингизни ёзиб чиқинг: бешдан ўнтағача.

Майли, бу оддий ҳаракат бўлсин, эҳтимол сиз ҳараллар режасини тузгандирсиз, музокаралар олиб боргандирсиз ёки ҳамкорлар қидиргандирсиз. Ҳамма нарсани ёзинг. Шунда онгингиз фахрлана бошлайди. Чунки одатда одамлар бу ҳақда ўйламайдилар, кун якунида ишларни сарҳисоб қилишмайди.

Мен шуни пайқадимки, агар бу ишни қилмасангиз, миянгиз вақтингиз етмаган ва бажара олмаган ишларингизни ёдингизга солиб сизни чарчатади.

Йил давомида қандай муваффакиятларга эришганингизни ҳам ёзиб боринг. Ўзингиз учун мухим бўлган ишларингиз ҳақида ҳам ҳар йили ёзишингиз керак. Бу иккинчи технология. Эҳтимол, саёҳатга чикқандирсиз, уйингизни таъмирлагандирсиз, фарзандингизнинг тўйини қилгандирсиз, буларнинг барчаси ҳақида ёзинг.

Аксарият инсонлар бу вазифани бажаргандан сўнг, қоникиш ва кувонч ҳиссини туйишади, маълум бўладики, йил давомида улар анча ишни битиришган. Иккала технологиядан ҳам, албатта, фойдаланинг.

АТРОФИНГИЗДАГИ БОЙЛИКЛАР

*Табиат ҳамма нарса ҳақида шунчалик
қайғурганки, ўрганиш учун атрофдан бирор
нарса топишингиз аниқ.*

Леонардо да Винчи

Муваффакиятли инсоннинг онгини шакллантириш учун сиз ўзингизни атрофингиз бойликка тўла эканлигига ишонтиришингиз керак, чунки Яратган раҳмдилдир. Бу сизнинг миянгизда пайдо бўлиши керак бўлган биринчи қадриятдир.

Ҳеч ким осмонда қанча юлдуз, океанда неча томчи сув, атмосферада қанча ҳаво, ер юзида нечта дараҳт борлигини ва сайёрамизга қанча қуёш нури тушишини ҳисоблаб берга олмайди.

Муваффакиятли одамнинг фикрлаши атрофдаги бойликларни кўриш қобилиятидан бошланади. Бу дунёнинг барча бойликлари ва неъматлари биз учун яратилган. Улардан оқилона фойдаланишимиз учун эса Худо бизга акл берган.

**Атрофдаги бойликларга эришиш калити
бизнинг миямизда. Фикрлар доимо пайдо
бўлади ва ҳеч қачон тутамайди. Рухий
фаровонлик мана шу. Ахир бизни бой қиласиган
хом-ашё – айнан бизнинг фикрларимиздир.**

Бизни ўраб турган барча нарсалар аввал кимнингдир хаёли маҳсули бўлган. Булар ручка, кофоз, скотч, қистиргичлар, телефон, майший техника, автомобиллар, самолётлар ва ҳоказо.

Агар ўз бизнесингизни бошламоқчи бўлсангиз, шу ҳакда ўйланг, орзуларингизга қўл узатиб етолмасангиз, фикрлаш орқали эришинг.

Агар сиз доимо бу ҳакда ўйлаб, барча керакли маълумотларни тўпласангиз (*идишдаги шаффоф сувга бир томчидан бўёқ қўшиш ҳақидаги мисолни эсланг*), кўзлаган режаларингиз қанчалик тез амалга ошишига ҳайрон қоласиз.

Ана шунда бир куни уйқудан уйғонганингизда ўз бизнесингиз борлигини кўрасиз. Бугун қайси мавқега эга бўлишингиздан қатъи назар, сиз доимо орзуларингиз ҳакида ўйлашингиз керак.

Худо бизга бойлик ҳакида фикр юритиш қобилияти ни берди. Ер юзидаги жонзотларнинг ҳеч бири бундай қобилиятта эга эмас. Фикрлар эса бойлик олинадиган хом-ашёдир.

Агар кимдир сизни бой бўлиш учун кўп меҳнат килиш кераклигига ишонтирган бўлса, унга ишонманг, бу ҳакиқат эмас. Фақат ақл билан қилинган меҳнат яхши натижа беради. Ўйламай меҳнат қилсангиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз.

Баъзилар эрта тонгдан кечгача ишлашади, лекин умуман китоб ўқишимайди ва охир-оқибат ҳеч нарсага эришолмайдилар. Соатлаб телевизор кўрадиган, телефонига “осилиб қолган”, интернетдан чиқмайдиган, доимо тўй-ҳашамларда, байрамларда юрадиган одамлар китоб ўқийдиганлар учун меҳнат қилишади.

Камбағалларнинг катта телевизорлари, бойларнинг эса катта кутубхоналари бор.

Бойликка эришиш учун хом-ашё мияда пайдо бўла-ди, демак у билим билан бойитилиши керак. Кўпчилик олий таълимни тугатиш ва ишга жойлашишнинг ўзи ки-фоя деб ҳисоблайди ва китоб ўқишини тўхтатади.

Шундай қилиб, уларнинг онги рекламалар, фильм-лар, гийбатлар, кераксиз маълумотлар билан тўлади. Китоб ўқиганлар эса муваффақиятга эришишга ёрдам бе-радиган хом-ашё, яъни ўз миясини ривожлантирадилар.

Мисол учун, мен ҳар куни 1,5-2 соат давомида китоб ўқишига ҳаракат қиласман, бу менга йилига 50-100 та ки-тоб ўқиши имконини беради. Бу эса ўз навбатида, мияни яхши ҳолатда сақлашга ёрдам беради.

Ўқиганларнингиз ёрдамида онг ижобий фикрлар би-лан тўлдирилади ва салбий фикрларга ўрин қолмайди, шунинг учун салбий фикрлар хаёлингизда пайдо бўлиш-дан тўхтайди.

Бир учрашувда Бодо Шефер менга кўпроқ китоб ўқишини маслаҳат берганди ва мен ундан қанча китоб ўқишим кераклигини сўраганимда, у ойига камида икки-та китобни ўқиб тугатиш зарурлигини айтган. Агар мен йилига 50 та китоб ўқисам, албатта, молиявий жиҳатдан эркин одамга айланишимни кўшимча килди.

Суҳбатдан кейин бир йил ичидаги ўқишим керак бўл-ган китоблар рўйхатини туздим. Мана ўн йилдан бери шу иш билан шуғулланаман. Ҳар йили январь ойида ўша йили ўқишим керак бўлган китоблар рўйхатини ёзаман.

Мен детектив ва саргузаштли адабиётларни ўқишини назарда тутмаяпман, муваффақият ҳақидаги китоблар

ҳақида гаплашыпмиз. Фақат улар билан сиз атрофин-гиздаги бойликларни күришни ўрганасиз. Бу сизнинг онгингизда пайдо бўлиши керак бўлган биринчи қадриятдир.

Сиз тушунишингиз керак бўлган иккинчи нарса – сиз бу бойликларга эришишингиз мумкин, атрофингизда кўплаб имкониятлар мавжуд. Бу ҳақда ўзингизда ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Бунинг учун қимматбаҳо, номдор кийим-кечак дўконларига боришишингиз, у ердаги кийим-кечакларни томоша қилишингиз, танлаб, кийиб кўришишингиз керак. Бирор нима харид қилишингиз шарт эмас, сиз шунчаки нархини билиб, сотиб олаётганингизни тасаввур қилсангиз етарли. Заргарлик дўконига ҳам ташриф буюринг, олмос кўзли қимматбаҳо тилла тақинчоқларни кўришишингиз ёки автосалонга бориб, қиммат машиналарни ҳайдаб кўришишингиз мумкин.

Сиз ўзингиз интилаётган турмуш тарзига яқинроқ бўлишишингиз ва бадавлат эканлигингишга ишонч ҳосил қилишингиз муҳимдир. Агар шундай қила олсангиз, бошқалар кўрмайдиган имкониятларни кўра оласиз.

Муваффакиятли инсон тафаккурини шакллантириш учун муваффакиятни кўриш, у ҳақида ўйлаш, гапириш, эшитиш, ҳис қилиш, муваффакиятли одамлар каби кийинишини, муваффакиятли инсонлар курсовида бўлиш, уларнинг турмуш тарзини олиб бориш, характерига эга бўлиш, орзу қилиш, режалаштириш ва уни излаб топиш зарур. Онгингизда фикрлар, ҳис-туйғулар, тасвиirlар ва ғоялар уйғунлиги шаклланиши керак.

Муваффакият ҳақида ўқиб, уйга келгач қўшниларингизнинг ҳасратини тингласангиз, дўстларингиз билан муаммолар ҳақида гаплашсангиз, иқтисодий инқироз

оқибатлари ҳақидаги янгиликларни томоша қылсангиз муваффақиятта эриша олмайсиз.

Сиз қилишингиз керак бўлган учинчи нарса – пул то-пишнинг осонлиги ва омадли эканлигингизга ўзингизни ишонтиришдир. Тажрибадан биламизки, пул кимгадир осон келади, кимдир эса жуда қийинчилик билан пул то-пади.

Омадли эканлигингизга ўзингизни ишонтириш учун муваффақиятта эришишга тайёр туришингиз керак, эртага бугунгидан кўра яхшироқ яшашингизга ишонишингиз зарур.

Ўзингизга: мен омадлиман, қаерга борсам ҳам, омад мени таъқиб қилади, у мени излаб юради, мени кутади, деб айтинг. Онгингиз сизга содик ёрдамчи бўлиши учун уни созланг.

Ўзингизни ҳаётнинг барча йўлларида чексиз имкониятларга эга, оилавий ҳаётда баҳтли эканлигингизга, ажойиб турмуш ўртоғингиз, севимли болаларингиз, содик ҳамкорларингиз, яхши бизнесингиз, мустаҳкам соғлигингиз борлигига ишонтиринг. Шунда ҳаёлларингиз аста-секин ҳақиқатта айланаётганининг гувоҳи бўласиз. Ўзингизга: ўз тақдирим, ҳаётимнинг сифати учун фақат ўзим жавобгарман, менинг муваффақиятим фақат ўзимга боғлик.

Шу кундан бошлаб давлатдан, ҳокимиятдан, қариндош-уруғ ва дўстлардан ёрдам кутишни бас қилинг. Бунинг ўрнига, ўзингиздан атрофингиздаги одамлар, ўзингиз яшаётган шаҳар ва мамлакат учун нима қила олишингизни сўранг.

Шу кундан бошлаб, бошқалардан ёрдам кутишни тўхтатинг ва ёрдамга муҳтоҷ бўлган инсонларга ёрдам бериш ҳақида ўйланг. Ўзингизнинг фаровон ҳаётингиз-

ни ўзингиз яратишингиз ва бошқаларга ёрдам беришингиз керак.

Бирорнинг ёрдамидан умид килманг, фақат ўзингизга ишонинг. Аксарият одамлар ўзларининг муаммолари ва муваффақиятсизликларини вазият ва атроф-муҳитга боғлайдилар. Улар масъулиятни ўз зиммасига олмаслик учун миллионлаб сабабларни топадилар – камбағал ота-она, таълим олмаганлиги, мамлакатдаги иқтисодий вазият ва бошқалар каби. Омадга эса фақат масъулиятни ўз зиммангизга олишни ўрганганингизда эришасиз.

Аммо ўзингизни айбламанг, чунки бу сиздаги ишонч ва қатъиятни камайтиради. Ўзингизни бирор ишни қила олиш, улдалай олиш, муваффақиятга эришишга ишонтириг. Агар бирор нарса ўхшамаса, бу фақат билим ва тажрибанинг етишмаслиги сабабли рўй беради. Демак, ушбу боскичда сиз тажриба тўплашингиз ва янги билимларга эга бўлишингиз, кейин яна уриниб кўришингиз керак.

Ушбу ёндашув ёрдамида ўз қобилиятларингизга ишончинингиз ортади ва ўхшамаган ишларингизга яна уриниб кўра оласиз. Муваффақиятга эришмагунча қилаётган ишингиздан тўхтаманг. Муваффақият муаммолар ва омадсизликларга қарамай таслим бўлмаганларга эргашади.

Энг кучли боксчи бўлиш учун спортчи кучли ракиблар билан майдонга тушади.Faқат кучли ракибларга қарши курашда кучли характер шаклланади ва маҳорат ошади. Faқат кучли рақобатчилар билан ишлаганда муваффақиятли бизнесменга айланиш мумкин. Ишдаги муаммолар эса уларни ҳал қила олганларни ўз ишининг ҳақиқий устасига айлантиради.

Ҳаммаси осон бўлишини хоҳлайсизми? Бу ниятдан воз кечинг ва ўзингиз учун яхшироқ ҳаётни орзу қилинг.

*Ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини хоҳлайсизми?
Йўқ, сизда кўпроқ маҳорат бўлишини орзу қилинг.*

Сиздан ҳеч қандай шикоят қилмасликларини хоҳлайсизми? Йўқ, кўпроқ доноликка эга бўлишини орзу қилинг.

Муаммолар сизни ўз ишингизнинг устасига айлантиради, шикоятлар сизни доно қиласди. Ахир фақат мевасиз дараҳтга тош отишмайди.

Агар инсонлар сиз ҳақингизда ғийбат қилишса, улар сизга ҳасад қилишяпти. Чунки сиздек бўлишолмайди. Демак, сиз мевали дараҳтсиз, сизга тош отишаётган бўлса, фойда келтирияпсиз.

Бойликлар орасидан ўзингизни қидиринг, кучли томонингизни топинг.

Сизнинг энг катта бойлигингиз – бу салоҳиятингиз.

Имкониятларингиз чексиз эканлигига ўзингизни ишонтиринг, Яратган сизга нисбатан ҳам раҳм-шафқатлидир, у сизга мана шу имкониятларни берган ва улардан самарали фойдаланишингиз керак. Бойликни ўзингиздан қидиринг.

Айтишларича, рассом ўзининг энг зўр асарини яратмай ҳаётдан кўз юмади, чунки у доимо кейинги асари аввалгисидан ҳам яхшироқ бўлишига ишонади. Бастакор ўзининг энг зўр куйини ёзишга улгуролмай дунёдан ўтади, чунки энг яхши асарларим ҳали олдинда, деб ўйлайди. Қобилият ва истеъдодларимиз чексиз бўлганидек, комиллик сари йўл ҳам чексиздир.

РИВОЯТ: “ОРЗУЛАРИНГИЗ ҮФИРЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ”

Монти 16 ёшдалигига унга катта бўлганида нималарга эга бўлишни хоҳлаши ҳақида иншо ёзиш вазифасини беришади. Монти ўтириб узок вақт ўз орзулари ҳақида ёзди. У бир кун келиб ранчо эгаси бўлишни хоҳларди.

200 гектар ранчони батафсил тасвирлаб етти сахифа иншо ёзди ва ундаги бинолар, отхоналар ва йўлларнинг жойлашуви режасини ҳам тузиб чиқди. У ҳатто ўзи қурмоқчи бўлган 4000 квадрат метрлик уйнинг ҳам режасини ишлаб чиқди. Эртаси куни Монти ўқитувчига иншосини берди. Икки кундан кейин ўқитувчиси иншога катта қилиб “икки” баҳо қўйди ва “Дарсдан кейин қол” деган ёзув билан иншони эгасига қайтарди.

Дарсдан сўнг, бола ўз орзулари билан ўқитувчининг олдига келди ва нега иншо учун “икки” баҳо олганини сўради. Ўқитувчи жавоб берди: “Чунки сендеқ болага бундай орзу қилиш ярашмайди. Бундай ранчога эгалик қилиш учун жуда кўп пул керак. Сенинг қанча пулинг бор? Ҳеч қанча. Сен жуда камбағал оиласдансан. Сенинг орзуларингни амалга оширишнинг ҳеч қандай имкони йўқ. Бу иложсиз. Уйингта бор ва иншони бошқатдан ёзисб кел, ҳақиқаттага яқинроқ орзу ҳақида ёзсанг баҳонгни ўзгартираман”.

Йигитча уйига қайтиб, отасидан маслаҳат сўрабди. Отаси эса шундай дебди: “Ўғлим, мен бу борада сенга ёрдам беролмайман, деб

кўрқаман. Менимча, бу фақат сенинг қароринг бўлиши керак ва сен учун жуда муҳим қарор бўлишини ҳис қиляпман”.

Монти бир ҳафта давомида отасининг сўзлари ҳақида ўйлади. Нихоят, у ўша иншони ўқитувчига қайтарди ва деди: “Сиз “икки” баҳони ўзингизда олиб қолинг, мен эса ўз орзуларимни олиб қоламан”.

Вақт ўтиб Монти ўрта мактабни тутатди, улгайди. У узок йиллар олдин бўлиб ўтган ушбу воқеа ҳақида ўз тингловчиларига гапириб бераркан, уларга қараб шундай деди: “Мен нима учун сизларга бу воқеани сўзлаб беряпман, чунки ҳозир сизлар менга тегишли 200 гектар ранчонинг ўртасида жойлашган 4000 квадрат метрлик уйимда ўтирибсиз. Ўша иншо эса камин тепасидаги рамкага осиб қўйилган”.

Кейин Монти гапида давом этди: “Бу ҳикоянинг энг ҳайратланарли томони шундаки, икки йил аввал, ёзда ўша ўқитувчи бу ерга 30 нафар талабани олиб келди ва улар бир ҳафта менинг ранчомда дам олишди.

Кетишдан олдин ўқитувчи менга шундай деди: “Монти, мени эшит, ҳозир мен сенга бир нарса айтаман. Мен сенинг ўқитувчинг бўлган пайтимда орзулар ўғриси эдим. Ўшанда кўплаб болаларнинг орзуларини ўғирлаганимдан жуда афусдаман. Аммо сен ўз орзуларингта эришиш учун жасорат топганингдан жуда хурсандман”.

Орзуларингизни ўғирлашларига йўл қўйманг. Бошқалар сизга нима деса ҳам, қалбингизга эргашинг.

ҚИЙМАТНИ ЯРАТИНГ

*Сиз қилишингиз керак бўлган нарса –
дунёни ўзгартириш мақсадида ажойиб
маҳсулот ёки хизмат яратишдир.
Агар шундай қилсангиз, афсонага
айланшишингиз мумкин.*

Гай Кавасаки

Бой бўлиш учун, аввало, қиймат яратишни ўрганиш керак. Уни яратганингизда, алмаштиришнинг имкониятига ҳам эга бўласиз. Аммо бу фақат янги маҳсулот ёки хизмат талабгир бўлса, яъни одамлар улар учун пул беришга тайёр бўлсагина амалга ошади. Шу билан бирга, сиз одамлар учун яратган маҳсулотингиз унинг учун сўраётган пулингиздан қимматроқ бўлиши керак. Агар маҳсулотнинг қиймати таннархдан юқори бўлса, одамлар уни сотиб оладилар.

Бойлик қонуниятларига кўра, сиз сахий бўлишингиз керак, маҳсулотингизни унга эҳтиёжи бўлган инсонларга етказиб беринг. Мисол учун, “Mars Incorporated” томонидан ишлаб чиқарилган “Сникерс” шоколади реклама сабабли миллионлаб истеъмолчиларга етиб боргани учун дунёга машҳур брендга айланди.

Деярли бутун МДҲ давлатлари худудидаги одамлар онгига катта психологик тўсиқ мавжуд. Маҳсулотимиз-

ни таклиф қилишдан уяламиз, кимга керак бўлса, ўзи сўрайди, деб ўйлаймиз.

Ғурур яратган маҳсулотимизни дўстларимиз ва қариндошларимизга таклиф қилишимизга тўсқинлик қиласди, чунки бу ишдан ўзимизни камситилгандек ҳис қиласми.

Биз маҳсулотларимиз ҳақида айтиб бериш (*аслида истеъмолчиларга маълумот етказиши*)ни ўз қадр-кимматимиздан ерга уриш деб ҳисоблаймиз.

Оврўполик ва америкаликлар эса маҳсулотингиз одамларга фойда келтирса, сиз уни оммага ошкор қилишингиз, бу ҳақда уни олишга қизиққан, унга муҳтоҷ бўлганларга айтишингиз шарт, деб ҳисоблашади. Акс ҳолда, одамлар бундай маҳсулот мавжудлигини қаердан билишади?

Баъзида қўшниларингиз ва қариндошларингиз сиз нима билан шуғулланишингизни билмай, сиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларни бошқа ишлаб чиқарувчилардан сотиб олишаётган бўлади, бу кулгили ҳолат. Баъзан танишимизнинг бизга керакли бўлган кийим-кечакларни сотишини билсак ҳам уни бошқа жойдан сотиб оламиз.

Биз муваффақиятга эришиш учун ўз яқинларимизга ёрдам бермаймиз, лекин бегоналарнинг муаммоларини ҳал қилиб берамиз. Бу ишни ғуурланиш учун ва кейинчалик ўша одамга миннат қилиш учун бажарамиз.

Бир гал Москвада корейс миллатига мансуб дўстим кўйлак олиш учун у билан бирга дўконга боришими сўрагани ҳақидаги воқеани ҳеч қачон унутмайман.

Мен рози бўлдим, лекин биз шаҳарнинг нариги чеккасига йўл олдик. Шунда мен кўйлакни ёнимиздаги дўкон-

лардан ҳам харид қилиш мумкинлиги, бунча узокқа бориши шарт эмаслигини айтдим. У ўзиникини маъқуллаб сабабини кейинроқ тушунтиришга вайда берди.

Биз қандайдир бозорга етиб бордик, у ерда унинг таниши, яна бир корейс миллатига мансуб инсон оддий контейнерда кўйлак сотарди. Ундан яна яқин орада дўконлар турганда нега шаҳарнинг нариги бурчагига келиб кўйлак сотиб олишининг сабабини сўрадим. У ҳозир ўз ватанидан узокда яшаётганини, лекин шу йўл билан ўз мамлакати иқтисодиётига сармоя киритаётгани, тадбиркорлик қилаётган ватандошига қўлидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилаётганини айтди.

Мен бу гапларни эшитганимда, кўзларимга ёш келди. Унинг тадбиркор ватандошига бўлган бундай муносабати мени ҳайратда қолдирди. Юртимизда яшаётган турк фуқаролари ҳар доим турк кафеларига боришади, чунки улар шу тарзда ўз юртдошларини қўллаб-куватлашади.

Бизнинг халқимизда бундай фалсафа мавжуд эмас. Биз дўстимиз ёки қариндош-уруғларимиздан бирор нарса харид қилсак, у сифатсиз бўлиб чиқса ҳеч нима қиломаймиз, деб ўйлаймиз. Бундай тушунча қаердан пайдо бўлгани маълум эмас, лекин шуниси аниққи – ўзгаришимиз керак. Фаровон юртда яшамоқчи бўлсак, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишимиз, шу орқали тадбиркор ва ишбилармонларимизни қўллаб-куватлашимиз зарур. Биз онгимизда эски қарашларни енгиб ўтишимиз лозим.

Аммо сизнинг маҳсулотларингиз ҳақида кўпроқ одам билиши учун у ҳақда кўпроқ маълумот беришингиз керак. Бу тамойилни табиатдан ўрганиш мумкин.

Мисол учун, момақаймок (одуванчик), заиф ва ҳимоясиз кўринса-да, у миллион йиллардан буён мавжуд, чунки шамол ёрдамида уруғларини узок масофаларга тарқатади.

Юзлаб мазали ва хушбўй мевалар тугадиган ўрик дарахти данаклари (*инсон ёрдамида*) ҳатто бошқа қитъаларга ҳам етиб борган. Сиз ҳам ушбу тамойил бўйича ҳаракат қилишингиз керак, чунки муваффақиятингиз маҳсулотингизнинг тан олинишига боғлик.

Фақат яхши маҳсулот ишлаб чиқариш (*ёки сифатли хизмат кўрсатиш*)нинг ўзи етарли эмас, бу ҳақда иложи борича кўпроқ одамларга маълумот беришга ҳаракат қилишингиз зарур. Талаб ва бизнеснинг муваффақияти ҳам шунга боғлиқдир.

Дунёда ўз ижод намунасининг аҳамиятини кенг оммага етказа олмай, қашшоқликда ҳаёт кечириб, тан олинмаган даҳога айланган истеъдодли шахслар жуда кўп. Улар бу тамойилни тушунишмайди, шунинг учун муваффақиятсизликка учраганлар.

ТАНИҚЛИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН ИБРАТЛИ МИСОЛЛАР

Акио Морита

Акио Морита 1921 йил 26 январда Нагояда туғилган. Унинг оиласи японияликлар гуручини ачитиш йўли билан тайёрлайдиган сакэ ишлаб чиқариш билан шуғулланган 15-авлод вакиллари бўлган.

Улар нафақат гуруч ароғини, балки “мисо” қайласи ва соя соусини ишлаб чиқаришдан ҳам

яхши даромад олишган, шунинг учун Акионинг болалиги бахтли ва ташвишсиз ўтган.

Отаси Акиони жуда яхши кўрарди ва болалигидан уни бизнесни бошқаришга жалб қилган. Акио бўш вақтини, шу жумладан ёзги таътилни ҳам отасининг ишхонасида ўтказарди ва унга ёрдам берарди. Аммо оиласвий бизнесни ривожлантириш истиқболи унга ёқмасди.

У мактабдаёқ ўз қобилиятларини намоён қилди, физика ва математика фанларига жиддий қизиқиб қолди. Кўлига илингган электроника бўйича барча китоб ва журналларни ўқиб чиқарди. Ушбу севимли машғулот Акиони шу қадар ўзига тортардики, у ўқишни ҳам ташлаб кўйди, бунинг учун ҳатто мактабдан ҳайдалишига оз қолди. Бироқ ўз вақтида ўзини тутиб, вазиятни тўғирлашга муваффақ бўлди, лекин ўшандәёқ келажакдаги йўналишини танлашга қарор килганди – бу **электроника** эди.

Морита олий маълумотга эга бўлмай туриб, келгусида бу соҳада ишлай олмаслигини яхши биларди. Шунинг учун мактабни тугатгач, Осака университетининг физика-техника факультетига ўқишига кирди ва 1944 йилда ўқишни муваффакиятли тугатди.

1946 йилда эса 25 ёшли Акио Морита ва унинг ҳамфирни 38 ёшли Масару Ибука “Токио Телекоммуникация муҳандислик корпорацияси”га асос солишиди. Кейинчалик унинг номи “Sony” деб ўзгаририлди. Янги компаниядаги роллар аниқ тақсимланган эди: Морита бизнесни бошқариш учун жавобгар эди,

Ибука фаолиятнинг техник томонлари билан шуғулланарди.

Бу икки иқтидорли физик ажойиб ҳамкорга айланишди, улар ўртасида дўстлик ва ўзаро тушуниш хукмронлик қиласарди, барча муаммолар муҳокама орқали ҳал қилинарди. Айнан шу муносабатлар янги компаниянинг ажойиб муваффақияти учун асос бўлди, ўзаро манфаатлар уларни бирлаштири ва ҳақиқий дўстга айлантириди.

Улар бизнесда йўналишларини дарҳол топа олмадилар. Доимо янги нарсаларни яратишни хоҳлашларига қарамай, дастлаб компания радиолар учун эҳтиёт қисмлар, электр гуруч пиширгичлар ва иситиладиган ёстиклар ишлаб чиқарди.

1949 йилда Морита Америкада ишлаб чиқарилган магнитофонни сотиб олди, магнитофоннинг узаткичи нозик ва қиммат симдан ясалганди. Буни кўргач, уларда лентали магнитофон яратиш ғояси пайдо бўлди. Лентали магнитофонда овоз юқори аниқликда янгарди, ундаги ёзувни ўзгартириш ҳам осон бўлиб, бунинг учун янги лентани керакли жойга ёпиштириш кифоя эди.

Компания овоз ёзиш учун ўз тасмасини ишлаб чиқа бошлади. Даствлаб асос сифатида целлофан, кейин юқори сифатли қофоз ишлатилди. Аммо бу материаллар мос келмади. Компания ўз технологиясини ишлаб чиқариш учун пластик хом-ашёсига эга бўлгач, ишлар юришиб кетди.

1950 йилда биринчи магнитофон яратылды. Унинг оғирлиги 35 кг. ва нархи 170 000 иен, яъни 472 доллар (*таққослаш учун университетдан кейин шига жойлашган техник мутахассис ойига 30 доллар хақ олган*) бўлган. Ушбу техник янгилик ҳаммага ёқди, лекин сотови юришмади. Шунинг учун Морита маркетинг билан шуғулланиб, харидорларни излашга киришди. Япония Олий суди урушдан кейинги даврда стенографистлар етишмаслиги сабабли дарҳол 20 та магнитофон сотиб олди. Кейинги харидорлар мактаблар бўлди.

1952 йилда Ибукнинг Кўшма Штатларга бўлган сафаридан сўнг, ҳамкорлар радиоприёмникларнинг ҳажмини қисқартириш учун транзисторга лицензия сотиб олиш ғоясини илгари суришди. Морита бир йилдан сўнг патент олиш жараёнини якунлаш учун Нью-Йоркка борди.

1955 йилда “Sony” Японияда биринчи TR-55 транзисторли радиоприёмнигини тақдим этди. Икки йил ўтгач, компания биринчи “чўнтак” приёмниги TR-63ни бозорга чиқарди. Ушбу ихтиро “Америка саноатининг майший электроника бозоридаги якунининг бошланиши” деб номланди.

1960 йилда “Sony” дунёдаги биринчи транзисторли телевизорни тақдим этди. 1961 йилда эса илк портатив телевизор пайдо бўлди. “Sony” портатив телевизорлари бозор сегментини муваффакиятли ўзлаштирумокда, унинг рақобатчиси йўқ эди.

Шундан сўнг муваффакиятлар бирин-кетин кела бошлади: дунёда биринчи транзисторли видеомагнитофон, “Тринитрон” кинескопли биринчи рангли телевизор, биринчи профессионал кассетали видеомагнитофон, биринчи майший кассетали видеомагнитофон, “Walkman” кулоқчиниلى биринчи портатив кассетали аудиоплеер, биринчи компакт дисклар ишлаб чиқарилди.

1994 йилда компания Япония бозорига PlayStation ўйин приставкасини тақдим этди. Шунингдек, 90-йилларда Cyber-Shot рақамли фотоаппаратлари, VAIO шахсий компьютерлари, DVD видео плеерлари, Memory Stick хотира карталари кабиларни тақдим этди.

Ишониш қийин, лекин дастлаб, маҳсулотлар ишлаб чиқарилган давлат эътиборни торгаслиги учун “Sony” ўз маҳсулотлари экспортида “Японияда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқдаги сўзларни жуда кичик ҳарфларда кўрсатарди, чунки (*қоғоз соябон, ўйинчоқлар каби*) япон маҳсулотлари Ғарбда кунчиқар мамлакатда тайёрланган сифатсиз маҳсулотлар деб ном чиқарганди.

Акио Морита бу стереотипни йўқ қилди ва бутун дунёдаги одамларнинг тушунчасини ўзгартирди. Энди улар “Японияда ишлаб чиқарилган” деган ёзувни ўқиб, ушбу маҳсулот энг юқори сифатга эга эканлиги тушунишларига муваффақ бўлди. Бу ғайриоддий шахс нафақат ўз компанияси, балки бутун мамлакат ривожига бебаҳо ҳисса қўшди.

МУВАФАҚИЯТНИ ҲАММА ЖОЙДА КҮРИШГА ҮРГАНИНГ

*Табиат бизга икки қулоқ, икки күз,
лекин фақат битта тилни инъом этган,
токи биз гапирганимиздан кўра кўпроқ
кўришишимиз ва эшитишишимиз учун.*

Сократ

Кўпчилик ушбу сўзлар нимани англатишини тушунмайди. Аммо буни тушуниш жуда муҳим маҳоратdir. Бу барча ҳодисалар, ҳолатлар, ҳаракатлар, нарсаларга чуқурроқ разм солиш кераклигини билдиради. Ҳамма нарсани кўрадиган рентген каби бўлинг.

Бунинг учун мия ҳамма жойда муваффақиятни кўра олиши учун уни машқ қилдириш зарур. Щунда сиз меҳмонхоналар, савдо марказлари, гўзаллик салонлари, ресторанлар ва ишлаб чиқариш цехлари ёнидан ўтаётганда бирорларнинг муваффақиятини кўришни ўрганасиз.

Вақти келиб, атрофингиздаги ҳеч ким кўрмайтган истиқболли ғояни кўра олиш қобилиятига эга бўласиз.

**Инсоннинг кўзлари ақли имкон берган
нарсаларниги на кўради.**

Имкониятларни кўриш учун миянгизни қуидагича машқ қилдиришни бошланг: атрофингиздаги пулларни хисоблашни ўрганинг. Шунда гавжум чорраҳадан ўтаётб, миллиардлаб даромадни кўраёттанингиздан ўзингиз ҳам ҳайратга тушасиз. Бинолар, оғислар, хонадонлар, дўконлар, кафелар, ўнлаб машиналар – буларнинг барчаси пул туради.

Бир ой давомида миянгизни шу тарзда машқ қилдинг, шунда сиз бутунлай бошқача фикрлай бошлайсиз. Мен одамларни тренинглар жараёнида кетма-кет шундай қилишга мажбур қиласман ва агар бундай қилишни хоҳлашмаса, машғулотларга келмасликлари яхшироқ эканини айтаман. Чунки бундай одамлар кўчада ҳеч нарсани кўрмай, худди кўзи ожиз одамдек юришади. Улар ўз муаммолари ҳакида ўйлашади ва доимо бир нарсани такрорлайдилар – пул йўқ, пул йўқ, пул йўқ. Атрофдаги бойликларга эса эътибор беришмайди.

Агар сиз ўзингизни камбағал деб хисобласангиз, бор нарсангизни инвентаризация қилинг. Шунда қанча кераксиз, ишлатилмайдиган нарсаларингиз борлигини билib ҳайрон қоласиз. Сизда ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса ҳатто ортиқчаси билан борлигини тушуниб етасиз, натижада атрофингиздаги дунёга муносабатингиз ўзгари ва оптимист инсонга айланасиз.

ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁКИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АҚЛЛИ БҮЛИШ МУМКИН?

*Аниқ фикрлаш ва оддий нарсаларни
бажариши бошлиш учун қаттиқ ишилаш
керак. Буни үддасидан чиққанингизда кучли
инсонга айланасиз.*

Стив Жобс

1. Ҳамма ёмон нарсалардан воз кечиш керак.

Агар сиз ўз режаларингизни амалга оширишни, мақсадларингизга эришишни, орзуларингизни рўёбга чиқаришни истасангиз, ёмон ва нопок ишлардан воз кечинг. *Зеро, иймонли киши яхшилик қиласиган эмас, балки ёмонлик қилмайдиган (ёмон ишлардан воз кечган) инсондир.*

Чунки хайрли ишлар омма олдида ва ўзини кўрсатиш учун амалга оширилади, бу муҳтожлар ҳимоячисининг ижобий қиёфасини шакллантиришнинг яхши усули. Ахир одамларга мақтовлар ёқади, бу уларни мағурур-

лантиради. Ёмон ишлар эса ҳеч ким билмаслиги учун яширинча амалга оширилади. Унинг ошкор бўлишидан кўркишади. Шу сабабли

ҳақиқий иймон инсон ўзи билан ёлғиз қолган пайтларда намоён бўлади.

2. Тақиқланган нарсани ва ўзингиз ишлаб топмаган нарсани (харом) тановул қилманг.

Мен пора оладиган ёки фирибгарлик билан шуғулланадиган одамларнинг фарзандлари иқтидорсиз ва омадсиз бўлишларини пайқадим. Бунинг сабаби шундаки, инсон ҳалол меҳнат билан топилмаган егуликни истеъмол қилса, унинг онги чекланади ва секинроқ ривожланади, чунки ҳаёт шундай тартибда курилган: у бундай одамлардан халос бўлишга интилади.

Шунинг учун, ҳамкорларингизни алдаманг, мижозларга ёлғон гапирманг, харом йўл билан топилган нарса фаровонлик ёки баҳт келтирмайди. Бундан ташқари, бу сизнинг фарзандларингизга ҳам таъсир қиласи: улар ўзларини намоён эта олмайдилар, ўз истеъдолларини амалга ошиrolмайдилар. Фақат ҳалол топилган пул сизни чинакам бой ва баҳтли инсонга айлантира олади.

3. Иблиснинг иккита қуроли мавжуд: васваса ва кўркув.

Иблис ҳар доим сизга қарши иккита қуролдан фойдаланади – васваса ва кўркув. Сизнинг бизнесингиз тез ривожланса, бу сизни маблағни исроф қилиш васвасасига солади. Иблис шундай шивирлайди: “Кел, шу йўналишга сармоя киритайлик, кел, мана бу лойиҳага ҳомийлик қилайлик”. У сизни ҳамма нарсани кетма-кет бажаришга ундейди, сизда очкўзлик пайдо бўлади. Бу васвасаларга берилмаслик керак.

Иккинчи қурол – қўрқув. Бу қурол яхши иш қилмоқчи бўлганингизда қўлланилади. Мисол учун, иблис айтади: “Хайрия ишларини қилма, чунки ўзингга пул етмаяпти, бугун ибодат қилма, бунга вақтинг йўқ, қарзингни қайтарма, кейин берсанг ҳам бўлади”.

Ёки сизда ажойиб ғоя пайдо бўлса, у сизни қўркув билан ўша ғояни амалга оширишдан тўхтатишга ҳаракат қиласди, барибир ҳеч нарса иш бермаслигига, бу ғоя барбод бўлишга ишонтиради ва аввалги инқирозларни эслатади. Агар бирор нарсани ўзгартирмоқчи бўлсангиз, у қўркувдан фойдаланади. Муваффақиятга эришсангиз, васвасани ишга солади. Бу нарсаларни таниб олишни ўрганишингиз керак.

4. Ўзингизнинг заиф томонларингизга “йўқ” дейишни ўрганинг, кичик кўнгилхушликлардан воз кечиш катта кувончларга сабаб бўлади.

Мақсадларингизга эришишингизга ёрдам бермайдиган ҳамма нарсага “йўқ” дейишни ўрганинг. Кераксиз харажатлар, ёмон одатлардан воз кечинг. Мисол учун, чекиши ташланг, саломатлигингизга зарар етказадиган бу кичик кўнгилхушликдан воз кечиши орқали каттароқ кувончга эга бўласиз. Аёллар билан тасодифий муносабатлардан воз кечинг, шу орқали сиз мустаҳкам оиласа эга бўласиз ва бу вақтингчалик кўнгилхушликлардан кўра мухимроқдир.

Ҳамкорларингизни алдаб кўшимча бир неча юз минг сўм пул ишлаш истагидан воз кечинг, натижада ҳақиқий бой одамга айланасиз. Кераксиз нарсалар учун қилинадиган харажатларингиздан воз кечинг, бунинг эвазига бизнесингизни кенгайтириш учун капитал тўплашингиз мумкин.

Заифлигингизга айланган қичкина кувончларга “йўқ” десангиз, сиз янги ютуқлардан келувчи узоқ муддатли кувончга эга бўласиз. Ақлий меҳнат ютуқларидан

баҳраманд бўлишни ўрганинг, чунки улар сабабли сиз мақсадларингизга яқинлашасиз.

5. Онгни бўшатиш ва тозалаш.

Онгингири тозалаш билан доимий шуғулланишингиз, бунинг учун медитация, ибодат қилишингиз ва рўза тутишингиз зарур. Буларнинг барчаси онгни жуда яхши тозалайди.

6. Тугалланмаган ишлардан халос бўлинг.

Тугалланмаган ишларни мияда саклаш одати туфайли одамлар босимга учрайдилар, уларда ўз-ўзига паст баҳо берувчи танқидий фикрлар пайдо бўлади. Бу тушкунлик ва зўриқишига олиб келади, сурункали чарчоқ пайдо бўлиб депрессияга айланади. Шунинг учун, тугалланмаган ишлардан имкон қадар тезроқ кутулишга ҳаракат қилинг.

7. Ҳаёт дехқончиликка ўхшайди, яхши уруғ эксангиз, яхши хосил оласиз.

Ҳаётимиздаги уруғлар бизнинг амалларимиздир. Ҳаракатларимизнинг оқибатлари ҳам бўлади. Яхши амаллар қилсангиз, ижобий натижага эришасиз. Агар ёмон иш қилсангиз, обрўйингизга путур етказадиган натижага эришасиз. Мевали боғингиз тиканакзорга айланмаслиги учун уни парвариш қилиш ҳақида ўйланг.

8. Ўзингизнинг кучли томонингизни, Яратган қалбинингизга жо этган хислатни топинг. Ўзлигингизга эга бўлинг, бошқаларга ўхшашга ҳаракат қилманг.

Сизнинг кучли томонларингиз – бу сиз қилишни яхши кўрадиган, сизни илҳомлантирадиган, қалбинингизга иштиёқ берадиган ва маънавий мукофот келтирадиган нарсалар. Қобилияtingиз ва иқтидорингизнинг кўрсаткичидир.

Яратган сизни ким сифатида кўришни хоҳласа, ўзингиз ким бўлишни истасангиз ўша инсонга айланинг. Бу онгингизга ҳаётингизнинг идеал тасвирини қандай чишишингизга боғлиқ.

9. Тавба қилинг, гуноҳлардан халос бўлинг.

Инсон қанча кўп тавба қилса, унинг ҳаёти шунчалик енгиллашишини англадим. Бунда мия бошқача ишлай бошлайди, онгингизда янги режалар, фикрлар, ғоялар пайдо бўлади. Бу эса янги натижаларга эришишга ёрдам беради.

10. Салбий хислатларингиз устида ишланг.

Биринчидан, ўзингизнинг салбий хусусиятларингиз ва ёмон одатларингиз рўйхатини тузинг. Сўнгра аста-секин улардан халос бўлишга киришинг. Тахминан бир йилдан сўнг рўйхатингизни текширинг, сиз ушбу вазифани бажардингизми, йўқми.

Агар сиз ҳеч бўлмагандан баъзи камчиликлардан халос бўлган бўлсангиз, демак, инсон сифатида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилгансиз. Ҳеч нима ўзгармаган ва ҳамма нарса аввалгидек бўлса, унда шахсий ривожланиш бўлмаган. Эҳтимол, сиз уй курган ёки машина сотиб олгандирсиз, лекин булар бошқа турдаги режаларнинг ютуқлари. Ўз-ўзини ривожлантириш борасида сиз ҳеч нарсага эришмагансиз, бу орзуларингизни рўёбга чиқаришга таъсир қиласи.

Шахсий ривожланишнинг ягона кўрсаткичи – иллатларга қарши кураш натижасида салбий хусусиятлар ва ёмон одатлардан халос бўлиш.

11. Бироннинг тегишли нарсасини олманг.

Бу тамойил сиз учун қонун бўлиши керак. Ҳаётда вазиятдан фойдаланиб, ўзингизники бўлмаган нарсани олиш васвасаси тез-тез пайдо бўлади. Ушбу васвасага берилманг, чунки бундай ҳаракат катта муаммоларни келтириб чиқаради. Мен бундай йўл тутган ва қилмисидан афсусланмаган одамларни учратмаганман. Ушбу қоидани бузганлик учун жазо баъзан эришиладиган бойликлардан анча оғирроқ бўлади.

12. Қарз олманг.

Сизга маслаҳатим – молиявий мажбуриятларсиз яшанг. Қарзлар онгнинг имкониятларини чеклайди, чунки бундай шароитда сиз доим улар ҳақида ўйлашга мажбур бўласиз. Молиявий мажбуриятларсиз эса мия қарз ҳақида ўйламай самарали ишлайди.

Ҳозирги пайтда кўпчилик кредит билан яшашга ўрганиб қолмоқда. Бу истеъмол, бизнес учун кредитлар ёки уй-жой ипотекаси бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда улар ҳаётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Аммо молиявий мажбуриятларсиз яшай олсангиз, кўпроқ нарсага эришасиз, чунки бунда сизнинг онгнинг фақат мақсадларингизга эришиш устида ишлайди.

13. Ҳеч ким ва ҳеч қандай вазият сизни ўзингизни ўйқотишга мажбур қилолмаслигига ҳаракат қилинг.

Бунинг учун сиз хотиржамлик ва назоратни сақлаш учун кучли иродага эга бўлишингиз керак. Биронларнинг танқидлари, файритабиий хатти-ҳаракати, ҳақоратли сўзлари руҳий ҳолатингизга таъсир қилмаслиги зарур. Сиз ҳақоратларга ғазаб билан жавоб қайтармаслигингиз керак. Ҳар қандай вазиятга ақл-идрок ва донолик билан ёндашинг. Бу маънавиятингизнинг кўрсаткичидир.

14. Тақдир совғасини қабул қилишга тайёр бўлинг.

Ҳаётда кўпинча кутилмаган ҳодисалар рўй беради ва биз кутилмагандага тақдир совғаларини оламиз. Аллоҳ таоло бизга совға тайёрласа, уни муаммога ўраб беради. Муаммолар зарар етказиш учун эмас, балки сизни синаш, тажриба ўргатиш учун берилади.

Бугунги қийинчиликлар кечаги хатолар учун жазо эмас, балки келажакда катта ютуқларга тайёргарлиқдир.

Бу Аллоҳ таолонинг раҳматидир. Маънавий интеллект воқеликни ана шундай қабул қиласди, оддий интеллект эса бундан азобланади.

Маънавий интеллект тақдир совғаларини қабул қила олади, қийинчиликларни енгигиб ўтиб ҳар қандай вазиятни ўрганади ва тегишли хуносалар чиқаради. Шунинг учун у доимо янги ютуқларга интилади.


15. Доим вазиятга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилинг, масъулиятни ўз зиммангизга олинг.

Ҳар қандай вазиятга таъсир қила олсак, улар назоратимиз остида бўлади. Вазиятга таъсир қилиш тўғрисида қарор қабул қилганингизда, онгингиз муаммони ҳал қилиш учун кўплаб вариантларни топади. Аммо бундай қилишни истамасангиз, ўзингиз учун баҳона топиб, ҳамма нарсада бошқаларни айбласангиз, ҳаётингизда ҳеч нарса ўзгармайди.

16. Ёлғон гапирманг. Ёлғон бу ақлий қувватни бехуда сарфлашдир.

Инсон аввал арзимас ҳолатларда ёлғон гапиради, кейин эса ўша ёлғонларини яшириш учун янада кўпроқ

алдашга мажбур бўлади. Аввалги ёлғонларни яшириш учун тобора ана шу ботқокка ботиб боради. Шундай қилиб, ёлғон аста-секин кенгайиб боради ва инсон бошида нималар деб алдаганини эслай олмайди. Оқибатда атрофдагилар унинг ёлғонларини пайқаб қолишади, шу тариқа унга ишонмай қўядилар. Одам доимо айтган ёлғонларини унутиб қўяди. Шунинг учун яхшиси ҳеч қачон ёлғон гапирмаслик керак.



17. Ваъда берманг. Берган ваъдангизни эса, албатта, бажаринг.

Камроқ ваъда бериб кўпроқ амалда кўрсатинг, шунда сизни хурмат қилишади ва қадрлашади. Баъзан биз бошқалар учун қилмоқчи бўлган ишимиз ҳақида гапирамиз ва ўша ишни чиндан ҳам амалга оширишни хоҳласак ҳам баъзида шароит ўзгариб биз мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Баъзан турмуш ўртоғимиз, дўстимиз ёки фарзандларимизга ваъда берамиз, кейин ваъдалармизни унутиб қўямиз ёки бажаролмай қоламиз, лекин ваъда берган инсонларимиз бу ҳақда унутишмайди. Бу ҳолат бизга халяқит беради, зўриктиради, виждонимизга босим ўтказади, бир сўз билан айтганда, ўзингизни қарзга ботгандек хис қиласиз.

Яхшиси ҳеч кимга ҳеч қандай ваъда берманг. Яқинларингиз учун бирор нарса қилишни хоҳласангиз, уларга айтмасдан бажаринг, шунда бу улар учун ёқимли совғага айланади. Мабодо режангиз ўхшамай қолса, ўзингизни айбдор ҳис қилмайсиз.

18. Муваффақият сири бу эътиборда. Эътиборингиз қаерга қаратилганига дикқатли бўлинг.

Баъзан мен ҳам барча бизнесларимга вақт ажратолмайман, сўнгти йилларда уларнинг кўпчилигини масофадан бошқаришга мажбур бўляпман. Шуни пайқадимки, доимо бизнесларимнинг ёнида туришим шарт эмас, улар ҳақида ўйлашнинг ўзи етарли.

Қаерга эътиборимни қаратсам, ўша ерда натижалар яхшиланади. Агар бирор бизнесимга энг зўр мутахассисларни раҳбар қилиб тайинлаган бўлсаму, лекин мълум вақт давомида ўша ишга етарли эътибор қаратмаган бўлсам, у ерда натижалар ёмонлашади.

Мен кўпроқ эътибор қаратган бизнесда эса бироздан кейин сезиларли ўсиш қузатилади. **Эътиборингиз қаерга қаратилса, ўша ерда яхши натижаларга эришасиз.**

Аниқ нарсалар ҳақида кўпроқ ўйланг, бу эътиборингизни машқ қилдиради.

**Мақсадингиз ҳақида кўп ўйлашга
ҳаракат қилинг.**

19. Фикрлар жамланмаси.

Хаёлимдан ҳар турли фикрлар ўтади. Нима қилсангиз ҳам, бу ўйлар ўзи келиб, ўзи кетади. Бирор иш билан банд бўлган вақтингизда ҳам миянгизда ишингизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган фикрлар пайдо бўлаверади.

Фикрлар бир мавзудан иккинчисига ўтади, масалан, сиз уй, иш ҳақида ўйлайсиз, кейин эса ўтмишни эслайсиз ёки келажакни тасаввур киласиз. Фикрлар қаерга кетса, диққат-эътибор, ақлий қувват ҳам ўша мавзуга сарфланади.

Бир куни шуни сездимки, жисмоний меңнат қилмаган бўлсам ҳам ҳар хил нарсалар ҳақида кўп ўйлаганим учун жуда чарчадим. Агар бир вактнинг ўзида деярли барча муаммолар, муваффақиятсизликлар ва уларнинг сабаблари ҳақида ўйласангиз, ўзингизни оғир меңнат қилиб чарчагандек ҳис қиласиз. Бу ҳолат тез-тез такрорланса, сиз ўзингизга бўлган ишончингизни йўқота бошлайсиз.

Ўша ҳолатдан кейин миямда содир бўлаётганлар ва хаёлларимни худди рентгенга ўхшаб сканер қиладиган ускуна бўлса, мен бу жараённи ташқаридан кўрсам, нақадар яхши бўларди, деб тасаввур килдим.

Ўшанда шундай механизмни ўйлаб топдим, яъни сиз столга ўтириб, қўлингизга ручка оласиз ва айнан бирор нарса ҳақида ўйламай хаёлларингизга тўлиқ эркинлик берасиз. Кейин эса хаёлингизга келган ҳамма нарсаларни қоғозга ёзасиз. Мен бу ишни қилганимда, пайдо бўлган фикрлар 95% ҳолатда тартибсиз, бир-бири билан боғлиқ эмаслигини кўрдим. Кейин улар ҳаётимга қанчалик таъсир қилишини тушуна бошладим. Ахир менинг фикрларим танловим ва ҳаракатларимга таъсир кўрсатади. Натижада хаёлимдагилар ҳаётимда ҳам пайдо бўлади. Ушбу кашфиётимдан сўнг мен ўз устимда кўпроқ ишлай бошладим.

Ўшандан бери ҳар чоракда ушбу машқни вакти-вақти билан такрорлаб тураман. Натижада аста-секин фикрларимдаги тартибсизлик камайиб боради. Шу тариқа, менинг ҳаётим янада тартибли бўлди.

Хурматли ўқувчи, фикрларингизни таҳлил қилинг ва уларни тартибга солишини ўрганинг. Агар улар тартибсиз ва бир-бирига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда мухитни ўзгартиринг ва мақсадларингизга эришишга ёрдам берадиган адабиётларни ўқинг.

Фикрлар бизни ўраб турган мухит, биз кўрган ва эшитган нарсалар, шунингдек, ўқиганларимиз асосида пайдо бўлади. Мақсадларингизни доимо ёдингизда тутинг, уларни ўзингизга эслатиб туринг. Натижада режаларингиз бирмунча тезроқ амалга ошади.

20. Мақсадларга эътибор қаратинг.

Дикқатнинг кучини ҳамма билади, бу ақл бовар килмайдиган куч. Худди қуёш нурини битта бир нуқтага тўплай оладиган кўзгуга ўхшайди. Бир куни мен Стив Жобснинг интервьюсини эшитдим, унда Стив Билл Гейтсникида меҳмон бўлгани ҳакида айтиб берган ва сұхбат давомида Биллнинг отаси улардан “Муваффакиятингизнинг асосий сири нимада?” деб сўраган.

Шундай дея у Стив ва Биллга қоғоз узатиб, иккаласидан ҳам ушбу саволга жавоб ёзишни сўрайди. Иккаласи ҳам шундай деб ёзади: “**Мақсадга эътибор қаратиш**”. Қизиги шундаки, улар бир хил жавобни ёзишганди.

Бу уларда муваффакиятнинг асосий тамойиллари ўхшашлигини кўрсатади. Бу икки инсон ушбу тамойилдан фойдаланиб, ҳар бири ўз соҳасининг энг яхши мутахассисига айланишган. Улар жуда муваффакиятли одамлар, ҳар қандай бизнесмен шундай даражага кўтарилишни орзу қиласди.

Ишончим комилки азиз ўқувчи, сиз ва мен ҳам ушбу китобда баён этилган муваффакият тамойилларига амал қилсак, Худо хоҳласа, мақсадимизга эришамиз. Ҳар би-

римиз ўз соҳамиизда жаҳон миқёсидаги ютуқларга эриша оламиз.

21. Қора оққуш – оқ фил.

Қора оққуш худди оқ фил каби табиатда жуда кам учрайди. Кўпчилик уларни ҳеч қачон кўрмаган. Яъни, агар сиз ҳаётингизда бирор нарсани кўрмаган бўлсангиз, бу унинг мавжуд эмаслигини англатмайди. Сиз ҳеч қачон кора оққушни кўрмаган бўлсангиз, бу унинг табиатда мавжуд эмаслигини билдирмайди. Инсон кўп нарсаларни билими етишмаслиги туфайли эътибордан четда қолдиради.

Ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қилинг. Ажойиб ғоялар, катта ютуқлар, дадил таклифлар, кутилмаган кашфиётларни эътиборсиз қолдирманг. Балки сиз шунчаки бу ҳақда билмассиз. Билмаган нарсаларингизни ўрганинг. Ҳар доим ҳамма нарсани тушунишга ҳаракат қилинг, олинган ҳар қандай маълумотни таҳлил қилинг ва кейин мақсадларингизга эришиш учун ундан фойдаланинг.

Янги билим ва доно маслаҳатларга очик бўлинг. Эски тажрибаларга асосланиб хulosа чиқарманг, чунки вазият турли хил бўлади. Мен бир неча йил олдин ўрганган муҳим сабоқ ҳақида айтиб бераман. Бу воқеа Остонада содир бўлганди.

Одатда, тингловчиларим машғулотларга келишсаю, лекин манманлик илиб, ҳеч нарса ёзишмаса, мен уларни залдан чиқариб юборардим. Чунки мен ўкиш ўрнига ўзини кўрсатиш учун, ҳаммадан ақллилигини кўз-кўз қилиш учун келган одамларни ёқтирмайман. Уларга “Азизим, илтимос ёзинг!” дердим ва нима учун бу жуда муҳимлигини тушунтирадим. Мен инсон психологииси бўйича мутахассисман ва биламанки, кимки ёзмаса,

у онг остида буларнинг барчаси унинг учун аҳамиятсиз деган қарорга келган бўлади.

Шундай қилиб, бундай инсонлар машғулотларга бўлган муносабатини олдиндан белгилаб олишади. Шунга кўра, натижа ҳам салбий бўлади.

Муваффакият ўрганишга бўлган муносабат билан белгиланади. Унга қандай муносабатда бўлсангиз, шундай натижага эришасиз.

Мен жуда қаттиқ меҳнат қилаётганим ва шогирдларимнинг натижалари учун курашаётганим сабабли, улар мен ҳақимда нима деб ўйлашларига аҳамият бермайман, асосийси улар ижобий натижага эришиши керак. Шунда ўз мақсадимга эришдим, деб ҳисоблайман.

Шунинг учун мен сизга Остонада содир бўлган воқеа ҳақида гапириб бермоқчиман. Бир марта машғулотда мени тинглаётган, лекин ҳеч нарса ёзмаётган одамни кўриб қолдим. Ёши элликдан сал ошганга ўхшайди, у қора кўзойнак тақиб, муҳокамада фаол иштирок этиб, саволлар берарди.

Бир неча марта уни залдан чиқариб юбориш ҳақида ўйладим, лекин у тўғри саволлар берарди, шунинг учун мен уни ўз қоидаларимга қарши чиқиб дарсда қолдирдим. Машғулотни туттаганимдан сўнг эса йилига бир марта Иссиқкўлда ўтказадиган очик хаводаги машғулотларим ҳақида айтиб ўтдим.

Ишим тугагач, у қўлинини кўтариб: “Ногиронлар учун чегирмалар бўладими? – деб сўради. Мен ушбу тоифадаги одамлардан ким ушбу тренингда иштирок этишини хоҳлаётганини сўрадим, у: “Мен кўзи ожизман” деб жавоб берди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳали ҳам ўша

инсоннинг жавобини эсласам, кўзимга ёш келади, этим жимиirlаб кетади.

Мен ўшанда қўполлигим учун Худодан кечирим сўрадим. Тасаввур қилинг-а, агар мен бу одамни залдан чиқариб юборсам, бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечи-ролмасдим ва бутун умр бу ишимдан афсусланардим. Мен учун ўша ҳолат энг керакли дарс бўлган.

Шу воқеадан кейин мен ҳеч қачон ўтмишдаги тажри-бага асосланиб фикр юритмадим, чунки вазият бошқача бўлиши мумкин. Қандай бўлмасин, биз эски қоидаларни бузадиган, ноанъянавий вазиятларни тушунишга очик бўлишимиз керак.

Фақат тажрибангизга таянманг, бошқа одамларнинг хулосалари ва бошқача қарашларини ҳам тингланг. “Ҳа, мен сизга ўхшаган одамларни жуда яхши биламан” деб биринчи кўрган одамингизга тамға османг.

Бир инсонга қараб бутун миллат ҳақида хулоса чиқарманг, ҳар кимнинг менталитети ҳар хил, лекин миллатнинг ёмони бўлмайди, ёмон одамлар бор, холос.

Агар сиз феъли бузук ва баъзи диний ақидаларга риоя қилмайдиган кишини кўрсангиз, дин ҳақида хулоса чиқарманг. Бир одамнинг хато ва камчиликларини диннинг хатоси, деб бўлмайди. Очик бўлинг, шунда донолик сиз томон келади.

22. Низолар. Ҳақлигингизни исботлаш.

Бу бемаънилик. Ҳеч қачон баҳсларда ҳақлигингизни исботлашга уринманг. Рақибларингизни диккат билан тинглаганингиз маъкул, балки сиз эмас, улар ҳақ бўлиб чиқишар. Ҳар ҳолда, турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви ақл учун фойдалидир. Бундан ташқари, ҳақиқат одатда ўртада бўлади.

23. Бошқалардан яхшироқ бўлиш ёки ўзингизни бошқалар билан солишириш истагидан воз кечинг.

Ўзингизни бошқа одамлар билан солиширманг, чунки бу дунёда ҳар доим сиздан кўра ақлли ва бойроқ инсонлар бўлади. Ривожланиш ва ҳаётдан миннатдор бўлиш учун бугунингизни кечаги кунингиз билан, қандай бўлганингиз ва нималарга эришганингизни таққосланг.

Ўзингиздан қолдирадиган мерос ҳакида ўйлаб кўринг. Барча буюк шахслар ўзидан кейин инсониятга хизмат қиласдиган ютуқларни қолдиришган ва шулар орқали уларни ёдга оламиз. Сиз ҳам шу ҳақда ўйлашингиз керак.

Биз айтиб ўтган нарсаларни амалга ошириш учун камида етти йил ва умуман олганда йигирма йил керак бўлади. Улар сизга осондек кўриниши мумкин, лекин аслида бу кўп куч талаб қиласди. Аммо сиз ушбу билимларни амалда қўллашни бошлаганингиздан сўнг, ҳаётингизда қандай улкан ўзгаришлар рўй беришини кўрасиз.

Сезиларли натижаларга эришганингизда, бу ҳақда менга ёзинг. Бу жуда муҳим, чунки бундай ҳикоялар бошқа одамларга ўзларига ишониш ва шунга ўхшаш натижаларга эришишга ёрдам беради. Бу ҳақда гапирамаслик гуноҳ, чунки дунёда бундай ҳикояларга муҳтож одамлар жуда кўп.

**Одамлар муаммога дуч келганларида уларга
кимдир ёрдам беришини хоҳлашларини
англадим. Муваффакиятга эришганларида эса
бу ҳақда ҳеч кимга айтишни хоҳлашмайди.
Бу нотўғри, муваффакиятлар ҳақида гапириш
керак.**

Ахир биз муаммоларимиз, қарзларимиз ва ташвишларимиз ҳақида ҳаммага гапириб берамизку. Лекин ютуқларимиз қувончини баҳам кўришни истамаймиз, чунки муваффақиятимизга кўз тегишидан қўрқамиз. Бу хато тушунча.

Сизнинг ҳикоянгиз бошқа одамнинг тақдирини яхши томонга ўзгартириши, кўплаб инсонларга ўмид бағишлиши мумкин. Балки илҳом манбаи бўлиб хизмат қилар. Шунинг учун, агар сиз юқори натижаларга эришган бўлсангиз, бу ҳақда атрофдагиларга гапириб беринг.

Жон Кехонинг ажойиб гапи бор: “Бизнинг муваффақиятимиз кўпчиликка ёрдам беради, омадсизлигимиз эса ҳеч кимга ёрдам бермайди”. Шунинг учун, муваффақиятларингиз ҳақида бизга ёзиб юборинг, мен сизнинг ҳикояларингизни қабул қилишдан ва уларни ўқувчилар билан баҳам кўришдан хурсанд бўламан.

Келажагингизни ўзгартирадиган учта савол

- 1) Сиз кимдан ўрганяпсиз, устозингиз ким?
- 2) Нималар ҳақида ўқийсиз, қандай китобларни ўқишини афзал кўрасиз?
- 3) Атрофингизда кимлар бор, дўстларингиз ким?

ХУЛОСА

Хурматли ўкувчи! Агар сиз ушбу китобни ўкиб чиққандан кейин ўзингизни бутунлай ўзгартиришга ва ҳаётингиз сифатини яхшилашга қарор қиласангиз, барча маслаҳатларга амал қилинг ҳамда бу ерда келтирилган тавсияларни бажаринг. Аввало, ишни учта саволдан бошланг ва олинган билимларга мувофиқ қарор қабул қилинг, шунда келажакда муваффақиятга эришишингиз кафолатланади. Мен сизни дуо қиласман. Ёдингизда ту-тинг, МУВАФФАҚИЯТ – УЛГУРИШ демакдир.

**Муваффақиятли ва ижодкор инсонлар дунёсига
хуш келибсиз. Бу дунёга кириш учун сиздан 99%
мехнат ва 1% истеъдод талаб этилади.**

Ўзингиз танлаган соҳанинг етук мутахассисига айланмагунингизча ҳаракат қилинг ва тинмай ўз устингизда ишланг.

Саволларингиз бўлса қўйидаги телефонларга мурожаат қилиниш
Киргизистон: +996 779 20 44 83, +996 555 89 13 22
Қозоғистон: +7 727 317 90 20, +7 701 959 66 29
Тоҷикистон: +992 378 82 55 55, +992 935 72 92 29

E-mail: info@worldsamo.com

Web: www.worldsamo.com

Биз ижтимоий тармоқларда! Facebook, Одноклассники, Twitter
ВКонтакте ва Instagram!

Энг янги ва қизиқарлилари бу ерда:

www.facebook.com/worldsamo

www.odnoklassniki.ru/worldsamo

www.twitter.com/World_Samo

www.vk.com/worldsamo

instagram.com/worldsamo

Сайдмурод Давлатов

МЕНИНГ КУЧЛИ ТОМОНИМ

Таржимон: Манзура Бекчанова

Муҳаррир: Дилфузә Гапирова

Мусахҳих: Ўткир Эшбоев

Саҳифаловчи: Рустам Хидоятов

Босишга рухсат этилди: 19.09.2022

Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма.

Гарнитура: Arial. Босма табоқ 17,5.

Адади: 1000. № 6.



8380

«MATRIX» нашриёти.

Тошкент ш., Сайрам 7-тор кўчаси, 52-уй.

«MATRIX» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Сайрам 7-тор кўчаси, 52-уй.